

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ»  
ЙЎНАЛИШИ**

**«ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ  
УЙҒУНЛАШГАН УСУЛЛАРИ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ўқув-услубий мажмуда**

**Тошкент-2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ (ЭКИН ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)**

**"ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ УЙҒУНЛАШГАН  
УСУЛЛАРИ"**

модули бўйича

**ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент-2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** А.Р.Анорбаев-Ўсимликларни ҳимоя қилиш

кафедраси профессори, к/х.ф.д.

Б.С.Болтаев-Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси доценти, к/х.ф.н.

А.Т.Холлиев-Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси доценти, к.х.ф.ф.д.

**Такризчи:** М.А.Зупаров – Агробиотехнология кафедраси доценти

**Ўқув -услубий мажмуа ТошДАУ Кенгашининг 2020 йил 7 декабрдаги З-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	18
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	128
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	239
VI. ГЛОССАРИЙ .....	245
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	253
ТАҚРИЗЛАР.....	255

## **I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқкан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг уйғунлашган усуллари” модулининг мақсади:** Ўсимликларни зарарли организмларига қарши агротехник, биологик, кимёвий ва бошқа усулларни қўллашнинг янги технологиялари, энтомофагларни қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига қарши қўллашда, ўсимликлар зарарли организмларига қарши замонавий микробиологик препаратларни қўллашнинг янги технологияларидан фойдаланиш, янги замонавий пестицидларни препарат шакллари ҳамда уларни зарарли организмларга қарши қўллашда замонавий технологиялардан фойдаланиш, ғўза, ғалла, сабзавот-полиз, картошка, мойли экинлар, мевали боғларга зарар етказувчи асосий ҳашаротлар, каналар, нематодалар ва касалликларга қарши, биологик, кимёвий кураш усулларини уйғунлашган кураш тизимида қўллаш принципларини ўрганишдан иборат.

**“Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг уйғунлашган усуллари” модулининг вазифаси:** Қишлоқ хўжалик экинларининг кенг тарқалган, заарли организмларининг турлари ва уларга қарши курашда жаҳон тажрибалари; қишлоқ хўжалик экинларининг зааркунандалари (ҳашаротлар, каналар, нематодалар, шиллиққуртлар, кемирувчилар) зарари ва ҳаёт тарзи, қишлоқ хўжалик экинларининг зааркунандаларига қарши очикда, иссиқхоналарда ва омборхоналарда олиб борилаётган замонавий кураш усуллари: профилактик, агротехник, биологик, кимёвий ва бошқа кураш чораларини самарадорлигини баҳолаш ва қишлоқ хўжалик экинларида заар етказувчи бегона ўтларнинг турлари, ривожланиш хусусиятлари ва уларга қарши кураш чораларини ўрганишдан иборат.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникмаси, малакаси ва копетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг уйғунлашган усуллари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- пестицидларни амалиётда қўллаш тартибларини;
- заҳар ва заҳарланиш тушунчалари, пестицидларни заарли организмларга кириш йўллари, заҳарни организмда ўзгариши ва ундан чиқарилиши;
- ўсимликларни ҳимоя қилишда энергия ва маблағ тежовчи технологияларни жорий этиш;
- ўсимликларни ҳимоя қилишда хорижий давлатлар ютуқларини **билимларга эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

- ўсимликларни ҳимоя қилишда замонавий кимёвий воситалардан фойдаланиш;
- ўсимликларни зааркунандаларига қарши биологик кураш чораларини такомиллаштириш;
- ўсимликларни ҳимоя қилишда инновацион технологияларни жорий этиш;
- экинларни заарли организмлардан ҳимоя қилишда уйғунлашган кураш тизимини жорий этиш **каби кўникмаларига эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

- қишлоқ хўжалиги соҳасида мониторинг олиб бориш;
- қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини башорат қилиш;

- дала экинлар ҳосилдорлигига кимёвий воситаларнинг таъсирини аниқлашни дастурлашда замонавий методлардан фойдаланиш;
- дала экинларининг минерал озуқаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;
- дала экинларини сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

- Қишлоқ хўжалиги экинларининг заарли организмлар билан заарланиши бўйича мониторинг олиб бориш;
- Қишлоқ хўжалиги экинларини заарли организмларини қўпайиши ва тарқалишини башорат қилиш;
- Ўсимликларни заарли организмлардан ҳимоя қилишнинг кураш усуллари, воситалари ҳамда уларни уйғунлашган кураш тизимида қўлланилиши;
- Қишлоқ хўжалиги экинларининг зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларини тарқалиши бўйича ҳамда уларга қарши кураш чораларини олиб бориш бўйича **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

“Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг уйғунлашган усуллари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида тахлимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологилардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан. Экспресс-сўровлар. Тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиги ва узвийлиги**

“Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг уйғунлашган усуллари” модули мазмуни ўқув режадаги “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” ўқув модули билан узвий

боғланган ҳолда педагогларнинг ахборот коммуникация технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар қишлоқ хўжалик экинларини заарли организмларига қарши атроф муҳитга кам заарли ҳимоя қилиш тизимини бартараф этишнинг долзарб масалаларидағи муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси			
		Жами	Назарий	Амалий машнұлот	Күчма машнұлот
1.	Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлари.	2	2		
2.	Ўсимликларни заарли организмларига қарши ўйғунлашган ҳимоя қилиш тизими.	2	2		
3.	Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши биологик ва кимёвий кураш усули.	2	2		
4.	Қишлоқ хўжалиги экинларининг заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.	2	2		
5.	Ғұза, ғалла экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.	2		2	
6.	Мевали боғлар ва сабзавот экинлари экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.	2		2	
7.	Ёнғоқ ва ёнғоқ мевали дарахтларнинг заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари	2		2	
8.	Полиз экинлари, картошка экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш	2		2	

	усуллари.			
9.	Мойли, дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.	2		2
10.	Доривор ва иссиқхона экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.	2		2
11.	Университетнинг кичик тажриба хўжалигига жойлашган Жанубий Корея республикаси билан ҳамкорликда ишлатилаётган иссиқхонада ўсимликларни ҳимоя қилиш ишларини ташкил этиш.	6		6
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>8</b>	<b>12</b>
				<b>6</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-Мавзу: Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлари.**

Қишлоқ хўжалик экинларининг заарқунандалари. Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари. Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмларининг биологик ва экологик ҳусусиятлари, тарқалиши ва зарари.

### **2-Мавзу: Ўсимликларни заарли организмларига қарши ўйғунлашган ҳимоя қилиш тизими.**

Ўсимликларни заарли организмларига қарши ўйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини афзалликлари. Қишлоқ хўжалик экинлари заарқунандаларига қарши ўйғунлашган ҳимоя қилиш тизими қўллаш. Қишлоқ хўжалик экинлари касалликлари қарши ўйғунлашган ҳимоя қилиш тизими қўллаш.

### **3-Мавзу: Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши биологик ва кимёвий кураш усули.**

Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши биологик ва кимёвий кураш усулинини қўллашнинг аҳамияти. Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши биологик кураш усулинини қўллаш. Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши кимёвий кураш усулинини қўллаш.

#### **4-Мавзу: Қишлоқ хўжалиги экинларининг заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.**

Ғўза, ғалла экинлари экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари. Мевали боғлар, ёнғоқ ва ёнғоқ мевали дарахтлар заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари. Сабзавот ва полиз экинлари, картошка, мойли, дуккакли-дон, ем-хашак доривор ва иссиқхона экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.

### **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу:** Ғўза, ғалла экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усулларини қўллаш.

**2-Мавзу:** Мевали боғлар ва сабзавот экинлари экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.

**3-Мавзу:** Ёнғоқ ва ёнғоқ мевали дарахтларнинг заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.

**4-Мавзу:** Полиз экинлари, картошка экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.

**5-Мавзу:** Мойли, дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.

**6-Мавзу:** Доривор ва иссиқхона экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.

### **КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Университетнинг кичиктажриба хўжалигига жойлашган Жанубий Корея Республикаси билан ҳамкорликда ишлатилаётган иссиқхонада сабзавот экинларини асосий зааркунандалари турларини ўрганиш ва уларга қарши ўйғунлашган кураш тизимини ташкил этиш. Иссиқхоналарда зааркунандаларга қарши биологик ва кимёвий кураш усулларида қўлланиладиган воситаларни самарадорлигини аниқлаш.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### **Намуна:**

Мобил операцион тизимлар					
Android		iOS		Windows Phone	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

**Хулоса:**

#### **“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хulosса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши</li> </ul>

**Кейс.** Мобил қурилма учун Андроид опреацион тизимининг 5.0 (API Level: 21) версияси учун илова ишлаб чиқилди. Сизнинг телефонингиздаги Андроид опреацион тизимининг версияси 4.3 (API Level: 18). Мобил иловани телефонингизга ўрнатиб ишга туширмоқчи бўлганингизда хатолик келиб чиқди. Яъни илова ишламади.

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки групий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “**Полимарфизим объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тамойилларидан биридир**”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиликнада янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилик учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари

мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно анлатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт яқунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини

текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Activity	илованинг бирорта ойнасини (интерфейс) бошқарувчи Java кенгайтмали файл	
adb (Android Debug Bridge)	SDK орқали иловани ишга тушурувчи дастур	
SDK (Software Development Kit)	андроид учун кутубхона	
JDK (Java Development Kit)	Java дастурлаш тили учун кутубхона	
Layout Resource	илова ойналарининг кўринишини сақловчи XML файл	
Manifest File	илова учун керакли барча маълумотларни XML файл (мисол учун: илова номи, интент филтрлар, интернетга боғланиш)	
Service	илова орти хизматлар яратиш учун синф	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### Вени Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва хар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух

аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Мобил илова маълумотларини сақлаш турлари бўйича  
“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тутатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўплланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

<b>Ҳаракатлар мазмуни</b>	<b>Якка баҳо</b>	<b>Якка хато</b>	<b>Тўғри жавоб</b>	<b>Гурух баҳоси</b>	<b>Гурух хатоси</b>
Андроид виртуал машинасини созлаш (AVD)					
Eclipse IDE ни ўрнатиш					
Керакли SDK версиясини юклаб олиш					
Андроид SDK Manager дастурини ўрнатиш					
Java учун кутубхона ўрнатиш (JDK)					
Eclipse учун ADT (Android development tools) plugin ни ўрнатиш					

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **“Портфолио”методи**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва қасбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, қасбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қўйидаги турлари мавжуд:

### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-Мавзу: Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмлари.**

- 1.1. Қишлоқ хўжалик экинларининг зааркундалари.**
- 1.2. Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари.**
- 1.3. Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмларининг биологик ва экологик ҳусусиятлари, тарқалиши ва зарари.**

**Таянч иборалар: Қишлоқ хўжалиги экинлари зааркунанда, касаллик, ўсимлик, уйғунлашган ҳимоя тизим.**

#### **1.1. Қишлоқ хўжалик экинларининг зааркундалари.**

Маълумки охирги йилларда барча қишлоқ хўжалик экинларидан, жумладан боғлар, узумзорлар, сабзавот, полиз экинларидан етарлича ҳосил олиш асосий мақсадлардан бири, уларга турли зааркундаларнинг етказаётган заарларни ўз вақтида бартараф қилишдан иборатdir. Ўсимликларни заарли организмлардан уйғунлашган ҳолда ҳимоя қилиш ўз олдига зааркунанда ва касаллик қўзғатувчиларини иқтисодий заар келтириш меъёри чегарасида сақлашнинг имкони бўлган барча (агротехник, физик, механик, биологик, карантин, ва ҳоказо) усуллардан самарали фойдаланишини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш (integrated pest suppression) сўзидан олинган бўлиб заарли организмларни мавжуд усуллардан фойдаланган ҳолда йўқотиш маъносини билдиради<sup>1</sup>.

#### **1.2. Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари.**

Фанларнинг мукаммал таркибини ўз ичида сақлайди, жумладан, морфология, таксономия, махсус ўсимликларни касаллик турлари, биология ва ҳоказо.; мавжуд муаммолар ва замонавий ёндашувларга катта эътибор берилди. Қайта тузилган дастурнинг сезиларли ҳусусиятларидан баъзилари қуидагилардан иборат: биологик назорат ва маданий ўсимликлар касалликлари, зааркундалари қўпайишида биотехнологик қуролларнинг қўлланиши, ипакчиликни киритилиши, саноат ҳунармандчилиги орқали ишлаб чиқаришни қўллаб қувватлаш учун асаларичилик, ҳосил камайишини олдини олиш учун сақланадиган дон зааркундалари устида чуқур изланишлар, уй хайвонлари ва чорва моллари учун зааркундалар

<sup>1</sup>Education Division Indian Council of Agricultural Research, New Delhi, April 2009, PLANT PROTECTION. Entomology, Nematology, Plant Pathology, BSMA Committee on Plant Protection, p.8

назорати ва ҳоказо. Құлланма шу билан бирга янги ишчи ўринлари ва шаҳар атрофи ерларида тижорат ривожланишига ёрдам бериш учун қўзиқорин етиштиришни ҳам ўз ичига олган. Бирор нарса экишни сертификатлаштириш дунё миқёсидаги савдо тартибida мухим аҳамиятга эгадир<sup>2</sup>.

Асримизиинг 50-йилларида «Үйғунлашган ҳимоя қилиш» сўзи кўплаб илмий қузатувчилар томонидан ҳар хил изоҳланишга қаримай, ўсимликларни ўсиш шароитлари сақланган ҳолда у ердаги зааркунандаларни қириб ташлаш эмас, балки заар келтирмайдиган миқдорда узоқ муддат сақлаб турадиган чораларини излашдан иборатdir.

Ўсимликларни үйғунлашган ҳимоя қилишга ҳар томонлама ёндошиш сўзидан келиб чиқсан даврдан бошлаб турли туман ўзгаришларга учради.

Даставвал үйғунлашган ҳимоя қилиш назарияси ва амалиётида бошқа сўзлар ҳам таклиф қилғаи эди. Жумладан заарли ҳашаротларни қирадиган барча кураш чоралари қўлланилганда инсектицидлар атроф мұхиттга заар етказмаса уни компенсацион усули деб номлашни **1957** йилда **Sandler** таклиф зтган эди. Кейинчалик **1967** йилда Голландиялик олим **Feuiter** томонидан «гормоник» ёки «гормонлаштирилган» кураш сўзи таклиф этилди, лекин бу сўз қабул қилинмади.

Сунгра **1971** йилда **Matus** «нъюансирланган кураш» яъни «янгиланган кураш» сўзини таклиф қилди.

Дастлабки пайтда үйғунлаштирилган кураш биологик ва кимёвий курашни биргаликда қўллаш усули шаклида тушунилган. Бунда асосан эътибор агробиоценоздаги фойдали мавжудотларга зиён етказмайган препаратларни танлашга, ишлов бериш сонини ва миқдорини камайтиришга қаратилган.

Хозирги пайтда атроф мұхитни ҳимоя қилиш нұқтай назардан ўсимликларни үйғунлашган ҳимоя қилиш энг қулай чорадир. Бу тадбир баъзи бир заарли турларни қириб ташлашдан иборат эмас, балки атроф мұхиттга заар етказмайдиган ҳолда уларнингсонини энг кам миқдорда сақлаб туришни ўз олдига мақсад қилиб қуяди. Бундай ёндашиш ўсимликларни ҳимоя қилиш илгари йўл қўйилган пестицидларнн ёппасига қўллаш оқибатларини тутатишга имкон беради.

Кейинчалик шу нарса аниқ бўлиб қолдики агробиоценоздаги бошқа мавжудотлар ривожланишини нисбатга олмай туриб, алоҳида турларга қарши кураш чоралари ўтказиш мумкин эмас экан. Шу сабабли «үйғунлаштирилган кураш» усулида шундай восита ва усулларни қўллаш

<sup>2</sup>Education Division Indian Council of Agricultural Research, New Delhi, April 2009, PLANT PROTECTION. Entomology, Nematology, Plant Pathology, BSMA Committee on Plant Protection, p.7

керакки улар нафақат заарли мавжудотларни ўлдирсин, балки фойдали ҳашоратларнинг сақланишини ва фаоллигини оширсин.

Бу кураш йўллари олдингиларидан шу билан фарқ қиласиди, пестицидлар билан ишлов бериш кўпинча зааркунандаларнинг аниқ миқдорини ҳисобламай туриб қириб ташлаш чораларини ўтказмасликни, бу чораларни фақат заарли ҳашаротлар меъёридан юқори бўлган тақдирдагина тақозо этади.

Баъзи ҳолларда кураш чораларини далаларнинг фақат зааркунанда миқдори ўта кўп бўлган жойлардагина ўтказилади.

Ўсимлик зааркунандаларига қарши курашувчи кураш чоралари паразит ва йиртқич ҳашароглар ва бошқа заарли организмлар сонини бошқариб турувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ўтказиш талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, уйғунлашган кураш чорасини замонавий тушунчалик шундан иборатки, унинг асосий вазифаси агробиоценоздаги популяция орасидаги ёки улар ўртасидаги муносабатларни бошқариб боришдан иборатдир.

Уйғунлашган кураш системасини олиб боришда чидамли навларни етиштириш ва қўллаш алоҳида ўрин тутади. Маълумки чидамли навларни етиштириш заарли организмларни (зааркунандалар ёки касаллик қўзғатувчиларни) ривожланишига йўл бермайди

Хозирги вайтда чидамди навларни етиштириш билан бир қатор илфор илмий текшириш фирмалари (ширкатлар) шуғулланмоқдалар. Улар ген инженерияси, молекуляр биология ва чидамли навлар етиштириш биотехнологияларидан фойдаланиб, зааркунанда ва касалликларга қарши бир қанча чидамли навларни яратдилар. Масалан шундай йўллар билан картошкани коларадо қўнғизига қарши чидамли навларни яратиш устида катта ишлар олиб борилмокда.

Ўсимлик зааркунандалари ва касалликларига қарши чидамли навларни яратиш ўсимликларни ҳимоя қилишни кимёвий воситаларини қўллашни 5-15 маргагача ҳам камайтиришга имкон беради. Уйғунлаштирилган кураш чорасини қўллаш схемаси ўз ичига ҳар бир регионал хусусиятларини ҳам ўз ичига олиши керак.

Шулар асосида ҳозирги вақтда уйғунлашган ҳимоя қилишни олиб бориш схемаси уч босқичга бўлинади:

Биринчи босқич - ўсимликларни ҳимоя қилишни ва пестицидларни қўллашниши салбий томонларини муҳокама қилиш. Бу иш алоҳида ҳар бир жўғрофий минтақа ва ўсимлик учун олиб борилиши керак.

Иккинчи босқич- пестицидларни қўллашда уни табиатда айлайиши ва экологик ўзгаришга учрашини аниқлаш. Турли хил схемаларни қўллашнинг дастлабки босқичларида пестицидларни қолдиқ миқдорларини аниқлаш лозим. Бу кўзатишлар асосий экологик ва гигиеник томонидан келтирилган заарни аниқлаш мумкин бўлсин.

Учинчи босқич-үйғунлашган ҳимоя қилишнинг энг зарур масалаларини ишлаб чиқиш. Бунда зааркунандаларга қарши курашиш ҳар хил усул ва чораларини қўшиб олиб бориш.

Замонавий үйғунлашган кураш чораси инсонларнинг агробиоценоздаги турларнинг ривожланиши, иқтисодий ва атроф-муҳит нуқтаи назаридан, меъёр даражасида ёндашишни тақозо қиласди. Ўсимликларни үйғунлашган кураш системасида ҳимоялашда айниқса кимёвий кураш чораларини ўтказишда зааркунандаларни иқтисодий ҳавфли сонини ва фойдали ҳашаротларга уларни сони нисбатини ҳисобга олиш лозим. Зааркунандани иқтисодий ҳавфли сонини аниқлаш принципи 1939 йили А.А. Любашев томонидан айтиб ўтилган бўлиб, кейинчалик бу чет эл олимларии эътибории ўзига жалб қилди.

Бу фикрларни америкалик олим Стерн, Смит ва Хейганлар ривожлантиришга 2 та кўрсаткичга аҳамият бердилар. 1 Иқтисодий заар келтирушни кўрсаткичи.

1. Иқтисодий заар келтириш кўрсаткичи.
2. Иқтисодий заар келтириш.

ИЗК - иқтисодий заар етказиш кўрсаткичи ёки ҳашаротларни иқтисодий заар келтириш сони ёки популяцияси.

Из иқтисодий заарни бартараф қилиш учун тавсия кураш чораларини олиб бориш.

Иқтисодий ҳавфли сон маъносида ҳам экология стади. Бу ибора 1959 йилда АҚШда Стери таклиф қилган. Бу сон фақат иқтисодий заар келтириш даражаларини ичига олмасдан балки экология санитаргиена ва социал йўналишларни ўз ичига олиши керак.

1975 йили Танский В. В. иқтисодий ҳавфли сонни аниқлаш формуласини ишлаб чиқди.

$$ИХС = \frac{X*C}{33,3*C}$$

Бунда:  
Х- заарланган ўсимлик ҳосили  
Ч- зааркунанда сони  
33,3 заарланишдан йўқотилган ҳосил (фоизларда).  
С- заарланиш ўсимлик ҳосили.

Заар келтириш коэффиценти:

$$З_{\text{к}} = \frac{A - B}{A} * 100$$

Бунда: З<sub>к</sub> – зааркелтиришкоэффиценти.

A – заарланмаган ўсимлик ҳосили.

B – заарланган ўсимлик ҳосили.

1986 йиллар Захаренко қуидаги формулани таклиф этди:

$$\text{ИХС} = \frac{\text{ЗНР}}{\text{ЦПК}}$$

Бунда: З-зааркунандага қарши курашга кетган ҳаражатлар.

Н- накладной коэффицентга, түғри ҳаражатлар.

Р-рентабеллик коэффиценти.

Ц- ҳосилни нархи.

И -маълум соҳада йўқотилган ҳосилц /га.

К- ҳар бир жойда, ҳар бир регионда ҳар хил бўлади.

Шунинг учун ишлаб чиқаришда ўртача ИХС га қараб ишлов олиб борилиши керак. Масалан: Олма қурти - 2-3 % заарланганда ёки 5 та қурт битта дараҳтдан топилганда, олма қурти ипчалари 1 та қўзғатилган дараҳтда 4-6 % бўлганда, каналар битта баргда 2-5 та кана ёки уни тухуми бўлганда ўсимлик битлари 5 та бўлиб битта (медяница) 200-300 та тухум 2 м ишганда. Дулона капалаги 2 м танада битта уяси бўлганда кимёвий кураш чоралари тезда амалга ошириш зарур.

### **1.3. Қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмларининг биологик ва экологик ҳусусиятлари, тарқалиши ва зарари.**

Кейинги йиллар давомида маданий ўсимликларни заарли организмлардан ҳимояларини тадбирлари системаси ишлаб чиқилди. Бу система ҳар бир ўсимлик учун алоҳида бўлиб, турли зоналар табиий шароитини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Ҳимояқилиш системасининг энг муқаммали ўсимликларни уйғунлаштирилган (интегриланилган) ҳимоя қилиш системасидир. Ўсимликларни уйғунлашган (интегрилашган) йўли билан ҳимоя қилинганда заарли организмларни йўқотиш энтомофагларни максимал равишда сақлаган ҳолда олиб борилади, «ингеграция» сўзи лотинча бўлиб, «интеграт» - «тиклаш», «тўлдириш» деган маънони билдиради. Бу системани қўллашдан мақсад ўсимликларни ривожлантиришга кулай шароит

яратиб, уларни заарли организмлар таъсирига бардошлигини оширишдир, шунингдек бунда зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг ривожланишига тўсқинлик қиласиган шароит вужудга келтиришдан ва карантин қилинадиган объектларнинг четдан келтирилишига йўл қўймасликдан иборатdir.

Ўсимликларни уйғунаштирилган ҳимоя қилиш системаси қўлланилганда биоценозда турлар ўртасидаги ўзаро боғланишқайта тикланади, бунда заарли организм ва энтомофаглар ўртасидаги миқдорий боғланиш ҳам ҳисобга олинади.

Ўсимликларни уйғунаштирилган ҳимоя қилиш системаси қўйидаги тадбирлар системасини ўз ичига олади, ташкилий-хўжалик, агротехник механик, физик, карантин, биологик ва кимёвий методлар одатда ўсимликларни заарли организмлардан сақлаш учун юқорида қайд этилган тадбирлар комплекс ҳолида қўлланилади.

### **Integrar (интегрирашган )**

**Ташкилий-хўжалик тадбирлари.** Ташкилий-хўжалик тадбирлари заарли организмлар учун ноқулай яшаш шароитини вужудга келтиршига ва уларни экин майдонларига ўтишини камайтирилишига қаратилган.

Ташкилий-хўжалик тадбирлари бир неча йиллар давомида хўжаликнинг перспектив асосида амалга оширилади. Шулардан бири янги ерларни ўзлаштиришдир. Бундан кўнгина зааркунандалар уяси йўқотилади: Осиё ва Марока чигирткаси, отбосар чигирткаси, қир чигирткаси, сахро чигирткаси, кемирувчи зааркунандалар ва ҳоказолар.

**Экинзорларни кенгайтириш.** Кўл ва дарс ҳамда зовурлар атрофидаги участкаларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда

Четидаги бегона ўтлар миқдорини камайтиради, бу эса ўз навбатида бегона ўтларда ривожланадиган зааркунандалар сонини камайтиради.

Тут дараҳтларининг маҳсус массивларида жойлаштирилишини Ўргимчаккананинг камайишига ва унга қарши кураш ўтказишга енгиллик туғидиради.

1. Йириклиштирилган экин майдонларида ҳашаротларга қарши ўтказилувчи чораларни механизациялаштиришига имкон туғилади.

Шунингдек қўйидаги ташкилий-хўжаликтадбирлари ҳам заарли организмларни йўқотишда муҳим роль ўйнайди

1. Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича агроном энтомолог бошчилигига доимий кураш бригадалари ташкил этиш ва уларни зарур техника, назоратчилар билан таъминлаш.

2. Хўжаликларни белгиланган барча талабларга жавоб берадиган самалёт ўчиб- қўнадиган майдонча билан таъминлаш.

3. Пестицидларни хўжаликда сарфланиш миқдорига мос келадиган маҳсус омборхоналар қурилиши устидан назорат олиб бориш унда санитария хавфсизлик чораларини амалга ошириш. Шунингдек пестицидларни қабулқилиш ва беришларни хужжатлаштириш учун омборчилар таъминлаш.

### ***1. Ўсимликларинизарарли организмлардан ҳимоя қилишининг оператив режаси тузилади. Бунда қўйидаги тадбирлар ҳисобга олинади.***

\* Заарли организм тарқалган майдонни ва кураш усули. Кураш олиб бориладиган экин майдони, бино ёки бошқа обьектларни кимёвий ёки биологик усулда дорилаш туддати ва уларнинг керакли миқдорини аниқлаш.

\* Барча турдаги аппарат ёки транспорт воситаларига мўлжалланган иш ҳажмини аниқлаш, корхона ва шахсий ҳимоя воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш.

\* Ерларини инвентаризация қилиб самалёт билан ишлашга яроқли майдонни аниқлаш ва уни картада белгилаш.

\* Ҳар бир гектарга сарфланадиган ҳимоя қилши воситалари ҳаражатини аниқлаш.

\* Барча турдаги ишлар учун иш ҳақи фондини ажратиш.

\* Шахсий ҳимоя воситалари учунўз вақтида талабнома бериш.

Агротехник тадбирлари. Ҳар қайси зонанинг тупроқ иқлими шароитини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган барча агротехник табирлари ўсимликларни заарли органилмлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Агротехника тадбирларни ўсимлик заарли организмларига бевосита таъсир қиласи. Бу тадбирлар далаларга хавф-хатар туғдирадиган миқдорда зааркунанда вайдо бўлишидан сақлайди шунингдек улар ўсимликларнинг ривожланишини яхшилайди, бунда ўсимликларнинг заарли организмларга чидамлилигини оширади, ҳимоя қилиш тадбирларининг самарадорлигини оширади. Агротехник тадбир қўлланилганда, бошқа тадбирлар сингари асосан заарли организмлар миқдори камайтирилади ва ўсимликнинг яшаш шароити яхшиланади, бу эса ҳосилдорликнинг ошишига имкон беради.

Агротехника тадбирлари заарли организмларнииг ҳаёт кечириш ва кўвайишини билишга асосланган бўлиши керак, чунки бу тадбирлар заарли организмлар энг қўп учрайдиган пайтларда қўлланилиши лозим.

Қуйида биз атротехник тадбирнинг баъзи йўналишларини мисоллар келтириш билан изоҳлаб берамиз.

Ўсимлик навлари ва уларни заарали организмлар билан муносабатлари. Ҳар қандай маданий ўсимлик экилган майдонда барча вегетация даврида заарали организмларни урчиши мумкни.

Масалан, ҳар бир пахта даласида эрта баҳорда кўккурт тунлами, кейинроқ эса шира, трипс гоммоз ёки илдиз чиришкагалликлари вайдо бўлади. ғунча шоналаш давридан бошлаб ўргимчакканга, карадрина, кўсак қурти ва бошқалар учрайди Буларнинг барчаси бирдан қурашишида ўсимликнииг табиий чидамлилигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Ўсимликнинг заарланиш организмига нисбатан қарши қурашиш қобилиятига унинг чидамлиги дейилади. Рус энтомологи И.Д. Шапиротакидлашича, чидамлилик - бу ўсимликнинг заарали организмига иисбатан салбий таъсир натижасидир. Чидамлилик жуда мураккаб процес бўлиб, биринчидан ўсимликда заарали организм учун ноқулай экологик (микроклиматик) шароит вужудга келса, иккинчидан заарали организмда ва шу ўсимликка нисбатан салбий физиологик реакция вужудга келиб, овқатланиш, тухум қўйиш ва овқатни ҳазм қилиш борасида ундан узоклашишга интилади. Бундай чидамли ўсимлик билан овқақланган заараркунанда танасида антибиотик вужудга келади. Антибиозчидамли сорт билан овқатланган заараркунанда ҳаёт фаолиятига салбий таъсир этишидир.

Экиладиган ўсимлик навларини танлашда ва айниқса, янги навлар яратишида уларни шу экиладигаи зонада қандай заараркунандалар учрашини ва улар билан муносабатини ҳисобга олиш фойдалидир. Масалан, Ўзбекистонда ингичка тинч ғўза навларига ўргимчакканга камроқ тушади.

Ўзбекистон шароитида вилт касаллиги пахта ҳосилига катта заар етқазади. Фақатгина вилт ҳар йили ўртacha -100 минг тонна ҳосилни нобуд қиласиди. Шунинг учун олимларимиз бу касалликка чидачли вахга навларини яратиш борасида ҳам кўпгига ишлар олиб бормоқдадар. Бу борада машҳур селекционер олим, академик С.С. Миражмедов олиб борган ишлар яхши самаралар берди.

Фосфорнинг органик бирикмаларига асосланган дорилар ҳозирги пестицидлар орасида муҳимларидан бири бўлиб ҳисобланади. Уларни кенг кўламда ишлатишнинг боиси бор, албаттa<sup>3</sup>. Чунончи, юқори даражада инсектицид ва акарицид сифатида заараркунандаларга тез таъсир кўрсатади, биологик муҳитда узок туриб қолмайди ва парчалангандага заҳарсиз маҳсулотлар ҳосил қиласиди, суст даражада тўпланади, бир қатор препаратлари

<sup>3</sup>Education Division Indian Council of Agricultural Research, New Delhi, April 2009, PLANT PROTECTION. Entomology, Nematology, Plant Pathology, BSMA Committee on Plant Protection, p.7

ичдан таъсир қилиш хусусиятига эга ва шунинг учун кичик ҳажмда пуркаш йўли билан фойдаланиш, шунингдек ҳар гектарга оз миқдорда сарфланиши мумкин.

Кўпчилик фосфорорганик бирикмаларнинг салбий томони ҳам бор. Булар иссиққонли ҳайвонлар ва одам учун, шунингдек аксари фойдали ҳашаротлар учун кучли заҳардир. Сурункасига ишлатилганда бу бирикмаларга қарши тез орада зааркунандаларнинг чидамли популяциялари пайдо бўлиши мумкин.

Фосфорорганик бирикмаларнинг ҳашаротларга заҳарли таъсир қилишига сабаб шундаки, улар ферментларнинг фаоллигини издан чиқаради. Захар ҳашарот жисмига тушиши биланоқ, дарҳол заҳарланиш аломатлари юз беради ва у тезда фалажланиб ҳалок бўлади. Кўпчилик фосфорорганик препаратлар ишлатилиши билан заҳарлилигини кўрсатади ва дорилашдан кейинги дастлабки соатларда зааркунанда ўлади.

Фосфорорганик препаратлар личинкаларни ва етук ҳашаротларнинг кўпини йўқотади, аммо тухумларга ёмон таъсир қиласди, бироқ мой эритмасида тайёрланиб ҳашарот ва каналарнинг тухуми ичига ўтаоладиган баъзи препаратлар бу ҳисобга кирмайди.

Лаборатория шароитида ўтказилган тажрибаларимизда бу гурухга оид дорилар (рогор, антио, базудин ва бошқалар) тавсия қилинган сарфмеёрида тўлиқ ҳўлланганда ғўза тунлами мининг тухумларини 50-82% ўлдирган.

Фосфорорганик бирикмалар, аксари, иссиққонли ҳайвонлар ва одам учун ўртача заҳарлидир, аммо булар орасида кам заҳарлилиги ҳам бор. Фосфор бирикмаси ҳайвон ва одам организмидаги ферментлар таъсирида тезда заҳарсиз маҳсулотларга парчаланади ва организмдан чиқариб юборилади. Бу группадаги баъзи бирикмалар сезиларли даражада ва бир меъёрда кумулятив таъсир қилиш хусусиятига эгадир. Бу ҳол тажрибадаги ҳайвон жисмига заҳарни кичик дозаларда тез-тез юбориб турилганда рўй беради. Фосфорорганик бирикмалар гуруҳида бўлган ҳозирги дорилар тупроқда ва ўсимликларда кўпи билан бир ойгача сақланади. Шунинг учун белгиланган оралиқ муддатларга риоя қилинганда, уларнинг муҳитда ҳамда чигитни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларда тўпланиш хавфи туғилмайди.

ФОБлар тупроқда микрофлора, намлик ҳамда ўсимликлардаги кимёвий ўзаро алоқалар таъсирида ва уларга ўсимлик ферментлари, қуёш радиацияси таъсир қилиши натижасида парчаланади. Ўсимлик нечоғлик ёш бўлса, парчаланиш жараёни (метаболизм) шу қадар жадал кечади, бу эса, биокатализаторлар, ферментлар, гормонлар, витаминалар иштирокидаги синтетик жараёнларнинг юқори даражада физиологик фаол равишда рўй

бериши билан изоҳланади<sup>4</sup>. Бу бирималарнинг фаол шакллари пестицидлар билан ўзаро бир-бирига таъсир қилиб уни ўзгариради, бу эса эски тўқималарда анча сусаяди.

Кўпчиликфосфорорганикбирималарўсимликтинги чидантасирқили шхусусиятигаэга. Бундай таъсир кўрсатишнинг моҳияти шундан иборатки, бунда дорининг кутикула ва барг лабчалари (устъицалари) орқали, шунингдек (захар тупроққа солинганда) илдиз орқали ўсимликка ўтади ва унда (дорининг хусусиятларига қараб) флоэма, перенхима, хужайра деворчалари бўйича, транспирация оқими, ксилема ҳамда хужайра ораликлари орқали тарқалади.

1. Пестицидлар асосан ўсимликнинг тез ўсадиган қисмларида илади, уларнинг тарқалиш тезлиги ҳар хил бўлади. Пестицидларнинг ўсимликка ўтиши ва тарқалиш характеристики ўсимликнинг хусусиятларига, ташки муҳит шароитларига, дорининг физика-кимёвий хоссалари ва хилига боғлиқдир. Аксари ёш ўсимликнинг барглари пестицидларни жуда яхши ўтказади. Кулай сув режими пестицидларнинг адсорбциясига ва уларнинг жойдан-жойга илишига ёрдам беради. ФОБлар билан дорилашда ана шуни эътиборга олиш керак бўлади. Ичдан таъсир қиласидаги дорилар нам билан яхши таъминланган ўсимликларга тез ўтади. Пестицидларнинг ўсимликка жадал ўтишида ҳарорат, ёргулик, ҳавонинг намлиги катта аҳамиятга эгадир<sup>4</sup>.

**ДАНАДИМ, 40% эм.к. (рогор, БИ-58, диметоат, нугор).**(Соф модда—0,0—диметил—S—N—метилкарбамоил-метил) ди-тиофосфат. Юқори ҳароратга чидай олмайди ва иситилганда изомерларга парчаланади. Ультрабинафша нурлар таъсирида парчаланиши анча тезлашади. Сақлаш мобайнида фаол моддаси - фосфамид унча узок турмайди ва тез орада заҳарлилигини йўқотади.

Ўсимлик сиртига тушган фосфамид, ҳарорат, ёргулик ва сув таъсирида тез парчаланади, аммо ўсимликнинг ичида у заҳарлилик хусусиятини 20 кунгача сақлайди. Препарат ичдан яхши таъсир этади. У ўсимлик ичида ксилема бўйича (илдиздан ер устки қисмларга томон) яхши жилади, лекин флоэма бўйича (барглардан илдизга томон) жилиши қийин, шу боисдан баргга сепилган фосфамид унда қолаверади.



<sup>4</sup>Education Division Indian Council of Agricultural Research, New Delhi, April 2009, PLANT PROTECTION. Entomology, Nematology, Plant Pathology, BSMA Committee on Plant Protection, p.7



### 1-расм. Пестицидларни ишлаб чиқарувчи маҳсус ёрлиқлари

Тўғри қўлланганида, яъни сарфлаш меъёрларига, шунингдек, дорилаш шартларига қатъий амал қилинганида бу дори ўсимликка зиён етказмайди. Аммо амалда баъзан ўсимликни куйдириб қўйиши мумкин. Бунга дорининг сарфлаш меъёри ва дорилаш шартларини бузиш сабаб бўлади, албатта. Кундузи ҳарорат  $28^{\circ}$  дан ошганида дорилаш ишлари тўхтатилиши лозим (М. Турабходжаева, 1973).

Фосфамид – кучли ва унча узоқ давом этмайдиган ичдан таъсир этувчи инсектицид ва акарицид ҳисобланади. Препарат, асосан сўрувчи зааркунандаларга (ўргимчаккан, ўсим-лик ширалари, қандала, трипс ва бошқаларга) қарши ишлатилса яхши натижа беради, лекин кемирувчи зааркунандаларнинг (ғўза тунлами, карадрина ва ҳоказоларнинг) кичик ёшдаги қуртларини ҳам ўлдиради. Ўсимлик ичига тез ўтиши ва сиртида парчаланиши туфайли фойдали ҳашаротларга қиладиган заҳарли таъсири узоққа чўзилмайди. Шу жиҳатдан қараганда дорилашни энтомофагларнинг энг кўп қисми ғум-баклаганда ва тухум шаклида бўлганида ўтказиш муҳимдир.

Фосфамид 40% ли эмульсия концентрати шаклида чиқарилади ва пахтачиликда бир қанча сўрувчи зааркунан-даларни йўқотишда ҳар гектарга 1,5-2 л дан сарфлаб ишлатилади. У иссиқлонли ҳайвонлар ва одам учун ўртача заҳарлидир (ЎД<sub>50</sub> каламушлар учун 230 мг/кг га тенг). Тери орқали сезиларли даражада таъсир қиласи. Ғўза фосфамид билан шиддатли дориланаверса ўргимчаккан, ўсимлик ширалари ва оққанотда якка ва гурухли чидамлилик вужудга келиши мумкин. Ғўзани охирги марта фосфамид билан дорилаш пахта очилишидан 15 кун олдин, бошқа экинларни дорилаш эса 30 кун илгари тўхтатилади. БИ-58 билан ишланган далага

трихограммани 15 кун, браконни – 10 кун, стеторусни 5 кун кейин қўйиш мумкин.

**ОРТЕН, 75% эм.к. (лансер, 75% э.кук.)** Соф моддаси-ацефат деб аталади. Ўртача заҳарли бирикма ( $\text{ҮД}_{50}$  866-945 мг/кг га тенг) бўлиб бирқатор сўрувчи заараркунандаларга қарши юқори даражада самаралидир. У сиртдан ва ичдан таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда буларни ғўзани шира ва трипсдан ҳимоя қилиш учун (0,7 л/га), ҳамда тамакини шу ҳашаротлардан ҳимоя қилиш учун (0,75 л/га) тавсия қилинган. Бундан ташқари, чигитни дорилаб экишга (4 кг/т) мўлжалланган маҳсус шакллари ҳам мавжуд: лансер, 80% н. кук. ва ортен, 75% н.кук. Кучли хидга эга, аммо сув билан қоришганидан кейин бу ҳид йўқолади. Нисбатан тез (10 кун) парчаланиб кетади.

Кишлоқ хўжалик экинлари заараркунандалари ва касалликларига қарши кураш усуслари асосан 2та йўналишга қаратиш мумкин.

а) олдини олиш ёки огоҳлантирувчи йўналишнинг асосий мақсадизараракунандаларнинг далада боғларда ўтлоқларда ва бошқа экинзорларда ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари саклайдиган омборхоналарда кўпайтиришга йўл қўймасликдан иборат.

б) қириб ташлаш чоралари йўналиш экинзорларга келтираётган ҳосилнинг нобуд бўлишига хавф solaётган заараркунандаларни ўлдиришдан иборат.

Заараркунандалар қишлоқ хўжалик экинларига бутун ўсув даври мобайнида, экилгандан бошлаб то уни йиғиб олгунча ва ҳатто омборхоналарда сақланаётган пайтда ҳам заарар келтириши мумкин.

Кишлоқ хўжалик экинлари заараркунандаларга қарши кураш чоралари куйидаги усуслар асосида ўтказилади: агротехник, биологик, кимевий, физик, механик усул ва қарантин чораларидир.

Курашнинг бу ҳамма усуслари бирлаштирилган тадбир ҳолида хўжаликларнинг ишлаб чиқариш режаларига киритилади. Юқорида кўрсатилган кураш усусларнинг ҳар бири ҳам ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга бўлиб, маълум шароит тарозиси билангина қўлланилиши мумкин.

Агротехник усул бу усул ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш системасида асосий ўринлардан бирини эгаллади. Агротехник усул ёрдамида заараркунандалар кўвайишининг олдини олиш баъзида эса бутунлай қириб ташлаш мумкин.

Агротехник усулни мувафаққиятли қўллаш орқали заараркунандалари учун ноқулай шароитларни вужудга келтириш, маданий ўсимликларнинг яҳши ўсиб ривожланиши ҳамда энтомофагларнинг кўвайиши учун эса қулай шароитларини вужудга

келтириш мумкин бўлади. Зааркунандаларнинг ривожланишига заар келтириши кўпинча табий муҳит шароитларига, озуқанинг миқдорига, ҳарорат ва намликини ўша заарли тур учун қулайлигига ва бошқа муҳит шароитларига боғлиқ бўлади.

Агротехник тадбирларидан оқилона фойдаланиш кўплаб заарли ҳашаротлардан оммавий ривожланишиниг олдини олишга, уларининг заар келтириш даражасини камайтиришга сабаб бўлади. Бундай агротехник усуллар қаторига тупроққа ишлов бериш алмашлаб экиш, ўғитлаш муддатлари ва усуллари оқилона танлаб ўчказиш, уруғлик сифати экиш муддати ва усуллари кабиларни кўрсатиш мумкин. ишларни ўз вақтида ва муддатларида ўтказиш ўсимликларни зааркунанда ва касалликларни оқилона ҳимоя қилишга, дориворлардаи камроқ фойдаланишга имкон яратади.

XX аср дехқончилиги ўзига хос ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилишга, катта майдонларда бир хил турдаги экинларнинг устирилишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида ўсимлик зааркунандалари учун қулай вазиятларини вужудга келтиради ундан ташқари, далаларнинг ҳажми шакли ўзчгартирилди, алмашлаб экиш ташкил этилди, катта-катта сув омборлари курилиб, янги ерлар ўзлаштирилди ва суғориладиган ерлар майдони кенгайди. Бу тадбирлар айрим заарсиз бўлган зааркунанда турларининг асосий зааркунандаларига айланишига олиб келди.

Биз яшаётган Ўрта Осиё иқлими зааркунандаларнинг ривожланиши учун жуда қулай бўлиб кўпгина турлар бу ерда бир нечта авлод бериб ривожланди. Булар жумласига ширалар, триплар, ўргимчаккан, олма қурти ва бошқаларни киритиш мумкин.

Агротехник усулнинг яна бир афзаллиги шундаки маҳсулот пестицид қолдиқларсиз тоза бўлади, далаларда эса фойдали ҳашаротларнинг ривожланиш ва қўвайиши учун имкониятлар яратилади. Оқибатда эса биз экология тарозусининг бир томонига оғиб кетмасликни ҳам таъминланган буламиз. Фойдали ҳашаротлар энди бу далалардан бошқаларига (м: бедазорлардан боғларга) ўчиб ўтадилар бедапоялар фойдали турлар қўвиядиган ўчоғ вазифасини бажаради.

Агротехник усул асосан иккита йўналишда жуда фойдалидир:

1. Соғлом ўсимлик ўз - ўзидан зааркунанда ва касалликларга чидамли чидамли бўлади ва усулни қўллаш орқали ҳам бу турлар учун нокулай шароит вужудга келади.

2. Касал ўсимликнинг ривожланиши ва ўз ҳолатини тиклаб олиш учун шароит яратилади.

Бундан ташқари агрогехник усул интегрирлашган усул чоралари билан доимо ҳамкорликда амалга оширилиши учун афзаликларидан биридир. Бу усул кўпинча қўшимча сарф-ҳаражатлар қилишни камайтиради.

Боғдорчиликда агротехник усулнинг мохияти қўйидагича.

1. Зааркунандалар ва касалланиш оқибатида кўриб қолган заарланган шох шаббаларни қирқиб ташлаш.

2. Дараҳтларга доимо шакл берабутаб бориш, ёшартириш тадбирларини ўтказиш, касалланишва заарланиш оқибатидатукилган меваларни териболиши

3. Боғ қатор ораларига ишлов бериш.

4. Боғларни оқлаш.

Ташкилий хўжалик тадбирларии ўтказиш, монокультурадан қутилиш экинзорларда фойдали ҳашаротларнинг кўвайишига имкон беради. Бунинг учун фойдали турларнинг ривожланиши учун қулай бўлган ўсимликлар ўстириш, серасал ўтлар экиш каби шароитларни вужудга келтириш зарур. Масалан асалари мева ва вахта ҳосилини 1,5-2 ц га ошириши маълум.

Алмашлаб экиш. Бир далага экиладиган экин 2-4 йил давомида бошқа экин турига алмаштириб турилса у ерда зааркунанда ва касалликлар аввал кўвайиб кетмайди.

Шудгор қилиб ҳайдаш-тупроқдаги ҳашаротларнинг тухумлари, линчикалари ва имаголарини қирилишига сабаб бўлади.

Яхоб суви берилганда ҳам маълум натижаларга эришилади.

Экиш муддатининг кечикирилиши ёки эрта ўтказилиши ҳам баъзи бир зааркунанда ва касалликлар учун қулай вазиятларни вужудга келтириши мумкин.

Минерал ва органик ўғитларни ишлатиш. Тўғри танлаб, илмий асослда ўғитланган далаларда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши яхши кечиб зааркунанда ва касалликларга чидамли бўлади. минерал ўғитлар ўсимлиқдаги осматик босимни оширади бу эса сўрувчи ҳашаротларнинг озиқланиши учун ноқулай ҳисобланади.

Калийли ва фосфорли ўғитлар барг ва поялар механик тў- қималарини мустаҳкамлайди, кутиулани қалинлаштиради оқибатида эса сўрувчи ҳашаротлар учун ноқулай шароит вужудга келиб уларнинг ҳартумлари шарбатини олишда қисқалик қилиб қолади.

N:P:K ўғитлар ўсимлик битлари, цикадаларнинг озиқланишини вақтинчалик тўхташига сабаб бўлади. меъёрдан ортиқча ишлатилган ўғитлар шира ва каналарнинг кўвайиб кетишига сабаб бўлади.

Суғориш фойдали ва заарли ҳашаротлар миқдорига катта таъсир кўрсатади. Намлики хуш кўрадиган ҳашаротлар - ўсимлик битлари ва баъзи бир бошқа турларнинг ривожланиши учун шароит яратилади. қуруқсевар ксеровил тур ҳашаротларга салбий таъсир кўрсатади (қора қўнғизлар, чигирткалар, заарли хасва). Агро усулининг - айниқса суғоришнинг ҳашаротларга таъсири яхши ўрганилмаган.

Ҳосилни йиғиб олиш вақти ва усули. Ҳар бир экинда учрайдиган зааркунанда ҳаёт кечиришини ҳисобга олиб йиғишига киришилса кулгусида шу турдаги зааркунанда тарқалишининг олдини олган бўламиз

**Механик усул.** Бу усулга ўсимликни қуриган қисмларини қирқиб ташлаш, дарахтга ҳар хил тутгич мосламалар қўйиш, акин экилган майдонларни атрофини тоза сақлаш ва дарахт пўстлоқларидағи зааркундаларни йўқотиш каби тадбирлар киради. Дарахт танасини оҳакли сув билан ишлаш ва ҳоказолар зааркундаларнинг сонини кўвайиб кетишини олдини олишда яхши натижа беради.

**Кимёвий усул.** Ўсимликларни уйғунлашгай ҳимоясида заарли организмларга кимёвий моддаларни ишлатиш яхши натижа беради. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари универсал усул бўлиб, уларни ҳар хил қишлоқ хўжалик экинларидағи жуда кўпгииазааркунанда ва касалликларга ва бегона ўларга қарши ишлатилиши мумкин. Шу билаи бирга бу воситалар билан омборхона, иссиқхона ва бошқа биноларни ҳам ишлаш мумкин.

Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари саноат томонидан ишлаб чиқарилиб ҳаридорларга унча қиммат бўлмаган нарҳда сотилади. Ҳамда уларни ишлатишда хўисаликлар манфаатдор бўладилар. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигига сарф қилинган 1 сўмга ўртacha 4 сўмга яқин соғ даромад олинмоқда.



**2-расм. Уруғларни дориловчи ускуна**

Маълумки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ншлаб чиқаришини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашда ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги пайтда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида йилига бегона ўтлар, зараркунанда ва касалликлардан қишлоқ хўжалик экинларнинг 20-30% ҳосили нобуд бўлади.

Бунинг оқибатида ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ишлари кўнгина мамлакатларда фаол олиб борилмоқда, бунда кўпроқ хисса кимёвий усулга ажратилгандир. Тўғри, кимёвий усулнинг ҳам айрим қулайликлари бор, яъни зарарли организмларга тез таъсир этиши, қўллашнинг қулайлиги, яхши механизациялашгани ва х.к.

Лекин шу билан бирга бир қатор камчиликлари борки, бунга мутлако йўл қўйиб бўлмайди. Бундай камчиликларга атроф-муҳитни ифлослантириши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларида пестицидлар қолдиқлари тўнланиши зарарли организмларда қўлланилаётган пестицидга нисбатан чидамлилигини ошиши, иссиқхона ҳайвонлар, фойдали ҳашаротлар учун заҳарлидир.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилишда асосий назариялар.
2. Зарарли организмларни зарарлаш мейёрлари.
3. Уйғунлашган ҳимоя системаси.
4. Ўзбекистон шароитида вилт касаллиги пахта ҳосилига қандай зарар етказади?
5. Экиладиган ўсимлик навларини танлаш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Education Division Indian Council of Agricultural Research, New Delhi, April 2009, PLANT PROTECTION. Entomology, Nematology, Plant Pathology, BSMA Committee on Plant Protection, p.93.
2. Хўжаев Ш.Т., Холмуродов Э.А. “Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. Тошкент, “Фан” нашриёти. 2009.
3. Кимсанбоев Х.Х., Йўлдошев А.А. ва бошқ. –Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш. Ташкент-1997 й.

### **Интернет сайтлар:**

1. [www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).
2. [www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).
3. [www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html](http://www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html).

## **2-Мавзу: Ўсимликларни заарли организмларига қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими.**

### **Режа**

- 2.1. Ўсимликларни заарли организмларига қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини афзалликлари.
- 2.2. Қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандаларига қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими қўллаш.
- 2.3. Қишлоқ хўжалик экинлари касалликлари қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими қўллаш.

**Таянч иборалар: Ўсимликлар, заарли организмлар, зааркунанда, сўрувчи, кемирувчи, олтинкўз, пестицид, пиретроид, чидамлилик, хасва, тунлам, трипс, ўргимчаккана, карадрина, энтомофаг, хон қизи, сирфид, афидиидлар, замбуруғли, бактерияли, вирусли касалликлар**

### **2.1. Ўсимликларни заарли организмларига қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини афзалликлари.**

*Агротехник тадбирлар.* Ғўза кўчатларини қатор ораларига ишлов бериш; NPK ўғитлар эритмаси билан ғўза майсаларини барги орқали озиқлантириш; бегона ўтларга қарши кураш.



### **4-расм. Ғўза бити**

*Биологик усул:* ғўза битларига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1,0-1,20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади. Зарурият бўлган майдонларга олтинкўз тухумидан 500-1000

тагача чиқариш давом эттирилади; шира тушган далаларга хон қизи қўнғизлари, сирфид пашибалари, афиидилар ва бошқа фойдали хашиборотларни жалб этиш.



### 5-расм.Беш нуқтали хонқизининг ўсимлик битларига ҳужуми

**Кимёвий усул:** ғўза битларининг сони вегетация давомида 8-10% ўсимликларни барг пластинкаси ўсимлик битлари билан 5-25% қопланганда моспилан 20% н.к. -0,15 л/га; карбофос 50% эм.к. – 0,6 л/га; филармос 20% н.к. – 0,15л/га; камилот 20% н.кук.- 0,15л/га; каллипсо 48% сус.к. – 0,05-0,07 л/га; дельтафос 38% эм.к. – 1,0 л/га; вертимек 1,8% эм.к. – 0,4 л/га ва бошқа руҳсат этилган дорилар билан ишлов берилади.

**Ўргимчакканा** ғўзанинг ашаддий зааркунандаси бўлиб, 248 тур ўсимлик билан озиқланади. Шундан 37 тури қишлоқ ҳўжалик экинлари. Ўргимчакканা 160-600 тагача тухум қўяди. Ўзбекистонда 18-20 тагача авлод беради.



### 6-расм.Ўргимчакканা

**Агротехник тадбирлар.** Ғўза қўчатларини қатор ораларига ишлов бериш; NPK ўғитлар эритмаси билан ғўза майсаларини барги орқали озиқлантириш; бегона ўтларга қарши кураш.

**Биологик усул:** ўргимчакканага қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1:10, 1:20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта

чиқарилади. Зарурият бўлган майдонларга олтинкўз тухумидан 500-1000 тагача чиқариш давом эттирилади; атроф-мухитга ва фойдали хашаротларга заарсиз бўлган олтингугурт препаратларидан олтингугурт талқонидан 20-30 кг/га чанглаш, 0,5-1 ли олтингугуртнинг оҳакли қайнатмасидан гектарига 300 литр пуркаш.

**Кимёвий усул:** вегетация давомида 10% ўсимликларнинг барг пластинкаси ўргимчаккана билан 5-25% қопланганда омайт 57% к.эм.-1,5 л/га; нискоран 10% н.кук. – 0,1 кг/га; флумайт 20% сус.к.- 0,2 л/га; ортус 5% сус.к. – 0,75 л/га; вертимек 1,8% эм.к. – 0,3-0,4 л/га қўллаш яхши самара беради.

**Буғдой трипси** Ўзбекистоннинг ҳамма худудларидағи ғаллазорларда учрайди. Ғаллада бошоқланиш даври бошланиши билан етук триплар пайдо бўла бошлайди. Личинкалар бошоқ қобиги ичига кириб, қобиқ ва гул ширасини, кейинчалик эса дон ширасини сўриб озиқланади. Ўсимликлар дағаллашиб, донлар пишиб, ҳосил йиғим-теримга яқинлашганда личинкалар озиқланишини тутатиб тупроққа туша бошлайди. Буғдой трипси йилига 1 марта авлод беради.


### **Буғдой трипсига қарши кураш чоралари**

**Агротехник тадбирлар:** Ғалланинг чидамлилигини оширадиган чора-тадбирлар (ўғитлаш, сугориш) трипс зарарини пасайишига ёрдам беради ва дала атрофини бегона ўтлардан тозалаш.

**Биологик усул:** буғдой трипсига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1,0-1,20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади. Зарурият бўлган майдонларга олтинкўз тухумидан 500-1000 тагача чиқариш давом эттирилади.

**Кимёвий усул:** вегетация давомида Каратэ-0,2 л/га; Децис-0,25 л/га; Нурел-Д- 0,5 л/га; Циперфос- 0,5 л/га; Циперметрин- 0,2 л/га ва бошқа рухсат этилган препаратлар билан ишлов берилади.

**Ғалла ширалари** кузги ғаллада тухум қўяди ва шу тухумлар қишлиб чиқади. Баҳорда кунлар исиши билан личинкалар чиқиб озиқлана бошлайди. Тўртинчи туллашдан кейин қанотсиз урғочиларга айланади. Бу урғочилар тирик туғиб қўпаяди. Кейинги бўғинлари қанотсиз ва қанотли тарқатувчиларга ажралади. Мавсум давомида ширалар 10-12 авлод беради. Ширалар доимо ўсимликнинг яшил ва юмшоқ қисмида шарбатини сўриб озиқланади. Натижада ўсимлик сарғайиб қуриб қолади. Кучли заарланганда ғалла бошоқ тортмайди.



**7-расм. Фалла ширалари**

### **Фалла шираларига қарши кураш чоралари**

**Агротехник тадбирлар.** Фалланинг чидамлилигини оширадиган чоратадбирлар (ўғитлаш, суғориш) ширалар заарини пасайишига ёрдам беради ва дала атрофини бегона ўтлардан тозалаш.

**Биологик усул:** фалла шираларига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1,0-1,20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади. Зарурият бўлган майдонларга олтинкўз тухумидан 500-1000 тагача чиқариш давом эттирилади; шира тушган далаларга хон қизи қўнғизлари, сирфид пашибалари, афиидилар ва бошқа фойдали хашибаротларни жалб этиш.

**Кимёвий усул:** вегетация даврида Децис-0,25 л/га; Нурел-Д- 0,5 л/га; Циперфос- 0,5 л/га; Циперметрин- 0,2 л/га; Бензофосфат-2,0 л/га; Фуфанон-2,0 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов берилади.

**Заарарли хасва** фалланинг униб чиқиш, тупланиш, най тортиш, бошоқ тортиш ва пишиш фазаларида заарар келтиради. Заарарли хасва вояга етган ҳолда, асосан тоғ ва тоғ олди худудларида, ўрмон ёки мевали боғлардаги дараҳтлар остида, ҳамда дала атрофларида, ариқ зовурлар ёқаларида тошлар ёки ўсимлик қолдиқлари, барг ҳазонлар остида қишлийди. Март ойининг учинчи ўн кунлиги - апрель ойининг биринчи ярми давомида хасва фаллазорлар томон учиб тарқала бошлайди.

Пишмаган бошоқ заарарланиши натижасида қисман ёки бутунлай оқ бошоқ (яни пуч) бўлиб қолади, дон таркибидаги оқсил камайиб кетади. Бошоқдаги 10–15% донларнинг заарарли хасва билан зааррланиши бундай доннинг ун ишлаб чиқариш учун яроксиз бўлиб қолишига олиб келади. Хасва заарлаган пайкаллардан олинган уруғлик доннинг униб чиқиши 50% гача камаяди. Заарарли хасва йилига 1 марта авлод беради.

### **Заарарли хасвага қарши кураш чоралари**

**Агротехник тадбирлар.** Фалланинг чидамлилигини оширадиган чоратадбирлар (ўгитлаш, сугориш) заарли хасвани зарарини пасайишига ёрдам беради ва дала атрофини бегона ўтлардан тозалаш.

**Биологик усул:** заарли хасвани кичик ёшдаги личинкалариға қарши олтинкүз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларидан 1,0-1,20 нисбатларида 10 кун оралатиб 2 марта чиқарилади; табиатда заарли хасвани теленомус, фазия пашшалари каби энтомофаглари хам бор.



**8-расм.Заарли хасва**

**Кимёвий усул:** вегетация даврида Каратэ-0,15 л/га; Децис-0,25 л/га; Нурел-Д- 0,5 л/га; Циперфос- 0,5 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов берилади.



**9-расм. Экинзорга трактор ёрдамида инсектицид пуркаш**



## 10-расм.Фосфорорганик инсектоакарицид

**2.2. Қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандалариға қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими қўллаш.**

**Кузги тунлам** Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, унинг қуртлари 34 та оиласуб бўлган юзлаб тур ўсимликларга зарар етказади. Капалакларнинг олдинги қаноти сарғиш кулранг, орқа қаноти тўқ томирли оқ тусда. Олдинги қанотининг асосига яқин жойда понасимон қорамтири доғи, марказда юмалоқ, ундан бироз юқорироқда буйраксимон доғи бор. Қуртлари 5 та ёшни бошдан кечиради. 5 ёшлик қуртлик фазасида тупроқнинг 5-15 см чуқурлиқда қишлиайди. Капалаклари ўртача 500-600 тагача тухум қўяди. Ўзбекистон шароитида 3 марта авлод беради. Биринчи авлод қуртлари гўзага жиддий зарар етказади.





2

3



4

### **11-расм.Кузги тунлам *Agrostis segetum* 1- капалаги, 2-тухуми, 3-курти,**

**4-гүмбаги**

#### **Кузги тунламга қарши кураш чоралари**

**Агротехник тадбирлар:** Ерни кузги чуқур шудгорлаш; эрта баҳорда бегона ўтларга қарши курашиш; тупроқ шароити кўтарган жойда ғўза майсаларини қатор оралаб енгил сугориш ва алмашлаб экиш.

**Биологик усул:** Феромон тутқичлардан (ФТ) фойдаланиб, ҳар 1 тутқичда 1 кечада ўртача 2-3 капалак туша бошлиши билан шу пайкалга трихограмма кушандасини хар гектар майдонга 1 гр.дан далага чиқарилади;

Катта ёшдаги қуртларига қарши бракон энтомофаги 1:10, 1:20 нисбатларда далага тарқатиш.

**Кимёвий усул:** Агарда ҳар 1 м<sup>2</sup> даги қурт сони ўртача 1-1.5 тага бўлса қуйдаги пиретроидлардан бирини ишлатиш керак:

Децис 2,5% к.э. – 0.7 л/га, циракс 25% к.э. – 0.3 л/га, вантекс 6%сус.к. – 0.25-0.3 л/га. қўллаш. Бунда, дори сепилгач, далага ариқ олиб, сув қўйиш самарани оширади.

Кузги тунлам қуртларига қарши Гаучо 70% н.к. 5 кг/т, ортен 70% э.к. 4 кг/т ва маршал 40% н.к. 15-20 кг/т. препаратлари билан чигитни дорилаб экиш хам яхши самара беради.

**Кўсак қурти** ғўзанинг гули, шонаси ва кўсакларни заарлайди. Капалакларни олдинги қанотлари сарғиш кул-ранг тусда бўлиб, баъзан қизғиши қўнғир ёки пушти, ёхуд кўкиш рангда товланиб туради. Хар бир ўсимлик ўсуви нуктасига биттадан тухум қўяди. Тухумлари гумбазсимон.

Хаёти давомида ўртача 800 тадан 2000 тагача тухум қўяди. қуртларини танаси оч яшил, кўкиш сарғиш рангдан тортиб, қорамтири ранггача бўлади. Танасининг ёнлари бўйлаб тўлқинсимон чизиқлар ўтади. Ўзбекистоннинг шимолий туманлари-да 3-4 та, жанубий туманларида эса 4-5 та авлод беради. Кўсак қурти кузда қайси ўсимликларда озиқланган бўлса, шу ўсимликка яқин жойда ғумбаклари тупроқнинг 10-15 см чуқурлигига қишлоғга кетади.

### **Кўсак қуртига қарши қураш чоралари**

**Агротехник тадбирлар.** Ерни кузги чуқур шудгорлаш; зарарланадиган экинларни бир-биридан узокроқ жойлаштириш; ғўза қатор ораларига ишлов бериш; чеканкада ўсимликнинг ўсиш нуқатасини фартукларга йиғиб четга олиб чиқиб ташлаш; ғўзани ортиқча суғориб ғовлашига йўл қўймаслик.

**Биологик усул:** ҳар 2 гектар ғўза майдонига 1тадан феромон тутқич ўрнатиш ва 1та тутқичга бир кечада 2-3 та капалак тушганда 4-5 кун оралатиб 3 марта трихограмма тухумхўридан ҳар гектарига 1граммдан 400та нуқтага зааркунанданинг ҳар бир авлодига қарши чиқариш. Кўсак қуртининг ўрта ва катта ёшдаги қуртиларига қарши бракон энтомофагидан 1:20; 1:10; 1:5 нисбатларда зааркунанданинг ҳар авлодига қарши 3 мартадан 4-5 кун оралаб 10x10м схемада чиқариш. Кўсак қуртининг кичик ёшдаги қуртиларига ва тухумига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумидан гектарига 500 тадан 1500 тагача чиқариш ҳам яхши самара беради.

**Кимёвий усул:** зааркунанданинг миқдори ҳар 100 та ўсимликка 8-10 та ёш қуртлари ва тухуми тўғри келганда фойдали хашаротларга кам заарли бўлган Аваунт 15% ли сус.к. 0,4-0,45 л/га; циперфос 55% эм.к. -1,5л/га; дельтафос 36% эм.к.-1,5 л/га; политрин 35% эм.к.-1л/га; Децис 2,5% к.э.-0,7л/га, моспилан 20% н.к. -0,3 л/га; Нурелл-Д 55% эм.к. -1,5л/га; суми-альфа 20% эм.к.- 0,15 л/га ва бошқа руҳсат этилган дорилар билан ишлов бериш тавсия этилади.





**12-расм.Кўсак курти**(*Helicoverpa armigera* Hb.).1- капалаги, 2-тухуми, 3-курти,  
4-ғумбаги

**Карадрина** қуртлари ўсимлик баргларини заарлайди. Гамма тунлами, ўтлоқ парвонаси ҳам шундай зарар етказади. Карадрина ҳавфли зааркундаларидан бўлиб, вақти-вақти билан ниҳоятда кўпайиб кетади.

Зааркунанда 70 турга яқин экинни заарлайди. Унинг ёш қуртлари ўсимлик баргини қиртишлади, катта ёшдагилари эса кемиради ва баргларни тешади. У барг четларини ҳам кемиради. Зааркунандабъзан новдалар, ҳатто ҳосил органларини ҳам заарлайди. Карадрина Ўзбекистонда 6 марта гача авлод беради, бир авлоди 30 кунга қадар ривожланади. Зааркунанданинг қишки уйқудан чикқан капалаклари 2000 тагача, кейинги бўғин капалаклари эса 300 дан 600 тагача тухум қўяди.

### **Каадринага қарши кураш чоралари**

**Агротехник тадбирлар:** Ерни кузги чуқур шудгорлаш; заарланадиган экинларни бир-биридан узокроқ жойлаштириш; ғўза қатор ораларига ишлов бериш; бегона ўтларга қарши кураш.

**Биологик усул:** тухумига қарши 4-5 кун оралатиб 3 марта трихограмма тухумхўридан ҳар гектарига 1граммдан 400та нуқтага зааркунанданинг ҳар бир авлодига қарши чиқариш. Каадринанинг ўрта ва катта ёшдаги қуртиларига қарши бракон энтомофагидан 1:20; 1:10; 1:5

нисбатларда зааркунанданинг ҳар авлодига қарши 3 мартадан 4-5 кун оралаб 10x10м схемада чиқариш. Карадринанинг кичик ёшдаги қуртларига ва тухумига қарши олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумидан гектарига 500 тадан 1500 тагача чиқариш ҳам яхши самара беради.



**13-расм. Карадрина *Spodoptera exigua* Hb 1-имаго, 2-личинка.**

**Кимёвий усул:** ҳар ўсимликда 1-2та қурт ёки ўсимлик билан барг пластинкасининг 10% заарланганда Аваунт 15% ли сус.к. 0,4-0,45 л/га; циперфос 55% эм.к. -1,5л/га; дельтафос 36% эм.к.-1,5 л/га; политрин 35% эм.к.-1л/га; Децис 2,5% к.э.- 0,7л/га, моспилан 20% н.к. -0,3 л/га; Нурелл-Д 55% эм.к. -1,5л/га; суми-альфа 20% эм.к.- 0,15 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов бериш тавсия этилади.

**Шилимшиқ қурт** кемирувчи зааркунанда бўлиб, Республикализнинг барча ғаллазорларида учрайди. Унинг қўнғизи тупроқда қишлийди. Баҳорда чиқиб қўшимча озиқлангандан сўнг урғочиси занжирсимон шаклда 3-7 тадан қилиб 200 тагача тухум қўяди. Тухумдан 7-14 кунда личинка чиқади. Личинкаси икки ҳафта давомида барг билан озиқланиб, шилимшиқ қопламасини ташлаб тупроққа тушади ва 2-3 см чукурликда ғумбакка айланади. Икки ҳафтадан сўнг пилладан қўнғиз чиқади ва баҳоргача тупроқда қолади. Шилимшиқ қурт йилига 1 марта авлод беради.



#### 14-расм.Шилемшиқ қурт

##### Шилемшиқ қуртга қарши кураш чоралари

**Агротехник тадбирлар.** Фалланинг чидамлилигини оширадиган чоратадбирлар (ўғитлаш, сугориш) шилемшиқ қурт зарарини пасайишига ёрдам беради ва дала атрофини бегона ўтлардан тозалаш.

**Кимёвий усул:** вегетация даврида Децис-0,25 л/га; Нурел-Д- 0,5 л/га; Циперфос- 0,5 л/га; Циперметрин- 0,2 л/га; Бензофосфат-2,0 л/га; Фуфанон-2,0 л/га; Бензофосфат-2,0 л/га ва бошқа рухсат этилган дорилар билан ишлов берилади.

##### Визилдоқ қўнғизга қарши кураш чоралари

**Агротехник тадбирлар.** Фалланинг чидамлилигини оширадиган чоратадбирлар (ўғитлаш, сугориш) визилдоқ қўнғиз зарарини пасайишига ёрдам беради ва дала атрофини бегона ўтлардан тозалаш.

**Кимёвий усул:** вегетация даврида Суғориш суви билан 1 га майдонга 250 литрли 20% ли аммиак суви оқизиш, Актара препаратини 1 л/га меъёрида пуркаш.

#### 2.3. Қишлоқ хўжалик экинлари касалликлари қарши уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими қўллаш.

**Вертициллёт сўлиш.** Вертициллёт сўлиш касаллигини қўзғатувчи - *Verticillium dahliae Kleb* замбуруғи. Пахта етиштирадиган ҳамма

хўжаликларда, айниқса, қадимдан ғўза экиладиган майдонларда кенг тарқалган. Касаллик ёш ниҳолларни заарлаб ғўзанинг шоналаш вақтида намоён бўлади ва вегетация даврининг охиригача давом этади. Касаллик белгилари энг аввал ўсимликнинг пастки баргларида намоён бўлиб, кейинчалик юқори баргларига ўтади. Барг четларда ва томир ораларида оч яшил, кейинчалик сариқ рангга кирувчи доғлар ҳосил бўлади. Яшил ранг фақат томир атрофи бўйлаб сақланиб қолади.

Заарланган барглар тургор ҳолатини йўқотмасдан, қўнғир рангга кириб, тўкилиб кетади.

Ўсимликнинг фақат яланғоч почси қолади. Айрим ҳолларда августда ёки сентябрнинг бошларида касалликнинг оғир шакли учрайди, бунда ўсимлик барглари сарғаймасдан 2-3 кун ичида сўлиб қолади. Касалликнинг ўзига хос белгиларидан бири, поя ва илдизнинг ёғочлик қисмидаги ўтказувчи тўқиманайларини қўнғир тусга киришидир. Буни уларнинг кундаланг кесганда кўришимиз мумкин.

Касаллик қўзғатувчи замбуруғ микросклероцийлар ёрдамида қишлиб чиқади. Улар заарланган пояларда ва тупроқдаги бошқа ўсимлик қолдиқларида сақланади. Микросклероцийлар ноқулай шароитни осонлик билан бошидан кечиради.

**Фузариоз сўлиши.** Фузариоз сўлишнинг қўзғатувчиси - *Fusarium oxysporum Sch.f.vasinfecttium Snyder et Hansen* замбуруғи. Бу касаллик билан ғўзанинг ингичка толали навлари – (*Gossipium barbadense*) заарланади. Касаллик шу навлар экиладиган ҳамма ерларда учрайди. Касаллик белгилари ниҳоллар пайдо бўлгандан ўсиш даврининг охиригача учрайди. Ёш ниҳолларнинг уруғ баргига томирларни сарғайиши кузатилади. Баргларнинг маълм бир қисми ёки баргнинг бутун қисми сарғайган томирлар ёрдамида майда яшил қисмларга бўлиниб, тўрсимон кўриниш айниқса, баргни ёруғликка тутганда яққол кўринади.

Вояга етган ўсимликларда касаллик белгилари шоналаш даврида намоён бўлади. Касаллик кучли кечганда барглар қўнғир тусга кириб сўлийди ва тўкилиб кетади. Фузариоз учун хос бўлган белгиларидан яна бири поянинг ўтказувчи найларини қўнғир тусга киришидир.

Замбуруғ тупроқда яшайди. Замбуруғ мицелийси тупроқдан ўсимликнинг илдизи орқали ўтказувчи тўқимасига тарқалади. Асосий инфекция манбай заарланган ўсимлик қолдиқлари ва тупроқдир. Уларда замбуруғ хламидоспора шаклида қишлиб чиқади.

Гоммоз ғўзани ўсиш даврида заарлайди. Гоммоз ғўзанинг барча органларини заарлайди. Гоммознинг 4 хил шакли мавжуд: - Ургубарг шакли; - Чин барг шакли; - Поя шакли; - Кўсак шакли; Поядаги гоммоз

касаллиги барг қўлтиғидан ёки барг бандидан бошланади. Аввал мойсимон ёки ботик дог ҳосил бўлади, у секин аста кенгайиб пояни ўраб олади. Заарланган поя ингичкалашиб қўнғир тусга киради ва доғ юзасида томчи сингари қотиб қолувчи ёки парда ҳосил қилувчи елимсимон шира ажралади. Касалланган ўсимликнинг поя қисмидан синиши мумкин. Шунинг учун касалликнинг бу шакли энг хавфли ҳисобланади.

**Галланинг қора күя касалликлари:** Қора күя касалликлари асосан заарланган уруғлар орқали тарқалади. Қора күя ўсимликни уч хил усулда заарлайди:

- а) уруғлар сиртидан, ўсимлик эса униш даврида заарланади.
- б) ўсимлик гуллаш вақтида, дон эса ичидан заарланади.
- в) ўсимлик бутун вегетация давомида ҳаво орқали заарланади.

1) **Бугдойнинг қаттиқ қора күя касаллигини** - *Tilletia tritici* замбуруғи қўзғатади. Ушбу касаллик билан заарланган бошоқ ташқи кўринишидан унчалик сезилмайди. Диққат билан заарланган бошоқ ва донни, соғлом бошоқ ва дон билан солиштирилганда уларнинг ташқи кўринишида сезиларли фарқни кўриш мумкин. Бу касаллик тушган буғдойбошоғи дон оғирлигидан эгилмай, балки тика туради ва кичикроқ бўлади. Донни ўраб олган қобиқлар бир-биридан узоқлашади. Касалланган дон кўкиш – яшил рангли, шишган, юмaloқ шаклда бўлади. Доннинг мағзи қобиқ билан ўралган жуда кўп споралардан иборат бўлади. Бундай донлар “қора күя халтачалари” дейилади. Заарланган дондан нам ҳавода сассиқ хид келади, шунинг учун ҳам у бадбўй қора күя касаллиги дейилади. Инфекция уруғда сақланади.


2) **Бугдойнинг чанг қора күя касаллигини** - *Ustilago tritici* замбуруғи қўзғатади. Қора күя касаллигининг бу хилида бошоқнинг фақат қора чанг билан қопланган ўзаги қолади халос. Бугдойнинг тугунча, қобиқ ва қилтаноқлари емирилади, ҳосил бўлган хламиdosпоралар тўзғиб кетади. Шунинг учун ҳам чанг қора күя билан заарланган буғдойни ташқи кўринишига қараб осон аниқлаш мумкин. Ўсимлик гуллаш даврида замбуруғ спораси билан заарланади. Бу спора касалланган қўшни ўсимлик гулларидан юқади. Замбуруғ споралари кичик шарсимон 5-9 мкм диаметрга оч қўнғир ва қўнғирсимон рангача бўлади.

3) **Маккажўхорининг пұфаксимон қора күя** - *Ustilago zeaе* замбуруғи қўзғатади. Букасаллик билан маккажўхорининг сўтаси, бошоғи ёки супургиси, пояси ва барги заарланади. Сўтаси ва супургисининг заарланиши алоҳида гуллаш билан кузатилади. Заарланган жойда катта шишлар пайдо бўлади, улар оқиши ёки қизғиши қобиқ билан қопланган бўлади, агар қобиқ ёриб кўрилса унинг ичидан қора оч жигар рангли

хламидоспоралар йиғиндиши күринади. Заарланган қисмлар деформацияланади. Шишлилар катта хажмда бўлиб (диаметри 10-15 см бўлади). Баргда эса шишлилар узунчоқ бўлиб баргнинг ўрта томири бўйлаб жойлашган бўлади. Заарланган аъзолар аста секин қурийди, ерилади ва хламидоспоралари тупроқ бетига тушиб, шу жойда қишлиайди, баҳорда униб чиқиб, базидияспоралар ҳосил қиласди.

### **Буғдой қўнғир занги.**

Бу касаллик ҳамма вилоятларда тарқалган ва йилдан йилга кучли ривожланмоқда. Касаллик белгиларидан бири баргларда думалоқ, сарғиш-қўнғир чанг ҳосил бўлишидир. Улар ичида ривожланган споралар бошқа ўсимликларга ҳаво ҳарорати 15-23°C га етганда шабнам, ёмғир ва шамол ёрдамида ўтади. Касаллик манбаи ёввойи ҳолда ўсадиган бошоқли бегона ўтлардир. (15-расм). Кузда тоғлардан келган споралар қузги буғдой экинларига ўтади ва касаллик янгидан тарқалади. Қишида замбуруғ майсалаларнинг ичида мицелий ва пустула ҳолида қишлиайди.



**15-расм. Буғдой қўнғир занги.**

### **Буғдой сариқ занг касаллиги.**

Қўнғир зангга нисбатан кам тарқалган, аммо келтирадиган зарари юқори бўлганлиги учун ўта хавфли ҳисобланади. (16-расм). Касаллик белгилари: сариқ занг замбуруғлари баргларда узун қатор-қатор жойлашган, сариқ доғлар ҳосил қиласди. Бу касалликни экинларга тарқалиши ва қишлиаши қўнғир зангдан фарқ қилмайди. Сариқ занг споралари 0°Cда ўсишни бошлайди ва ҳаво ҳарорати 8-13°C га етганда тўқималар ичига киради. Янги споралар 12-15°C ҳароратда ҳосил бўлади.



**16-расм. Бүгдой сарық занги.17-расм. Үн шудринг касаллиги.**

### **Ун шудринг касаллиги.**

Дастлабки белгилари ўсимликларнинг баргларида оқ пахтасимон доф қатлами ҳосил қилиш билан бошланади. Сўнгра қатлам қалинлашиб, кулранг ёки сарғиш-кулранг, бўртиб чиққан ёстиқчалар тусига киради. Касаллик баргдан поя баргларига ва бошоқларга ўтади. (17-расм). Ёстиқчалар устида касаллик чақирувчи замбуруғнинг конидиялари пайдо бўлади. Конидиялар бир хужайраги, рангиз, цилиндричесимон шаклда, шамол орқали бошқа ўсимликларга ўтади. Касаллик ҳаво ҳарорати 15-20°C ва нисбий намлиги 80-95% бўлганида жуда тез тарқалади ва ривожланади.

#### **1-жадвал.**

#### **Ғалла касалликларига қарши қураш**

Касалликлар номи	Қачон курашилади	Қўлланиладиган перепарат номи ва меъёри (л/га, т/га ёки кг/га)
Қоракуя касалликлари	Қоракуя тушган даладан умуман уруғлик олинмайди	Уруғлар албатта экишдан олдин табу м.э 60 г/л 0,4 л/т, Баҳор-0,4-0,5; Буғдойдор- 2,5; Витавакс-2,5-3,0 ёки Раксил- 0,4-0,5 билан дориланиши шарт.
Занг касалликлари	10% ва ундан кўп ўсимликлар баргларида 1-2 тадан занг ёстиқчаси бўлса	Байлетон-1,0; Альто-Супер-0,3; Фоликур-БТ-0,3-0,5; титул-0,3; Колосаль-0,3-0,5, уредоцин, 22,5% к.э. 0,3-0,5л/га.
Ун шудринг касаллиги	20% ва ундан кўп ўсимликлар барглари сиртини 5% да губорлар бўлса	Байлетон-1,0; Альто-Супер-0,3; Фоликур-БТ-0,3-0,5; Импакт-0,5; титул-0,3; Колосаль-0,3-0,5
Тошкуя касаллиги	Доимо	Қўл кучи ёрдамида териб олиниб, йўқотилади.

#### **Ғалла экинларида учрайдиган бегона ўтлар ва уларга қарши қўлланиладиган гербицидлар.**

Сўнгги йилларда юртимизнинг ғалла майдонларида бир йиллик бошоқли ва икки паллали бегона ўтлар кўпайиб кетмоқда. Экинга нисбатан

тез ривожланиб, улар экин офтоб нурларини ўзлаштиришига тўсқинлик қиласди, ғаллага берилган озуқа моддаларнинг 30-40% ни ва сугориш сувларини ўзлаштиради, дон ҳосили ва сифатини 20-50% гача камайтиради. Бегона ўтлар ғалла экин майдонларига сугориш сувлари, яхши чиримаган гўнг, шарбат суви орқали тарқалади ҳамда дала четлари, йўл ёқалари, ариқ бўйлари, лоток атрофлари ва зовурлар атрофида ўсади.

Энг ашаддий бегона ўтлардан бири – ёввойи сулининг уруғлари тупроқда 5-7 йилгача, қуруқ ҳолда сақланганида эса камида 8 йил унувчанлигини йўқотмайди. Уруғи тупроқ остида 25-30 см чуқурликдан ҳам униб чиқиши мумкин, аммо тупроқнинг 10 см юза қатламидан яхши унади. Ёввойи сулининг ҳосилдорликни кўп микдорда камайтиришига асосий сабаб, ердан кўп микдорда озуқа ўзлаштириш билан бирга буғдойга нисбатан бир ярим марта кўпроқ сув сарфлаши натижасида тупроқни қуритиб юборишидир.

### *Кураши чоралари:*

Суғориладиган буғдойзорлардаги бир йиллик бошоқли ва икки паллали бегона ўтларга қарши механик ва агротехник тадбирлар билан биргаликда ичдан таъсир қиласиган янги гербицидларни қўллаш лозим. Эрта баҳорда буғдой тупланиши фазасида, ҳаво ҳарорати 16-18оС, бегона ўтларнинг 1 м<sup>2</sup> даги микдори 7-10 тани ташкил қилиб, бўйи 5-7 см бўлганда гербицидларни пуркаш яхши самара беради.

**Буғдойзорлардаги бир йиллик икки паллали бегона ўтларга** (шўра, олабўта, жағ-жағ, чақамиқ, қоқиёт, итузум, бўритароқ, күшқўнмас, қўйтикон, ёпишқоқ ўт, тугмача ўт, лолақизғалдоқ, ёввойи сабзи, ёввойи турп ва б.) қарши қуидаги гербицидларни гектарига кўрсатилган сарф-меъёрларида пуркаш тавсия этилади: Гранстар (Биостар, Гранленд, Громстор, Далстар, Моеистар, Тайфун, Экстрем, Энтоистар) 75% о.қ.сус. – 15-20 г; Гранстар плюс 50% с.э.г. – 30 г; Банвел 24% с.э. – 0,7-1,0 л; Димет 50% с.э.г. – 0,08-0,1 л; Серто плюс 25% с.э.г. – 0,1-0,15 кг; Фенизан 38,2% с.э – 0,14-0,2 л; Дерби 17,5% сус.к. – 50-60 мл; Старане 20% эм.к. - 0,75-1,0 л; Старане премиум 33% эм.к. – 0,5-0,6 л.

**Ғўзага зарар етказувчи асосий бегона ўтлар:** шўра, ит узум, эшакшўра, семизўт, курмак, ажириқ, гумай, қамиш, қўй печак, ёввойи гултожихўроз, саломалайкум ва ҳ.к.

### **Назорат саволлари:**

1. Ғўзани кемирувчи заараркундаларини айтиб беринг?
2. Ғўзани сўрувчи заараркундаларини айтиб беринг?
3. Ғаллани кемирувчи заараркундаларини айтиб беринг?
4. Ғўзани сўрувчи заараркундаларини айтиб беринг?

5. Фўзани асосий касалликларига қарши қўлланиладиган пестицидларни таърифланг?

6.Бегона ўтларга қарши қандай гербицидлар қўлланилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Education Division Indian Council of Agricultural Research, New Delhi, April 2009, PLANT PROTECTION. Entomology, Nematology, Plant Pathology, BSMA Committee on Plant Protection, p.93.

2.Хўжаев Ш.Т., Холмуродов Э.А. “Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. Тошкент, “Фан” нашриёти. 2009.

3.Кимсанбоев Х.Х., Йўлдошев А.А. ва бошқ. –Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш. Ташкент-1997 й.

### **Интернет сайтлар:**

1.[www.gov.uz](http://www.gov.uz)-Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.

2.[www.lex.uz](http://www.lex.uz)- Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

3.[www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).

4.[www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).

5.[www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html](http://www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html).

### **3-мавзу: Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши биологик ва кимёвий кураш усули. Режа**

3.1. Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши биологик ва кимёвий кураш усулларини қўллашнинг аҳамияти.

3.2. Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши биологик кураш усулинини қўллаш.

3.3. Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши кимёвий кураш усулинини қўллаш.

**Таянч иборалар:** Бит, шира, қалқондор, пашша, ғовакловчи, кўчат, барг, эпилляхна, карантин, полиз, сабзавот, мева, сифат, сохта қалқондор, каналар, трихограмма, бракон, олтинкўз, инсектицид, фунгицид, гербицид.

#### **3.1. Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши биологик ва кимёвий кураш усулларини қўллашнинг аҳамияти.**

**Барг битлари** баргларни буриштириб қўяди, баъзан эса тўкиб юборади, ёш новдаларни ўстирмай қинғир-қийшиқ қилиб қўяди ва мева ҳосилини камайтириб юборади. Ёш кўчатлар, жумладан ёш шафтоли дараҳтларига битлар айниқса катта заар етказади: мева ширасини сўриб, сифатини пасайтиради; нимжон бўлиб қолган дараҳтларга иккиламчи заараркунанда - пўстлоқ ости қўнғизлари тушиб зааррлайди; дараҳтлар қуриб қолади; ёш мева дараҳтларига катта зиён етказади. Буларнинг олдини олиш учун барг битларига қарши кимёвий препаратлар билан ишлов берилади. Баҳор охирларида битларнинг кўп турлари мева дараҳтидан бошқа ўсимликларга ёки сабзавотларга ўтади.



**18-расм.Олма яшил бити**

Қон бити олма, нок ва бошқа мевали дарахтларнинг илдизини, тана ва шохларининг ширасини сўриб, дарахтларни кучсизлантиради. Битнинг шира сўрган жойларида ғуддалар пайдо бўлади, улар кейинчалик ёрилиб, чирийди. Қон бити тушган ёш дарахтлар кўпинча қуриб қолади, қари дарахтлар эса кучсизланиб, ҳосили жуда камайиб кетади. Қон бити кўп тушган шохлар қурийди. Феврал-март бошларида битлар қишловдан чиқади ва дарахтларга ўрмалаб чиқиб, пўстлоғи нозик ёки зааралangan жойларига ўрнашиб олади. Битларнинг галалари сидирға мум пар билан қопланади. Қон бити ёз бўйи 15-17 та авлод бериб ривожланади.



**19-расм.** Олма қон бити – *Eriosoma lanigerum* (по Щеголову).

**Шафтоли бити** шафтоли, ўрик, олхўри ва бодомга, баъзан беҳи билан олмага зарар етказади. Бит сўриб зааралаган дарахтлар яхши мева қилмайди, ёш дарахтлар эса баъзан нобуд бўлади.

Зааркунанда личинкалари март ойида пайдо бўлади. Битлар тез кўпаяди; ёз бўйи камида 11 та авлод беради. Урғочи бит бир-икки ой яшайди. Шунинг учун бир тўдада бир неча авлод вакиллари учрайди. Шафтоли катта бити йўғон барг ва шохлар асосида, кўпинча уларнинг пастки томонида ва дарахт танасида тўп-тўп бўлиб олиб, дарахт ширасини сўриб уни кувватсизлантиради.



**20-расм.** Шафтоли бити

**Нок шира битининг** вояга етгани ва личинкалари нок куртаклари, барглари, гуллари ва ингичка новдаларининг ширасини сўриб, дараҳтларни жуда ҳам нимжон қилиб қўяди. Қаттиқ заарланган барглар қорайиб тўкилиб кетади. Нок шира битига қарши кураш олиб борилмаса, июль бошларида ёқ дараҳтлар батамом баргини тўкиб юборади. Заарланган дараҳт новдалари қинғир-қийшиқ, меваси қаттиқ, bemaza бўлиб, кўпинча шира битининг ёпишқоқ ахлатига беланади. Шира бити вояга етганда нок дараҳтларининг шоҳларида ва қисман танасидаги пўстлоқ остида қишлийди. Дараҳт куртак ёзишдан сал олдин шира битлари жуфтлашади ва тухум қўя бошлайди. Тухумини шоҳларнинг учига ва куртаклар яқинига қўяди.

Вояга етган шира битлари ёзда ҳам, кузда ҳам дараҳтдан дараҳтга ўтаверади, шу билан бирга улар кузда тўпланиб қишлийди.

**Мева канаси** одатда олма дараҳтига зарар етказади, аммо бошқа уруғли ва данакли мева дараҳтларига ҳам тушади. Ўргимчаккана заарлаган барглар дастлаб сарғаяди, кейин эса қўнғир тусга кириб тўкилиб кетади. Мева ўргимчакканаси дараҳт танасидаги пўстлоқлар остида ва дараҳт танасидаги ёриқларнинг ичида, бегона ўтлар қолдиги тагида, шоҳларда ва қисман шоҳлардаги куртаклар яқинида тўп-тўп бўлиб қишлийди. Зааркунанда мевали дараҳтлар барги хужайрасининг ширасини сўриб озиқланади. Вақтида кураш тадбирлари ўtkазилмаса барглар ва мевалар тўкилиб кетади. Боғ атрофида чангли кўчалар бўлса, чангни кўтарилиб дараҳт баргларига ўтириши зааркунандани кўпайишига қулай шароит тугдиради. Қурғоқчилик ўргимчакканаларни кўпайишига олиб келади.

**Калифорния қалқондори** мева дараҳтларига, резавор мева, буталарга ва манзарали ўсимликларга зарар етказади.



**21-расм.** Калифорния қалқондори – *Quadraspidiotus perniciosus*

Калифорния қалқондори жуда күпайиб кетганда дарахт пўстлоғи ёрилиб кетади, шохларини ва ҳатто бутун дарахтларни қуритиб қўяди, мевалардаги ширани сўриб, тўқ қизил доғ туширади. Калифорния қалқондори мевали дарахтни шохи, новда, барг, дарахт пўстлоғи ва мевасини заарлайди. Натижада дарахтлар кам хосил беради, кучли заарланганда қуриб қолиши мумкин. Катта дарахтларда калифорния қалқондори дарахт пўстлоғида бўлади. Дарахт пўстлоғида узун ёриқларнинг пайдо бўлиши ушбу қалқондорларнинг кўплигидан далолат беради.

**Сохта қалқондор** личинкаси калифорния қалқондоридан каттароқ бўлади, баҳорда тез кўпаяди ва ўзидан шира ажратади. Урғочи сохта қалқондор тухумини ўзининг ҳимоя қобиғи остига қўяди. Тухумдан чиқсан қалқондор личинкалари кузгача баргда озиқланади ва кейин шоҳ ёки новдаларга қайтади. Сўнг суюқлик ишлаб чиқаради ва ўзига ҳимоя қобиғи ҳосил қиласи. Асосий зарар қалқондорларни озиқланиши натижасида вужудга келади қиласи. Бундай меваларни сифати паст бўлади ва қишида узок муддатга сақлаб бўлмайди. Сохта қалқондорлар кўпайганда дарахт ўсишини сусайтиради. Бу зааркуннадалар баҳорда ва ёз ойларида дарахт баргларида, куз ва қиш фаслларида новда ва шохларида яшайди. Сохта қалқондорларнинг личинкалари ва урғочилари новдалар, бутоқ ва баргларнинг ширасини сўриб озиқланади.

**Бинафшаранг қалқондор** данакли меваларнинг барчасига зарар келтиради. Бинафшаранг қалқондор бир йилда икки марта авлод бериб ривожланади.



**22-расм.** Фиолетовая щитовка (по Щеголову).

Уруғланган урғочи холида ингичка новдаларда ва куртак қўлтиқларида қишлиайди. Бинафшаранг қалқондор олма дараҳтининг энг хавфли зааркунандаларидан бири. У дараҳтнинг танаси, шохи, новдаси ва ҳосилини заарлайди. Дараҳтнинг кучли заарланган қисмлари қуриб қолади. Дараҳт танаси ва шохida кўпгина дарз ва ёриқлар пайдо бўлади. Дараҳтлар ўсишдан тўхтайди, танаси деярли йўғонлашмайди, шох ва новдалари қурийди, ҳатто дараҳтлар қуриб қолиши ҳам мумкин. Бинафшаранг қалқондор тушган ёш дараҳтлар икки, уч йилга бормасдан нобуд бўлади.

**Олма қурти** хаммахўр бўлиб, 30 турдан ортиқ мевали дараҳтларнинг меваси билан озиқланади. Кўпроқ олма, нок, ёнгоқ ва олхўрининг асосий зааркунандаларидан бири ҳисобланади.

Олма қурти 1 йилда 3 та авлод беради. Улар ғумбак ичида катта ёшли курт шаклида дараҳт пўстлоқлари орасида, бошқа ҳимояланган жойларда ва боғ ичида шохлар остида қишлиайди. Эрта кўкламда бу қишилаб чиқсан куртлар ғумбакка айланади. Олма гуллаши бошланганда ғумбакдан капалаклар учун чиқиб олма баргларига ва мева тутунчаларига тухумларини кўяди. Тухумдан чиқсан қуртлар барг ва мева эти билан, кейинчалик унинг уруғи билан озиқланади. Ҳар бир қурт 2-3 тадан мевани заарлайди. Мевага кирган жойида чиқиндисини кўриш мумкин. Қурт етилгандан сўнг мевадан чиқиб, дараҳт устида ёки яқинида ҳимояланган ҳолда ғумбакка айланади.



**23-расм.** Олма қурти

**Шарқ мева қурти** ички карантин объекти хисобланиб, олма, нок ва беҳи дараҳтларининг меваларига худди олма қурти каби зарар етказади. Шарқ мева қурти данакли мевалардан шафтоли, олхўри, ўрикка ҳам жиддий зарар етказади. Шарқ меваҳўри асосан новда ва мевани заарлайди. Янги ўсган новда учидан кириб ўртасини ейди. Мева ичига кириб данак атрофини ейди ва етилиб мева ичидан чиқади ва ғумбакка айланади.



**24-расм.** Шарқ мева қурти

**Олхўри меваҳўри** Ўзбекистонда дараҳтларга катта зарар етказади ва икки авлод бериб ривожланади. Жанубий туманларда учинчи авлод ҳам ривожланиши мумкин. Меваҳўр қурлари олхўри, олча мевалари, баъзан тоголча, ўрик, шафтоли меваларига зарар етказиб, уларнинг тўклилиб кетишига сабаб бўлади. Маълумотларга кўра, биринчи авлод қурлари 5-12 фоиз мевани, иккинчи авлод қурлари эса 70-85 фоиз мевани заарлайди. Олхўри ва олма қурларининг ҳаёт кечириши кўп жихатдан бир-бириникига ўхшайди, аммо олхўри қурти данакли меваларга кўпроқ зарар етказади. Биринчи авлоднинг капалаги апрел-май ойларида меваларга тухум қўяди. Олхўрининг заарланган жойидан аксарият холларда елим чиқиб туради.

Кўпинча бундай мева чириб, тўкилиб кетади. Куртлар мевалар этини кемириб, унинг ичига қараб йўл очади.



**25-расм.** Олхўри меваҳўри

**Ғилофли куя қуртлари** олма, ўрик, бодом, нок, гилос, олча, тоғолча ва бошқа дараҳтларнинг барг куртаклари ҳамда мева куртакларини ўйиб ейди.



**26-расм.** Ғилофли куя – *Coleophorahemerobiella*

Қаттиқ шикастланган куртаклар қуриб қолади, кам шикастланганларида эса буришиб кетган барглар ҳосил бўлади. Курт ғилофча ичида туради, бундай ғилофчани унинг ўзи, аввал барг пўстидан, кейинчалик эса ўзи ичидан чиқарган ипдан ясади. Озиқланиш пайтида курт ғилофчадан салгина сурилиб чиқади, аммо танасининг орқа учи ҳар доим ғилоф ичида туради. Куртаклар бўртиб бошлиши олдидан ғилофчали қуртлар куртаклар ёнига ўрмалаб боради. Куртакка чиқиб олган курт ғилофчасининг олдинги учини иплар ёрдамида куртакка маҳкамлаб қўяди, ўзи эса куртак ичига ўйиб киради. Куртлар барглар ва мева куртаклари билан озиқланади.

Заарланган куртакларни қурт кемирган кичкина юмалоқ тешиги борлигидан билиб олиш мумкин.

**Мева дараҳтларининг зааркунанда ва қасалликларига қарши курашдаги агротехник тадбирлар:**

- Кузда хазон йифиширилиб кўмилади, сўнгра боғ қайта ҳайдалади ва дараҳтлариинг атрофи юмшатилади.

- Дараҳт танаси ва йўғон шоҳларининг қўчган пўстлоқлари кузда, барглар тўкилгандан кейин ва эрта кўкламда иккинчи марта чодирга қириб туширилиб, чиқсан чиқинди ёқилади.

- Боғларга минерал ва маҳаллий ўғитлар солинади. Бузоқбоши қўнғизлар пайдо бўлмаслиги учун мева дараҳтларига гўнгни яхшилаб чиритиб солиш керак.

- Эрта кўкламда (дори пуркашдан кейин) дараҳтларининг заарланган, ёрилган ва айри жойларига боғ замазкаси сурилади. Дараҳтларининг танаси оҳак билан оқланади.

- Боғларда мавсум бошидан тўкилган меваларни мунтазам равиша териб, дарров хўжалик мақсадлари учун ишлатиш ёки йўқотиш керак.

Полиз экинларини: кузги тунлам (*Agrotis segetum Den.*), ундов тунлами (*A. exclamationis L.*) ва бошқа тунламлар заарлайди. Полиз экинларига кузги тунламнинг 2-3-4 авлодлари, ундов тунламиининг эса иккала авлоди ҳам заар етказиши мумкин. Полиз экинларига илдизкемирувчи тунламлардан ташқари симқуртлар, бузоқбошилар ҳам шикаст етказиши мумкин.

Илдизкемирувчитунламлар полизэкинларини асосан ниҳоллик давридаи лдизиниёки илдизбўғзини қириқиб зараретказади.

Бундабирхилўсимликларяна ўнгланиб кетишиҳаммумкин, аммо хосилдорликкапутуретади. Илдизкемирувчитунламларнинг қурти катта ёшида ергатегибтурган ўсимликларини ҳамшикастлашимумкин.

Бундайқовун, тарвуз, қовоқузоқғабормайчирийди, ёкичандикхосилқилади.

**Илдиз кемирувчи тунламларга қарши кураш чоралари.**

1. Агротехника йўли билан.

2. Феромонлар ёрдамида тунламлар ривожланиш муддатларини аниқлаб трихограмма кушандасини зааркунанда тухумига қарши қўйиши.

3. Тунламлар шувоқ, печак, шўра, итузум каби ўсимликларни авзал кўрганлиги сабабли, пайкал ичидаги бу бегона ўтлар тагида йифилган бўлиши мумкин. Шунинг учун, чопиқни (зааркунанда хавфи ортиқ бўлса) кимёвий курашдан кейин ўтказиш лозим.

4. Кимёвий кураш учун: децис – 0,7 л/га, ариво (циракс, циперметрин) – 0,24-0,32 л/га, ёки суми-альфа – 0,5 л/га ёрдамида ўтказиш мумкин.

### **3.2. Қишлоқ хўжалиги заарли организмлариға қарши биологик кураш усулини қўллаш.**

**Полиз қўнғизи ёки эпилляхна** – *Epilachna chrysomelina* (қўнғизлар туркумининг, кокцинеллидлар – *Coccinellidae* оиласига мансуб).

**Тарқалиши.** Ўрта Осиё давлатларида ҳамда Кавказда учрайди. Чет элда: Афғонистон, Эрон, Кичик Осиё, Жанубий Европа ва қисман, Африка мамлакатларида тарқалган. Ўзбе-қистонда полиз қўнғизи қўпроқ: Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларида учрайди.

**Таърифи.** Бу ўсимликхўр кокцинеллид қўнғизини ўзига хос белгилари борлиги учун дарров аниқлаб олса бўлади. Қўнғизи яримсферик шаклга эга – танасининг паст томони яssi, усти эса қабариқ; катталиги 7-8 мм, ранги қизил-қўнғир, уст қанотларининг ҳар бирида 6 тадан қора доги бор. Личинкаси сарғиш тусда, уч жуфт кўкракоёқлари бор; уст томонида беш қатор жойлашган шоҳлаган қора тиканчалари бор; узунлиги 9 мм келади. Ғумбаги кокцинеллидларга ҳос – орқа уни билан баргга ёпишиб туради; танаси қисқариб кенгайган, усти тукчалар билан қопланган, ранги – сариқ.

**Ҳаёт кечириши.** Қўнғизи ўзи яшаган ерда турли ўсимлик қолдиқларининг остида қишлоқлаб чиқади. Айрим ҳолларда уни қамиш поясида ҳам топишган. Баҳорда қўнғизларнинг уйғониши анча чўзилади ва полиз экинларини кўкариш даврига тўғри келади. Қўнғизлари экинларга учеб ўтиб қўшимча озиқланади; ўсимлик баргларининг уст томонига 20-50 тадан ғуж қилиб тухум қўяди. Яна 3-5 кундан кейин улардан личинкалар чиқади ва барг тўқималарини қиртишлаб озиқланана бошлайди. Личинкалар 15-25 кун мобайнида уч марта пўст ташлаб ривожланади. Иккинчи ёшидан бошлаб баргни кемириб тешиклар ҳосил қиласиди; барг томирларинигина қолдиради. Сўнгги пўст ташлаганидан кейин барг орасида ғумбакқа айланади. Яна 8-10 кундан кейин ундан янги авлод қўнғизи учеб чиқади. Ўрта Осиё шароитида полиз қўнғизи йилига уч авлод бериб ривожланади.

**Зарари.** Полиз қўнғизининг ўзи ва личинкалари қовун, тарвуз, қовоқ ва бодринг экинларини шикастловчи олигофаг бўлиб ҳисобланади. Зааркунанда қўпайганида ўсимлик баргиз бўлибгина қолмай, унинг сапча ҳосили ҳам шикастланади. Бунинг натижасида у тез чириб кетади. Айрим йиллари ўз вақтида ҳимоя тадбирлари қўрилмаган Сурхондарё вилоятининг қовун пайкалларида ўсимликларнинг нобуд бўлиши ҳисобига, ҳосилдорлик 60-70% га камайганлиги маълум бўлган.



### 27-расм. Полиз құнғизи ёки эпиляхна – *Epilachna chrysomelina*

**Кураши чоралари.** 1. Бошқа оиласа мансуб әқинлар билан олмошлаб әкиш; күзда үсимлик қолдиқларини күйди-риб ташлаб, шудгорлаш. 2. Зааркунанда қийғос тухум қүйиб личинкалар чиқабошлаган даврда бирорта пиретроид инсекти-цид билан ишлов үтказиш яхши натижалар беради. Бунда, үсимликлар бирийүла үргимчакканы билан ҳам заарланған бўлса бирорта инсектицид-акарицид (циперфос, каратэ, талстар) ишлатиш керак.

**Ғовакловчи пашша** 1999 йилда республикамизда биринчи марта рўйхатга олинган.

Бу тур ғовакловчи пашша учун помидор, бодринг энг хушхўр үсимлик ҳисобланади. Бу зааркунанда үсимлик барги мезофили билан озиқланиб фотосинтетик юзани камайтиради, баъзи ҳолларда баргалар қуриб қолади.

**Агротехник кураши:** Алмашлаб әкиш, қатор ораларига ишлов бериш.

**Биологик кураши:** ПАОлиз әқинларидағи ғовакловчи пашшага қарши биологик кураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда сонига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда чиқариш.

**Кимёвий усул:** Агарда ғовакловчи пашшанинг миқдори кўп бўлганда қўйдаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади: Суми-альфа 20% эм.к. препаратидан – 0,6 л/га, Конфидор, 20% эм.к. – 0,25 л/га, Вертимек, 1,8% эм.к. – 0,6 л/га, Карбофос, 50% эм.к. – 0,6 л/га қўллаш тавсия этилади.



**28-расм.** Ғовакловчи пашия –*Liriomyza solani*

**Қовун пашиаси – *Carpomya pardalina* Bigot.**

Иккиқанотлилар (*Diptera*) туркуми, чипорқанотлилар (*Tephritidae* [к *Trypetidae*]) оиласига мансуб.

**Тарқалиши.** Ватани номаълум, аммо Белужистон бўлиши тахмин қилинади. *Oscië* – Афғонистон, Ироқ, Истроил, Левант, Миср, Озарбайжон, Покистон, Сурия, Тожикистон, Туркия, Туркманистон, Ўзбекистон, Хиндистон, Эрон.

Туркманистоннинг сахро флораси ва фаунаси институти маълумотларига кўра қовун пашиаси бу мамлакатда 1996 йилдан бошлаб олдин Ахал ва Мари вилоятларида, сўнгра Лебап ва Тошховуз вилоятларига ўтиб, қовунга катта зарар етказган. Кейинчалик пашия Туркманистондан кўшни давлатларга, жумладан Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон худудларига тарқалган.

**Зарари.** Кейинги йилларда Афғонистоннинг ҳашарот тарқалган баъзи минтақаларида қовун ҳосилининг 90 фоизи йўқотилмоқда. Қовун пашиасининг қурти полиз экинлари меваларини туғилишидан пишишигача бўлган даврда заарлаб, уларни бутунлай чиритиб юборади. У Қорақалпоғистон шароитида 2002 йилдан эътиборан полиз экинларининг энг кенг тарқалган ва ҳосилни пасайтирадиган, асосий заараркунандасига айланган. Бу ҳашарот туфайли 2003 йили қовун меваларининг 90-95%, тарвузнинг 5-10% ва бодрингнинг 3-5 фоизи нобуд бўлган ва кейинги йиллари ҳам кўп ҳосил йўқотилмоқда. Пашия олдин қовуннинг эртапишар

навларини заарлайди, улардан кечпишар қовун ва тарвузга ўтади, натижада ҳам эрта-, ҳам кечпишар навларда жуда катта заар кузатилади.

**Ҳаёт кечириши.** Пупарий ичидаги ғумбаги тупроқда, 10-20 см чуқурликда, қишлийди. Қишилаган ғумбакдан пашшалар эртапишар қовун гуллаш ва мева туга бошлаш даврида (майнинг 2-нчи ярмида) учиб чиқади. Пашиша шира билан озиқланганидан сўнг оталанади ва қовун ёки бошқа полиз экинлари ёш меваларининг қобиғини тухум қўйгичи билан тешиб, унинг тагига биттадан, аммо кўпинча битта мевага мевалар диаметри 3-5 см бўлганда 20 та ва ундан ҳам кўпроқ тухум қўяди. Битта урғочи пашиша 1 мавсумда 98-130 та тухум қўяди ва улар 2-8 кун давомида эмбрионал ривожланиб, улардан личинкалар чиқади ва мева ичига ўтади, мева эти билан озиқланиб, уруғни ҳам ейди. Улар 10-18 кундан сўнг мева пўстини тешиб, ташқарига чиқади ва тупроқда 5-15 см чуқурликка кетиб, у ерда пупарий ичидаги ғумбакланади. 10-18 кундан сўнг ғумбакдан 2-нчи авлод пашшаси чиқади, урғочи зотлари оталанади ва яна тухум қўяди. Бир авлодининг ҳаёт даври 30 кунча бўлиб, бир мавсумда пашиша Афғонистонда 3-4, Қорақалпоғистонда 2-3 авлод беради.



**29-расм.** Қовун пашшаси – *Carposina pardalina* Bigot. ва зарари

**Тарқалиши.** Личинка шаклида мева билан; пупарий ичидаги ғумбак шаклида эса ўсимликлар илдизидаги тупроқ билан, ҳамда етук зотлари учидеги үтиши ҳисобига тарқалиши мумкин.

**Карантин тадбирлари.** Қовун пашаси Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига тарқалмаслиги учун ички карантин чора-тадбирларини кўллаш лозим, жумладан пашша тарқалган худудлардан заарланган полиз экинлари меваларини ва илдиз тизими пухта тозаланмаган дараҳт ниҳоллари ва бошқа экинларни олиб утиш ман этилади.


**Кураш чоралари.** Ҳозирги кунларда Афғонистонда ФАО проекти тадқиқотларида 3 та кураш усули текширилмокда, жумладан: 1) пупарийларни ҳалок қилиш учун далаларни қишида сувга бостириб қўйиш; 2) тупроқдан учидеги чиқадиган пашшаларни ўлдириш мақсадида заарланган қовунларнинг тагига кукун шакли инсектицид чангитиш; 3) пашшалар қовун баргларидаги токсик моддалар билан озиқланишини жадаллаштириш мақсадида экинга суюқ инсектицид билан шакар эритмасини қўшиб пуркаш.

Ўзбекистон шароитида қовун пашасига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиши ҳозиргача тугалланмаган, жумладан бу ҳашаротнинг биоэкологияси, фенологияси (мисол учун, пупарийдан чиқиши даври ва фенологияси), самарали инсектицидларни танлаш ва уларни кўллашда тўғри усул ва давр(лар)ни аниқлаш бўйича илмий асосланган тавсияномалар тайёрлаш – олимлар олдида ечилишини кутаётган муаммолардир.

### **3.3. Қишлоқ хўжалиги заарли организмларига қарши кимёвий кураш усулини қўллаш.**

#### **Тешикчали доғланиш (клястероспориоз)**

Бу касаллик данакли мева дараҳтларини, айниқса, ўрикнинг кенг тарқалган касаллиги ҳисобланади. Касаллик билан ўсимликларнинг асосий ер устки қисмлари: куртаклари, гуллари, гул тугунлари, мевалари, барглари, новда ва шохлари касалланади. Касаллик намгарчилик кўп бўлиб, қундуз куни илиқ бўлган вақтда яхши ривожланади. Касалликка учраган куртаклар нобуд бўлади (29-расм).



**30-расм.** Тешикчали доғланиш.

Меваларда касаллик ҳар хил кўринишида юзага келади. Ўрик меваларида аввалига нуқта шаклида жуда кичик қизғиши-қўнғир доғлар пайдо бўлади. Меваларнинг йириклиниши билан доғлар ҳам секин-аста катталашиб боради. Касалликка учраган баргнинг кўпчилиги ёки бир қисми қурийди ва тўкилиб кетади. Бу эса қишлоғчи куртакларнинг уйғонишига олиб келиб, бундай дараҳтлар совуққа чидамсиз бўлиш билан бирга келгуси йили эса кам ҳосил беради. Агар касаллик кучайиб кетса, баҳорда барглар тўкилиши мумкин. Барг ва мевани заарлаб ҳосилдорликни 30-40 % га пасайтиради, мева сифати бузилади. Агар баҳорда ёғингарчилик кўп бўлса мевани кучли заарлайди.

#### ***Қураш чоралари:***

- тиним даврида фунгицидни сепиш билан бирга касалланган новдаларни кесиб йўқ қилиш яхши самара беради.

#### **Монилиоз (куйдирги) касаллиги**

Касаллик баҳорда мева дараҳтларининг гуллари ва куртакларини нобуд қилади. Уруғли ва данакли мева дараҳтларида мева чириши жуда кенг тарқалгандир. Меванинг чириши қўнғир рангли кичкина доғдан бошланади ва тез ривожланиб бутун мевани қоплайди. Натижада мева эти юмшаб, қўнғир тусга киради ва меванинг таъми ўзгаради. Агар мева уни йиғиши ёки ташиш даврида заарланса, бундай меваларда ёстиқчалар ҳосил бўлмай қорайиб ёки қўкиш рангга кириб мумланиб қолади. Мумланган асосий мевалар ерга тўкилиб дараҳт тагида қишлиайди. Дараҳтларда ҳам кўпинча мумланган мевалар тушмасдан қолиши ҳам мумкин. Замбуруғ мевага фақат жароҳатланган жойдан киради, айниқса, бундай жароҳатларни олма қурти, қушлар, дўл юзага келтириши мумкин. Бундан ташқари, замбуруғ қўтирир (парша) таъсирида ёрилган жойдан ҳам киради (30-расм). Замбуруғ

спораларининг мевада тез ривожланиши учун оптимал ҳарорат 24-28 даражадир. Кейинчалик заарланган мевалар мумланиб қолиб, замбуруг шу мумланган жойларда қишлиб чиқади.



**31-расм. Монилиоз (куйдирги) касаллиги.**

**Кураши чоралари:** Бу касалликнинг олдини олиш учун қишлоучи инфекцияси бўлган мумланган меваларни териб йўқотиш лозим.

### **Помидорнинг фузариоз сўлиш касаллиги**

Вилт помидорнинг пастки барглари, кўпинча бир томонидан, сарғайиши ва ўсимликлар сўлғин бўлиб қолишидан бошланади. Сўлган барглар қурийди, бироқ тушмасдан, новдаларда осилиб қолади. Новдалар ҳам ўсимликтин бир томонида сўлиши мумкин, кейинчалик бутун ўсимлик сўлийди. (31-расм).

Новдалар устида сарик чизиқчалар пайдо бўлади. Заарланган ўсимликлар сўлишдан олдин заифлашади ва бўйи жуда паст бўлиб қолади. Заарланган помидор ўсимликларининг илдиз бўғзида пушти моғор кўриниши мумкин. Замбуруғнинг хламидоспоралари тупроқда 11 йилгача сақланиши, қўзғатувчи урут орқали ҳам ўтиши мумкин.

### **Кураши чоралари:**

Иссикхоналарда тупроқни илдиз етган чукурликкача, одатда 25 см гача буғ билан заарсизлантириш муҳим аҳамиятга эга. Фузариоз сўлишнинг жуда кучли ривожланиши кузатиладиган минтақаларда заарсизлантирилган тупроққа чидамли навларни ёки пайванд қилинган помидор кўчатларини экиш тавсия қилинади. Уруғликни самарали фунгицид билан дорилаш, алмашлаб экиш, ўсимлик қолдиқларини йўқотиш, экин яхши ўсиши ва ривожланиши учун зарур агротехника қоидаларига риоя қилиш, ўсимликларнинг қўшимча томирлари ривожланиши учун тупроқ устига мульча солиш, касал кўчат ва ўсимликларни юлиб олиб ташлаш, ортиқча азотли ўғит бермаслик, сўлишга чидамли навларни экиш – тупроқни

заарсизлантиришга қўшимча кураш чоралари деб ҳисобланади. Биологик кураш чораси сифатида *Trichoderma* замбуруги асосида олинадиган Триходермин препаратини қўллаш ҳам яхши натижалар беради.



### 32-расм. Помидорнинг фузариоз сўлиши.

#### Помидорнинг фитофтороз қасаллиги

Қасаллик ўсимликлар гуллаш пайтида бошланади. Барг бандлари пастга букилади ва барглар осилиб қолади; баргларнинг устида қайноқ сувга куйганга ўхшаш доғлар пайдо бўлиб, улар сўнгра қўнғир ёки тўқ-қўнғир тус олади, кейинчалик барг тўқимаси бироз оқариб, юпқа қофозсимон бўлиб қолади (32-расм).

Нам об-ҳавода барглар остидаги доғлар атрофида майин, юпқа, оқиш моғор қатлами пайдо бўлади. Юқори намлик ва илиқ ҳароратда барглар бутунлай чириши ва деярли барча ўсимликлар ҳалок бўлиши мумкин.

Тўпгуллар заараланганида гулбандлар ва косачабарглари қораяди ва қуриб қолади. Заараланган новдаларда узунчоқ ёки ўзгарувчан шаклли, қизғиш-қўнғир доғлар ривожланади, новда ва барглар куйганга ўхшаб қолади. Мевалар устида қаттиқ, нотўғри шаклли, қўнғир тусли, усти бироз ғадир-будур доғлар ва яралар пайдо бўлади. бошқа картошка ва помидор экинларидан узоқроқдаги далаларга экиш; экин ичида шамол яхши юришини таъминлаш (ортиқча шохларини ўз вақтида буташ, вентиляция); азотли ўғитларнинг тавсиядаги минимал миқдорларини бериш (булар, айниқса нитратли шакллари, қасаллик кучли ривожланишига олиб келади); ўсув даврида эртаги картошка экинида қасалликнинг биринчи белгилари кўриниши билан помидор ўсимликларига профилактика учун фунгицид (0,2% ли ридомил, 0,4% ли мис хлороксида, 1% ли Бордо суюқлиги ва бошқалар) пуркаш; ўсимлик қолдиқларини даладан чиқариб, йўқотиш тавсия қилинади. Помидор асосан ҳўл мева сифатида истеъмол қилиниши туфайли унда пестицид қолдиқлари бўлмаслиги (экологик тоза бўлиши) ўта муҳим.




**Кураши чоралари:** Чидамлиёки толерант навларни экиш ва кўллаш; жўякларни баланд қилиш; экишдан олдин уруғни самарали уруғ дориси билан дорилаш; алмашлаб экиш; олдинги йили помидор ёки картошка экилган далаларга экмаслик;

### 33-расм. Фитофтороз.

#### Помидорнинг қўнғир доғланиш касаллиги

Касаллик помидорнинг гуллаш-мева туғиши пайтларида бошланади ва асосан баргларини заарлайди. Унинг биринчи белгилари – пастки барглар устида сариқ ёки оч-яшил доғлар, барглар остида эса (ўша доғларнинг тагида) рангсиз, сарғиш ёки оч-қўнғир доғлар пайдо бўлишидир. Барг остидаги доғлар яшил-қўнғир (ёки қулранг-қўнғир) тусли майин моғор билан қопланади. Касаллик тезда тепа ярус баргларига ўтади. Кучли заарланган барглар олачипор тус олади ва қурийди.

Касаллик эпифитотия шаклида ривожланганида помидорнинг гул ва мева бандлари, гулкосабарглари ва тугунчалари ҳам заарланади ва улар кейинчалик тўкилиб кетади (33-расм). Касалликнинг энг кучайган даври мева пишиш пайтига тўғри келади. Мевалар устида бўртган, қаттиқ, зайдун рангли, моғор билан қопланган доғлар пайдо бўлади.



### 34-расм. Помидорнинг қўнғир доғланиш.

#### Кураши чоралари:

Чидамли навлар яратиш ва кўллаш; Иссиқхоналарда алмашлаб экишни йўлга қўйиш; Ҳаво ҳарорати 24-25°C бўлишини (иложи бўлмаса 17-18°C дан пасаймаслигини) таъминлаб туриш, намлик 65-70% дан ошиб кетмаслиги учун уларни тез-тез шамоллатиш, Уруғликни экишдан олдин самарали

фунгицид (мисол учун, Витавакс 200 ФФ) билан дорилаш; Ўсиш даврида Байлетон 25% н.кук. (0,5-1,0 кг/га), Вектра 10% сус.к. (0,3 л/га), Топсин-М 70% н.кук. (1,0 кг/га), Фоликур БТ 22,5% эм.к. (0,3-0,5 л/га), 1% ли Бордо суюқлиги, мис оксихлориди, 90% нам. кук. (2,4 кг/га) ёки бошқа фунгицидлардан бирини пуркаш ёки сувга беномил қўшиб суғориш тавсия қилинади. Тез-тез ишлатилса, патоген бензимидазолларга чидамли бўлиб қолишини эсда тутиш лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Мевали дараҳтларнинг асосий зарапкунандаларини айтиб беринг?
2. Мевали дараҳтларнинг асосий зарапкунандаларига қарши кураш чоралари қандай?
3. Қовун пашибасини таърифланг ва унга қарши кураш чорасини айтинг?
4. Гилофли куя қандай ҳашарот?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Education Division Indian Council of Agricultural Research, New Delhi, April 2009, PLANT PROTECTION. Entomology, Nematology, Plant Pathology, BSMA Committee on Plant Protection, p.93.
2. Сулаймонов Б.А, Хасанов Б.А, Зуев В.И, Болтаев Б.С «Вредители и болезни бахчёвых и тыквенных овощных культур и меры борьбы с ними». Ташкент, 2016. 175 с.
3. Сулаймонов Б.А, Болтаев Б.С ва бошқ., Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантини асослари. Для лабораторных занятий, Ташкент, 2014.
4. Мухаммадиев Б. ва бошқ. “Ҳашаротлар экологияси ва тур таркибининг систематик таҳлили”, Тошкент, 2014.147 бет.

### **Интернет сайтлар:**

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)-Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)- Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. [www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).
4. [www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).
5. [www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html](http://www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html).

## **4-мавзу: Қишлоқ хўжалиги экинларининг заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.**

### **Режа**

4.1. Ўза, ғалла экинлари экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.

4.2. Мевали боғлар, ёнгоқ ва ёнгоқ мевали дaraohтлар заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.

4.3. Сабзавот ва полиз экинлари, картошка, мойли, дуккакли-дон, ем-хашак доривор ва иссиқхона экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.

**Таянч иборалар:** олдини олиш, агротехник, физик механик, карантин, биологик, кимёвий кураш чоралар, шира, қалқондор, пашша, ғовакловчи, кўчат, барг, эпиляхна, карантин, полиз, сабзавот, мева, сифат, сохта қалқондор, каналар, трихограмма, бракон, олтинкўз, инсектицид, инсектицид, фунгицид, гербицид.

### **4.1. Ўза, ғалла экинлари экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.**

Ўзада учровчи асосий зааркунандалар: ўргимчакканда, кўсак қурти (ўза тунлами), кузги (ер ости) тунлами, ғўза(полиз), беда(акация), катга яшил битлари (ширалар), тамаки трипси, карадрина ва ҳ.к.

Ўзага зарар етказувчи асосий бегона ўтлар: шўра, ит узум, эшакшўра, семизўт, курмак, ажириқ, гумай, қамиш, қўй печак, ёввойи гултожихўроз, саломалайкум ва ҳ.к.

Республикамизда пахта етиштириш қишлоқ хўжалигининг муҳим йўналиши бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра, ҳосилдорликни тинмай қўтариш қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолаяпти. Пахта ҳосилдорлигини оширишда фан ва техника ютуклари, илғор агротехник тадбирларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан бир қаторда, ғўза зааркунандалари ва касалликларига қарши самарали кураш олиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Негаки, ғўза зааркунандалари ҳамда касалликлари қўпайганида, уларга қарши кескин чоралар қўрилмаса, етиштирилаётган пахта ҳосилининг кўп қисми нобуд бўлиши мумкин.

Ўзанинг асосий зааркунандаларидан бири бўлиб ғўза тунлами (кўсак қурти) ҳисобланади. Ғўза тунлами ривожланиш даври мобайнида ўсимлик чин баргларига, катталашиб борган сари ўрта ва қўйи шохларга тушиб, шона ва гулларга шикаст етказади. Тўла вояга етган қурт кўсакни тешиб, юмшоқ чигит билан озиқланади. Натижада шикастланган гул ва тугунчалар

тўкилади, кўсаклар чирийди. Битта ғўза тунлами 5-10 та ҳосил элементини, 3-4 та кўсакни заарлари мумкин. Бундан қўриниб турибиди, у ғўзанинг ашаддий кушандасидир.

Ғўза тунлами Марказий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган. Пахтакор республикаларида ҳар йили ҳосилни ғўза тунламидан сақлаб қолиш учун кўплаб маблағ ажратилади. Ғўза тунламига қарши курашиш учун сарфланадиган маблағ экинни ҳимоялашга кетадиган умумий сарф-ҳаражатининг ярмидан ошиғига шерик бўлади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, ғўза тунламига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш мутахассислар ва олимлар олдида турган муҳим вазифалардандир.

Хозирги даврда ғўза зааркунандаларига қарши **биологик кураш** чораларини қўлланишига катта эътибор берилаяпти. Республикаизда фойдали ҳашарот-кушандаларнинг турларини ва сонини урчиши ўли билан кўпайтириш учун саккиз юздан ортиқ биолабораториялар самарали ишлаб турибди. Бу лабораториялар мутахассис ходимлар билан таъминланмоқда. Натижада ғўза тунлами ва бошқа зааркунандаларга қарши биологик кураш хажми ортиб бормоқда. Хўш бу ишловлар нима бераяпти? Маълумки, биологик кураш кимёвий курашдан кўп томони билан фарқланиб, самарадорлиги кўп омилларга боғлиқлигича қолмоқда. Кўплаб кузатувлар шуни қўрсатаяпти, Фаргона водий вилоятлари мисолида бу ерда биомаҳсулот билан энг юкори даражада таъминланганлигига қарамай, ғўза тунламига қарши курашда: трихограмманинг самараси 25-30% гача; трихограмма ва браконни ишлатиш кетмакетлигига эса 50% га аранг етиши мумкин. Кейинги 5-6 йиллар мобайнида зааркунанда шу қадар кучли ривожланаётидики, айрим пайкалларда ҳосилнинг учдан бири кўсак қурти эвазига камайяпти. Бу борада, ғўза тунламига қарши биологик усулнинг самарадорлигини унга ҳос даражагача кўтариш учун бериладиган тавсиялар, усулга нисбатан хурмат-эътиборни ўз жойига қайтариш керак деган умиддамиз.

Ғўза тунлами фақат пахта ҳосилига эмас, балки сабзовот, маккажӯхори ва дуккакли дон экинлари ҳосилига ҳам катта заар етказади. Мазкур китобчада ғўза тунламига қарши курашни кўплаб ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда баён этдик.

Кейинги йилларда ғўза тунламига қарши ишлатиладиган кимёвий дориларнинг (инсектицидларнинг) турлари кўпайтирилди. Бу дорилар юкори самарадор ва ишлатишга қулай бўлиши билан бир қаторда, ўсимликлар дунёсига ва иссиқ қонли ҳайвонлар учун камроқ ҳавфлидир. Улардан тўғри фойдаланиш кўп жиҳатдан хўжаликлардаги мутахассисларнинг билим савиясига ва тажрибасига боғлиқдир.

Шубҳасиз, кўсак қурти ва бошқа зааркунандаларга қарши курашда **кимёвий усулнинг** салмоқли ўрни бор. Ҳаётнинг ўзи шуни қўрсатдики, кўсак қуртига қарши курашда самарали инсектицидларни ишлатмасдан бўлмайди. Бунинг учун: қайси вақтда (?), қайси дорини (?) ва қанақа қилиб (?) ишлатишни билган мутахассисгина мақсадининг устидан чиқади. Ўзбекистоннинг барча пахтачилик туманларида кемирувчи зааркунанда-лар

Ғўзанинг ҳосил нишоналарига катта заарар етказади. Улардан энг хавфлиси ғўза тунлами (кўсак қурти) ҳисобланади.

## Гўза тунлами, тарқалиши, биологик ҳусусиятлари, зарари ва табиий кушандалари

**Ғўза тунлами** (*Heliothis armigera* Hb.). Ер юзининг барча қисмларида мўътадил ва субтропик минтақаларда кенг тарқалган. Ўрта Осиёда ғўза тунлами ҳамма жойда учрайди. Бироқ, унинг сони ва келтирадиган зарари турли тупроқ-иқлим минтақаларида турличадир. Сурхондарё, Фарғона ва Андижон вилоятларининг кўп қисми доимо заарarlаниб турадиган минтақа ҳисобланади. Бир қатор иригация иншоотлари ишга туширилгандан кейин бу зааркунанда Бухоро вилоятида, Сирдарё вилоятининг жанубий-шарқий минтақасида, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида ҳам анча кўпая бошлади.

Ғўза тунламиning капалаги йирик, қанот ёзганида 35-40 мм келади, танасининг узунлиги 12-20 мм га боради (1-расм, иловалар). Танаси охрасимон сариқдан қўкиш-сариқ ва қулранггача ўзгаради. Олдинги қанотларининг марказида биттадан кичикроқ юмалоқ, юқорироғида эса, биттадан йирик буйраксимон қорамтири доғлари бор. Орқа қанотлари олдингиларига қараганда очроқ, кенг тўқ ҳошияли, ўртасида тўқ рангли ойсимон доғлари бор. Капалаги жинсий етук ҳолда пайдо бўлмайди, шу боисдан асал берувчи ўсимликларнинг нектари билан кўшимча озиқланишга муҳтож бўлади. Апрел-май ойларида, тупроқнинг тепа қисмида ҳарорат 16° дан ошганида капалаклар учиб чиқа бошлайди ва у 30 кундан кўпроқка чўзилади. Тухумларини кўпинча бегона ўтлар – дағал каноп, бандидевона, гулхайри, тутмагчагул, мингдевоналарга қўяди.


Ғўза тунламиning биринчи бўғини одатда оз сонли бўлади ва эртаги экинлардан: нўхат, тамаки, зифир, помидор ва маккажўхорида ривожланади. Ғўзага шоналаш давридан бошлаб тухум қўя бошлайди. Зааркунанда ёзнинг биринчи ярмида барвақт ривожланган ўсимликларга, иккинчи ярмида эса, анча кечки экинларга тушади.

Капалаклар ғўзаси ғовлаб ўсан сернам далаларни ёқтиради. Гигротермик шароитларга қараб, 4-6 кунда тухумлардан қуртлар чиқади. Тухумдан чиқсан курт оч кўк, деярли тиниқ оқиши бошли бўлади, кўп ўтмай қуртнинг боши қораяди, танасининг ранги эса яна ҳам тўқ тус олади. Қуртнинг танаси майдада холчалар билан қопланган. Холчасининг ҳар қайсисида биттадан қилча бўлади. Олтита ёшни кечириш даврида курт танасининг туси ҳар хил ёшда ва ўсимликнинг қайси қисми билан озиқланишига қараб, қўнғир-яшил ёки оч яшил рангдан сариқ-қизғиши тусгача ўзгаради.

Озиқланиб бўлган охирги ёшдаги қуртлар тупроқка тушиб 5-12 см чуқурликда ин ҳосил қилади ва ғумбакка айланади. Камдан-кам ҳолларда инидан ташқарида кўсак ёки маккажўхори сўтаси ичидаги ғумбакланади. Ғумбагининг ранги оч пуштисариқдан қизғиши-жигарранггача ўзгаради. Ғумбагининг бўйи 17-21 мм келади. Қорин қисмининг ўнинчи сегментидаги

охирги ўсиғида параллел жойлашган иккита тиканча мавжуд.

Ғўза тунламини ғумбаклик даврида урғочи ( $\text{♀}$ ) ва эркакка ( $\text{♂}$ ) ажратса бўлади. Бу, ҳашарот ғумбагининг 8-10-нчи бўғинида жойлашган аналь тешиклар изига қараб бинокуляр ёки лупа ёрдамида аниқланади (1-расм).



1-расм.

**Гўза тунлами ғумбак-ларининг жинслар**

**бўйича ажралиши:**

$\text{♀}$  - урғочиси,

$\text{♂}$  - эркаги.

Ғумбақдан 8-12 кун ўтгач капалак учиб чиқади. Ғўза тунламининг урғочиси бақувватлиги ва қўшимча озиқланишига қараб 200 дан 500 тагача тухум қўйиши мумкин. Мавсумда ғўза тунлами уч-тўрт бўғин беради, бунда ҳар қайси бўғинининг ривожланиши бир хил муддатда кечмайди. Мавсум бошида тунлам биринчи бўғинининг айрим босқичлари нисбатан узоқ ривожланади, ёз ўрталарида жазирама иссиқ таъсирида у жадаллашади, август ва сентябрда ҳарорат пасайиши билан яна секинлашади. Умуман олганда, ғўза тунлами ўзининг тўлиқ ривожланиш даврини (генерациясини) тухумдан капалакка айлангунича 30-40 кун мобайнида тугаллайди. Ғўза тунлами асосан ғўза, маккажўхори, помидордан бўшаган далаларда, шунингдек уларга ёндош пайкал ва уватларда ғумбак шаклида қишлиб қолади.


**Зааралилик ва миқдор мезони.** Ғўза тунлами – ҳаммахўр зааркунанда. У турли оилаларга мансуб жуда кўп ёввойи ва маданий ўсимликлар билан озиқланади. Булардан энг хуш кўрадиганлари – ғўза, маккажўхори, помидор, тамаки, кўпгина дуккаклилар, шунингдек ошқовоқ ва ерёнгоқ, ёввойи ҳолда ўсувлардан каноп, бангидевона ва бошқалардир. Ғўза тунламининг қуртларини гуллардан атиргул, хризантема ва бошқаларда, ҳатто буғдой бошоқлари ҳамда картошка палагида ҳам учратиш мумкин.

Ғўзага тушган кўсак қурти пахта ҳосилини камайтириб, сифатини пасайтиради. Кичик ёшдаги қуртлар ғўза баргининг этини ейди ва ёш шоналари билан озиқланади. Ўрта ёшдаги қуртлар шона ва гулларни, катта ёшдагилари эса, тугунчалар ва кўсакларни ейди. Заарланган шона, гул ва тугунчалар қуриб тўкилади. Кўсакларнинг шикастланган қисмларига сапрофит замбуруғ ва бактериялар тушиб, уларни чиритади. Ҳар бир қурт ривожланиш даврида ғўзанинг 15-20 тагача шона, гул ва тугунчаларини

шикастлаши мумкин. Зааркунанданинг миқдор мезонини аниқлаш муҳимдир, чунки кимёвий кураш ўзини иқтисодий жиҳатдан оқлаши шарт. Махсус тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда ўрта толали навларнинг ҳар 100 тупида 10-12 та, ингичка толали ғўзаларда эса 3-5 та тухум ва қурт топилганида фаол ҳимоя чорасини ўтказиш зарур.

**Ғўза тунламинынг энтомофаглари ва уларнинг самарасини ошириши йўллари.** Ғўза тунламида жуда кўп йиртқич ва паразитлар кушандалик қиласди. Ғўза тунламига хуруж қиласиган ҳашарот энтомофагларнинг турлари 150 тадан ошади. Аммо зааркунандани йўқотишида амалий аҳамиятга молик турлар унча кўп эмас. Уларнинг кўпчилиги пардақанотли ва тўрқанотлилар туркумига мансубдир.

**Тухумхўр – трихограмма** (*Trichogrammatidae* оиласи). Ўзбекистон шароитида ғўза ва бошқа тунламларнинг тухумларини йўқотишида трихограммани мавсумий колониялаш усулидан фойдаланилади (2-расм). Тухумхўрни биринчи марта далага чиқариш зааркунанданинг тухум қўйиши билан бошланиб, ҳар 3-5 кунда такрорланади (2-4 марта). Трихограммани кун ботишидан олдинроқ (иссиқ пасайган пайтларда) чиқариш лозим, чунки у эрталаб соат 7 дан 11 гача ва 17 дан 20 гача энг фаол бўлади.



2-расм.

### Трихограмма:

а-етук зоти;

б-тунлам тухумини

зараrlашпайти;

в-трихограмма

зараrlаган тунлам

тухумлари.



Табиатда хўжайин тухумларини ахтаришда трихограмма яхши учиб тарқала олмайди, шу боисдан далада бир текис тарқалиши учун уларни ғўза экилган майдоннинг ҳар гектарига камида 100 та жойдан (яъни ҳар 10 м оралатиб) қўйиб юбориш лозим. Кушандани механизация ёрдамида (дельтаплан, трактор) тарқатиш янада самарали усул ҳисобланади. Бу ҳолда ишлов қисқа ва самарали муддатларда амалга оширилади. Трихограммадан энг юқори самара олиш учун уларни зааркунанда тухум қўя бошлаган пайтдан бошлаб тарқатиш лозим. Бу вақтни феромон тутқичлари ёрдамида аниқлаш мумкин. Трихограмма, зааркунанда зўр бериб тухум қўяётган вақтда ва ундан кейин ҳам унинг тухумларини заарлашга йўналтирилади.

Заарланган далаларга серҳаракат ва нокулай шароитларга бардошли трихограмма тури тарқатилиши лозим. Ўзбекистонда биолабораторияларда кўпайтириш учун маҳаллий шароитларга энг мойил бўлган 2-3 та трихограмма турлари кўпайтирилади (*Tr. pintoi*, *Tr. euproctidis*, *Tr. evanescens*). Тайёрланган биомахсулотнинг сифатига баҳо бериш учун, ҳозирда, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида республика стандартлаш Маркази ишлаб турипти.

**Апантелес** (*Apantes kozak* Tel.). Ғўза тунлами қуртларини самарали йўқотадиган паразит. У Ўрта Осиё республикаларининг пахтакор вилоятларида ҳамда Кавказ ортида кўп учрайди. Унча катта бўлмаган пардақанотли ушбу ҳашарот тухумларини биринчи ва иккинчи ёшдаги қуртларнинг танасига қўяди. Кушанданинг личинкаси қурт танасида ривожланади ва вояга етгач қурт хўжайин танасининг ўрта сегментларидан ташқарига чиқади. Кушанда личинкасидан ҳоли бўлган ғўза тунламининг курти озиқланишдан тўхтаб ҳалок бўлади. Кушанда личинкаси эса хўжайниндан чиқиб 30-40 минут ўтгач ўзига қалин пилла ўраб олади (3-расм). Апантелес паразити браконидларнинг энг фаол, ҳужумкор турларидан ҳисобланиб, унинг кўплаб урчиши йил давомида экин турларига қараб ҳар хил бўлиш мумкин.



3-расм.  
Апантелеснинг  
ғумбаги ва  
шикаст-ланган  
ғўза тунла-мининг  
курти

**Бракон** (*Bracon (Habrobracon) hebetor* Say). Ғўза тунлами, карадрина ва бошқа капалаклар қуртининг эктопаразити, яъни сиртида озиқланувчи ҳашарот ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида браконнинг бошқа тури *H.*

*Simonovi* Kok. ҳам мавжуддир. Бу турлар зааркунандаларнинг ўрта ва катта ёшдаги қуртларида текинхўрлик қиласи (4-расм).



4-расм.

**Бракон  
кушандасининг  
етук зоти**

Бошқа турлар каби браконнинг ҳам самарадорлиги бир қатор омилларга ва биринчи галда сернектар ўсимликлар мавжудлигига боғлиқдир. Тадқиқотларимиз шуни қўрсатдики, бракон помидор, маккажўхори ва бедага тушган ғўза тунлами, карадрина ва бошқа тунламларнинг қуртларини қаттиқ заарлаши мумкин. Бракон одатда далада кўсак қуртини қўпи билан 10% гача заарлайди, шунинг учун уни лабораторияда сунъий қўпайтириб далага тарқатилади (Мирзалиева, 1986; Сайдова, 2007; Кимсанбоев, 2009 ва б.).

**Олтинқўз** (*Chrysopa carnea* Steph.) – хризопа авлодига мансуб, нозик тўрқанотли ҳашарот. Ғўза зааркунандаларининг, жумладан ғўза тунлами-нинг ҳам, самарали табиий кушандаси ҳисобланади. Олтинқўзниң жағлари кучли бўлиб, қўпинча зааркунанданинг ёш қуртларига ташланади. Шу билан бирга ўзидан чиқарган алоҳида моддалари билан дастлаб қуртларни фалаж қилиб қўяди. Олтинқўзлар сон жиҳатидан ғўза агробиоценозида энтомофаглар орасида етакчи ўринни эгаллайди.

### **ҒЎЗА ТУНЛАМИГА ҚАРШИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ТАШКИЛИЙ – ХЎЖАЛИК ТАДБИРЛАРИ**

Ҳозирги вақтда ғўзани зааркунандалардан, шу жумладан кўсак қуртидан ҳимоя қилишнинг ўйғунлашган ҳимоя қилиш тизими (УҲҚТ) ишлатилади. Бу тузимда ҳам барча усувлар (ташкилий – хўжалик, олдини олиш, агротехник, биологик ҳамда кимёвий) ишлатилиши мумкин.

Ғўзани кўсак қуртига қарши ҳимоялаш учун мазкур тадбирлар муайян мақсадга қаратилган ҳолда мунтазам равишда амалга оширилиши лозим. Бунда асосий вазифа биоценоздаги заарли ва фойдали турларнинг бузилган нисбатини тиклаш-уйғунлаштириш йўли билан ўсимликларни ҳимоя қилишдан, яъни зааркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг ривожланишига тўсқинлик қиласиган шароит вужудга келтиришдан иборатdir.

Ғўзани зааркунандалардан уйғунлаштириб ҳимоя қилиш тизимини олдинги-умумий ҳимоя қилиши тизимидан фарқи шундаки, бунда масалага биоценетик йўл билан ёндошилади. Уйғунлашган тизимда кураш олиб

борилганида заарли организмларга таъсир кўрсатадиган селектив (танлаб таъсир қилувчи) воситаларни қўллаш ва табиий равиша зааркунандаларни камайтириб турадиган фойдали организмларни мумкин қадар сақлаб қолиш мақсад қилиб олинади. Оқибатда, зааркунанданинг зичлигини батомом йўқ қилиш мақсад қилиб олинмай, балки унинг сони хўжалик учун безараар даражада – иқтисодий заарсиз миқдор мезони (ИЗММ) даражасида бўлиши таъминланади.

### **Олдини олиш ва ташкилий-хўжалик тадбирлари**

Зааркунандани келгуси йили камайтиришга қаратилган олдини олиш ва ташкилий-хўжалик тадбирлари жумласига ғўза тунламиининг сўнгги авлодига қарши кимёвий дорилашни; дефолиация таркибига камайтирилган меъёрларда инсектицид қўшиб ишлатиш ҳамда анфизга экилган маккажўхори ва бошқа заарланадиган экинларни албатта ҳимоялаб, кузги шудгор ўтказишларни киритиш мумкин.

Эрта кўкламда йўл, ариқ ёқаларидаи ва уватлардаги бегона ўтларга қарши гербициidlар, зааркунандаларга қарши эса, инсектицид ёки инсектицид-акарициidlар қўлланилса, экин зааркунандаларига, шу жумладан кўсак куртининг капалагига манба бўладиган ўсимликлар йўқотилган бўлади, сўрувчи зааркунандалар қирилади.

Ғўза тунламига қарши кураш олиб бориша зааркунанда урчидиган экинларни тартибсиз жойлаштиришга барҳам беришнинг аҳамияти муҳимдир. Нўхат, помидор, қовоқ сингари зааркунанда ёқтирадиган ўсимликлар ғўза экилган майдонлардан нарида алоҳида массивларда ўстирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу экинларни кўсак қуртини “жалб этувчи” экин сифатида ғўза экилган майдон атрофига экиш ярамайди.

Ғўза тунламини йўқотишга қаратилган ташкилий-хўжалик тадбирларини амалга ошираётганда қуйидагича иш тутиш лозим:

- а) зааркунанда тарқалиши мумкин бўлган майдон, заарланадиган майдон ва кураш усуллари белгиланади; кимёвий ва биологик кураш хажми ва муддатлари аниқланади;
- б) барча турдаги маҳсус аппаратлар, транспорт воситарининг иш ҳажми коржома ҳамда шахсий ҳимоя воситаларига бўлган эҳтиёж аниқланади;
- в) маҳсус ҳимоя техникаси ва ускуналар тамирланади.
- г) ҳар гектарга сарфланадиган препаратларнинг қиймати, маҳсулот таннархи ҳисоб-китоб қилинади, иш ҳақи фонди ажратилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўсимликларни дорилаш ишлари бўйича агроном бошчилигода маҳсус бригада ташкил этиш, бу бригадани зарур техника ва мутахассислар билан таъминлаш керак бўлади. Бундан ташқари инсектициidlарнинг келтирилиши, сарфланиши, санитария хавфсизлиги, пестициidlарни қабул қилиш ва тарқатиш ишларини ҳужжатлаштириш учун масъул шахслар тайинланиши лозим.

### **Айрим агротехник чора-тадбирларни ғўза тунламиининг ривожланишига таъсири**

Агрономик тадбирларнинг қулай томони шундаки, улар маҳсус маблағ талаб қилмайди. Мақсадига биноан ғўзани экиб-ўстириб, уни ҳосилдор қилишга қаратилган бу тадбирлар зааркунандаларга (шу жумладан ғўза тунламига) қарши ҳам ноқулай шароит яратади, ёки тўғридан-тўғри қирилиб кетишини таъминлайди. Зааркунандаларга қарши қурашда агротехник тадбирлар орасида энг муҳими *кузги шудгордир*. (Бу борада кузда пахтаси терилаётган майдонларга, шудгорланмай буғдой экиш энг яхши усуллардан эмаслигини таъкидлаб ўтиш керак). Ғўзани *сугориши, ўгитлаши, қатор орасига ишлов бериши (культивация), чилпиши (чеканка), дефолиация ўтказиб* баргини тўкиш каби агрономик тадбирларнинг бир томони – зааркунандаларга барҳам бериш ва заарини озайтиришга қаратилган.

Ғўза тунламини йўқотишга қаратилган тадбирлар ичida **силос учун маккажўхори экишалоҳида** ўрин тутади. Силосбоп маккажўхори думбуллик даврида қисқа муддатларда йиғиштирилиб, сўнгра пайкал ҳайдалса, ғўза тунлами қуртлари ва ғумбаклари ҳамда бошқа йўлдош зааркунандаларнинг ҳам бутунлай йўқотилиши таъминланади.

Минтақамизда ғўза экиладиган ер вазиятга ва имкониятларга қараб, кеч кузда шудгор қилинади. Ундан кейин эса феврал-март ойларида қисман ерларда чек олиниб 10-25 кун мобайнида *шўри ювилади*. Буларнинг барчаси кўсак қурти қишлиб чиқишига таъсир кўрсатмай қолмайди.

### **Биологик фаол моддаларни (БФМ) ишлатиш**

Ғўзада ишлатиладиган БФМ орасида айниқса заарли тунламларга (ғўза, кузги, ундов) қарши мўлжалланган *феромон тутқичларни* (ФТ) кўрсатиб ўтиш мумкин. Ғўза тунлами ҳамда кузги ва ундов тунламларининг жинсий феромони (ЖФ) жойлаштирилган феромон тутқичларни (ФТ) амалий ишлатиш бўйича тадқиқотлар асосан ЎзЎҲИ да олиб борилиб, бир қатор тавсиялар чоп этилган (1982-2000). Бунда куйидаги мақсадлар назарда тутилади.

1. ФТ ёрдамида айни ҳашаротнинг баҳорда ривожлана бошлаган муддатини ва зичлигини аниқлаш. Мавсумда неча бўғин берганлигини, уларнинг муддатларини ва фенограммасини тузиш.

2. ФТ га илинган капалаклар зичлигига қараб қайси ҳимоя усулини ва қайси фурсатда ишлатиш кераклигини аниқлаш. Трихограммани далага тарқатиш учун энг самарали фурсатни аниқлаш.

3. Тунламга қарши кимёвий усулни ишлатиш эҳтиёжи мавжуд далани аниқлаш.

Феромон тутқичларни ишлаш жараёни шундан иборатки, бунда сунъий ҳидга жалб этилган эркак зот капалак тутқич ичига жойлаштирилган елимли қофозга ёпишиб қолади. Сунъий феромон кучли атTRACTант ҳисобланади, яъни у табиий капалакка нисбатан бир неча бор кучли жалб этиш хусусиятига эга. Ҳар бир тур ҳашарот учун маълум структура ва тузилишга эга бўлган ўзининг феромони мавжуд. Амалиётда феромон тутқич ёрдамида айни ҳашарот ривожланишини белгилаб, зарур қураш усули учун тараддуд

кўриш имконияти яратилади. Бу эса биринчидан, ўз вақтида кураш ўтказилиши ҳисобига заарнинг олдини олишга, иккинчидан бехуда ишлов ўтказишга чек қўйиш имконини яратади. Феромон тутқичлар қуидагилардан иборат: тутқич, елимли ёпишгич, темир сим, ёғоч қозик ва феромон моддаси сингди-рилган резина капсула. **Ёғоч қозикларга устунчалар ўрнатиш шарт эмас.**

Далада ғўза тунламининг зичлиги (сони) ҳар 3-5 кунда бир назорат қилинади. Бунинг учун унинг тухум ва қурти аниқланади. Юз ўсимликдаги тухум ва қурт сони Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти тавсияларига кўра, шахмат тартибида даланинг 20 жойидан намуна олиш билан бажарилади. Бунда ҳар бир намунада 5 ўсимлик кўрилиб аниқланган тухум ва қуртлар (ёши бўйича 3 грухга бўлиниб) ёзилади. Тадқиқотларимизнинг таҳлили қуидаги хулосалар ва таклифлар қилишга имкон беради.

1. Ғўза тунлами биринчи бўғинининг ривожланиши даврида тутқичга бир кеча давомида ўрта ҳисобда 2-3 та капалак илинганидан кейин 3-4 кун ўтгач, ҳамда иккинчи ва учинчи бўғинларда 1,5-2 та капалак тутилганидан кейин 3-4 кун ўтгач, далага трихограмма чиқара бошлиш керак. Бу, далада ҳар 100 туп ўсимликда ўртacha 2-3 тадан тухум пайдо бўлган пайтга тўғри келади. Биринчи тарқатишдан кейин 4-5 кун ўтгач, иккинчи марта ва навбатдагиси тарқатилади.

2. Ҳар бир феромонли тутқичга зааркунанданинг биринчи ва иккинчи бўғинларида 1 кеча давомида ўрта ҳисобда 15-20 та ва ундан кўпроқ капалак ёки учинчи бўғинида 5-6 тадан ортиқ капалак тутилиши, зааркунанданинг жадал ривожланишидан дарак беради. Бу майдонларда ҳимоя қилиш чораларини ўтказиш зарурати туғилиши мумкин. Бироқ бунда қуидагилар кузатилган бўлиши керак:

- а) жуда кўпайиб кетган (15-20 дан ошган) капалакларнинг илиниши камида 2-3 кун давом этса;
- б) тун давомида ҳар бир тузоқقا 5-6 тадан ортиқ капалак тутилиши учинчи бўғин учун жиддий нуфуз ҳисобланади, чунки бу ҳолда зааркунанданинг учинчи бўғинидан ташқари, ғўза тунламининг олдинги бўғинлари ҳам қўшилиб кетади.

Капсулалардаги феромонлар тез буғланиши сабабли, уларни совутгичларда 3-5° ҳароратда зич ёпилган шиша банкаларда ёки “баклашка”ларда сақлаган маъқул. Қўлга ва бошқа нарсаларга юқсан елимни ўсимлик мойи билан ҳўлланган дока тампони ёрдамида тозаланади. Ифлосланган елимли асос ва феромонли капсулаларни қўмиб юбориш ёки маҳсус ажратилган жойда куйдириш керак. Ғўза тунламига қарши феромонли тутқичлар қўллаш натижасида трихограмманинг биологик самарадорлиги ошади ҳамда кимёвий ишлов беришлар ҳажми қисқаради. Бу эса ҳар гектар ғўза майдонидан мавсумда 400-500 минг сўм (2017 й.) ҳаражатни тежаш имконини беради.

## КУРАШ ЧОРАЛАРИ

1. Фўзани тунламлар ва бошқа заараркунандалардан ҳимоя қилишда ташкилий-хўжалик ва уйғунлашган агротехник тадбирларни амалга оширишнинг аҳамияти каттадир. Аммо бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, фўза тунламиининг ғумбаклари ва қуртлари кузда ҳайдалмаган ерларда қолиб кетади ҳамда унинг капалаги ердан чиқа олиши учун туйнук қолдиради, шу боис кузги шудгор албатта ўтказилиши лозим. Бу эса заараркунанданинг салмоқли қисмини қирилиб кетишига олиб келади. Иккинчидан, июл ойида ғалла ўрим-теримидан кейин бўшаган ерларга кўсак қурти билан кучли заарарланадиган экинларни экиш ярамайди. Бундай экинлар қаторига энг аввал дон учун экилган маккажўхори ва ерёнгоқни киритиш мумкин.

2. Фўза кўсак қурти учун энг яхши озиқа бўлиб ҳисобланади. Маккажўхори, помидор, нўхат, ерёнгоқ ундан олдинги ўринларни эгаллайди. Чунки, пахта чигити таркибидаги **госсипол** номли заҳарли алколоид модда одамзоддан ташқари иссиққонли ва совуққонли ҳайвонлар учун ҳам заҳарлидир. Шу боис пахта далаларига ёндашган ерлардан бошқа экинлар етиштириш учун фойдаланилганда юқоридаги экинларни имкон қадар камроқ экиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, маккажўхори экилганида сўтаси сутмум пишган даврда тезда ўриб, силос тайёрлаб юбориш лозим. Бошқа заарарланувчи экинлар экилса, уларда албатта ҳимоя тадбирларини ўтказиш зарур.

3. Фўза тунламиининг иккинчи бўғини ривожланаётган даврда (июл) қўлда чеканка қилинганида чилпилган шох учларини этакларга йиғишириб, даладан олиб чиқиб кетишини ва кўмиб ташланиши лозим. Кузатишларга қараганда, бу тадбир фўза тунлами тухумлари ва ёш қуртларининг 40-55% гача камайишини таъминлайди.

4. Фўза тунламини мавсумда ҳамда ҳар бир далада ривожланишини белгилаб назорат қилиш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларини ўз вақтида ва самарали ўтказиш учун жинсий феромон тутқичлардан фойдаланиш лозим. Ҳар қандай ўзга мосламалар («баклашқалар», электр тутқичлар) бу вазифани бажара олмайди ва самарасиздир. Фўза тунламиининг феромон тутқичлари (ФТ) фўза шоналай бошлаганидан бошлаб, далага 10 гектарга биттадан ўрнатилади. Капалак илина бошласа ФТ сони оширилади (2-3 гектарга биттадан). ФТ ларни йиғиш, далага ўрнатиш, назорат қилиш ва олинган натижаларни дафтарга ёзиб бориш маҳсус назоратчиларга юклатилади. Назорат, бошида – 3 кунда бир, капалак қўпайганидан кейин эса, ҳар куни ўтказилади. Феромон моддали резина капсула 10 кунда 1 марта алмаштирилади. ФТ сақланишини таъминлаш учун, улар кун ботишида далага ўрнатилади, эрталаб йиғишириб шийпонга олиб келиб қўйилади. Агар бўғин ривожланишининг бошида ҳар бир тутқичга бир кечада ўртacha 3-4 капалак илинса, трихограмма қўйиш учун сигнал бўлиб ҳисобланади. Тутқичларга 15 тадан кўп капалак тушса (бир кечада) ва бундай вазият 3-4 кун давом этса, айни шу дала биринчи галда назорат остига олиниб, зарур бўлса маҳсус кириш чораларини амалга ошириш керак, чунки капалакларнинг бундай миқдори далада кўплаб тухум ва қурт пайдо бўлишидан ишора беради.

5. Биологик усулда кўсак қуртига қарши курашиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд, чунки республикамизда биомаҳсулотлар (трихограмма, бракон ва олтинкўз) тайёрлаш индустрияси вужудга келган. Лекин биомаҳсулот – бу тирик мавжудот, ундан олинадиган самара кўп омилларга боғлиқ бўлиб қолаверади. Ҳар қандай «зўрлик» бу ерда ўринсиздир. Биоусул самарали ишлаши ва талабга жавоб бериши учун, қўйидаги шартларга амал қилиш лозим.

а) Тайёрланган биомаҳсулотнинг сифати Давлат стандарти талабларига жавоб бериши керак.

б) Биомаҳсулотни (айниқса трихограмма) қўллаш илмий асосланган муддатларда, яъни ФТ ёрдамида олинган маълумотларга асосланиб амалга оширилади.

в) Биомаҳсулотни далага тарқатиш техник жиҳатдан (лаборантлар томонидан) тўғри амалга оширилган бўлиши керак: трихограмма – эрталаб ва кечқурун, ҳар 10 м да бир, ҳар гектарга 0,6-1,0 г сарфлаб; бракон – ҳар гектарнинг 20 та жойига тунлам қуртининг зичлигига қараб (1:10-15). Масалан, агар бир гектар пахтазорда 10000 та қурт бўлса, демак бу ерга 700-1000 та урғочи бракон тарқатилиши лозим (эркак ва урғочилари аралашган бўлса – 1400-2000 дона).

г) Ўззада, ҳар 100 та ўсимлиқда тунламнинг 20-30 тадан кўп тухуми ва ёш курти аниқланса, бу кўсак қуртининг сони ҳар 100 та ўсимлиқда 25 тадан ортиқ эканлигидан далолат беради (бунда 2,5 ц/га ҳосил камайиши мумкин). Бундай пайтда зудлик билан кимёвий кураш ўтказиш лозим.

## ҒЎЗА ТУНЛАМИГА ҚАРШИ ФАОЛ КУРАШ УСУЛЛАРИ

### Биологик усул

Ўзбекистонда ўсимлик зааркунандаларига қарши биологик усул деб аталган кураш табият қарама-қаршиликларининг (зиддият) намоёндаси шаклида МДХ давлатлари орасида тез ривожланди. Уни ўрганиш чукур ва зудлик билан амалга ошди; амалий жорий этиш эса Давлат Рахбарияти рахнамолигида Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий – текшириш институти, ТошДАУ, ЎзФА нинг зоология институти, ҳамда вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш станциялари томонидан тез суръатлар билан амалга оширилди. Бу усул ғўза ва бошқа экинлардаги ғўза тунламигин тухумига қарши оддий трихограмманинг 2-3 турини ишлатишни назарда тутади. Кушанд биофабрика ва лабораторияларда кўпайтирилган дон куясининг тухумида ҳамда етук зот шаклларида майдонга тарқатилади. Трихограмма тунламнинг ҳар бир авлодига қарши камида уч марта 1-1,2-1 гр/га тизимида тарқатилади: биринчи марта – тухум қўя бошлаганида, кейингилари – ҳар 3-5 кундан сўнг.

Трихограммани эрталаб соат 7 дан 11 гача ва кечқурун соат 17 дан 20 гача тарқатиш лозим, чунки бу пайтда у серҳаракат бўлади. Кушанданинг учишга қобилияти паст эканлигини назарда тутиб, мумкин қадар кўпроқ ерга тарқатиш лозим (ҳар гектарда камида 100 та жойга).

Кушандадан самарали фойдаланишининг яна бир омили уни тарқатиш муддатини тўғри аниқлашдан иборат. Бу эса хўжаликда назорат-башорат

ишларининг юқори савияда ўтказилишини талаб қиласди.

Фақат трихограмма ишлатишнинг самарадорлиги етарли бўлмай, далада куртлар пайдо бўлса бракон кушандасининг етук зотлари далага тарқатилади. Сифатли кушанданинг жинслар нисбати одатда ўртача 1:1 бўлади. Шуни назарда тутиб, урғочи зот ҳисобига даладаги тунлам қуртларининг зичлигини ҳисобга олиб, ҳар гектарга 500 тадан 3-4 минггача тарқатилиши мумкин. Меъёри белгилашда ҳар 1 урғочи браконга далада 10-15 та қурт тўғри келишини ҳисоблаб чиқиш зарур.

Эҳтиёж вужудга келганида (далада ғўза тунламидан ташқари сўрувчи зааркунandalар ҳам пайдо бўлиши) олтинкўз кушандасини мумкин ҳолда кичик ёш қуртлик даврида зааркунandalарга нисбатини 15-20 тага - 1 қилиб тарқатиш тавсия қилинади. Тухум шаклида тарқатилган олтинкўзнинг самараси шубхалидир. Табиийки, биологик усулни ишлатиш самарадорлиги маҳсулот (трихограмма, бракон) сифатига боғлиқдир. Лабораторияда кўпайтиришда бу обьектларни асосий хўжайнин-тунламнинг тухум ва қуртида бир йилда 2 марта кўпайтириб ўтказиш (пассаж қилиш) талаб этилади. Шундагина 50% га яқин биологик самара олиш имконияти яратилади.

### Кимёвий усул

Самарадорлиги тез намоён бўлганлиги учун ғўза тунламига қарши курашда кимёвий усулнинг аҳамияти каттадир. Зааркунанда кучли ривожланган ерларда одатда биологик усулнинг самарадорлиги етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам кимёвий воситаларни (инсектицидларни) ишлатиш УҲҚТ нинг ажralmas қисми бўлиб, ФТ ёрдамида кўплаб учётган тунлам капалаклари аниқланган ерларда, қўшимча дала назоратидан кейин, лозим бўлса (ҳар 100 та ўсимликда ўртача 20-30 та тухум ва ёш қуртлари мавжуд бўлса) инсектицид ишлатиш керак бўлади.

Ўзининг бир қатор ижобий хусусиятларига кўра, кимёвий усул ғўза зааркунandalарига, шу жамладан қўсак қуртига қарши курашда, асосий бўлиб ҳисобланади. Юқори самарали бўлганида, сарфланган ҳар бир сўм маблағ эвазига, қўшимча 3-5 сўмлик маҳсулот сақлаб қолиш мумкин.

Жадвал.

Ғўзада қўсак қуртига қарши қўллаш учун тавсия этилган инсектицидлар  
рўйхати  
(ЎзЎҲҚИТИ лабораторияларида синовладан ўтиб Давлат кимё комиссияси  
“Рўйхат”ига киритилган)

№	Инсектицидлар	Сарф меъёри, л/га	Неча марта ишлатиш мумкин	Кутиш муддати, кун
1.	Аваунт, 15% сус.к.	0,4-0,45	2	30
2.	Ариво, 25% эм.к. (циракс, циперметрин, шерп ва б.)	0,3	2	20

3.	Вантекс, 6% сус.к.	0,3	2	30
4.	Вертимел, 1,8% эм.к.	0,4-0,5	2	30
5.	Дельтафос, 36% эм.к.	1,5	2	30
6.	Децис, 2,5% эм.к.	0,7	2	20
7.	Каратэ, 5% эм.к.	0,5	2	30
8.	Кинмикс, 5% эм.к.	0,6	2	20
9.	Нурелл-Д, 55% эм.к. <i>(сайрен-С, тагрелл-Д, циперфос ва б.)</i>	1,5	2	30
10.	Политрин-К, 31,5% сус.к.	1,0	2	30
11.	Пиринекс, 40,8% эм.к.	1,5	2	30
12.	Суми-альфа, 5% эм.к.	0,5-0,6	2	20
13.	Талстар, 10% эм.к.	0,6	2	30
14.	Фастак, 10% сус.к.	0,25	2	30
15.	Фьюри, 10% с.э.к.	0,3	4	20
16.	Энджео-К, 24,7% сус.к.	0,2	2	30
17.	Ланнейт, 20 L КЭ	1,5-2,0	2	30
18.	Кораген, 20% с.к.	0,15-0,2	2	30
19.	Вертонекс, 80% с.э.сус.	0,9	2	30
20.	Суррендер, 5% с.э.г. <i>(эмамекс, эмабен, проклейл ва б.)</i>	0,3-0,4	2	30

Лекин кимёвий усулнинг бир қатор камчиликлари ҳам борлиги сир эмас. Энг аввало қўлланиладиган хилма-хил дорилар одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар учун бефарқ эмас. Ишлатиш учун тавсия этилган препаратларнинг заҳарлилик даражаси ҳар хил. Булар ичиди заҳарли, ўртача заҳарли ва кам заҳарлилари мавжуд. Ҳозирги вақтда, зааркунандалар учун юқори самарали, лекин унча заҳарли бўлмаган препаратларнинг сони қўпчиликни ташкил қиласди. Жумладан, кўсак қуртига қарши тавсия этилган инсектицид-лар рўйхати кичик эмас (жадалга қаранг).

Буларнинг қаторида турли кимёвий гурухларга оидлари билан бир қаторда кўплаб аналоглари (таъсир этиш моддаси бир, аммо номланиши ўзгача) ҳам оз эмас. Бу дориларнинг бир қисми 25-30 йил илгари тавсия этилган бўлса, айримлари яқинларда “Рўйҳат”га киритилган.

Кўсак қуртига қарши курашнинг муваффақиятли ўтказилиши унга қарши ишлатиладиган инсектицид турига, дорилаш усулига, сарфланадиган препарат ва сув микдорига ҳамда ҳимоя ишларининг ташкил этилишига боғлиқdir. Масалан, июн-июл ойларида кўсак қуртининг биринчи авлоди билан бир қаторда, одатда сўрувчи зааркунандалар ҳам ғўзага зарар етказади. Шунинг учун бу вақтда циперфос, каратэ каби комплекс таъсир қилувчи ёки ўзгача препаратларнинг аралашмасидан фойдаланилади.

**Инсектицидлар ва ишлов бериши муддатлари.** Тадбирларнинг самара-дорлиги ва қилинган сарфларнинг қопланиб кетиши ишлов бериш муддат-

ларини белгилашга, шунингдек инсектициларни қўллаш усулларига боғлиқ. Фўза тунламига қарши дастлабки ишлов беришга тунламнинг ҳар бўғини бошланишида, капалаклар қийғос тухум қўяётган пайтда, ҳар 100 туп ғўзада 10-12 та ва ундан кўп биринчи-иккинчи ёшдаги қуртлар пайдо бўлганда киришилади. Вақтидан илгари, шунингдек кеч қолиб ишлов бериш ҳам кутилган самарани бермайди, чунки биринчи ҳолда ёппасига қурт туғилаётган пайтга бориб заҳарнинг кучи қолмаслиги, иккинчи ҳолда эса, катта ёшдаги қуртларга инсектицилар кам таъсири қилиши мумкин.

Қисқа муддатларда, яъни қуртлар катта ёшларга ўтишигача ишлов бериш учун юқори унумли ОВХ-28 русумли трактор пуркагичларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шуни эътиборга олиш керакки, фўза тунламининг биринчи бўғин қуртлари унча яшовчан бўлмайди ва уларни биоусул ёрдамида ҳам қириб ташлаш мумкин. Иккинчи ва ундан кейинги бўғинларига қарши кимёвий курашиш зааркунанда ёппасига тухум қўйиб, тегишли миқдорга етганда ўтказилади. Бу эса феромон тутқиchlari воситасида аниқланади. Фўза тунламига қарши курашиш учун тавсия этилган инсектицилар рўйхати жадвалда келтирилган.

**Заарланадиган баланд бўйли экинлар ҳақида.** Дон учун эрта баҳордан бошлаб экиладиган, ҳамда анфизга қайта экиладиган экинлар орасида FT билан каттиқ заарланадиган баланд бўйли экинлар мавжуд (маккажўҳори, жўҳори, кунгабоқар). Булар экин майдонининг кўп қисмини эгаллайди ва тунламга қарши ҳимоя қилинмаса, биринчидан, ҳосилнинг бир қисмини йўқотади, иккинчидан, зааркунанданинг ўчоги бўлиб қолиб, келгуси йили унинг янада кўп бўлишини таъминлайди.

Одатда, FT ўсимлик улғайиб, ҳосил нишоналари пайдо бўлганида ўсимликни заарлайди. Бу пайтда эса экин қатор ораларидан пуркагичли трактор юра олмайди. Шунинг учун баланд бўйли ўсимликларни янгича экиш тизимига биноан ўтказиш лозимлиги тўғрисида таклиф қиритдик ва у ҳаётий эканлиги исботланди. Ҳар 28 қатор экиндан кейин 4-8 қатор ер пастбўйли экин экишга мўлжалланиб ташлаб кетилади. Фарғона водий вилоятларида ўтган синовларда маккажўҳори мавсумда умумий 4-5 марта ишланиб, сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 4-5 сўмлик қўшимча маҳсулот олинди.

**Истиқболли инсектицилар ҳақида.** FT га қарши ишлатиладиган (руҳсат этилган) инсектицилар рўйхати каттагина. Унга 30 дан ошиқ дорилар киритилган. Аксарият бу дорилар 1980 йиллардан кейин тузилиб, орасида турғин, одамзот ва ташқи муҳит учун асоратли ҳавф яратадиганлари қолмаган бўлсада, айримлари вақт ўтиши билан дастлабки юқори самарасини йўқотган. Булар қаторига синтетик пиретроидларнинг биринчи авлодига оид намуналарини (децис, циперметрин, кинмикс, фьюри, каратэ, талстар, сумиальфа ва б.) кўрсатиб ўтса бўлади. Булар хали ҳам “Рўйхатда...” (2010) бўлгани билан, улардан қониқарли самарани фақатгина FT нинг кичик ёшларига қарши ва ишлов илмий-асосланган муддатларда (капалаклар қийғос тухум қўйиб, ёш қуртлар пайдо бўлиши билан) ўтказилганидагина олиш мумкин. Амалиётда эса, кўпинча кўсак қурти “ишини” қилиб бўлиб, зарар кўзга кўринганидагина уни аниқлашади. Бу вазиятда юқорида келтириб

ўтилган дорилар умуман самара бермайди эмас, балки улар табиатдаги капалакларни ва популяциядаги мавжуд ёш қуртларни ўлдирсада, умумий самараси қониқарсиз бўлади.

Шунинг учун ҳам, янги инсектицидлар синааб қўрилиб, ҳар томонлама талабларга жавоб берадиганлари “Рўйхатга...” киритилмоқда. Шундайлар орасида кейинги 5-10 йил атрофларида жорий этилган **Аваунт, 15% сус.к.** инсектициди бўлиб, у янги кимёвий гурух-оксадиазинлар намунасиdir. У FT нинг барча ёшдаги қуртларига самарали таъсир этиб, ташқи муҳит, жумладан фойдали ҳашаротлар учун безарар бўлиб УҲҚТ га монанддир. Ҳар гектарга 0,4 л сарф этиб FT нг, ҳамда бирқатор бошқа капалак қуртларининг барча ёшларига қарши 95-100% даражасида самара бериши мумкин.

Карбаматлар кимёвий синфига оид **Ланнейт 20L** (1,5-2,0 л/га), ҳамда **Вертонекс, 80% с.э.сус.** (0,9 л/га) ҳам FT нинг катта ёш қуртларига ҳам самарали таъсир этади. Буларни айниқса кўп хил тунламлар, ҳамда поя парвонаси заарлайдиган маккажўхорида биологик ва иқтисодий самарадорлиги юқоридир. Буларнинг ҳам ташқи муҳит, ҳамда одамзот учун ҳавфи жуда оздир.

Гормонал таъсир қиласидиган инсектицидларнинг сафи яна бир самарали дори билан тўлдирилди – **Римон, 10% эм.к.** (Мактешим Аган ф., Истроил) – 0,06-0,1 л/га; **Римон Стар, 6,5% эм.к.** – 0,15 л/га. Новалурон номли фаол моддага эга бу инсектицидлар ЎзЎҲҚИТИ да лаборатория ва дала синовларидан ўтиб FT га қарши ишлатиш учун тавсия қилинди. У амалий равишда ташқи муҳит ва одамзот учун мутлақо заарсиздир. Катта ёш қуртларга ҳам самарали таъсир этади (иловаларни к.).

Юқори талабларга жавоб берадиган яна бир инсектицид – **Суррендер, 5% с.э.кук.** Соф моддаси эмамектин-бензоат бўлган суррендер ҳар гектарга 0,3-0,4 л дан сарфланганида ҳам FT нинг барча ёш қуртларига қарши юқори самара беради.

Юқорида қайд этиб ўтилган 5 та инсектициддан ташқари, таъсир этиш жараёни туфайли, 25-30 йиллардан бери кенг ишлатиб келинаётган аралашма дори – инсектицид – акарицид **Нурелл-Д (Дабл-Д, Хлорицин, Агрофос-Д, Сайн-С, Тагрелл-Д, Циперфос** ва б.), 55% эм.к. ҳам FT га қарши самарали ишлатилиши мумкин. Ўзбекистон ФА нинг биоорганик кимё ИТИ ходимларининг аҳбороти бўйича (Далимов ва б., 1984; Тилябаев, 1998) бу пиретроид (циперметрин) ва ФОБ (хлорпирифос) аралашмасида иккинчиси синергетик аҳамиятга эгадир – у ҳашарот жисмидаги заҳарли моддаларни зарарсизлантирадиган ферментларни нейтраллаб, биринчисининг (циперметрин) таъсирини кучайтириб беради. Шунинг учун ҳам, бу дори ханузгача ўз истиқболини йўқотгани йўқ – ғўза ва бошқа бирқатор экинларни ҳимоя қилиш учун (1-1,5 л/га) кенг ишлатиб келинмоқда. Ўзбекистонда Навои ЭКЗ да **Циперфос** номи билан ишлаб чиқаради.

Айни шу хусусиятга таянган, нисбатан яқинлардан жорий қилинган **Энджео-К, 24,7% эм.к.** аралашма инсектицид-акарициди ҳам хаётийлигини кўрсатди (Сингента ф., Швейцария). Таркибида неоникотиноид синфига оид-тиаметоксам ҳамда пиретроид лямбдацигалотрин (каратэ) мавжуд бу дори

синергизм ва қўшма самара – аддитивлик ҳисобига сўрувчи ва кемирувчи зааркундаларга қирғин келтиради (0,2-0,3 л/га).

Буғдой дунё аҳолисининг ҳаёт кечиришида энг зарур бўлган қишлоқ хўжалик экини ҳисобланади. Жаҳонда етиштирилаётган буғдойнинг 75% и озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида, 15% и чорва учун, 10% и эса уруғлик мақсадларида ишлатилади. Дунёда Австралия, Канада, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Туркия, Украина ва Америка Кўшма Штатлари асосий буғдой етиштирувчи мамлакатлар ҳисобланади. Бу мамлакатлар ҳиссасига дунё бўйича етиштирилаётган буғдойнинг 80% и тўғри келади. Ҳозирда қарийб 80 млн гектар майдонда баҳорги, 25 млн гектарда кузги буғдой етиштирилади. Шунинг 90% ига юмшоқ буғдой, 9-9,5% ига қаттиқ буғдой ва 0,5-0,7% ига тритикале экилади.

Республикамиз аҳолисини дон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида хукуматимиз томонидан кейинги йиллар мобайнида 1 млн. гектардан ошиқ сугориладиган ғалла экин майдонларига етказилди (2017 йил ҳосили учун Республикализ бўйича 1 млн. 300 минг гектар ғалла экилган). Демак, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги олдидағи асосий вазифалардан бири юқори сифатли дон етиштириш ҳажмини оширишdir. Бу мустақил давлатимизнинг миллий фахри, ҳамда муқим иқтисодий ривожланиш омилларидан бири бўлиб аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини узлуксиз қондириш гаровидир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, касаллик ва зааркундаларга чидамли навларни ишлаб чиқариш» га жорий этиш белгилаб берилган. Бу йўналишда, ғалланинг асосий зааркунданда ва касалликларини ўрганиш асосида кураш усул ва воситаларини ташкил этиш борасидаги илмий-тадқиқот ишлари долзарб бўлиб ҳисобланади.

## ҒАЛЛА ЗААРКУНДАЛАРИ

Ҳозирги даврда дунё олимлари томонидан бошоқли дон экинларига 300 турдан ортиқ зааркунданда ҳашоратлар ёпирилиши аниқланиб, шундан 30 турдан кўпроғи хавфли зааркунданда сифатида қайд қилинган. Бу гурӯҳ зааркундалар ҳар йили 15-20% гача, иқлим уларнинг ривожланиб кўпайиши учун қулай келган айрим йиллари эса 45-50% гача ҳосилни йуқотиш билан бирга етиштирилаётган доннинг сифати ёмонлашувига ва натижада бундай доннинг озиқ-овқат саноати учун мутлақо яроқсиз бўлиб қолишига олиб келади. Ана шундай хавфли зааркундалар қаторига Республикализ ғаллазорларида учраб зичлиги йил сайин ошиб бораётган зааркунданда ҳашаротлар: заарли хасва, ғалла ширалари, трипслар ва

шилимшиқ қурт киради. Бу зааркунандалар кейинги 4-5 йил давомида Республикализ сугориладиган ғалла майдонлариға тобора кенг тарқалиб етиштирилаётган доннинг сифати ва микдорига сезиларли зиён етказаётганлиги кузатилмоқда.

**ЗАРАРЛИ ХАСВА** Бу зааркунанда Шимолий Африка мамлакатлари, Сурия, Паластин, Ироқ, Туркия, Эрон, Афғонистон, Греция, Болгария, Руминия, Озарбайжон, Россия ва Марказий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб ҳар йили ғалла экиnlари ҳосилдорлигига катта заар етказиши қузатилади. Заарли хасвага қарши экологик хавфсиз кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича дунёning кўплаб олимлари қатори ИКАРДА халқаро ташкилоти, Вермонт университети (АҚШ), Россия Ўсимликларини ҳимоя қилиш институти (ВИЗР), Гринвич (Буюк Британия), Семон Фрейзер (Калифорния) университетлари олимлари илмий изланишлар олиб боришишмоқда. Бунда асосий эътибор биологик кураш чоралари ишлаб чиқишга қаратилган, аммо бу зааркунандага қарши ҳалигача мукаммал биологик кураш чоралари ишлаб чиқилмаган. Чунки унинг табиий кушандаларини лаборатория шароитида кўпайтириш қатор мураккабликларга эга.

Заарли хасва Ўзбекистоннинг сугориладиган ғалла экиладиган барча майдонларида учраб, ўсимлик ривожланишининг униб чиқиш, тупланиш, най тортиш, бошоқ тортиш ва пишиш фазаларида зарар келтириб, оммавий кўпайган майдонларда буғдой ҳосилдорлиги ва унинг сифатига салбий таъсир кўрсатади (1-расм).




1-расм. Заарли хасванинг етук зоти (а), личинкаси (б) ва тухуми (в).

Заарли хасва (*Eurygaster integriceps* Put.) - яримқаттиққанотлилар (Hemiptera) туркуми, қалқонлилар (Scutelleridae) оиласи вакили ҳисобланади. Буғдой ва арпадан ташқари шоли, ҳамда ғалласимон ёввойи ўтларда ҳам озиқланади. Вояга етган заарли хасванинг бўйи 10–13 мм, танасининг ранги

сарғимтирилген күнғирсизмөн кулранг, сирти мармарсизмөн нақшили, оғиз аппарати санчиб сўрувчи. Тухуми 1 – 1,1 мм катталиқда, думалоқ. Янги қўйилган тухумлари оч яшил тусда бўлиб, сарғиш ҳошияси бор. 5-6 кундан сунг тухумнинг ичидаги кичкина лангарсизмөн шакл ҳосил бўлади. 7-9 кунга келиб личинкаларнинг вужудга келиши тугалланиб, тухум пушти тусга киради. Личинкаси етук хасвадан ўлчамининг кичиклиги, қисман юмалоқлиги, ҳамда қанотининг йўқлиги билан фарқ қиласи (2-расм).

Заарли хасва вояга етган ҳолда, асосан тоғ ва тоғ олди худудларида, ўрмон ёки мевали боғлардаги дараҳтлар остида, ҳамда дала атрофларида, ариқ зовурлар ёқаларида тошлар ёки ўсимлик қолдиқлари, барг хазонлар остида қишлиайди. Илмий манбаларга кўра заарли хасванинг асосий қисми тоғли худудларга учиб кетиб қишилаши таъкидланган.



2-расм. Заарли хасванинг тухуми (1), I-V ёш личинкалари (2-6) ва етук зоти (7).

Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти олимларининг аниқлашларича республикамизнинг текис худудларида жойлашган буғдойзорларида заарли хасвалар тўғридан-тўғри дала атрофларидаги ариқ-зовурлар ёқаларида, ихота ўрмонзорларида ва мевали боғлардаги дараҳтлар остида қишилаб қолмоқда. Одатда етук зот қандалалар қишилаш учун иложи борича сув тўпланмайдиган нисбатан қуруқ жойларни танлайди. Март ойининг учинчи ўн кунлиги - апрель ойининг биринчи ярми давомида ҳавонинг ўртача ҳарорати  $10-12^{\circ}\text{C}$  га етганда ёки қишлоғ жойининг ҳаво ҳарорати  $17^{\circ}\text{C}$  дан ошганда хасва ғаллазорлар томон учиб тарқала бошлайди. Бу кузда экилган ғалланинг тупланиш даврига тўғри келади. Хасвалар тухум қўйишга тайёр бўлишлари учун қўшимча озиқланишлари шарт, шу сабабли далага учиб келиши билан оғизликнинг шираваси билан

кўшимча озиқланадилар. Об-ҳавонинг кескин пасайиши ёки ёғингарчиликнинг кўп бўлиши натижасида хасванинг тарқалиши ҳамда озиқланиши тўхтаб, улар ўсимликнинг остки қисмида яшириниб оладилар. Ҳарорат исиши билан улар яна озиқланишни давом эттирадилар. Ёппасига ғаллазорларга учиб ўтишни бошлаганларидан 7-15 кун ўтгач урғочилари тухум қўя бошлайдилар, об-ҳаво ҳароратининг ўзгаришига қараб 12-15 кун ичидаги тухум қўйишни тугаллайдилар. Ҳаво ҳарорати паст ёки ёғингарчилик кўп бўлса тухум қўйиш даври 25-30 кунгача давом этиши мумкин. Урғочилари тухумини ғалла баргининг остки қисмiga, ўсимликнинг танасига қўяди. Тухумларини одатда 14 тадан икки қатор қилиб жойлаштиради. Битта урғочиси 200 тагача тухум қўйиши мумкин. Личинкаларининг 2-4 ёшларга ўтиши буғдойнинг сут пишиш даврига тўғри келади. Бу даврда улар бошоққа чиқиб уни сўриб зарап келтирадилар. Куннинг иссиқ вақтлари ҳамда мавжуд ёшдан кейинги ёшга пуст ташлаб ўтишда улар бошоқдан ўсимликнинг остки қисмiga тушадилар. Бу ҳолатни назарда тутиш хасвани зичлигини аниқлашда ва унга қарши кимёвий кураш чораларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳаво ҳароратига қараб личинкаларнинг ривожланиши 25 кундан 35 кунгача давом этиши мумкин. Бешинчи маротаба пўст ташлагандан кейин хасванинг янги етук зот (имаго) лари пайдо бўлади. Бу ёшдаги хасвалар қишлоғга кетиши мақсадида танасига етарли миқдорда ёғ моддасини тўплаш учун жуда кўп дон шираси билан (10-20 кун давомида) озиқланадилар. Хулоса қилиб айтганда буғдойга катта ёшдаги хасва ҳам ва унинг личинкалари ҳам жиддий зарап етказади. Бошоқланиш даврида пояларнинг заарланиши натижасида яхши ривожланмайди ва бошоқлар пуч бўлиб қолади. Пишмаган бошоқ заарланиши натижасида эса қисман ёки бутунлай оқ бошоқ (яъни пуч) бўлиб қолади, дон таркибидаги оқсил камайиб кетади. Бошоқдаги 10–15% донларнинг заарли хасва билан заарланиши бундай доннинг ун ишлаб чиқариш учун яроқсиз бўлиб қолишига олиб келади. Хасва заарлаган пайкаллардан олинган уруғлик доннинг униб чиқиши 50% гача камаяди.

Заарли хасва дунёning барча худудларида йилига 1 марта авлод беради.

### **ЗАРАРЛИ ХАСВАГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ.**

**Агротехник тадбирлар** – Ғаллазорларни заарли хасвадан ҳимоя қилишда экологик соф ва иқтисодий арzon усуллардан чидамли навларни экиш, уруғлик буғдойни бегона ўтлар уруғлари аралашмаларидан тозалаш ва уруғлик доннинг сифатини ошириш катта аҳамиятга эга.

Кузги буғдойни эрта баҳорги озиқлантириш пояларнинг шаклланишини тезлаштиради, ҳамда бошоқланиш фазасида азотли ўғитлар

ўсимлиқдаги модда алмашинувини тезлаштиради ва клейковина міқдорини оширади. Россия олимлари томонидан мочевина(карбамид)нинг 30%ли сувдаги эритмаси билан буғдойнинг тупланиш - най тортиш фазаларида барг орқали озиқлантирилганда қишлодан чиқсан хасвалар сони 50 – 82% га, сут пишиш фазасида озиқлантирилганда эса хасва личинкалари сони 65% га камайганлиги аниқланган. Буғдой ҳосилини тез ва қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Уни ўрилмай қўп вақт туриб қолиши зааркундаларни озиқланиш даврини узайтиради ва бу ҳолат дон сифатини пасайиб кетишига олиб келади. Бундан ташқари, тўйиб озиқланган зааркунданда қишлодан яхши чиқиб келгуси йил яна таҳдид солади.

Булардан ташқари заарли хасванинг заарига чидамлиликни оширишда буғдой экинига энг яхши ўтмишдош танлаш, ерга замонавий ва тўғри ишлов бериш, юқори сифатли уруғ танлаш, экишнинг оптимал муддатлари ва усуллари, экиш сарф міқдори ва чуқурлигини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Юқоридагиларнинг ҳаммаси буғдойнинг қийғос ва пояларнинг бир текис, қуюқ униб чиқишига асос бўлади.

**Табиий кушандалари.** Ғаллазорларни заарли хасвадан ҳимоя қилишда экологик ва иқтисодий қулай усуллардан зааркундаларнинг табиатда оммавий кўпайиб кетишини чегаралаб туришда муҳим ўрин тутган энтомофагларни излаб топиб қўллаш учун тадбиқ этиш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Табиатда заарли хасванинг энтомофагларидан унинг танасида ривожланувчи фазия пашшаси личинкаси ва тухумхўр теленомуслар ҳамда кўпгина қушлар аҳамиятлидир.

**Касаллик қўзғатувчилари.** Зааркундаларни оммавий кўпайиб кетишини яна бир чегаралаб турдиган омиллардан бири касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Заарли хасвага қарши микробиологик кураш усулларини ишлаб чиқишида табиатдан энтомопатоген микроорганизмларни қидириб топиш, уларни ажратиш ва таъсирчанлигини ўрганиб келгусида шулар асосида микробиологик препаратлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда олимлар олдида хавфли зааркунданда бўлган заарли хасвага қарши микробиологик кураш усулини ривожлантиришда табиий шароитда тарқалган ҳар хил турдаги маҳаллий энтомопатоген микроорганизмларни излаб топиш, тажрибада қўллаш ва улардан биопрепарат тайёрлаб ишлаб чиқаришга жорий этиш асосий масала бўлиб қолмоқда.

**Кимёвий усулда кураш чоралари** – Заарли хасвага қарши кимёвий препаратларни қўллаш энг асосий кураш чоралардан бири бўлиб қолмоқда. Кимёвий кураш чораларини ўтказиш қачонки, буғдой далаларидағи заарли хасва сони иқтисодий зарар етказиш меъёридан ошганда, яъни ўртача  $1\text{ m}^2$  да

2-3 та етук зот хасвалар ёки 7-8 та янги авлод личинкалари пайдо бўлганда олиб борилади. Буни аниқлаш учун буғдойни тупланиш давридан бошлиб ҳар 5-7 кунда ғаллазорларда мутахассис агрономлар томонидан назорат ишлари ўтказилиши шарт. Бу борада хасва борлиги аниқланган даладан 20 та намуна (ҳар бири  $0,25 \text{ м}^2$ , яъни  $50 \times 50 \text{ см}$ ) кўрилиб, олинган натижалар ҳисоб дафтарига ёзилади.

Инсектицидлардан муваффақиятли фойдаланиш учун уларни сарфлаш микдорини аниқлаш лозим. Препаратларни ишлатиш вақтида трактор пуркагич мосламаларини соз бўлиши катта аҳамиятга эга. Препаратнинг ишчи суюқлигини тайёрлашда пуркагич бакига 30-40% сув қўйилиб ундан сўнг керакли микдордаги препарат солинади ва бак охиригача сув билан тўлдирилиши керак. Ишлов давомида ўсимликнинг ёшига қараб гектарига 200-300 литр ишчи суюқлиги сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Кимёвий ишловларни эрталабки (соат 11 гача) ва кечки (соат 17 дан кейин) салқин пайтларда ўтказиш яхши самара беради. Ғаллазорларга ишлов берилаётганда ишчи эритмани бир текис пуркалишига эришиш препарат самарадорлигини янада оширади.

1-жадвал.


### **Ғалла зааркунандаларига қарши қўллаш учун тавсия этилган инсектицидлар РЎЙХАТИ**

№	Препарат номи	Препарат нинг сарф меъёри л/га	Ишлатиш муддати	Ҳосилни қанча вақт қолганда ишлов тугалланади, кун	Бир мавсумда кўпи билан неча марта ишлаталиди
	Би-58(янги), 40% эм.к.	1,5	Ўсимликнинг усув даврида пуркалади.	30	2
	Данадим, 40% эм.к.	1,5	Ўсимликнинг усув даврида пуркалади.	30	2
	Децис, 2,5% эм.к.	0,25	Ўсимликнинг усув даврида пуркалади.	20	2
	Каратэ, 5% эм.к.	0,15-0,2	Ўсимликнинг усув даврида пуркалади.	20	2
	Каратэ зеон, 5% сус.к.	0,15-0,2	Ўсимликнинг усув даврида пуркалади.	20	2
	Кураш, 5% эм.к.	0,15-0,2	Ўсимликнинг усув даврида пуркалади.	20	2
	Карбафос, 50% эм.к.	1,5 – 2,0	Ўсимликнинг усув даврида пуркалади.	20	2
	Фуфанон, 57% эм.к.	1,5 – 2,0	Ўсимликнинг усув даврида пуркалади.	20	2
	Кинмикс, 5% эм.к.	0,2	Ўсимликнинг усув даврида пуркалади.	15	2
	Нурелл-Д, 55%	0,5	Ўсимликнинг усув	30	2

	Эм.к.		даврида пуркалади.		
	Циперфос, 55% эм.к.	0,5	Ўсимликтининг усув даврида пуркалади.	30	2
	Суми-альфа, 5% эм.к.	0,2 – 0,25	Ўсимликтининг усув даврида пуркалади.	15	2
	Эсфен-альфа, 5% эм.к.	0,2 – 0,3	Ўсимликтининг усув даврида пуркалади.	15	2
	Суми-альфа, 20% эм.к.	0,07	Ўсимликтининг усув даврида пуркалади.	15	2
	Фенкилл, 20% эм.к.	0,3-0,5	Ўсимликтининг усув даврида пуркалади.	15	2
	Ариво, 25% эм.к.	0,2	Ўсимликтининг усув даврида пуркалади.	20	2
	Циракс, 25% эм.к.	0,2	Ўсимликтининг усув даврида пуркалади.	20	2
	Фаскорд, 10% эм.к.	0,15	Ўсимликтининг усув даврида пуркалади.	30	1

Кимёвий препаратлардан фойдаланиш учун Ўзбекистон республикасида ишлатиш учун рухсат берилган ўсимликларни химоя қилиш воситалари рўйхатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (1-жадвалга қаранг).

**БУГДОЙ ТРИПСИ** Ўзбекистоннинг ҳамма худудларидағи ғаллазорларда учрайдиган бу митти ҳашаротнинг катталиги 1,2–1,5 мм (урғочиси) дан 1,8-2,2 мм (эркаги) гача. Танаси ингичка, қорнининг кейинги сегменти найсимон чўзилиб, орқа учи сал торайган. Қанотида томирлар йўқ, четларида узун қилчалар бор. Вояга етган трипснинг ранги қора ёки қорамтири қўнғир рангда, личинкалари эса оч қизил тусда, оғиз аппарати санчиб сўрувчи қанотсиз бўлади. (3-расм).



3-расм. Бугдой трипси: а-етук зот; б-личинка; в-заарланган бошоқ

Бугдой трипси личинкалик даврида тупроқнинг юза қатламида 10 см, баъзан 20 см гача чуқурликда қишлиайди. Баҳорда тупроқ юза қатлами ҳарорати +8°C га етганда личинкалар қишлоғдан чиқиб пронимфа ва нимфага айланади. Трипснинг ривожланиши бир оз узоққа чўзилиб, қишилаб чиқкан кичик ёшдаги личинкалар апрел охиригача учрайди. Ғаллада

бошоқланиш даври бошланиши билан етук трипслар пайдо бўла бошлайди. Ургочилари тухумини бошоқ бандига ва дон қобигига биттадан ёки тўп-тўп қилиб қўяди. Тухум қўйиш даври 25-35 кун давом этади. Битта ургочиси 23-28 та тухум қўяди. Тухум қўйилгандан сўнг бир ҳафта ичида личинка чиқа бошлайди. Личинка 18-25 кунда ривожланади. Личинкалар бошоқ қобиги ичига кириб, қобиқ ва гул ширасини, кейинчалик эса дон ширасини сўриб озиқланади. Ўсимликлар дағаллашиб, донлар пишиб, ҳосил йигим-теримга яқинлашганда личинкалар озиқланишини тутатиб тупроққа туша бошлайди. Буғдой трипси йилига 1 марта авлод беради.

Буғдой трипсининг келтирадиган заарини ўрганиш мақсадида ўтказилган тадқиқотларимиз натижасига кўра буғдой ҳосили трипс билан унинг най тортиш даврида заарланса – 38,1% гача, бошоқланиш даврида заарланса – 25,6% га, сут пишиш даврида заарланганда эса – 3,2% га камайиши аниқланди.

**Кураш чоралари.** Буғдой ҳосили йиғиб олингандан сўнг тезда чуқур шудгор ўтказиш, алмашлаб экишни жорий қилиш буғдой трипсининг сонини бирмунча камайтиради.

Ғалазорлар най тортиш – бошоқланиш даврларида ҳар 7 кунда назорат қилинади. Трипс борлиги аниқланганда энтомологик тутқич ёрдамида даланинг 5 жойидан ҳар бирида 20 тадан силкитиб, ҳар галгисида етук трипслар саналади. Агар улар сони 600 та ва ундан ошиб кетса ёки най тортиш даврида ўртacha 1 пояга 8-10 тадан тўғри келса кимёвий ишлов ўтказиш зарур. Дон шаклана бошлашида даланинг бир неча жойидан бошоқлар кесиб олиниб трипс личинкалари саналади. Мабодо бошоқларнинг ҳар бирида 40-50 тадан личинка топилса кимёвий ишлов ўтказиш зарур. Тавсия этилган кимёвий препаратлар 1-жадвалда берилган).

**ҒАЛЛА ШИРАЛАРИ** Республикамиз иқлим шароитида сугориладиган бошоқли дон экинларида 6 турдаги ширалар: оддий ғалла шираси, катта ғалла шираси, арпа шираси, черемуха ғалла шираси, сули ёки маккажўхори шираси ва атиргул ғалла ширалари заар етказади. Черемуха ғалла шираси ва атиргул ғалла ширалари ғалла экинларини сут пишиш фазасига кира бошлагач бошқа экинларга (черемуха, атиргул, наматак ва б.) ўтиб кетади. Юқорида номлари айтиб ўтилган 6 турдаги ғалла шираларининг ичида оддий ғалла шираси, катта ғалла шираси, арпа шираси ва черемуха-ғалла ширалари доминант тур ҳисобланади ва олинадиган ҳосилга жиддий заар етказади (4-расм).

Республикамизнинг ғалла экиладиган майдонларида бошоқли дон экинлари шираларининг тарқалиш ареалини ўрганиш мақсадида ўтказган тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, барча вилоятлардаги ғалла

экиладиган майдонларда ширалар бошоқли дон экинларига тушиб уларга сезиларли заар заңынан түшсөн.



б

4-расм. а - Оддий ғалла шираси – *Schizaphis graminum* Rond.; Катта ғалла шираси:  
байроқча баргда (б),

Лекин республикамиз ҳудудларида табиий иқлим шароитлари турлича бўлганлиги сабабли ширалар турларининг тарқалиши ҳам турлича бўлади. Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари ғаллазорларида оддий ғалла шираси кўп учраб катта заар келтириши кузатилди. Бухоро, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ғаллазорларида оддий ғалла шираси ва катта ғалла шираси учраган бўлсада, уларнинг популяция зичлиги юқори сонда бўлмаслиги аниқланди. Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг ғаллазорларида оддий ғалла шираси, катта ғалла шираси, айрим тоғ ва тоғ олди ҳудудларида эса черемуха ғалла шираси ва арпа шираларининг ҳам кўп учраши кузатилди.

Фарғона водийсининг ғалла экиладиган ҳудудларида катта ғалла шираси, оддий ғалла шираси, черемуха ғалла шираси айрим ҳудудларда эса арпа шираси ва сули ёки маккажўхори ширалари кўп учраши қайд этилди. Тошкент вилояти шароитида оддий ғалла шираси, катта ғалла шираси, арпа шираси, черемуха ғалла шираси, сули ёки маккажўхори шираси ва атиргул ғалла шираси кўпроқ учради.

Хулоса қилиб айтганда шираларининг тарқалиш ареали табиий иқлим шароитига боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Оддий ғалла шираси ва катта ғалла ширалари республикамизнинг барча ғаллазорларида учраган бўлса, арпа ва сули ёки маккажўхори ширалари айрим ҳудудларда учради. Черемуха ва атиргул ғалла ширалари миграция қилувчи ширалар бўлганлиги сабабли асосий хўжайин озуқа ўсимлиги бўлган жойларда учраши қайд этилди.

Республикамизнинг табиий иқлим шароити турлича бўлишини ҳисобга олиб, ғалла шираларининг вилоятлар бўйича тарқалишини кузатувларимиз натижаларига асосланиб З гурухга бўлдик: **биринчи гурух** - кам тарқалган ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти), **иккинчи гурух** – ўртacha тарқалган ҳудудлар (Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари), **учинчи гурух** – кўп тарқалган

худудлар (Самарқанд, Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари) ғаллазорлари киради.

Ширалар катталиги 1,8-3,0 мм бўлиб, ўтсимон яшил, тўқ яшил, сарғиш яшил ва сарғиш қўнғир рангли митти ҳашаротлардир. Бу ширалар кузги ғаллада тухум қўяди ва шу тухумлар қишлиб чиқади. Битта урғочиси 10 тагача тухум қўяди. Баҳорда кунлар исиши билан личинкалар чиқиб озиқланана бошлайди. Тўртинчи туллашдан кейин қанотсиз урғочиларга айланади. Бу урғочилар тирик туғиб кўпаяди. Кейинги бўғинлари қанотсиз ва қанотли тарқатувчиларга ажралади. Мавсум давомида ширалар 10-12 авлод беради. Ширалар доимо ўсимликнинг яшил ва юмшоқ қисмида шарбатини сўриб озиқланади. Натижада ўсимлик сарғайиб қуриб қолади. Кучли заарланганда ғалла бошоқ тортмайди.

Бошоқли дон экинларининг ғалла ширалари таъсирида нобуд бўладиган ҳосил миқдори зааркундандинг экинга тушиш вақтига қараб турлича бўлади, яъни ғалла экинлари ширалар билан қанчалик эрта заарланса ва улар сони қанчалик зич бўлса ҳосил шунчалик кўп нобуд бўлади. Буғдойзорларда 100 % ширалар тарқалганда най тортиш фазасида бир пояга ўртacha 5 дона шира тўғри келса 13,0 % гача, 10 дона шира тўғри келса 23,9 % ва 20 дона шира тўғри келганда эса 32,3 % ҳосилни нобуд қилади. Бошоқлаш фазасида эса ўртacha бир пояда 5; 10 ва 20 дона шира бўлганда, мутаносиб равишда 8,0; 14,4 ва 21,8 % гача ҳосилни нобуд қилади. Сут пишиш фазасида заарланганда эса бу кўрсатгичлар 2,2; 4,4 ва 6,2% ни ташкил қилади, яъни шираларнинг олинадиган ҳосилга сезиларли таъсири бўлмайди.

Табиатда ширалар сонини хонқизи, олтинкўз ва сирфид пашибалари личинкалари, ҳамда текинхўр афиидилар камайтириб туради.


**Кураш чоралари.** Тезпишар навлар экиш, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан қўшимча озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ғаллазорлар бошоқланиш – дон ҳосил бўлиш ва сут пишиш даврларида ҳар 7 кунда назорат қилинади. Ширалар борлиги аниқланганда даланинг 10 жойидан ҳар биридан 10 тадан бошоқ кўрилади. Ўзбекистон шароитида буғдойзорларда 100 % ширалар тарқалганда: най тортиш фазасида бир пояга ўртacha 5 дона шира, бошоқланиш фазасида эса бир пояга ўртacha 10 дона шира тўғри келганда иқтисодий зарар келтириш мезони бўлади, яъни бу даврда шираларнинг сони кўрсатилган миқдорга етиши кимёвий ҳимоя чоратадбирларини бошлаш учун қулай муддат ҳисобланади. Шираларга қарши ишлатиш учун тавсия қилинган инсектиқидлар рўйхати 1-жадвалда берилган.

**ШИЛИМШИҚ ҚУРТ** Шилимшиқ қурт кемирувчи зааркунанда бўлиб Республикализнинг барча ғалла экиладиган ғаллазорларида учрайди. Унинг

қўнғизи 4-5 мм узунликда, чўзинчоқ, яшилсимон кўк рангли, қанот устлигига йирик нуқтачалар қатори яққол кўриниб туради. Тухуми узунчоқ-овалсимон, қаҳрабо-сариқ рангли. Личинкаси уч жуфт оёқли, боши қора, яқинда тухумдан чиққан личинкаси ташқи муҳит ва кушандалардан ҳимояланниш учун тезда сарғиш-қўнғир шилимшиқ модда билан қопланиб олади. Ғумбаги оқ, 4-5 мм узунликда, кўзачасимон шаклда бўлади (5-расм).

Кўнғизи тупроқда қишлиайди. Баҳорда чиқиб қўшимча озиқлангандан сўнг урғочиси занжирсимон шаклда 3-7 тадан қилиб 200 тагача тухум қўяди. Тухумдан 7-14 кунда личинка чиқади. Личинкаси икки ҳафта давомида барг билан озиқланниб, шилимшиқ қопламасини ташлаб тупроққа тушади ва 2-3 см чуқурлиқда ғумбакка айланади. Икки ҳафтадан сўнг пилладан қўнғиз чиқади ва баҳоргача тупроқда қолади. Шилимшиқ қурт йилига 1 марта авлод беради. Шилимшиқ қурт личинкаси кучли заарлаганда 50% гача ҳосилни камайтириши мумкин. Бу ҳол айниқса қурғоқчилик йилларида яққол сезилади.

**Кураш чоралари.** Ҳосил йифиб олингандан сўнг қисқа муддатларда чуқур ва сифатли шудгор қилиш зарур. Ғалла экинлари тупланиш давридан мум пишиш давригача ҳар 7 кунда назорат қилинади. Шилимшиқ қурт борлиги аниқланганда даланинг 20 та жойидан ҳар бири  $0,25\text{ m}^2$  ( $50\times 50\text{ см}$ ) дан (10 таси дала чети бўйлаб, 10 таси дала марказида диагонал бўйича) намуна олинади. Бир вақтнинг ўзида кўз билан чамалаб барг усти сатхининг қанча фоизи заарланганлиги аниқланади. Ҳисоб қилинганда  $1\text{ m}^2$  да 10-15 та қўнғиз топилса, ёки 1 та пояга 0,5-1 та личинка тўғри келса, ёки барг устининг 10-15% сатҳи заарланганда кимёвий усулда кураш олиб бориши зарур. Шилимшиқ қуртга қарши тавсия қилинган инсектицилар рўйхати 1-жадвалда берилган.



а



б

5-расм. Шилимшиқ қурт: а – қўнғизи; б, в – ҳимояланган личинкаси; г – заарланган барг.

## ҒАЛЛА КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўзбекистон иқлим шароитида ғалла экинларига 13 турдан ортиқ касалликлар заар қелтиради. Буларнинг асосийлариға буғдой қўнғир занги, буғдой сариқ занги, ун шудринг, сариқ доғланиш, септориоз, чангли ва қаттиқ қора куя касалликлари киради.

**Буғдой қўнғир занг** касаллиги ҳамма вилоятларда тарқалган ва йилдан йилга кучли ривожланмоқда. Касаллик белгиларидан бири баргларда думалоқ, сарғиш-қўнғир чангсимон урединиоспоралар ҳосил бўлишидир. Улар ичida ривожланган споралар бошқа ўсимликларга ҳаво ҳарорати 15-23°C га етганда шабнам, ёмғир ва шамол ёрдамида ўтади ва тарқалади. Касаллик манбаи ёввойи ҳолда ўсадиган қўнғир занг билан касалланган бошоқли бегона ўтлардир. Кузда тоғлардан учиб келган ва бегона ўтларда ривожланган споралар кузги буғдой экинларига ўтади ва касаллик янгидан тарқалади. Қиши замбуруғ майсалаларнинг ичida мицелий ва пустула ҳолида қишлиайди (6-расм).

**Буғдой сариқ занг** касаллиги қўнғир зангга нисбатан кам тарқалган, аммо келтирадиган зарари юқори бўлғанлиги учун ўта хавфли ҳисобланади. Касаллик белгилари: сариқ занг замбуруғлари баргларда узун қатор-қатор жойлашган, сариқ доғлар ҳосил қиласди. Бу касалликни экинларга тарқалиши ва қишлиши қўнғир зангдан фарқ қилмайди. Сариқ занг споралари 0°Cда ўсишни бошлайди ва ҳаво ҳарорати 8-13°C га етганда тўқималар ичига киради ва ҳарорат 23°C га етгунча ривожланишда давом этади. Янги споралар 12-15°C ҳароратда ҳосил бўлади (7-расм).

**Ун шудринг** Ўзбекистонда бу касаллик асосан буғдой, арпа ва кам ҳолларда сулида учрайи. Касалликнинг дастлабки белгилари ўсимликларнинг баргларида оқ паҳтасимон доғ қатлами ҳосил қилиш билан бошланади. Сўнгра қатlam қалинлашиб, кулранг ёки сарғиш-кулранг, бўртиб чиққан ёстиқчалар тулага киради. Касаллик баргдан поя баргларига ва бошоқларга ўтади. Ёстиқчалар устида касаллик чақиравчи замбуруғнинг конидиялари пайдо бўлади (8-расм).


Конидиялар бир хужайрали, рангиз, цилиндрисимон шаклда, шамол орқали бошқа ўсимликларга ўтади. Касаллик ҳаво ҳарорати 15-20°C ва нисбий намлиги 96-99% бўлганида жуда ҳам тез тарқалади ва ривожланади.

Кузда касалланган ўсимликларда замбуруғнинг қишлоғчи фазаси мева таначалари пайдо бўлади. Уларнинг ичida аскоспоралар пишиб етишади ва униб чиққан кузги ғалла экинларини заарлайди. Замбуруғ ғалла ўсимликларида ҳамда ёввойи ҳолда ўсаётган ғалласимон бегона ўтларда қишлиайди.



6-расм. Күнғир занг (*Puccinia recondita*). 7-расм. Сариқ занг (*Puccinia striiformis*).

**Сариқ доғланиш (гельминтоспориоз)** касаллиги Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийси вилоятларида кенг тарқалган ва бошқа вилоятларда қисман учрайди. Сариқ доғланиш билан касалланган буғдой баргларида олдин кичкина, думалоқ, қўнғир, кейинчалик эса катта доғлар ривожланади. Касаллик кучли ривожланганида бу доғлар бутун баргларни қоплаб барг чиришига ва қуришига олиб келади. Доғлар устидаги ҳосил бўлган замбуруғнинг конидиялари ҳаво ҳарорати 20-25°C ва намлиги 100% бўлганда ёмғир ва шамол ёрдамида тез тарқалиб ўз зарарини кўрсатади.



8-расм. Ун-шудринг (*Erysiphe graminis*).  
доғланиши



9-расм. Буғдой сариқ


(*Pyrenophora tritici*  
*repentis*).

Кузда ўсимлик қолдиқларида замбуруғнинг қишлоғчи мева таначалари - аскокарплари ҳосил бўлиб кузги майсаларни заарлаб эрта баҳорда бошқа ўсимликларга тарқалади. Касалликни қучайишига ва


тарқалишига асосий сабаблардан бири алмашлаб экишнинг йўқлиги, озуқа моддаларининг кам солиниши, ҳамда ерни чуқур ҳайдамаслиқдир (9-расм).

**Буғдой септориози** касаллиги Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида кенг тарқалган. Септориоз касаллиги буғдой баргларида мева танаачалари - пикнидияларни ҳосил қиласи. Бу мева танаачалардан конидиялар чиқиб ёмғир ва шамол ёрдамида бошқа ўсимликларга ўтиб тарқалади. Замбуруғнинг пикнидиялари ва мицелийлари қишлоғдан чиқиб баҳорда ёш ўсимлик майсаларга тарқалади (10-расм)

**Қаттиқ қоракуя** Буғдойнинг қаттиқ қора куя касаллиги кенг тарқалган бўлиб, унинг белгиларидан бири дон ўрнига қоракуя споралари билан тўлган халтачалар ҳосил бўлишидир. Касалликни тарқатувчи инфекцияси уруғнинг фақат ташқи қисмида сақланади (11-расм).



10-расм. Буғдой септориози.



11-расм. Қаттиқ қоракуя.

**Чангли қоракуя** касаллиги 0,5-1 % экинларда учрайди. Бироқ уруғлар дориланмасдан ёки сифатсиз препаратлар билан дориланиб экилса тарқалиши 10-20 %гacha боради. Касаллик фақат уруғлик доннинг ичидаги бўлади. Чангли қоракуя замбуруғлари бошоқ ва рўвакларда қорамтирир чанг ривожланишига сабаб бўлади. Бундан ташқари касалланган ўсимликни ўсишдан тўхтатиб бошоқдаги дон вазнини ва микдорини камайтиради. Касалликнинг ташқи белгилари руёбга чиқмаган ҳолда ҳам бўлиши мумкин (12-расм).



12-расм. Чангли қоракуя (*Ustilago tritici*).



**Буғдой касалликларининг келтирадиган зарари.** Буғдой ҳар ҳил касалликлар билан заарланганда унинг зарари экилган навларнинг чидамлигига, касалликни бошланиш даврига ва касалланиш даражасига боғлиқ бўлиб ҳосилни ҳар ҳил даражада камайтиради. Масалан: буғдой гуллаш даврида, 40 ёки 80 % изгача қўнғир занг билан касалланса, ҳосилнинг 10 % изидан 26,5 % игача нобуд бўлади. Бошоқ чиқариш фазасида касалланса ҳосилни 50 % гача нобуд қилиши мумкин. Сариқ занг касаллиги қўнғир занг касаллигига нисбатан ўта хавфли бўлганлиги учун у ҳатто дон тўлиши фазасида учраганда ҳам 5 % дан 35 % гача ҳосилни нобуд қиласди. Касаллик экинларда эрта бошланган бўлса (байроқ барг чиқариш фазасида) ва ривожланиш даражаси юқори (50-60%) бўлса дон ҳосилининг 34-40 % йўқотилади. Ун шудринг касаллиги ҳам занг касалликларига ўхшаб зарари касаллик ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда ҳосилнинг 3 %дан 25 % гача нобуд қиласди. Буғдойни сариқ доғланиш касаллиги зарари чидамли навларда ҳосилнинг 5-10 % дан, чидамсиз навларда 40 % гача камайтиради. Бу кўрсатгичлар иқлим ғалла экинлари ва касалликлар учун қулай келишига боғлиқ бўлиб, йиллар давомида ўзгариб туриши мумкин. Шунинг билан биргаликда касалликларнинг етказадиган зарари агротехника қоидаларига (алмашлаб экиш, сифатли шудгор, органик ва минерал ўғитларнинг микдори, навларнинг чидамлилиги) қанчалик амал қилинишига боғлиқ.

Республикамиз ғаллазорларида юқоридаги касалликларга қарши Давлат кимё комиссияси томонидан ишлатиш учун рухсат этилган қуйидаги фунгицидларни ишлатиш тавсия этилади: Альто Супер, 33% эм.к. – 0,3 л/га; Байлетон, 25% н.кук. – 0,5-1,0 кг/га; Бампер, 25% эм.к. – 0,5 л/га; Крест, 25% эм.к. – 0,5 л/га; Импакт, 25% сус.к. – 0,25-0,5 л/га; Колосаль, 25% эм.к. – 0,3-0,5 л/га; Пиларкур, 25% эм.к. – 0,4-0,5 л/га; Рекс, 49,5% сус.к. – 0,4-0,6 л/га; Титул, 39% к.э.к. – 0,26 л/га; Фоликур БТ, 22,5% эм.к. – 0,3-0,5 л/га.

#### **4.2. Мевали боғлар, ёнғоқ ва ёнғоқ мевали дaraohтлар зарарли организмларига қарши ўйғунашган кураш усуллари.**

##### **МЕВАЛИ БОҒ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ**

Интенсив усулда етиштириладиган боғларда 150 дан ортиқ турдаги зараркунандалар учрайди. Буларга асосан мевали дaraohтларнинг илдизлари, таналари, шохлари, барглари, гуллари ва мевалари билан озиқланиб, уларга катта зарар етказади.каналар ва ҳашаротлар синфида мансуб бўлган зараркунандалар таълуқли ҳисобланади.

##### **КАНАЛАР**

Мевали боғларда каналарнинг икки тури яъни оддий ўргимчаккана ва мева ўргимчакканаси учрайди:

**Оддий ўргимчаккана.** Оддий ўргимчаккана мевали дарахтлардан олма, нок, шафтоли, гилос, олча баргларини заарлайди. Каналарнинг вояга етган урғочилари тўқилган барглар остида қишилайди. Март ойини охири, апрел ойи бошларидан, ҳаво ҳарорати  $10^0$  С га етганда тухум қўйиш учун атрофдаги бегона ўтларга тарқала бошлайди. Кананинг қуи ривожланиш чегараси  $7,3^0$  С ни ташкил этади. Дастребки авлоди бегона ўтларда ривожланиб, кейинчалик личинкалари ҳамда вояга етган каналар мевали дарахтларга кўчиб зарар етказади. Ёғингарчилик кам бўлиб, ҳаво қуруқ келган йилларда каналарнинг зарари яққол намоён бўлади. Ўргимчаккана ўсимлик баргларининг орқа томонида пайдо бўлади ва шу ернинг ўзида қўпая бошлайди. Унинг ривожланиши об-ҳаво шароитига қараб, апрел ойларида 25-30 кун, майда 15-20 кун, ёзда 8-12 кун давом этади. Ўргимчаккана юқори ҳарорат ва қуруқ иқлим шароитида май ойида тухум қўйиши жадаллашиб боради: ҳаётининг бошланғич даврида 3-4 та, 7-8 чи кунидан бошлаб эса ўртacha бир кунда 5-6 та, июн-июлда 4-5 та ва август-сентябр ойига бориб тухум қўйиш сони 3-1 тагача камаяди. Пуштдорлиги ўртacha бўлиб, бир урғочи кана ҳаёти давомида ўртacha 100-160 та тухум қўяди. Ўргимчаккана ёзда қўкимтири-сарғиш, кеч кузда, эрта баҳорда ва қишида қизғиши ёки қизил рангда бўлади (1-расм).



1-расм. Оддий ўргимчаккана.

**Мева ўргимчакканаси.** Ўргимчаккана одатда олма ва бошқа мевали дарахтларга зарар етказади, заарлаган барглар дастреб сарғаяди, кейин эса қўнғир тусга кириб тўқилиб кетади. Мева ўргимчакканаси дарахт танасидаги пўстлоқлар остида ва танаси ёриқлари орасида, бегона ўтлар қолдиғи остида, шохларда ва қисман шохлардаги куртаклар яқинида тўп-тўп бўлиб қишилайди. Зааркунанда мевали дарахтлар барги ҳужайра ширасини сўриб

озиқланади. Вақтида кураш тадбирлари ўтказилмаса барглар ва мевалар тўкилиб кетади. Барг устини тупроқ чанги қоплагандан зааркунандани кўпайишига қулай шароит туғдиради. Ёғингарчилик кам бўлиб, ҳаво қуруқ келган йиллари ўргимчакканаларни кўпайишига қулай шароит туғилади (2-расм).

## ЎСИМЛИК ШИРАЛАРИ ЁКИ БИТЛАР

Ўсимлик ширалари ёки битлар асосан мева дарахтларини баргларини ҳужайра ширасини, айрим турлари илдиз, новда ва шохларини сўриб озиқланади. Мева боғларда ўсимлик битларини бир неча тури учрайди, булар барг битлари, олма бити, шафтоли бити, нок шира бити ва олма қон бити.

### Барг битлари

Барг битлари кўчатзорлардаги ниҳоллар ва боғлардаги ёш дарахтларга кўп заар етказади. Заарланган барглар буришиб қолади, баъзан эса тўкилиб кетади, ёш новдалар ўсмай қолади, қинфир-қийшиқ шаклига киради ва мева ҳосили камайиб кетади. Ёш кўчатлар, жумладан шафтоли дарахтларига битлар айниқса катта заар етказади: мева ширасини сўриб, сифатини пасайтиради, дарахтларнинг ривожланиши сусайиб, кейинчалик қуриб қолади. Баҳор охирларида битларнинг кўп турлари мева дарахтидан бошқа ўсимликларга ёки сабзавотларга ўтади.

Кузда сентябр - октябр ойларида ургочи ва эркак личинкалар туғилади, улар вояга етгандан сўнг новдаларнинг куртак яқинига тўп-тўп қилиб 5-6 тадан тухум қўяди. Келгуси йил баҳорда куртаклар бўртаётганда тухумлардан личинкалар чиқади ва ёз ойларида тирик личинка туғила бошлади ва ўсимлик вегетация даврида 15-19 марта гача авлод беради (3-расм).

Табиатда кўпгина йиртқич ва паразитлар - хонқизи, сирфид пашшаси, олтинкўз, яйдоқчи каби фойдали ҳашаротлар барг битлари билан озиқланиб уларнинг миқдорини камайтиради; уларнинг миқдори кўпайиб кетганда қўллаш учун рухсат этилган кимёвий препаратлар ёрдамида кураш ўтказилади.



Барг битлари.  
Олма бити

Олма бити олманинг кўпгина навларига, асосан баргида зарар келтиради. (4-расм). Сўнгги авлоднинг урғочи битлари жуфтлашгандан кейин тухум қўяди. Ҳар бир урғочи бит ёш новдаларга 1-5 тадан тухум қўяди; кузда, дараҳт барглари тўкилгандан кейин барг битларининг қора тухумлари кўзга яққол кўриниб қолади.

Тухумлардан келгуси йил кўкламидагина личинкалар чиқади.

Табиятда кўпгина йиртқич ва паразитлар - хонқизи, сирфид пашшаси, олтинкўз, яйдоқчи каби фойдали ҳашаротлар барг битлари билан озиқланиб уларнинг миқдорини камайтиради; уларнинг миқдори кўпайиб кетганда кўллаш учун руҳсат этилган кимёвий препаратлар ёрдамида кураш ўтказилади.



Олма бити.

### Нок бити

Вояга етгани ва личинкалари нок куртаклари, барглари, гуллари ва ингичка новдаларининг ширасини сўриб, дараҳтларни жуда ҳам нимжон қилиб қўяди. Қаттиқ заарланган барглар қорайиб тўкилиб кетади. Нок шира битига қарши кураш олиб борилмаса, июль бошларидаёқ дараҳтлар батамом баргини тўкиб юборади. Заарланган дараҳт новдалари қинфир-қийшиқ, меваси қаттиқ, bemaza бўлиб, кўпинча шира битининг ёпишқоқ ахлатига беланади. Шира бити вояга етганда нок дараҳтларининг шохларида ва қисман танасидаги пўстлоқ остида қишлиайди. Дараҳт куртак ёзишдан сал олдин шира битлари жуфтлашади ва тухум қўя бошлайди. Тухумини шохларнинг учига ва куртаклар яқинига қўяди.



Нокнинг барг ширинчаси ва унинг личинкалари куртак, барг, новда ва меваларни ширасини сўради ҳамда ўзидан ёпишқоқ ва ширин суюқлиқ шира ажратади. Оқибатда дараҳтни куртак, барга ва новдалардаги ҳаётий жараёнлар бузилади.

Зааркунанда ёппасига учуб кўпайган даврда дараҳтлар ёпишқоқ нок чиқиндиси билан тўлиқ қопланади. Баргалри қораяди ва тўкилиб кетади. Мевалар қаттиқ бўлиб қолади, дараҳт заифлашади, келгуси йил ҳосил сезиларли даражада камаяди. Ўсиб этилган шира узунлиги 3 мм бўлган қанотли ҳашарот сарғиш ёки яшилсимон қўнғир тусда бўлади. Дараҳтдан-

даражтга учиб ўтиш йўли билан тез тарқалади. Етук нок новдаларида, тана пўстлогининг ёриқ ғовакларида хазон орасида қишлиайди.

Вояга етган шира битлари ёзда ҳам, кузда ҳам дараҳтдан дараҳтга ўтаверади, шу билан бирга улар кузда тўпланиб қишлиайди.

Ўзбекистон шароитида 4-5та авлод беради. Вояга етган бурга 3 ойгача яшайди, шу давр мабойнида 500 тагача тухум қўяди (5-расм).



Нок бити.

### Олма қон бити

Қон бити олма, нок ва бошқа мевали дараҳтларнинг илдиз, тана ва шоҳларининг ширасини сўриб, дараҳтларни кучсизлантиради. Дараҳтнинг қон битидан заарганлиги, шишларнинг мавжудлигидан, шунингдек қон бити тўплами борлигига қараб аниқланади. Битнинг шира сўрган жойларида ғуддалар пайдо бўлади, улар кейинчалик ёрилиб, чирийди. Қон бити тушган ёш дараҳтлар кўпинча қуриб қолади, катта ёшдаги дараҳтлар эса кучсизланиб, ҳосили жуда камайиб кетади.

Қон бити кўп тушган шоҳлар қурийди. Феврал-март бошларида битлар қишлоғдан чиқади ва дараҳтларга ўрмалаб чиқиб, пўстлоғи заарланган жойларига ўрнашиб олади. Битларнинг галалари оқ рангдаги сидирға ғубор билан қопланади. Қон бити ёз бўйи 17-20 та авлод бериб ривожланади. У олманинг барча навларини заарлайди.

Қанотсиз урғочисининг танаси чўзинчоқ, тухумсимон, 2 мм узунликда, оқ мум ғубор билан қопланган, эзилганда қонга ўхшаган суюқлиқ чиқади. Қанотли урғочисининг боши, кўкраги, оёқлари қора, қорни оч тусда ёки тўқ қўнғир, мўйловлари олти бўғинли бўлади. Уруғланмасдан тирик туғиши йўли билан кўпаяди, битта урғочиси бир мавсумда 20 тадан 150 тагача тирик туғиши мумкин. (6-расм)

Табиатда қон битини афелинус яйдоқчилари сонини камайтиришда катта аҳамиятга эга. Қон бити тушган бօғ кўчатзорларидан кўчатлар олинганда, албатта зааркунандага қарши фумигация қилиниши шарт. Қон битига қарши курашда кимёвий воситалардан фойдаланиш яхши самара беради. Қон бити ёш личинкалик даврида системали таъсир этувчи препаратлар билан ишловлар бериш керак.



Олма қон бити

## ҚАЛҚОНДОРЛАР

Мева дарахтларига қалқондорлардан икки тури коифорния ва бинафша ранг сохта қалқондорлардан олхўри сохта қалқондори зарар келтиради. Қалқондорлар дарахт танаси, пояси, новдалари ва меваларини сўриб заарлайди.

### КАЛИФОРНИЯ ҚАЛҚОНДОРИ- *Diaspidiotis perniciosus*

Калифорния қалқондори мева дарахтларига, резавор мева, буталарга ва манзарали ўсимликларга зарар етказади. Калифорния қалқондори жуда кўпайиб кетганда дарахт пўстлоғи ёрилиб кетади, шохларини ва хатто бутун дарахтларни қуритиб қўяди, мевалардаги ширани сўриб, тўқ қизил доғ туширади. Калифорния қалқондори мевали дарахтни шохи, новда, барг, дарахт пўстлоғи ва мевасини заарлайди. Натижада дарахтлар кам хосил беради, кучли заарланганда қуриб қолиши мумкин. Катта дарахтларда калифорния қалқондори дарахт пўстлоғида бўлади. Дарахт пўстлоғида узун ёриқларнинг пайдо бўлиши ушбу қалқондорларнинг кўплигидан далолат беради (7-расм).

### СОХТА ҚАЛҚОНДОР

Сохта қалқондор личинкаси калифорния қалқондоридан каттароқ бўлади, баҳорда тез кўпаяди ва ўзидан шира ажратади. Урғочи сохта қалқондор тухумини ўзининг ҳимоя қобиги остига қўяди. Тухумдан чиқкан қалқондор личинкалари қузгача баргда озиқланади ва кейин шоҳ ёки

новдаларга қайтади. Сўнг суюқлик ишлаб чиқаради ва ўзига ҳимоя қобиғи ҳосил қиласди.



Калифорния қалқондорининг заари.

Асосий заарар қалқондорларни озиқланиши натижасида вужудга келади қиласди. Бундай меваларни сифати паст бўлади ва қишида узоқ муддатга сақлаб бўлмайди. Сохта қалқондорлар кўпайганда дарахт ўсишини сусайтиради. Бу заараркунандалар баҳорда ва ёз ойларида дарахт баргларида, куз ва қиш фаслларида новда ва шохларида яшайди. Сохта қалқондорларнинг личинкалари ва урғочилари новдалар, бутоқ ва баргларнинг ширасини сўриб озиқланади (8-расм).



Сохта қалқондор ва заари.

## БИНАФША ТУСЛИ ҚАЛҚОНДОР

Данакли меваларнинг барчасига зарар келтиради. Бинафша тусли қалқондор бир йилда икки марта авлод бериб ривожланади. Уруғланган урғочи холида ингичка новдаларда ва куртак қўлтиқларида қишлиайди. Бинафша тусли қалқондор олма дарахтининг энг хавфли заараркунандаларидан бири. У дарахтнинг танаси, шохи, новдаси ва ҳосилини зааррлайди. (9-расм). Дарахтнинг кучли зааррланган қисмлари қуриб қолади. Дарахт танаси ва шохида кўпгина дарз ва ёриқлар пайдо бўлади. Дарахтлар ўсишдан тўхтайди, танаси деярли йўғонлашмайди, шох ва новдалари

қурийди, ҳатто дараҳтлар қуриб қолиши ҳам мумкин. Бинафша тусли қалқондор тушган ёш дараҳтлар икки, уч йилга бормасдан нобуд бўлади.

### БАРГ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

**Филофли куя-** қуртлари олма, ўрик, бодом, нок, гилос, олча, тоғолча ва бошқа дараҳтларнинг барг куртаклари ҳамда мева куртакларини ўйиб ейди. Қаттиқ шикастланган куртаклар қуриб қолади, кам шикастланганларида эса буришиб кетган барглар ҳосил бўлади. Қурт ғилофча ичидаги туради, бундай ғилофчани унинг ўзи, аввал барг пўстидан, кейинчалик эса ўзи ичидан чиқарган ипдан ясади. Куртаклар бўртиб бошлиши олдидан ғилофчали қуртлар куртаклар ёнига ўрмалаб боради. Куртакка чиқиб олган қурт ғилофчасининг олдинги учини иплар ёрдамида куртакка маҳкамлаб қўяди, ўзи эса куртак ичига ўйиб киради. Қуртлар барглар ва мева куртаклари билан озиқланади. Барглар пайдо бўлиши билан қуртлар баргга ўтиб, ичига ўйиб киради ва паренхимасини еб битиради (10-расм)



Филофли куя.

### Тенгсиз ипак қурти

Ўрмон ва мевали боғлар зааркунандалари ҳаёт тарзи, заарлилиги ва уларга қарши кураш чоралари усули бўйича бир-бирига жуда ўхшашдир. Уларнинг барчаси бир йилда бир марта авлод беради; заарлилик даражаси баҳор ва ёз ойларида кузатилади. Уччала зааркунанданинг қуртлари ҳам барглар билан озиқланади (11-расмга қаранг).



Тенгсиз ипак қурти

Тенгсиз ва халқасимон ипакчилар қўйилган тухумлар ичида шаклланган куртлик даврида; дўлана капалаги эса дараҳт танаси ёки шохларига бирикиб буралган барглар ичида 2-3 ёшли қурт шаклида қишлинига. Юқорида тавсифланган учта тур барг кемирувчи зааркундаларига қарши курашда қишлиб қолган шаклларини (тухум ва қурт) йигиб олиш ҳанузгача долзарб ҳисобланади. Зааркундаларнинг қурт ва етук зотига қарши инсектицидли курашнинг қулай муддати тенгсиз ва халқасимон ипакчиларнинг тухумдан чиқиши пайти ёки дўланачи қуртларининг ўрмалай бошлаш даври ҳисобланади. Зааркундалага қарши курашда сиртдан ва ичдан таъсир этувчи инсектицидлардан тўрттаси тавсия этилди.

## МЕВА ЗАРАРКУНДАЛАРИ


### Олма қурти

Олма меваҳўри олма, нок, беҳи, шафтоли, грек ёнғоғи, анор ва бошқа меваларнинг доимий зааркунандаси ҳисобланади

Қуртларнинг ғумбакланиши баҳорда, ҳавонинг бир кечакундузлик ўртача ҳарорати  $+10^{\circ}\text{C}$  дан ошганида, яъни дараҳтлар “уйғона” бошлаганида кузатилади. Меваҳўр икки марта авлод берадиган тоғли туманларда олма гуллашининг тугаши билан капалакларнинг қийғос учиши орасидаги узилиш жойнинг иқлим шароитларига боғлиқ равишда 12-16 кунгача давом этиши мумкин. Мева-хўрнинг капалаклари фақатгина кечаси, ҳавонинг ҳарорати  $+16^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаган, шунингдек шамол ва ёмғир бўлмаганида учади, урчиди ва тухум қўяди. Капалакларнинг кўпчилик қисми тухумларини дараҳтларнинг юқориги қисмига, барг ва меваларнинг силлиқ юзасига биттадан қўйиб чиқади.

Тухумнинг ривожланиши ва ундан қурт чиқиши 6-8 кун давом этади. Қуртнинг тухумдан чиқиб мевага кириб кетгунча очик юзада бўладиган пайти жуда қисқа бўлади (бир неча дақиқадан бир неча соатгача). Қуртлар 18-28 кун давомида меваларнинг эти ва уруғи билан озиқланади, бунда битта қурт 2-4 тагача мевани заарлайди.

Мевадан чиқсан қуртлар пана жой аҳтариб топиб у ерда ғумбакка айланади. Марказий Осиёning водий минтақасида биринчи авлод қуртлари



биринчи капалаклар учган пайтдан 35-40 кун ўтгач ғумбакка айланади. Ғумбаклик даври 8 дан 16 кунгача давом этади. Иккинчи авлод капалакларининг учиши олманинг гуллаш муддатининг тугашидан 42-46 кун ўтгач бошланади. Иккинчи авлод капалакларининг учиши биринчи авлоднига нисбатан узоқроқ давом этади. Учинчи авлод капалаклари эса, озиқланадиган ўсимлигининг гуллаш муддати тугаганидан 92-96 кун ўтгач уча бошлайди. Иккинчи, айниқса учинчи авлод капалаклари тухумини меваларга қўйиб кетади. Иккинчи ва учинчи авлод қуртларининг ривожланиши биринчи авлод сингаридир. Заараркунанданинг ёпиқ ҳаёт кечириши ноқулай об-ҳаво, ҳамда йиртқич ва яйдоқчи ҳашаротлардан ҳимояланиши таъминлайди.

### **Шарқ меваҳўри**

Ўзбекистонда 1983 йилдан бошлаб шарқ меваҳўри мевали дараҳтларга зарар келтира бошлади.

Шарқ меваҳўри шафтоли, грек ёнғоғи, олма, нок бошқа мевали экинлар новдаларининг жиддий заараркунандаси ҳисобланади; у ички карантин объекти бўлган ва бўлиб қолмоқда. Зааррланиш оқибатида ёш новдаларнинг учки қисми куриб қолади ва ўсишдан тўхтайди). (13-расм )

Битта қурт 5-7 та новдани зааррлаши мумкин. Иккинчи авлод қуртлари новдадан ташқари меваларни ҳам зааррлайди. Шафтолининг битта мевасида 40 тагача, беҳида эса 30 дан ортиқ қурт озиқланиши мумкин.

Шарқ меваҳўрининг заарловчи даври – қурт, у новдаларни ва қисман меваларни зааррлайди. Тухумдан чиқсан қуртлар новданинг учки қисмидан ўсув нуқтаси орқали кириб кетади, сўнгра ўсимлик бўйлаб унинг асосига қараб – юқоридан пастга бир новдадан иккинчисига қараб ҳаракатланади.

Қурт новдага киргандан сўнг бироз вақт ўтгач, новда тургор ҳолатини йўқотади ва энг ёш баргчалар ёзилишга улгурмай, қурийди ва дараҳтда осилиб қолади.



Шарқ меваҳўри.

Орадан 6-7 кун ўтгач заарланган новда жигарранг тус олади, қурийди ва соғлом новдадан кескин фарқ қиласи. Зааркунанданинг қурти новданинг пастки ёғочлашаётган қисмидан олдин яққол кўринувчи йирик тешик очиб ташқарига чиқади. Олма ва нок меваларида зааркунанда қурти пўстлоқ остини кемириб йўлакча ҳосил қиласи, фақатгина ўрта ёшларида мева тўқимасига чуқур киради. Данакли экинларда қурт тугунчанинг уруғи билан данак қотгунча озиқланади. Уруғли экинларда қуртлар бутун мавсум мобайнида озиқланади. Зааркунанда шафтоли новдалари ва меваларининг илк заарланиши июн ойи бошига тўғри келади. Олхўрининг эртаги навларида заарланиш июннинг иккинчи ярмида қайд этилади: олма ва нок (кечки навлари) ҳамда беҳида - июлда. Тўртинчи авлод қуртлари ҳар хил турдаги мевалар билан озиқланади.

Тухум қўйиши ва ундан қуртларнинг чиқиши муддати узоқ давом этиши натижасида зааркунанданинг бир авлоди иккинчисига уланиб кетади. Дараҳтлар бутун ёз буйи шарқ меваҳўрининг қурти билан заарланади. Унинг бу хусусияти мевали экинлар учун энг ўзига хос заарлилиги ҳисобланади. Эртаги ва ўртаги муддатда пишадиган шафтолининг мевалари заарланмайди. Бунинг сабаби шундаки, ушбу даврда шарқ меваҳўрининг асосий қисми ҳали новдаларда озиқланаётган бўлади. Август ойининг бошида заарланган новдалар миқдори икки-уч марта ортади (2 дан 7% гача).

### **Олхўри қурти**

Бу зааркунанда кенг тарқалган бўлиб, кўпгина данакли меваларни заарлайди. Меваларнинг ушбу зааркунанда билан заарланганлик белгилари шундан иборатки, зааркунанданинг қурти кирган жойдан елим ажralиб чиқади, у томчи шаклида қотади, мевалар ўсишдан тўхтайди, буришади, бинафшаранг тус олади, бевақт пишади ва тўкилиб кетади. Ёндош меваларда қуртлар биридан иккинчисига ўтиб кетади.

Улар баҳорда апрелнинг иккинчи ярмида ғумбакланади, биринчи капалакларнинг учиши эса майнинг иккинчи ўн кунлигининг бошланишида (11 май) қайд этилди. Капалакларнинг тухум қўйиши майнинг учинчи ўн кунлигига кузатилди. Биринчи авлод қуртларининг пайдо бўлиши майнинг учинчи ўн кунлиги – июннинг I-II ўн кунлигига қайд этилди.

Куртлар озиқланиш жараёнида, жадал ўсади ва олхўрининг меваларини заарлайди. Куртларнинг озиқланиш даври июлнинг иккинчи ўн кунлигигача давом этади. Июлнинг иккинчи ўн кунлигига капалаклар пайдо бўлади, тухум қўяди ва иккинчи авлоднинг ривожланиши бошланади. Июлнинг биринчи ва иккинчи ўн кунлигига куртлар мевадан чиқади ва ғумбакланади.

Алоҳида даврлари узоқ муддат давом этади. Масалан, ғумбаклик даври августнинг иккинчи ўн кунлигигача давом этади. Бу билан бир вақтда июлнинг учинчи ўн кунлигигида капалаклар пайдо бўлади, уларнинг учиши августнинг учинчи ўн кунлигигача давом этади. Тухум қўйиш августнинг биринчи ўн кунлигигида бошланади ва сентябрнинг биринчи ўн кунлигигача давом этади.

Сентябрнинг иккинчи ўн кунлигигида янги авлод қуртлари пайдо бўлади. Улар бироз озиқланишгач, қишловга кетади. Иккинчи авлод қуртларининг зичлиги аввалгиларига нисбатан бирмунча юқорироқдир. Бундан ташқари, бир авлоднинг иккинчиси билан уланиб кетиши кузатилади, бу эса бир вақтнинг ўзида ҳар хил ёшдаги қуртларнинг бўлишини ифодалайди.

### Нок меваҳўри

Ўзбекистонда кенг тарқалган зааркунандалардан бири бўлиб, фақатгина нокни заарлайди. Нок меваҳўрининг капалаклари олма меваҳўриникига ўхшаб кетади, аммо олд қанотларининг юқорисидаги овал доғ олма меваҳўриники сингари бронза эмас, балки кумушсимон ёки кўрғошинсимон рангда бўлади. Тухуми майда, юмалоқ ва ясси, ранги пуштисимон-кулранг. Қуртлари кирсимон-оқ, боши сарғиш-қўнғир. Етук қуртнинг узунлиги 17-18 мм гача боради. Ғумбаги тўқ жигарранг, қаттиқ олчасимон-қора пиллада жойлашади; ўлчами 11-13 мм.

Нок меваҳўри катта ёшдаги қуртлик даврида тупроқнинг юқориги қатламларида ва тўкилган барглар остида пилла ичида қишлиайди.



Нок меваҳўри ва унинг нок меваларига етказган зарари.

Май бошида қуртлар ғумбакланади ва ойнинг II ўн кунлиги охирида капалаклар учиб чиқади. Капалаклар кечаси учади ва нокнинг ёш тугунчаларига тухум қўяди. Тухум ичида ривожланган қуртлар унинг пастки қисмини кемириб тешади ва тухумдан ташқарига чиқмасдан мева ичига

кириб кетади; урға камерасига тұғри канал очади ва уругни ейди. Битта мевада 18-24 кун мобайнида ривожланади ва бошқасига ўтмайды. Озиқланишни тугатган қуртлар тұғри канал очган ҳолда ташқарига чиқади, қурт бурғуси қолдирмайды. Шу билан у олма мевахўридан фарқ қиласы.

Озиқланишни тугатган қуртлар пүстлоқ орасыда, органик қолдиқлар остида, дараҳт кавакларида ғумбакланади; орадан 12-13 кун ўтгач янги авлод капалаклари учыб чиқади, улар июлнинг иккинчи ўн қунлигидан сентябрғача ривожланади. Сентябрда ғумбакланиш ва учинчи авлоднинг бошланиши кузатилади, уларнинг қуртлари қишлоғға қолади. Шундай қилиб, Ўзбекистон шароитида нок мевахўри иккита тұлық ва учинчи тұлықсиз авлод билан ривожланади.

## ИЛДИЗ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

### Бузоқбоши қўнғизлар

Ўзбекистон мевазор боғларида бузоқбоши қўнғизларнинг уч тури: зарарли бузоқбоши, уч тишли бузоқбоши ва март бузоқбоши қўнғизлари катта зарап етказади. Бузоқбоши қўнғизларининг личинкаси дараҳтларнинг илдизини кемириб, қувватдан кетказади, баъзан бузилган боғлар ўрнидаги экинларга ҳам зарап етказади. Бузоқбоши қўнғизлар личинка фазасида, айрим ҳолларда эса ҳали фаол кечиришга ўтмаган қўнғизлик даврида қишлияди. Личинкалари ва ғумбаклари, одатда, ернинг тахминан 20 см чуқурлигига бўлади, ер нам бўлганда личинкалар ер юзасига чиқади. Март бузоқбоши қўнғизлари март ойидан апрелнинг ярмигача, баъзан охиригача, зарарли ва уч тишли бузоқбоши қўнғизлар эса июннинг ярмидан июлнинг ярмигача учыб юради. Улар гира-шира қоронғи тушиши билан уча бошлайди. Урғочиси соя жойларга, дараҳтларнинг тагига, ернинг юза қатламига битта ёки икки-учтадан қилиб, жами 30 тагача тухум қўяди. Бир ойдан кейин улардан личинкалар чиқади. Личинкалар дараҳтларнинг илдизини кемириб, сезиларли даражада зарап етказади.

Зарарли ва уч тишли бузоқбоши қўнғизларнинг личинкаси май-июнда ғумбакка айланади ва келаси йил кўкламда ғумбакдан қўнғизлар чиқади. Бузоқбоши қўнғизларнинг учала тури ҳам бир-бирига ўхшаш. Уларнинг, катталиги 2.5-3.3 см атрофида бўлади. Ранги қизғиш, майда оқ доғли, кўкрак қисми остида ва оёқларининг асосий ярмида учун оқиш туклари бўлади. Эркак бузоқбоши мўйловларининг учи 7 дона, урғочилариники эса 5 донадан иборат.

Бузоқбоши вояга етган қўнғизлари зарап етказмайды, личинкаси эса мева боғларида, айниқса интенсив мева боғларида ёш дараҳтларнинг илдизини кемириб, катта зарап етказади. Бузоқбоши қўнғизлар узоқ вақт давомида ривожланади. Уч тишли ва зарарли бузоқбоши 3 йилда, март

бузоқбоиси 4 йилда бир марта насл беради. Уч тишли ва зарарли бузоқбоши қўнғизлари 30-40 кун, март бузоқбоши қўнғизи 9 ойгача яшайди. Тухумидан 40-50 кундан кейин личинка чиқади, ғумбаги эса 15 кун давомида ривожланади. Бошқа даврда личинкалик босқичида бўлади. Личинкаларнинг танаси йўғон, ёйсимон, рангти хира оқ бўлади. Уларнинг орқа томони йўғон калта тук билан қопланган. Март бузоқбоисининг личинкаси 5 см, зарарли ва уч тишли бузоқбошиларнинг личинкаси 6.5 см бўлади. Личинкалар 3 марта пўст ташлаб, қўнғизга айланади.

Янги боғлар ташкил қилиш ва кўчатзорлар барпо қилишдан олдин тупроқ текширувдан ўтказилиши лозим. Бунда муайян ердаги заараркунандалардан бузоқбоши, қарсилдоқ қўнғизлар личинкаларининг жойлашиш зичлиги аниқланади. 1 кв.м майдонда 2-3та бузоқбоши қўнғиз личинкасининг бўлиши ёш дарахт ва кўчатлар учун хавфли ҳисобланади.

## **ИНТЕНСИВ УСУЛДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН МЕВА ДАРАХТЛАРИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ УЙҒУНЛАШГАН ХИМОЯ КУРАШ ЧОРАЛАРИ.**

Заараркунандаларга қарши кураш чораларида юқори самара олиш учун уларни уйғунлашган ҳолда қўллаш яхши натижা беради. Уйғунлашган кураш тизими агротехник, биологик ва кимёвий кураш чораларини ўз ичига олади.

Боғ заараркунандалари ва касалликларига қарши кураш асосан қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

**Агротехник усули.** Бу усул ўсимликларни уйғунлашган ҳолда ҳимоя қилишнинг бир йўналиши ҳисобланади. Агротехника усули ёрдамида заараркунандалар кўпайишининг олдини олиш, баъзан улар миқдорини камайтириш мумкин.

Агротехника тадбирларини тўғри амалга ошириш натижасида заараркунандалар учун ноқулай шароит яратиш, маданий ўсимликларнинг яхши ўсиб- ривожланиши ҳамда энтомофагларнинг кўпайиши учун эса қулай шароит вужудга келтириш мумкин. Агротехника усулининг яна бир афзаллиги шундаки, етиштирилган маҳсулотлар пестицидлар қолдигидан холи бўлади, далаларда эса фойдали ҳашаротларнинг ривожланиши ва кўпайиши учун имконият яратилади.

Бундан ташқари агротехника усулини интеграллашган усул чора-тадбирлари билан биргаликда амалга ошириш ҳам унинг афзалликларидан биридир. Бу усул кўпинча қўшимча сарф-харажат талаб қилмайди.

Интенсив боғдорчиликда агротехник тадбирлар қуйидагича:

1) зааркунандалар таъсирида ва касалланиш оқибатида қуриб қолган шох-шаббаларни кесиш;

2) дараҳтларга доимо шакл беріб, бутаб бориши, ёшартириш тадбирларини ўтказиш, касалланиш ва зааррланиш оқибатида түкилган меваларни теріб олиш;

3) боғ қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаш;

4) минерал ўғитлар билан озиқлантиришни ўз вақтида амалга ошириш.

Юқоридаги тадбирларни амалга оширилганды тупроқдаги ҳашаротларнинг тухуми, личинкаси ва вояга етган зотларнинг миқдори камайишига сабаб бўлади.

**Кимёвий усул.** Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш усулини зааркунандалар сони белгиланган миқдор мезонидан ошганда қўллаш талаб этилади. Кимёвий препаратларни техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқdir.

1. Каналарга қарши қуйидаги кимёвий препаратлар ишлатилади.

№	Препарат номи	1 гектарига сарф меъёри л,кг.
1	Омайт, 57% э.к.	1,5-3,0
2	Фитоверм, 5% э.к.	0,08-0,12
3	Эмафос 42% э.к.	1,5-3,0
4	Вертиmek, 1,8% э.к.	0,4-0,5
5	Нискоран, 10% н.к.	0,3
6	Химголд, 72% э.к.	0,5-1,0
7	Энвидор Спид, 240 г/л с.к.	0,25
8	Нуринол, 55% э.к.	1,0

Бу препаратлар каналарни пайдо бўлишига қараб июн-август ойларида ишлов ўтказилади. Каналар пайдо бўлиши ва қўпайишига қараб мавсумда 2-3 марта ишлов ўтказилади. Бунда албатта турли хил препаратлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Сурункасига бир хил препаратлар билан 2-3 мартадан ортиқ ишлов ўтказиш натижасида мазкур препаратнинг самараси камайиб кетиши мумкин.

4. Тангачақанотлиларга (олма қурти, олхўри қурти, шарқ меваҳўри, тоқ ипак қурти, нок меваҳўри ва бошқаларга) қарши қуйидаги кимёвий препаратлар ишлатилади.

**Биологик усул.** Биологик усул бу зааркунандаларга қарши табиий күшандаларни ва уларнинг ҳаётий маҳсулотларини қўллаш демакдир. Табиий күшандаларга йиртқич ва паразит ҳашаротлар, каналар, нематодалар, умуртқали ҳашаротхўр ҳайвонлар, қушлар, микроорганизмлардан: бактериялар, замбуруғлар ва вируслар ҳамда феромон, атTRACTант, репелентлар киради.

**Шира ва битларнинг табиий күшандалари.** Шира битларнинг энтомофаглари орасида йиртқич ва текинхўрларнинг аҳамияти катта. Йиртқич ҳашаротлардан хон қизи қўнғизлари, сирфид пашшалари, йиртқич қандалалар, олтинкўз ва бошқалар сонини камайтириб туради. Қисқа ихтисослашган тур сифатида қонли битининг паразити афелинусни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда қон бити зааркунандаси тушган боғларда афелинус паразитини кўплаб тарқатиши ташкил қилиш натижасида зааркунанда микдорини 80-98% гача камайтиришга эришилади. Афелинуснинг катта ёшдаги личинкаси заарланган бит танаси ичида қишлоғ чиқади. Апрелда хўжайнин танасидан учиб чиққан паразит вояга етганларининг 80-90% и урғочилар бўлади. Учиб чиққан урғочи паразит тезда тухум қўйишга киришади, аммо паразит турли ўсимликлар гул нектари билан қўшимча озиқланса умри 2 кундан 7-8 кунга тухум қўйиш сони 15 дан 60-100 донагача ошади. Урғочи паразит ўлжа танасига бир дона, айримда кўпроқ тухум қўяди, аммо фақат битта паразит личинкаси ривожланади. Афелинус личинкаси бит танасидан 16-24 кун ривожланиб, ўша ерда гумбакка айланади. Афелинус билан заарланган бит бир неча кундан кейин озиқланнишдан тўхтаб, танаси шишади. Мумсимон парини йўқотиб қораяди. Афелинуснинг фаоллиги бевосита оби ҳаво шароитига боғлиқ. Салқин ва нам ҳавода урғочи кам ҳаракат, қуёшли кунда эса фаол тухум қўяди. Иссиқ соатларда эса баргнинг орқа томонига яширинади. Паразит ёш кўчатлардаги, шохлари сийракланган ва поя илдиз буғизидаги қонли битни камроқ заарлайди. Афелинус учун қулай шароит  $17-30^{\circ}\text{C}$  ҳарорат ва 70-80% ҳаво нисбий намлиги ҳисобланади.

Афелинуснинг бир авлоди тўлиқ ривожланиши 18 кундан бир ойгача чўзилади. Ўрта Осиёда яйдоқчи паразит 8 тага қадар авлод беради. Қонли битга қарши биологик курашни амалга ошириш мақсадида кузда, кеч кузда, совуқ кунлар бошлангунча афелинус билан заарланиб мумёлашган битлар билан қопланган 1-2 йиллик дараҳт новдалари 10-20 см узунликда қириқиб, қаламча таёрланади. Боғ-боғ қилиб йигиб қўйилган бу новда қаламчалар қишиларида ёмғир ва қордан ҳимояланган ҳаво яхши алмасиб турадиган қуруқ, совуқ хоналарда сақланади.

Афелинус қонли битга қарши қўллаш учун баҳорда апрелнинг қуруқ ва иссиқ кунларида қишида сақланган қаламчалар қонли бит тарқалган боғларга гектарига 15-20 қаламча бит ўрнашиб олган дaraohтларга илиб қўйилади.

### **Боғ зааркунандаларига қарши кураш чораларини олиб бориш муддатлари**

**1.** Мевалар ҳосили йиғишириб олингандан сўнг қуриган дaraohтлар ва новдалардан тозаланади. Ерларга ишлов берилиб, ўсимлик қолдиқлари йўқотилади.

**2.** Баҳорда куртлар уйғонишдан олдин ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати +4°C дан паст бўлмаганда. Шираларнинг тухумини, калифорния ва бошқа қалқондорларни, ўргимчакканалар, олма битлари, мева филофли куяларининг қишловчи қуртларини йўқотиш учун ёғинсиз очик, кунларда мева дaraohтларига №30 препарати 2-3% ли ишчи эритма тайёрланиб пуркалади, ёки бўлмаса, гектарига 40-100 л ҳисобидан, препарат №30 нефть мойи эмульсияси ишлатилади.

Ҳосилни йиғиб-териб олишда ишлатилган барча яшиклар ва мева сақланадиган омборхоналар хўл дезинфекцияланади ёки олтингугурт гази билан заарсизлантирилади.

**3. Куртаклар ёзила бошлаган даврда ўтказиладиган чора тадбирлар.** Механик кураш чораси сифатида олма қурти ва куя қуртларига қарши дaraohтларнинг асосий танасига ва йўғон шохларига тутқич белбоғлар боғлаш яхши самара беради. Баргхўр капалак қуртларига, шираларига, қалқондорларнинг личинкасига ва қишлоvdан чиқсан ўргимчакканана ва мева ўргимчакканаларига қарши фосфор органик, перитроид препаратлар ишлатилади.

Пестицидларни (захар) қўллашда зааркунандаларнинг ривожланиш фенологик календарини, об-ҳаво шароитини ҳам ҳисобга олиш лозим. Пестицидлар асосан куннинг салқин вақтида ишлатилади. Айниқса, пестицидларни қўллашда кутиш муддатига (ҳосилни йиғиб олишга неча кун қолгунча пестицид ишлатиш мумкинлигига) қаттиқ риоя қилиш лозим. Мева дaraohтлари гуллаган даврда пестицидлар ишлатиш қаътий ман қилинади.

Олма дaraohтдарига боғланган белбоғлар вақти-вақти билан ечиб олиб кузатилади, улардаги қурт ва ғумбаклар йўқотиб турилади. Айниқса, мева қуртлари билан заарланиб, тўкилган мевалар қуртлари чиқмай туриб йиғишириб турилади.

**4.3. Сабзавот ва полиз экиnlари, картошка, мойли, дукқакли-дон, ем-хашак доривор ва иссиқхона экиnlари зарарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.**

## САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ВА КАРТОШКА ЭКИНЛАРИНИНГ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

### Симқуртлар ва сохта симқуртлар

Симқуртлар кўпроқ зич, оғир тупроқларда учраб, 2-3 йил ҳаёти даврида турли органик қолдиқлар билан озиқланиши билан бир қаторда ўсимлик (айниқса кўчат) илдизларини ҳамда кейинчалик поясини ост томонидан кемириб, шикастлайди.

Симқуртлар янги экилган уруғлар, ёш ниҳоллар, поялар ва ўсимликларнинг илдизлари билан озиқланади. Бодринг, қовоқчалар уруғининг ичини еб кўяди, карам, редискаларнинг ёш ниҳоллари ва илдизмеваларни заарлайди. Картошканинг туганаклари ва илдизлари билан озиқланади. Заарланган картошка туганаклари қўпинча чириб кетади. Заарланиш оқибатида кўчат сони ва умумий ҳосилдорлик камаяди, сифати эса пасаяди (1-расм).



Симқуртлар картошка туганагида (1) ва тупроқда (2).

**Кураши чоралари.** Кучли заарланган майдонларда нўхат, ловия каби дуккакли экинларни экиш, чукур шудгор, сифатли культивация ва юқори агротехникани амалга ошириш, симқуртлар хуш кўриб озиқланадиган бошоқли бегона ўтларни йўқотиш, кичик майдонларда эрта баҳорда ер ағдаришда зааркунандани қўлда териб ташлаш, зааркунанда кўп тарқалган майдонларда картошка, лавлаги, сабзи бўлакларидан алдамчи тузоқлар сифатида фойдаланиш лозим. Кимёвий курашда тупроққа таъсир этувчи моддаси **дельтаметрин** асосли, 2,5% эм.к. 0,5-1% ли эритмасини пуркаб, кетидан культивация ўтказиш ёки сув қўйиш яхши натижа беради.

### Ўсимлик ширалар – Aphididae.

: Сабзавот экинларида ўсимлик битларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, айрим йиллари ҳосилдорликни 50% гача камайтириши мумкин. Битлар ўсимлик ширасини сўриб унинг ривожини кечикитиради. Сабзавот экинларида (бодринг, тарвуз, турли қовоқдошларда, бақлажон, шивит, қалампир, сабзи, нўхат, помидор) ғўза ёки полиз бити, беда ёки акация,

шафтоли ширалари учраб жиддий заар келтиради (2-расм).

**Кураш чоралари:** Агротехник - алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суформаслик, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.

**Биологик усул:** сабзавотлардаги ўсимлик битларига қарши биологик кураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда миқдорига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда чиқариш яхши самара беради.

**Кимёвий усул:** ацетамиприд асосли, 20% н.к. (0,15 л/га); малатион асосли, 57% эм.к. (0,6-1,2 л/га); тиаклопирид асосли, 48% сус.к. (0,1-0,15 л/га) препаратларини пуркаш тавсия этилади.

### Оққанот – *Aleyrodidae*

Оққанотларнинг личинкалари ўсимлик баргининг орқасига ёпишиб олиб, уларнинг ширасини сўриб озиқланади. Улар ҳаракатсиз ҳолатда ҳаёт кечиради. Личинкалардан чиқсан чиқитларда сапрофит замбуруғлар ривожланиб, ўсимликнинг барг ва меваларни қорайтиради ва бунинг натижасида барглар куриб қолиб, мевалари эса яроқсиз ҳолга келади. Зааркунаданинг заар келтириши апрел ойининг II-декадасидан ўсимлик ривожланишининг охирги давригача давом этади. Ўзбекистонда ғўза ва иссиқхона оққанотлари кенг тарқалган. Улар очик далаларда ҳамда айниқса иссиқхоналарда помидор ва бодринг ўсимликларига жиддий заар етказади

**Кураш чоралари:** Агротехник - алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, кўллатиб суформаслик, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.

**Биологик курашда** энкарзия паразитини 1:20, 1:10, 1:5 нисбатларда кўллаш, оққанот етук зотларини сариқ тусли елим суртилган экранлар ёрдамида қириш ҳам уларнинг миқдорини камайтиришда аҳамиятлидир.

**Кимёвий усул:** бупрофезин асосли, 25% н.кук. (0,5-1,0 кг/га); пиroxифен асосли, 10% эм.к. (0,5 л/га); ацетамипид асосли, 20% н.кук. (0,25-0,3 кг/га); тиаклоприд асосли, 48% сус.к. (0,15 л/га) препаратларни кўллаш тавсия этилади.

### Тамаки трипси – *Thrips tabaci* Lind.

Сабзавот-полиз экинларини, айниқса пиёз, карам, тарвуз ва бодринг ўсимликларини кучли заарлайди. Трипс барг ширасини сўриб, заар етказади. Заарланган баргларда оқиш-кумушранг доғлар пайдо бўлади, кучли заарланганда доғлар қўшилиб кетади, барглар йиртилиб кетади ёки буралиб, сарғайиб, куриб қолади. Битта урғочи зоти ёш баргларга 100 тагача тухум қўяди. Қулай шароитда трипс сони бир туп ўсимликда 1000 тадан кўп бўлиши кузатилган. Бир йилда 7-8 та авлод беради (4-расм).

Тамаки трипси жағ-жағ, ёввойи турп, рапс, қўйтикан, қўйпечак, сарсабил, отқулоқ, ерқалампир каби бегона ўтларда ёппасига кўпаяди ва маданий экинларга кўчиб ўтади.



4-расм. Тамаки трипсининг личинкаси (чапда) ва етук зоти (ўнгда).

**Кураш чоралари.** Алмашлаб экиш, пиёз ёки саримсоқ экилган майдонга 3-4 йил шу экинларни қайта экмаслик, қатор орасига сифатли ишлов бериш, суспензия сепиш, ўғитлаш, суғориш, бегона ўтларни йўқотиш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли микдорда озиқлантириш зааркунандалар микдорини камайтиради.

**Биологик курашда** олтинкўз энтомофагининг 3-4 кунлик тухумларини 10 кун оралатиб 2 марта гектарига 500-1000 донадан чиқариш самара беради.

**Кимёвий усул:** ацетамиприд асосли, 20% н.к. (0,15 л/га); малатион асосли, 57% эм.к. (0,6-1,2 л/га); тиаклопирид асосли, 48% сус.к. (0,1-0,15 л/га) препаратларини пуркаш тавсия этилади.

#### Ўргимчакканана – *Tetranychus urticae* Koch.

37 тур қишлоқ хўжалиги экинларига етказади Бу зааркунанда билан зааррланган ўсимликнинг барглари тўкилиши кейинчалик қуриб қолиши ҳолати кузатилади. Ўсимликни ўсув даврининг бошланғич фазасида заарлаганда ҳосилдорлик 70-80% гача нобуд бўлиши мумкин. Каналарнинг ҳаво ҳароратига қараб битта авлодининг ривожланиши баҳор ойларида 19 кун, ёз ва кузда 8-12 кунгacha давом этади. Бир йилда 18-20 марта насл беради. Урғочи зотлари иссиқхоналар, парникларда, ўсимлик қолдиқларида якка-якка ҳолда ёки тўп-тўп бўлиб қишлиайди. Иссиқхоналарда август ойининг охири сентябрь ойининг бошида экилган кўчатларда каналар билан заарланиш эҳтимоли юқори бўлади (5-расм).

**Кураш чоралари:** Агротехник - алмашлаб экиш, қатор ораларига



сифатли ишлов бериш, меъёрида суғориш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли микдорда озиқлантириш зааркунандалар микдорини камайтиради.

#### Биологик усул:

ўргимчакканаларга қарши биологик кураш учун олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунанда микдорига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда чиқариш яхши самара беради.

5-расм. Ўргимчаккананинг етук зоти.

**Кимёвий усул:** **абамектин+спиродеклофен** асосли, 18% эм.к. (0,25 л/га); **бромпропилат** асосли, 50% эм.к. (2,0 л/га); **пропаргит** асосли, 57% эм.к. (1,5-3,0 л/га) препаратларнинг бирортаси билан кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

### Ғовакловчи пашшалар – *Agromyzidae*.

Ғовакловчи пашша 1999 йилда республикамизда биринчи марта рўйхатга олинган. Зааркунанда учун помидор ва бодринг энг хушхўр ўсимлик ҳисобланади. Бу зааркунанда ўсимлик барги мезофили билан озиқланиб, фотосинтетик юзани камайтиради, баъзи ҳолларда барглар қуриб қолади (6-расм).



6-расм. Ғовакловчи пашшанинг етук зоти (чапда) ва личинкаси билан заарланган помидор ўсимлиги барги (ўнгда).

**Қураши чоралари:** Агротехник - алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, меъёрида суғориш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли микдорда озиқлантириш зааркунандалар микдорини камайтиради.

**Кимёвий усул:** **абамектин** асосли, 1,8% эм.к. (0,5 л/га); **малатион** асосли, 57% эм.к. (0,6-1,2 л/га) препаратларнинг бирортасини пуркаш тавсия этилади.

### Занг канаси – *Aculops lycopersici* Massee.

Занг канаси итузумдошлар оиласига кирувчи ўсимликларга (помидор, картошка, бақлажон) жиддий заар етказади. Уни оддий кўз билан қўриб бўлмайди. Шунинг учун занг канани кўп ҳолларда келтирган заарини касалликлар билан алмаштириб юборишади. Занг кана билан заарланган помидор меваси истеъмолга яроқсиз бўлиб, ўсимлик ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди. Заарланган барглари, гуллари, шоналари ва ёш мевалари қуриб, тўкилади, йирик меваларининг юзида тўрсимон расм пайдо бўлиб, мева тиришиб, ёрилади, меванинг сифати ва кўриниши йўқолади, қисман чирий бошлайди (7-расм). Қаттиқ заарланган ўсимлик ҳосили 100% нобуд бўлади. Айниқса июль-август ойларида помидор ва кечки картошка кўп талофот қўради.

**Қураши чоралари:** Агротехник - алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, меъёрида суғориш, фосфорли ва калийли ўғитлар

билин етарли миқдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.



7-расм. Занг канаси (ўнгда), заарланган ва соглом помидор мевалари (чапда).

**Кимёвий усул:** **абамектин+спиродеклофен** асосли, 18% эм.к. (0,25 л/га); **бромпропилат** асосли, 50% эм.к. (2,0 л/га); **пропаргит** асосли, 57% эм.к. (1,5-3,0 л/га) препаратларининг бирортаси билан кимёвий ишлов бериши тавсия этилади.

#### Тунламлар – *Noctuidae*.

**Ғўза тунлами** (кўсак қурти) ғўздан ташқари помидор (ва маккажўхори) нинг ҳам ашаддий зааркунандаларидан биридир. Помидорда унинг барча (3-4) авлодлари ривожланиши мумкин. Тухумларини ўсимликларнинг шона, гул ва тугунчаларига якка-якка қилиб қўяди. Қуртлари ўсимлик шона, гул ва мевасини кемириб ичига кириб олади. Ҳар бир қурт 10-12 ҳосил шонасини шикастлаши мумкин. Заарланган ёш мевалар қуриб қолади, йириклари эса чирийди. Айрим йиллари ҳосилдорликни ўртача 50% гача камайтиради.

**Гамма тунлами** Сабзавот экинларини гамма тунлами, кўсак қурти, карадрина, илдиз қурти, ёввойи тунлам, ундов тунлами ва бошқалар зааррлайди. Улар олдин сабзавот экинларида ривожланиб, кейин ғўза майдонларига учиб ўтиб, катта заар етказади (8-расм).



8-расм. Гамма тунлами , кўсак қурти ва карадрина.

Ўзбекистонда йилига 3 авлод беради, жуда кўп турдаги сабзавот ҳамда техник экинларга заар келтириши мумкин. Айниқса куз, қиш ва баҳор фаслларида иссиқхоналардаги экинларнинг баргини ва ҳатто мева

шоналарини ҳам еб заарлайди. Капалагининг олд қанотида грекча гамма ( $\gamma$ ) ҳарфини эслатувчи белгиси мавжудлиги, қуртида эса 14 та ўрнига 12 та оёғи бўлиб, букчайиб, одимчи сифат ҳаракатланиши гамма тунлами ning ўзига хос белгиларири.

**Илдиз кемирувчи тунламлар** қаторига қузги тунлам (илдиз қурти), ундов тунлами ва бошқалар киради (9-расм). Бир йилда 2-5 бўғин берувчи бу зааркундалар картошка, помидор, бақлажон, қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқа экинларни заарлайди. Кузги тунлам Марказий Осиё шароитида иссиқхоналардан бошлаб, эрта баҳорда эртаги экинлар, август-сентябр ойларида эса кечки экинлар, жумладан картошкани заарлайди. Зааркунданда кенг тарқалишига экин даласидаги шўрагулдош бегона ўтлар ҳам сабабчи бўлади.



алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш, чуқур шудгор, шувоқ, печак, шўра, итузум каби бегона ўтларни йўқотиш, меъёрида суғориш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зааркундалар миқдорини камайтиради.

**Биологик усул:** тухумларнинг ҳар бир павлодига қарши 5 кун оралатиб 3 марта гектарига 1 граммдан трихограмма ва кичик ёшдаги қуртларига қарши олтинкўзни 3-4 кунлик тухумини зааркунданда миқдорига қараб 1:10, 1:5 нисбатларда ҳамда катта ёшдаги қуртларига қарши браконни 1:10 ва 1:20 нисбатларда 5 кун оралатиб 3 марта чиқариш, ҳамда **микробиологик препаратлардан Bacillus thuringiensis** ( $1-10^{11}$  титр гектарига 3 кг/га) ни қўллаш тавсия этилади.

**Кимёвий усул:** индоксакарб асосли, 15% ли сус.к. (0,4-0,45 л/га); эмамектин бензоат асосли, 5% с.э.г. (0,4-0,5 кг/га); **эмамектин бензоат+люфенурон** асосли, 15% с.д.г. (0,2 л/га) препаратларининг бирортаси билан кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

### **Колорадо қўнгизи – *Leptinotarsa decemlineata* Say.**

**Таърифи:** Колорадо қўнгизи картошка баргини кемириб, заар етказади, айrim йиллари ҳосилнинг 70% ни нобуд қилиши мумкин. Йилига 3-4 авлод беради. Картошкадан ташқари помидор ва айниқса бақлажонга жиддий заар етказади. Ундан ташқари тамаки, бандидевона, мингдевона, итузум каби ўсимликларни ҳам еб ривожланади (10-расм).



10-расм. Колорадо құнғизининг тухум қүяётган урғочи етук зоти ва личинкаси.

**Кураш чоралари:** Агротехник табділдер - Алмашлаб екиш, сифатлы уруғлик құллаш, қидамли навларни яратып, әкін қатор ораларига ишлов беріш, миқдори кам бўлганида қўлда териб, йўқотиш; ҳосил йиғиб олингандан сўнг даладан картошка қолдикларини йўқотиш лозим.

**Кимёвий усул:** ацетамиприд асосли, 20% н.кук. (0,02-0,03 л/га); хлорантранилипрол асосли, 20% сус.к. (0,04-0,05 л/га) препаратларининг бирортасини пуркаш тавсия этилади.

#### *Картошка күяси-- Phthorimaea operculella Zell*

Илгари ташқи карантин обьекти бўлган бу зааркунанда дастлаб Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятида қайд этилган, кейинчалик бошқа вилоятларда, жумладан Тошкент вилоятида ҳам тарқалиб кетган. Картошка, тамаки, помидор, бақлажон, қалампир ва ёввойи ҳолда ўсуви итузумдош ўсимликлар (бангидевона, физалис, итузум, мингдевона, белладонна ва б.) заарланади. Картошка күяси ўсимликларни далада, уларнинг ҳосилини эса омборхоналарда сақлаш даврида заарлайди. Қуртлари картошка, помидор ва бақлажоннинг мевалари, пояси ва баргларини нобуд қиласи. Зааркунанда 5-ёш курт ёки ғумбак шаклида қишлияди. Капалаклари май охирида чиқиб, октябрь охиригача учади. Улар тупроққа, картошка, помидор, тамаки баргларига, ер устида ётган картошка туганаклари кўзчаларига, помидор меваларига, омборхоналарда қопларга, уйларда картошка сақланаётган хонанинг пардаларига биттадан тухум қўяди. Капалак 30 кунча яшайди ва оталангандан сўнг 24 соат ичида тухум қўя бошлайди, бир урғочи зот 150-200 та тухум қўяди. У эрталаб ва кечкурун қуёш ботгандан сўнг учади, кундузлари баргнинг остки томонида ва бошқа пана жойларда яшириниб ўтиради.

Омборхоналарда зааркунанда тўхтовсиз кўпаяди, унинг пиллалари картошка туганаклари кўзчалари ёнида ва қопларда кўплаб топилади. 6-7 кундан сўнг пилладан имаго чиқади. Тухумдан имагогача бўлган давр ёзда ўртача 22-32 кун, кузда 40-55 кун, қишида 2-3 ойни ташкил этади (11-расм).



11-расм. Картошка куюсидан заарланган картошка туганаклари ва личинкаси

**Кураш чоралари.** Даладаги бегона ўтларни, айниқса итузумдошлар оиласига мансуб ўсимликларни йўқотиш лозим. Картошка ўсимликларини даладан палаги ўлмасидан олдин тўплаб чиқариш керак. Йифим-терим пайтида картошка туганакларини далада ёйиб қуритиш мумкин эмас (куя уларга тезда тухум қўяди), уларни дарҳол совуқ жойда сақлашга қўйиш лозим. Картошка сақланадиган омборхоналарни ва сақлашга қўйиладиган туганакларни заарсизлантириш, туганакларни сақлашда ҳарорат  $+3\text{-}5^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслигини таъминлаш лозим.

**Кимёвий усул:** эмамектин бензоат асосли, 5% с.э.г. (0,4-0,5 кг/га); эмамектин бензоат+люфенурон асосли, 15% с.д.г. (0,15-0,2 л/га) препаратларининг бирортаси билан кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

#### Помидор куюси- *Tuta absoluta* Meyr.

Бу зааркунанданинг ватани Жанубий Америка. Европада помидор экинларида куя 1-нчи марта Испанияда 2006 йилда қайд этилган ва кейинги йиллари бошқа мамлакатларга тарқалиб кетган. 2011 йилда бутун дунёда помидор экилган жами 4,5 млн га майдондан 1 млн га куя билан заарланганлиги хабар қилинган. Янги минтақага кирган зааркунандани ҳеч бир мамлакатда бутунлай қириб йўқотиша олишмаган.

Хозирда Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийсида тарқалиб кетган, бошқа вилоятларга ҳам ўтган бўлиши мумкин.

Помидор иссиқхона ва очик далаларда, бутун ўсув даврида заарланади. Ўсимликларининг ўсув нуктасидаги куртаклари, барглари, поялари ва мевалари ҳамда поянинг пастки қисмида илдиз бўғзи заарланади. Куя қуртлик босқичида заар етказади. Заарланган барглар тўла нобуд бўлади. Мевалар ўсув даврида ёки сақлаш пайтида чириб кетади. Куя заарлаган помидор ўсимликларининг ҳосилдорлигини 80-100% га камайиб, ҳосил тўла нобуд бўлиши, заарланиш бошланган кундан бошлаб 2 ҳафтада далани бутунлай вайрон қилиши мумкин (12-расм).



12-расм. Помидор куяси билан заарланган помидор барги ва капалаги

Зааркунанда тухум, ғумбак ёки етук зот шаклида қишлиши мумкин. Кую ривожланиши учун энг паст ҳарорат  $9^{\circ}\text{C}$ , энг қулай  $20\text{-}27^{\circ}\text{C}$ . Помидор куяси помидордан ташқари итузумдош экинлар (картошка, тамаки, бақлажон, қалампир) ва бегона ўтларда (бангидевона, физалис, итузум, мингдевона, белладонна ва б.) ривожланиши мумкин.

**Кураши чоралари.** Феромон тутқичлар ёрдамида зааркунанда мавжудлигини қайд қилиш; Агротехник ва ташкилий тадбирлар (иссиқхоналар ва уларнинг атрофини заарсизлантириш, ойналарга ва вентилляцион тешикларга сетка тутиш, киришда эшикларни қўша қилиш, девор ва томда тешик қолдирмаслик, ўсимлик қолдиқларини иссиқхона ва далалардан чиқариш, далада бегона ўтларни, айниқса итузумдошлар оиласига мансубларини йўқотиш, помидор ўсимликларини даладан палаги ўлмасидан олдин тўплаб чиқариш, помидорни картошка далаларига яқин жойлаштирумаслик ва х.) зааркунанда тарқалишини олдини олади.

**Кимёвий усул:** эмамектин бензоат асосли, 5% с.э.г. (0,4-0,5 кг/га); эмамектин бензоат+люфенурон асосли, 15% с.д.г. (0,15-0,2 л/га) препаратларининг бирортаси билан кимёвий ишлов бериш тавсия этилади.

#### Полиз қўнғизи – *Epilachna chrysomelina*.

Барча полиз (қовун, тарвуз, қовоқ ва бодринг) экинларини личинка ва қўнғизлари кемириб заарлайди (13-расм). Қўнғизлари тупроқни юза қатламида, ўсимлик қолдиқлари остида қишлиайди. Тухумларини баргларни остки қисмига тўп-тўп қилиб (20-40 тадан), жами 1300 тагача қўяди. Йилига 2-3 марта авлод бериб ривожланади. Зааркунанда кўпайганда ўсимлик баргиз бўлиб қолади, унинг ёш ҳосили ҳам шикастланади. Натижада у тез чириб кетади. Ҳосилдорлик 60-70% га камайиши мумкин.



13-расм. Полиз қүнгизи ва унинг зараги.

**Кураши чоралари:** Агротехник - экин майдонларидан ўсимлик қолдиқларини йифиб олиб йўқотиш; ерни сифатли шудгор қилиш; полиз экилган майдоннинг 100 м атрофида бегона ўтларни йўқотиш, меъёрида суғориш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли микдорда озиқлантириш зааркунандалар миқдорини камайтиради.

**Кимёвий усул:** ацетамиприд асосли, 20% н.к. (0,15 л/га); малатион асосли, 57% эм.к. (0,6-1,2 л/га); тиаклопирид асосли, 48% сус.к. (0,1-0,15 л/га) препаратларни пуркаш тавсия этилади.

**Қовун пашаси-** *Carpocapsa pardalina* Bigot.

**Таърифи:** Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 2001 йилдан тарқала бошлаган. Ҳозир бошқа вилоятлар далаларига ҳам тарқалиб кетган. Қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқа полиз экинларини заарлайди (14-расм).

Қовун пашасининг курти полиз экинлари меваларини тугишидан бошлиб пишишигача заарлаб, уларни бутунлай чиритади. Зааркунанда 2003 йили Қорақалпоғистонда қовун меваларининг 90-95%, тарвузнинг 5-10% ва бодрингнинг 3-5% ни нобуд қилиши кузатилган.



14-расм. Қовун пашаси билан заарарланган қовун ва тарвуз.

Пашша ўсимлик шираси билан озиқланганидан сўнг оталанади ва қовун ёки бошқа полиз экинлари ёш меваларининг ўлчами 3-5 см бўлганда уларнинг қобиғи остига баъзан биттадан, аммо қўпинча битта мевага 20 та ва ундан ҳам кўпроқ тухум қўяди. Битта урғочи пашша бир мавсумда 100-130 та тухум қўяди. 2-8 қундан сўнг улардан личинкалар чиқиб, мева ичига ўтади, мева эти билан озиқланиб, уруғгача етиб боради ва уруғни ҳам ейди (1.17-расм). 10-18 қундан кейин личинкалар мева пўстини тешиб ташқарига чиқади ва тупроқда 5-15 см чуқурлиқда ғумбакланади. Йилига 2-3 та авлод беради.

**Кураш чоралари.** Полизларни ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, куз-қиши даврида даланинг шўрини ювиш, чуқур кузги шудгор ўтказиш орқали пашшанинг қишлоғдаги захираларини камайтириш, пашша кузатилган далаларга 3-7 йил давомида полиз экинларини қайта экмаслик, эртапишар ва кечпишар навлар экилган далаларни бир-бирига яқин жойлаштирмаслик тавсия қилинади.

**Кимёвий усул:** **ацетамиприд** асосли, 20% н.к. (0,15 л/га); **малатион** асосли, 57% эм.к. (0,6-1,2 л/га); **тиаклопирид** асосли, 48% сус.к. (0,1-0,15 л/га) препаратларни пуркаш тавсия этилади.

### Пиёз пашшаси – *Delia antiguus Meig.*



**Таърифи:** Пиёз пашшаси пиёз ва саримсоқ пиёзга зарар етказади (15-расм). Сохта ғумбаклари тупроқнинг 10-20 см чуқурлигига пиёз экилган далаларда қишлийди. Апрел-май ойларида учиб ўсимликка яқин тупроқ бўлакчаларига ва пиёз баргларига 5-12 тадан тухум қўяди. Тухумдан чиққан личинкалар пиёз билан озиқлангач, пиёзлар чириб кетади. Битта пиёзда 10-15 та личинка ривожланади. Пиёз пашшаси йилига 2 марта авлод бериб ривожланади.

**Кураш чоралари:** Агротехник - бир марта пиёз экилган далага 3-4 йилдан кейин қайта пиёз экиш; пиёз ва саримсоқ пиёздан бўшаган далаларни чуқур ва сифатли кузги шудгор қилиш; пиёздан бўшаган далаларда ўсимлик қолдиқларини йўқотиши; пиёзни эрта муддатларда экиш, меъёрида суғориш, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда озиқлантириш зараркундалар миқдорини камайтиради.

**Кимёвий усул:** **ацетамиприд** асосли, 20% н.к. (0,15 л/га); **малатион** асосли, 57% эм.к. (0,6-1,2 л/га); **тиаклопирид** асосли, 48% сус.к. (0,1-0,15 л/га) препаратларнинг бирортасини пуркаш тавсия этилади.

### Назорат саволлари:

1.Ғўза ва ғалла зараркундаларига қарши уйғунлашган ҳимоя тизимини айтиб беринг?

2.Мевали дарахтларнинг асосий зааркунандаларига қарши кураш чоралари қандай?

3. Сабзавот экинлари зааркунандаларига қарши кураш чорасини айтинг?

4.Помидор куяси қандай ҳашарот?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаев Р., Набиев У. Бофу токзорлар меваси шаклланганда. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – Тошкент, 2014. - №5. – Б. 11.

2. Кимсанбоев Х.Х., Юсупов А.Х., Атамухаммедов Д.С. Тошкент вилояти олмазор боғ зааркунандаларнинг тур таркиби //Ўзбекистон аграр фани журнали. – Тошкент, 2002. -№2 (8). – 32-34 б.

3. Обиджонов Д. Опасный вредитель в садах Узбекистана // Ж. Защита и карантин растений. – Москва, 2009. - №3. – С. 52.

4. Учаров А., Мухаммадиева М. Система защиты плодовых садов от вредителей. // Ж. АгроИлм. – Ташкент, 2015. - №2-3(34-35). – С. 62-63.

**Интернет сайтлар:**

1.[www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).

2.[www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).

3.[www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html](http://www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html).

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амлий машғулот:** Гүза, ғалла экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усулларини қўллаш.

***Керак жиҳозлар:***

- 1.Расмли жадваллар
- 2.Пробирка
- 3.Штатив
- 4.Пипетка
- 5.Аналитик тарози
- 6.Фотоколорометр
- 7.Стакан
- 8.Ўлчов колбалари
- 9.Кимёвий воситалар
- 10.Химоя воситалари
- 11.Керакли реактивлар

***Режса:***

- 1.Биологик самарадорликни аниқлаш
1. Пестицидларни хўжалик самарадорлигини аниқлаш.

**Ишдан мақсад:** Мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилишда инновацион усулларни қўллашни ўрганиш, соҳадаги билимларини мустаҳкамлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилишда инновацион усулларни қўллашни ўрганиш, асосий хоссаларини, белгилари келтирилган, тингловчилар амалиётда уларни кимёвий таркибини, хоссаларини аниқлашни ўрганишади ва бошқа воситалар билан солиштиришади.

**Ишни бажариш учун намуна:** Тингловчилар кичик гурӯхларга бўлинишадива мавжуд кимёвий воситалар намуналаридан, расмли жадваллар, керакли жиҳозлардан фойдаланган ҳолда ўқитувчи ёрдамида кимёвий воситалар таркибини аиқлашади ва ўзаро савол жавоб қилишади.

**Гўзани заарли организмларга қарши кураш чоралари**

**Керакли жиҳозлар:** Ҳашаротлар коллекцияси, қўл лупа, тарқатма материаллар.

**Керакли жиҳозлар:** Лупа, бинокуляр, энтомологик нина, ҳашаротларнинг кўргазмали намуналари, расмли жадваллар.

**Режа:**

1. Ўргимчаккана, тамаки трипси билан танишиш.
2. Катта ғўза бити ва акация битини зарари.
1. Кўсак қурти
2. Вояга етган ҳашаротнинг морфологик белгилари ва кўсак қуртининг етказадиган зарар
3. Карадрина. Вояга етган ҳашаротнинг морфологик белгилари, етказадиган зарари.

**Тур – Ўргимчаккана – *Tetranychus urticae***

**Оиласи – каналар – *Acaridae***

**Туркум – каналар – *Acarina***

Эркаги 0,2-0,3 мм, урғочиси 0,4-0,6 мм келади. Ёзда кўк сариқ, эрта баҳорда қизғиши рангда бўлади. Ўргимчаккана тухум, личинка, нимфа ва етук кана босқичларида ривожланади.

Личинкасида уч жуфт оёқ, нимфа ва етук каналарда эса 4 жуфт оёқ бўлади.

Ўргимчаккананинг орқа томонида 7 та қатор бўлиб, 26 та тук жойлашган.



**Ўргимчаккана**

Ўргимчакканинг етук зоти, личинка ва нимфалари ўсимлик ширасини сўриб зарар етказади. Улар айниқса баргни орқа томонида кўп бўлади.

Урғочи ўргимчаккана ўсимлик қолдиқлари ва тупроқ ёриклирида қишлияди. Қишлодан ўргимчаккана ўртacha ҳарорат + 7° С га яъни март ойида чиқади. Об-ҳаво шароитига қараб умумий ривожланиш даври 8-30 кун давом этади. Ўргимчаккана Марказий Осиёда 12-20 та авлод беради.

Ўргимчаккана билан кучли заарланган ғўза, ҳамда оддий ва қўнғир каналарнинг тухум, личинка ва нимфалари

**Тур – Тамаки трипси – *Thrips tabaci Lind.***

**Оила – *Thripidae*.**

**Туркум – трипслар – *Thysanoptera*.**

Тамаки трипсининг катталиги 0,8-0,9 мм келади. Танаси чўзинчоқ шаклда урғочиси узунроқ, икки жуфт тор қаноти бор. Оғиз аппарати санчиб сўришга мослашган.

Тамаки трипси личинка ва вояга етган личинка босқичларида ривожланади.

Тамаки трипси ўсимлик қолдиқлари остида қишлиайди. Март ойида трипс бегона ўтларда ривожлана бошлайди, кейинчалик эса ғўзага ўтади. Ҳар бир урғочиси ўсимлик тўқимасига 100 донагача тухум қўяди. Ўзбекистон шароитида тамаки трипси 7-8 марта авлод беради.



Тамаки трипси

**Тур - Катта ғўза бити – *Acyrlhos gossypii* Mordy.**

**Оила – битлар- *Aphididae*.**

**Туркум – тенг қанотлилар – *Homoptera*.**

Катта ғўза бити 2-3,5 мм келади. Барча ривожланиш босқичларида кўкиш ёки сарғиш рангли бўлади. Чала ўзгарувчан ҳашарот бўлиб, тухум, личинка ва имаго босқичларида ривожланади. Қанотсиз ва қанотли кўрнишлари мавжуд.

Катта ғўза бити ғўзапояда ва янтоқзорда қишлиайди. У майнинг иккинчи ярмида ғўзада пайдо бўлади. Ёзда партеногенетик усулда тирик туғиб, кузда эса жинсий йўл билан, тухум қўйиб ривожланади. Ғўза ширасини сўриб зарар етказади.



Катта ғўза бити – *Acyrlhosiphon gossypii* Mordv. (Щеголовдан олинган).

**Түр – Акация бити – *Aphis craccivora* Koch.**

**Оила – Битлар – Aphididae.**

**Түркүм – тенг қанотлилар – Homoptera.**

Тирик туғувчи урғочисини танаси 1,3-2,2 мм келади. Танаси қора рангда. Эркаги урғочисидан фарқ килиб қанотли бўлади.



Акация бити – *Aphis craccivora* Koch.(Щеголовдан олинган).

Акация бити (беда бити ҳам тухум даврида) беда ёки акацияда қишилайди. Март ойида қишлоудан чиқади. Бу зааркунанда ҳам ғўза ширасини сўриб заар етказади.

**Түр – Беда қандаласи -*Adelphocoris lineolatus* Coeze.**

**Оила – Сўқир қандалалар – Miridae**

**Түркүм – ярим қаттиқ қанотлилар – Hemiptera.**

Ғўза, беда, йўнғичқа, лавлаги каби ўсимликларга тушадиган зааркунанда ҳисобланади. Беда қандаласи ғўзанинг шона, гул, кўсакларини санчиб-сўриб заарлайди. Қаттиқ заарланган шона ва гуллар қуриб қолади, кўракдаги тола камайиб, сифати ҳам пасаяди.



Беда қандаласи- *Adelphocoris lineolatus* Coeze

Беда қандаласи 6,5 дан 9,5 мм гача катталикда бўлади. Қорамтири ёки сарғиш-яшил, эркаклари тўқроқ тусли. Елкасида иккита қора нуқта мавжуд, у беда қандаласининг бошқалардан ажратиб турадиган асосий белгисидир.

Қандала ўсимлик поялари, хусусан беда ва бошқа бегона ўтлар ичига жойлашган тухум шаклида қишлийди. Баҳорги иссиқ кунлар бошланиши ва анғиз ўсиши билан тухумдан личинкачиқа бошлайди.

Беда қандаласи Ўзбекистон шароитида ёз бўйи уч-тўрт бўғин беради. Беда ўриб олинганидан кейин қандала ёппасига ғўза ва бошқа экинларга учиб ўтади.

**Тур – Дала қандаласи-Lygus pratensis L.**

**Оила –Сўқир қандалалар – Miridae**

**Туркум – ярим қаттиқ қанотлилар – Hemiptera.**

Шакли жиҳатидан беда қандаласини эслатади, аммо бирмунча кичикроқ. Бўйи 3,5-4 мм, ранги яшил, қора гули бўлади. Узунлиги 1 мм келадиган тухумининг учки қисми бир оз эзилган. Личинкаси етук қандаладан кичикилиги ва қанотларининг йўқлиги билан фарқ қиласи (40-расм). Дала қандаласи етук зот шаклида даладаги ўсимлик қолдиқлари остида ва бегона ўтлар орасида қишлиб чиқади. Эрта баҳорда қандала ҳар хил ўтлар ва маданий ўсимликлар билан озиқланади.



**42-расм.Дала қандаласи-Lygus pratensis L.**

Қандала барглар ва барг бандларига тухум қўяди. Инкубация даври бир ярим ҳафтага чўзилади. Личинкасининг ривожланиши 25-30 кун давом этади. Лавлаги, олабўта, шўра, каноп ва ғўза қандаланинг энг хуш қўрадиган ўсимликларидандир. У эрта баҳордан кеч кузгача ғўзанинг бутун ер устки қисмларини заарлайди.

Майса пайдо бўлганидан шоналашгача ўсув нуқтасига ва ёш баргларга шикаст етказади, шоналаш ва гуллаш-уруг ҳосил қилиш даврида шона ва тугунчаларни тўкади. Заарланган кўсакларда қорамтири ботик доғлар пайдо бўлади, уларнинг ривожланиши ва етилиши кечикади. Қандала Ўзбекистон шароитида йилига 3-4 марта бўғин беради.

***Tur – Fўза оққаноти – Bemisia tabaci Genn.***

***Оила – Алейродид ёки оққанотлар - Aleyrodidae.***

***Туркум – тенг қанотлилар – Homoptera.***

Оққанотларнинг қарийб 1200 тури аниқланган (Byrne, Bellows, 1991). Ўзбекистонда уларнинг 4 та тури аниқланган. Фўзага асосан 2 тури заар келтиради: иссиқхона (*Trialeurodes vaporariorum* Westw.) ва фўза (тамаки) (*Bemisia tabaci* Genn.) оққанотлари, цитрус дараҳтларини – цитрус оққаноти (*Dialeurodes citri*), карамни – карам оққаноти (*Aleyrodes proletella*) заарлайди.

Оққанот фўзага 1970 йиллардан бошлаб мослаша бошлаган. Бу зааркунанданинг кенг тарқалиши республикамизда иссиқхона хўжаликлари кескин кўпайиб кетиши билан узвий боғлиқдир. Зааркунанда куз-баҳор даврида иссиқхоналарда ривожланади ва кўпаяди. Баҳорнинг иссиқ кунлари бошланиши билан улар очиқ шароитга кўплаб учиб чиқади ва турли экинларни (шу жумладан, фўзани ҳам) заарлай бошлайди. Оққанот тўлиқсиз ривожланадиган ҳашаротдир. У тухум, З та ёш личинка, нимфа ҳамда етук зот (имаго) даврларини бошидан кечиради (41-расм).

Оққанотга бир қатор биологик хусусиятлар хос. Улар уни нокулай ташқи муҳит шароитларидан ҳимоя қиласи ва тез кўпайиб катта масофаларга тарқаб кетишига имкон беради. Баҳор-куз даврида оққанот 7-8 марта, куз-баҳор пайтида эса иссиқхоналарда 4-5 марта, жами йилига 11-13 бўғин бериши мумкин. Оққанотнинг ватани тропик иқлиmdir. Шунинг учун ҳам у намсевар ҳашарот. Унга  $22-27^{\circ}$  ҳаво ҳарорати ҳамда 70-80% ҳаво намлиги энг яхши ҳисобланади. Ўзбекистоннинг қишик совуқ шароитларида улар қирилиб кетади. Баҳорда учиб чиқсан оққанотлар таъсирида йирик шаҳар ва қишлоқлар атрофидаги экинлар биринчи галда заарлана бошлайди. Оққанот фўзани майнинг охири – июннинг бошидан заарлай бошлайди.

Улар ёш баргларнинг орқа тарафига жойлашади ва санчиб-сўриб озиқланади, сўнгра урчиб тухум қўя бошлайди. Овал шаклдаги майда тухумлар калта ипчага ўрнатилган бўлади. 5-8 кун ўтгач тухумлар қорайиб, улардан личинка очиб чиқади. Дастребки даврларда ҳаракат қилувчи личинка қулай жойга ўрнашгач, ҳаракатсизланиб бир ерда озиқланади ва икки марта пўст ташлаб нимфага айланади. Нимфа нисбатан қаттиқ қобиққа эга бўлади, у кушанда ва кимёвий препаратларга чидамлидир.



Ғўза оққаноти— *Bemisia tabaci* Genn.

Оққанот ўсимликка асосан личинкалик даврида зарар етказади. Личинкалар тенг қанотлилар туркумига киувчи ҳашаротларга хос ҳолда ўзгача озиқа ҳазм қилиш тузилишига эга, шунинг учун сўрган озиқанинг бир қисми ҳазм бўлмай ташқарига чиқариб юборилади. Бунинг натижасида оққанот босган ўсимлик япроқларини шира босади, вақт ўтиши билан бу ширалар замбуруғланиб қораяди, оқибатда ўсимлик ҳосили камайиб, сифати пасаяди. Ғўзада оққанотнинг ҳар бўғини 22-25 кунда ривожланади. Жами 3-4 марта бўғин бериб ривожланади. Июлнинг II-III ўн кунлигидан бошлаб иссиқхона оққанотининг миқдори ғўзада кескин камая бошлайди. Бу ёзги кун исиши ва ҳаво намлигининг пасайиши билан боғлиқдир. Ғўза оққаноти бундан мустаснодир, чунки ҳаво ҳароратининг иссиқ кунларида ҳам унинг зичлиги пасаймайди. Шунинг учун ғўза оққанотининг бу экинга етказадиган зарари юқорироқ.

Куз яқинлашиб кўраклар очила бошлагандаги оққанот личинкалари чиқарган суюқлик очилган пахта устига тушиб, уни ифлослантиради. Бу эса зарарни янада чуқурлаштиради.

**Тури – Кўсак қурти – *Heliothis armigera* Hb.**

**Оила – тунламлар – *Noctuidae*.**

**Туркум – тангачақанотлилар – *Lepidoptera*.**


Қанотларини ёзганда 30-40 мм келади. Танасининг узунлиги 12-20 мм га боради.

Олдинги қанотлари марказида юмалоқ, юқорирогида биттадан ловиясимон қора доти бор. Орқа қанотлари ўртасида рангли ойсимон доти бор. Тўла ўзгарувчан ҳашарот бўлиб, тухумини ўсимликни ўсув нуқталари ва гул асосига қўяди.

Тухуми гумбазсимон бўлиб, диаметри 0,5-0,7 мм, баландлиги 0,4-0,5 мм келади. Тухумлари аввал оқиш-кулранг, кейин эса қўнғир тусга киради.

4-6 кунда тухумдан оч-кўқ оқ бошли личинка чиқади. Кўп ўтмай унинг бош қисми қораяди ва танасини ранги эса тўқлаша боради. Личинкалари озиқланиб бўлгач тупроққа тушади ва 5-12 см чуқурликда ғумбакка айланади. Ғумбак 17-21 мм бўлиб, оч пушти сариқдан қизғиш-жигарранггача ўзгаради.

Кўсак қурти кузда озиқланган ўсимлик даласида, тупроқни 10-12 см чуқурлигидаги ғумбак босқичида қишилайди. Апрел-май ойларида тупроқ ҳарорати  $16^{\circ}\text{C}$  га етганда учиб чиқади. Ўзбекистонда кўсак қурти бир йилда 3-4 марта авлод беради.



Гўза тунлами ёки кўсак қурти: 1-Етук зоти, 2-тухуми, 3,3а-личинкаси, 4-ғумбаги ва ёнида етук зоти (А. Блюмер расми).

**Тур – Гўза барг қурти – *Lapugma exigua* Hb.**

**Оила – тунламлар –*Noctuidae*.**

**Туркум – тангача қанотлилар –*Lepidoptera*.**

Қарадрина қанотларини ёзганда 23-30 мм, танаси тўқ кулрангда бўлиб, уларда иккита қизғиш рангли доғлар бўлиши билан бошқа тунламлардан ажралиб туради. Доғларнинг биринчиси қанот марказида бўлиб, ловия кўринишида, иккинчиси қанот тубига яқин жойлашган бўлиб, юмалоқ шаклда ва очроқ рангли бўлади. Кейинги қанотлари эса оқ попукли бўлади.

Тухумларини тўп-тўп қилиб, устига қорин тукларини пардалаб қўяди. Тухуми юмалоқ қиррали бўлиб 0,5 мм келади.

Карадринанинг вояга етган қуртлари 2,5-3 см га етади. Қуртларнинг бош қисми қўнғир рангли, танаси эса оч-яшилдан қорамтиридан рангача бўлади. Ғумбаги 13 мм қўнғир рангда. Ғумбагининг кейинги учидаги алоҳида бўртмачага жойлашган қоринча томонга қайрилиб турадиган иккита тикани бор, шу бўртмача устига кейинроқда яна иккита тиканча жойлашган. Карадрина ғумбаги тупроқнинг 5 см гача чуқурлигига тупроқдан ясалган уядага бўлади.



1

2

**45-расм. Карадрина:** 1-Етук зоти, 2-личинкаси

Карадрина кўпинча ғумбак ҳолида, айрим ҳолларда тухум ва имаго босқичида қишлиайди. Капалаклари эрта кўкламда пайдо бўлиб, ўсимлик баргларига тухум қўяди. Тухумдан чиқсан қуртлари ўсимлик барги билан кемириб озиқланади.

Карадрина Ўзбекистонда 5-6 марта авлод беради.

*Кузги тунлам – Agrotis segetum Schiff*

*Оила – тунламлар - Noctuidae*


*Туркум- тангача қанотлилар – Lepidoptera*

Кузги тунлам қанотларини ёзганда 40 мм га етади. Олдинги қаноти сарғиши-кулранг, орқа қаноти оқ тусда. Олдинги қаноти асосига яқин жойида понасимон қорамтири доғи, қанотининг марказида юмалоқ ва юқорироғида бўйраксимон доғи бор.

Тухуми қуббасимон бўртикли бўлиб, 0,65 мм келади. Кузги тунламнинг етук қурти 5 см катталиккача бўлади. Қурти безовта қилинса, юмалоқ бўлиб олади. Ғумбагининг узунлиги 14-20 мм бўлиб, оч-қўнғир ранг ва охирги бўғимида иккита ўсимтаси бор.

Кузги тунламнинг қуртлари кўпгина қишлоқ хўжалик экинларини шунингдек, гўзани илдиз бўғзига яқин қисмларини, ер бетига чиқмаган уруг барглари, ўралиб ётган майсаларини кемириб заарлайди.

Уруғбарглар ер бетига чиқиб ёзилганда уларда симметрик бир хилда тешикчалар мавжуд бўлади.



**1**

**2**

**3**

**4**

**Кузги тунлам:** 1-Етук зоти, 2-тухуми, 3-личинкаси, 4-ғумбаги ва ёнида етук зоти (А.Блюмер расми).

### Ғалла экинларини зааркунандаларини тур таркибини аниқлаш

**Тур - Буғдой трипси - *Haplothrips tritici***  
**оила - трипслар Thripidae**  
**туркум – ҳошияқанотлилар - Thysanoptera**

Трипснинг узунлиги 1,47-2,2 мм келади. Личинка қорнининг сўнгти бўғими найсимон чўзилиб, орқа учи бироз торайган. Қанотида томир йўқ, олд қанотининг ўрта қисми бироз торайган, қанотининг четларида, узун қилчалар. Мавжуд мўйлови 8 бўғимли. Буғдой трипси қўнғир ёки қора рангда бўлади.



**47-расм.** Буғдой трипси - *Haplothrips tritici*

Трипс личинкаси 2 мм гача бўлиб, унинг мўйлови етти бўғимли: ранги эса оч қизил тусда бўлади.

Буғдой трипси ёш личинкалик даврида тупроқда кесаклар орасида, ер ёриқларида ва буғдой анфизида қишлиайди. Баҳорда ўртacha ҳаво ҳарорат +8°C га етганда личинкалари қишловдан чиқади. Трипс буғдой бошоқлаш даврида кўпайиб кетади.

Буғдой трипсининг урғочиси бошоқ бандига ва дон қобигига биттадан ёки тўп-тўп қилиб тухум қўяди. Май ўртасида қўплаб тухум қўяди. Имагоси поя учини, устки барг қинини сўриб заарлайди.

Личинкалари тухумдан чиққач бошоқ қобиги ичига кириб, қобиқ ва гул ширасини сўриб озиқланади, кейинчалик дон ширасини сўради. Буғдой трипси бир йилда бир марта авлод бериб ривожланади.

**Тур - Бошоқли экинлар битларига - катта ғалла бити** (*Sitobion avenae fabr*), **ғалла бити** (*Schizaphis graminium Rond*), **арпа бити** (*Brachycolus poxius Mord*), **маккажўхори бити** (*Rhopalosiphum padi L.*) ва бошқа бир неча тур битлар киради.

оиласи - битлар - *Aphididae*

туркум- тенг қанотлилар – Homoptera

Катта ғалла бити 2-2,8 мм узунликка эга бўлиб, яшил тусда, қўкраги қизғиш-қўнғир рангда; мўйлови танасидан узунроқ, сўриш найчаси танасининг учдан бир қисмига тенг, мўйлови, найчаси, панжаси, сонининг юқориси ва болдири қора рангда.



Катта ғалла бити – *Amphorophora avenae* Fabr.

Ғалла бити 1,2-2 мм яшил рангда, кўкрагининг 2-3 бўғими қўнғир рангда бўлади.



Ғаллабити (*Schizaphis graminium* Rond)

Мўйлови танасининг ярмида нузунроқ. Сўриш найчаси қичикроқ бўлиб танасининг 1/6 қисмиданбошлаб 1/10 қисмигачатўғрикелишимумкин.

Арпабити 1,6 - 2,2 ммбўлиб, оч яшил ёки сарғиш яшилранг бўлади. Қанотларининг орқасида иккита тўқ яшил доғи бор, кўзи ва мўйлови қопқора. Мўйловининг узунлиги танасини ярмидан калтароқ сўриш найчаси ривожланмаган бўлиб, дўмбоқ кўринишда бўлади. Қанотсизларининг танаси мумсимон губор билан қопланган бўлади.

Маккажўхори битининг бўйи 1,6-2,3 мм, ялтироқ тўқ қўнғир рангда, қанотсизларини мўйлови сариқ, қанотлиларини мўйлови қўнғир рангда. Қанотсиз битларни мўйлови танасининг учдан бир қисмидан сал узун, қанотлилариники эса танасининг ярмига teng бўлади. Сўриш найчаси АРПА битиникига ўхшаш бўлади.



Маккажўхори бити (*Rhopalosiphum padi* L.)

Мазкур 4 тур ғалла битлари кўчиб юрмайдиган битларга киради. Улар бошоқлиларнинг баргидаги, поя ва бошоғида очик ҳолда яшайди, фақат арпа бити бошоқ тубидаги баргларнииг найи ичига кириб олади. Айрим ҳолларда ғалла бити ҳам арпа бити билан бирга учрайди.

Кўчиб юрмайдиган барча ғалла битлари тухум босқичида қишлиайди. Илдиз бити личинка ва имаго босқичида бошоқдошларнинг илдизида қишлиайди. Ғалла битлари бир йилда 10 мартадан кўп авлод беради.

**Тур - ЗАРАРЛИ ХАСВА - *Eurygaster interriceps* Put  
оила – қалқонлилар – Pehtatomidae  
туркум - яrim қаттиқанотлилар – Hemiptera**

Имагосининг бўйи 10-12 мм келади. Танасининг ранги сариқ ёки сарғиш-кулранг бўлади. Қалқонининг тубида иккита оқиш доғча бор. Қалқонининг кейинги учи овал шаклда бўлиб, қорнининг охиригача етиб боради. Бош қисминииг бўйи энига teng.



**Зараарли хасва.**

1- заарарли хасва, 2- заарарли хасванинг буғдой баргидаги тухумлари

Хасва личинкаси имагосидан қанотсизлиги кичик ва юмалоқлиги билан фарқ қиласы. Личинка беш ёшга етгандың урта күкрагида қанот ва қалқон үсіб чиқа бошлайды. Катталиғи эса 8-10 мм га етады.

Тұхуми яшил рангда ва шар шаклиға эга. Паразит тұхумини шикастласа-кора тус олади.

Заарарлы хасвани имагоси үсимлик қолдиқлари остида қишлоғады. Асосий қисми қишаңлаш учун тоққа учеб кетади: баҳорда ҳаво ҳарорати 17-20<sup>0</sup>C га етганды қишлоғдан чиқади.

Хасва ҳаво салқын пайтда бұғдой, арпани поя ва бошогининг ширасини сүриб озиқланади. Хасва сұрган жойдан шира чиқиб қотади ва атрофида оқ модда пайдо бўлади, бу хасва борлигининг яхши белгисидир.

Хасва тұхумларини ҳар гал 14 тадан 2 қатор қилиб баргнинг икки томонига қўяди. Битта ургочи 98-182 та баъзан 294 та ва ундан кўп тұхум кўйиши мумкин. Заарарлы хасва бир йилда бир марта авлод беради.

#### Тур- гессен пашиаси- *Mayetiolades tructor*

#### Оила- *Celidomyiidae*

#### Түркүм- икки қанотлилар- *Diptera*

Қанотининг учи туганак шаклда, четларидан узун тукчалари бор, оёғи узун. Ургочисининг қорни эркагиникидан йўғонроқ, эркагининг қорни охирида иккита куракчасимон үсимтаси мавжуд.



Гессен пашиаси- *Mayetiolades tructor*

Тухуми чўзиқ, қизғиши рангда. Личинкаси ғумбакка айланышдан аввал 4 мм га етади, урчиқсимон, бироз япалоқлашган бош қисми пастга озгина эгилган бўлади. Личинкаси оқ рангда, ёш личинкаси пуштироқ сариқ бўлади.

Гессен пашибаси кузги буғдойда сохта пилла ичидаги ёки пилласиз личинка босқичида қишлиайди. Эрта кўкламда личинка ғумбакка айланади ва мартнинг иккинчи ярми апрелнинг бошланишида ғумбакдан пашибалар учига чиқади (бу олма гуллаганда тўғри келади).

Урғочи пашиба бир неча ўнтадан 500 донагача буғдойга тухум қўяди. Ўзбекистон шароитида 2 ва ундан кўп авлод беради.

### Тур- швед пашибаси- *Oscinosoma frit*

### Оила- *Oscinella*

### Туркум- икки қанотлилар- Diptera

Имагоси 1,5-2мм келади. Олдинги қўкрагининг жуда дўппайиб чиққанлигидан букрига ўхшайди. Танаси қора, ялтироқ, қорнигининг остки қисми оч сариқ рангли, урғочисининг қорни йўғонроқ бўлади.

Тухуми оқ, 0,5мм чўзиқ. Личинкаси 4,5-5 мм узунликда, ранги сариқ ёки ялтироқ тусда, кейинги учи тўмтоқ кўринишида, иккита ортиғи мавжуд. Сохта пилласи жигар рангли бўлиб, 1,75- 3 мм келади.



Швед пашибаси- *Oscinosoma frit*

Швед пашибаси катта ёшдаги личинкалик даврида кузги экинларда ва ўсимлик қолдиқларида қишлиайди. Кўкламда ғумбакланади ва олма гуллаганда имагоси учига чиқади. Урғочи пашиба тухумини ёш ўсимлик баргига, поя ва бошоқ чиқариш пайтида ўсимлик барг пардасига, барг қини тилчасига қўяди. Битта урғочиси бир неча ўнлаб тухум қўяди.

Личинка барг қини ичига кириб, пояни ташки, кўпинча эса ички юмалоқ қисми билан озиқланади, натижада ўсимлик учки барглари сарғайиб қурийди. Швед пашибаси Ўзбекистонда уч марта ва ундан кўп авлод беради.

**Тур- Пъявица (шилимшиқ қурт) – *Lema melonopus* L.**

**Туркүм - Құнғизлар – Coleoptera**

**Оила- барг кеми्रувчилар – Chrysomelidae.**

Құнғизининг катталиги 4-5 мм, умумий ранги – оч яшил-күк, олд елкаси ва оёқлари сарғиш-қызыл, болдир учи, панжа ва мүйловлари қора, устқанотида параллел жойлашган майда нұқталари мавжуд (42-расм).

Тухуми цилиндр шаклға эга бўлиб, ранги сарғиш, катталиги 1 мм, 3-7 тадан ғалла баргига ёпиширилган бўлади. Личинкасининг катталиги 5-6 мм, ўртаси семиз ва буқри, тузи оч сариқ ёки оқиши, боши қора, сирт томондан ўзининг ахлатидан иборат қўнғир тусли шилемшиқ билан қопланган, бу эса қуртни душманларидан ҳимоя қиласи.



Пъявица (шилимшиқ қурт) (С.М. Волков ва б. маълумоти бўйича)

(Умуман, пъявицани шу қуртлик шаклининг қопламига қараб «шилемшиқ қурт» деб аталиши тўғри эмас – бу ҳалқ ичида юрган ибора. Сабаби, шу каби личинкалари «шилемшиқ» қа ўралган бошқа ҳашаротлар ҳам мавжуд. Масалан, олча аракаши – *Caliroa limacina*, унинг личинкаси ҳам худди пъявицага ўхшаб шилемшиқ билан қопланган бўлади). Гумбаги эркин, тупроқ ичида тайёрланган инда жойлашади.

Пъявицанинг қўнғизлари ернинг устки қатламларида қишлиайди. Баҳорда кун исиши билан (март-апрел ойларида) ташқарига чиқиб, арпа, сули ва буғдой экинзорларида тарқалади. Ғалла баргларини бир неча кун узунасига «қиртишлаб» озиқлангач, урчиб тухум қўйишга киришади. Тухумини одатда барг остига тўп-тўп қилиб, жами 120-130 тагача қўяди. Тухум қўйиш 30 кунгача давом этади. Тухум ривожланиши 10-33 кун давом этади. Сўнг пайдо бўлган личинкалар барг этини қиртишлаб озиқланана бошлайди. Қаттиқ шикастланганда узунасига жойлашган оқиши доғлар қўшилиб, умумий заарар ифодасини беради – барглар сарғаяди, айрим ерлари қурийди.

Личинкаларнинг озиқланиши баҳорги ғалла экинларининг бошоқ тортишигача давом этиши мумкин. Ҳар бир личинка 2-3 ҳафта ичидаги пўст ташлаб ривожланиши тутатади. Вояга етган личинка устидаги шилимшиқ қаватини ташлаб ерга тушади ва у ерда (кичик чуқурликда) кўзачасимон жой ясад, ғумбакланишга киришади. Икки ҳафтадан кейин пайдо бўлган қўнғиз қишлишга қолади. Бир йилда бир бўғин беради.

Пъявицанинг зарари қўпроқ арпа, сули ва буғдойнинг қаттиқ донли навларида, айниқса баҳорги муддатларда экилганда сезиларли бўлади. Зарари қурғоқ келган баҳорги шароитларда янада зўраяди. Заарарланган ўсимликларнинг умумий ҳосилдорлиги ҳамда дон оғирлиги камаяди. Водий ҳамда Тошкент, Сирдарё ва бошқа вилоятларда пъявица баъзида жиддий заараркунандалар қаторига қўшилиб маҳсус кураш тадбирларини ўтказишни талаб қиласди.

Кураш чоралари. 1. Заараркунанда дала шароитида қишлиб қолганлиги сабабли юқори агротехник тадбирларни ўтказиш унинг сонини жиддий равищда камайтиради. 2. Баҳорги экинларни мумкин қадар эрта экиш, пъявица муаммо бўлган туманларда унга нисбатан ёқимсиз бўлган буғдойнинг юмшоқ донли навларини экиш тавсия этилади.

**Тур-Кичик кравчик- *Lethrus rugtusus* Ball.**

**Туркум- Қўнғизлар – Coleoptera**

**Оила-Плакча мўйловлилар – Scarabaeidae**

**Кенжса оила- гўнгхўрлар – Geotrupinae**

Кравчик қўнғизларининг танаси ўзига хос шаклга эга бўлиб, уларни аниқлаб олиш унча қийинчилик туғдирмайди (44-расм). Танаси қисқа ва йўғон, боши нисбатан катта ва пропорционал бўлмаган шаклга эга, шунинг учун кравчик баъзан хумкалла деб юритилади.



Кравчик қўнғизи

Кравчикларнинг уст қанотлари чоки бўйича бирикиб кетганлиги сабабли улар бутунлай учмайди, лекин тез ҳаракат қилишлари мумкин. Устки жағлари жуда ривожланган бўлиб, қаншари остидан анча чиқиб туради.

Кравчикнинг баъзи турлари урғочиларида устки жағ остидан узун ўсиқ чиқиб диккайиб туради. Мўйлови тўқмокчаси мон ва конус шаклида, унинг бўғимлари пиёлачасимон бир-бирига кириб туради. Оёқлари ер қазиш учун мослашган, кенг ва тишчалидир. Тухуми сарик ёки оқиши, овал шаклга эга. Личинкаси йўғон, эгилган, оқ, оёқлари калта ва конуссимон. Ғумбаги эркин типда, ранги кулранг-оқиши ёки сарғиши, қўнғизга айланиш олдидан бироз қораяди. Кравчикнинг етук зотлари 8-18 мм катталикка эга, ранги қора, ялтироқ.


Кравчиклар қўнғиз шаклида ер қатламида турли чуқурликда қишлияди. Улар эрта баҳорда уйғониб ташқарига чиқади ва яқинида яшил ўсимликлар кўп бўлган ер танлаб узун ин ясади. Урғочи кравчик ини тагининг четидан овал шакли чуқурчалар (ячейка) ясад биттадан тухум қўяди. Шундан кейин камера устини тупроқ билан беркитиб қўяди. Ячейкалар ичини эса тепадан тортиб туширган турли хил ўсимлик новдалари ва барглари билан тўлдиради.

Тухумдан чиқсан личинка ўзи ётган камера қопқоғини итариб очади ва ячейкага ўтиб урғочи зот томонидан тайёрлаб қўйилган қўкат билан озиқлана бошлади. Озиқа микдори эса уларни тўла ривожланиб бўлишигача етарли бўлади. Уч-тўрт ҳафтада озиқланиб бўлган личинкалар маҳсус суюқлиги ёрдамида кўзача ясад ичида ғумбакка айланади. Ғумбақдан чиқсан қўнғизлар ташқарига чиқмай қишлиб қолади. Кравчиклар бир йилда бир бўғин беради.

Кравчиклар қўриқ ва бўз ерларни афзал қўриб ривожланиши туфайли уларнинг зарари асосан лалмикор дехқончилик туманларида, қир ва адир ерларда, шунингдек янги ўзлаштирилган ерларда кўпроқ бўлади. Кравчик турли хил экинларга, жумладан буғдой, арпа, зифир ва маҳсар, ҳатто ғўза ва бедага ҳам зарар етказиши мумкин. Кравчиклар баҳорги зараркундалар ҳисобланади, чунки улар уруғдан янги чиқсан серсув майсаларни ва ёш ўсимликларнига шикастлайди, дағал, қотиб қолган ўсимликларни ёқтирамайди. Бир қўнғиз ини атрофидаги 1-1,5 м масофада ўсимликларни кемириб, инига ташиб кетиши мумкин. Бунинг оқибатида ўсимлик туп сони камайиб, ҳосилдорлик пасайиб кетади.

**Кураши чоралари.** 1. Шудгор ўтказиши натижасида қўпгина юза жойлашган кравчик инлари бузилади, улар кушандаларга ем бўлади, механик тарзда эзилади. Бундан ташқари, қумоқ, яхши ишлов берилган ерларда бу зараркундана ривожлана олмайди. 2. Агар эрта баҳорда экинзорларнинг ҳар  $m^2$  да 1-2 та қўнғиз мавжудлиги аниқланса кимёвий кураш ўтказилади.

**Топшириқ. Кластер усулидан фойдаланиб Ғўзанинг кемирувчи  
зараркундалари харитасини тузинг.**



### **Назорат саволлари:**

1. Ўргимчаккананинг тузилиши ва зарари?
2. Тамаки трипснинг тузилиши ва зарари?
3. Фўза битларининг морфологияси ва зарари?
4. Кузги тунлам ва унинг личинкаси кўк қуртга таъриф беринг?

**2-амалий машғулот - Мевали боғлар ва сабзавот экинлари экинлари зарарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.**

### **Керакли жиҳозлар:**

1. Лупа, бинокуляр
2. Энтомологик нина
3. Расмли жадвал
4. Ҳашаротларнинг кўргазмали намуналари

### **Режса:**

1. Нок ва барг битлари
  - 1.1. Вояга етган ҳашаротларнинг морфологик белгилари, етказадиган зарари
  - 1.2. Тухум ва личинка тузилиши
2. Бинафшаранг қалқондор
  - 2.1. Вояга етган ҳашаротнинг морфологик белгилари, етказадиган зарари
  - 2.2. Тухум ва личинка тузилиши

**Тур - НОК БИТИ - *Psylla vasilievi suls***


**оила – ўсимлик битлари ёки ширалар - Aphididae**

**туркум - тенгқанотлилар - Homoptera**

Вояга етган нок шира бити 3 мм гача бўлади. Ранги сарғиш оч яшил-қўнғир тусда, қорнида кўндаланг йўллар бор. Нок шира битининг қанотлари

тиниқ бўлиб, орқадаги чеккасида қорамтири доди бор, орқа қанотлари олдингисидан калтароқ.

Урғочиси эркагидан каттароқ. Эркакларида қорин бўғимларининг пасти иккитадан қорамтири кўндаланг йўл ўтади, урғочиларида эса 2 та юмалоқ доди бўлади. Урғочиларининг қорин учи осилиб, эркаклариники эса кўтарилиб туради.



**63- расм.** Нок бити: 1а, 1б-нок бирини қанотли ва қанотсиз утук зоблари; 1в-личинкаси;  
2-қанотли ва ёш личинкалари.

Тухумлари майдада ва оқ рангда, личинка тухумдан чиқишидан олдин сарғаяди. Тухумнинг бир учida хивчини, иккичи учida эса поясаси бўлиб, шу билан дарахт шохига ёпишиб туради. Личинкаси қанотсиз, сариқ ёки яшил, япалоқ бўлади. Катта личинкасида бошлангич қанот кўринади.

Нок бити имаго ҳолида нок пўстлари остида, шохларида қишлиайди. Дарахт куртак ёзишидан олдинроқ қишлоудан чиқиб жуфтлашади ва тухумини куртаклар яқинига қўяди.

Личинка ва имагоси нокнинг куртаклари, барглари, гуллари ва нозик новдаларини сўриб озиқланади. Ўзбекистонда 4-5 марта авлод беради.

**Тур - Олма бити - *Aphis pomi*.**

**Оила - битлар - *Aphididae***

**Туркум - тенгқанотлилар - *Hemiptera*.**

Барг битларига олма ва нок битидан ташқари, спирал шаклда буриширадиган бит, новда бити, қўрғошин тусли бит киради.

Олма бити яшил, баъзан сариқ яшил, қанотли битларининг олдинги кўкрагининг ярми ва кейинги кўкрак бўғимлари, қорин учи шира найчалари қора рангда. Имагоси 2 мм, нок шаклида бўлади. Нок битининг, қанотсиз шакли 2,9 мм, қанотлиси 2,2 мм бўлади.



**64-расм.** Олма яшил бити: куртакдаги личинкалари.

Ранги тўқ қўнғир, қанотсизи бинафша тусли товланиб туради, мўйлови сариқ, қорин учи ва шира найчалари қора. Қанотли битнинг ўрта кўкраги қора бўлади, шира найчалари қора, оёғини юқори қисмида пушти чизиқлари бор. Танаси чўзиқ бўлиб чивинга ўхшайди.

Барча барг битларининг тухумлари қора чўзинчоқ ва ялтироқ тусли бўлади.

Барг битлари дараҳтнинг ёш шохларида тухумлик босқичида қишлияди. Баҳорда куртаклар ёзилаётган вақтда тухумдан личинкалар чиқиб аввал бўртган куртакларни, кейинчалик барг ва гуллари ширасини сўриб озиқланади. Барг битлари баргларни буриштириб қўяди.

Урғочилари кўкламда 50 та, ёзда 20-30 та тирик тугади.

**Тур - Қизил қон шираси – *Eriosoma lanigerum* Haust**

**Оила - битлар - Aphididae**

**Туркум - тенгқанотлилар - Homoptera.**

Олманинг ашаддий зааркунандаларидан бири. У Ўзбекистондан ташқари барча қўшни мамлакатларда ҳамда бошқа давлатлар худудида кенг тарқалган.

Қизил қон ширасининг қанотсизи тўқ қизил рангда, 2,1-2,6 мм келади. Бундай ширани эзиб юборилса қизил рангли қонсимон суюқлик чиқади, шунинг учун ҳам ушбу шира бу номга эга бўлган. Ширанинг усти мумсимон оқ момик ғубор билан қопланган бўлиб, бу уни аниқ белгилайдиган хусусиятидир. Бундай ғубор қанотли зотнинг фақат қорнининг охирида бўлади. Танаси цилиндр шаклида бўлиб, узунлиги 2,2 мм келади, боши, кўкраги ва оёқлари қора, қорни тўқ жигаррангда. Тухуми чўзинчоқ, 0,5 мм бўлиб, дастлаб заргалдоқ рангда, кейинчалик қўнғир тусга киради.



### **65-расм. Қизил қон шираси – *Eriosoma lanigerum* Hausm**

Қизил қон шираси Ўрта Осиё шароитида турли ёшдаги личинка ва етук зот шаклларида олма дараҳтларининг илдизлари, пўстлоқ ости ва йўғон шохларнинг асосида қишлийди. Март-апрел ойларида уйғониб, ҳаракат қила бошлайди. Дараҳт танасининг нозик (очиқ) жойларига ёпишиб, тўда ҳосил қиласиди. Бундай жойлар оқ пахта каби қоплама билан қоплангандай бўлиб туюлади. Қизил қон шираси мавсумда 15-16 та бўғин бериб ривожланади. Заарланган дараҳт ва новдаларда ғурралар пайдо бўлиб, новда қийшаяди ва ривожланишдан орқада қолади. Қизил қон ширасининг личинкалари тўрт марта пўст ташлаб ривожланади. Улар дараҳтга ёпишиб олган жойидан кўчмай, бир жойда вояга етади. Май ойидан бошлаб қизил қон шираси колонияларида бошқа жойларга тарқаш учун қанотли зотлар пайдо бўла бошлайди. Лекин бу зааркунанда жойдан-жойга асосан кўчатлар билан тарқайди.

**Тур-Олма қандаласи – *Stephanitis oshanini* Vas.**

**Қандалалар -Hemiptera.**

**Оила-Доира тўрлилар (кружевницы) – Tingidae.**

**Тур-Нок қандаласи – *Stephanitis pyri* F.**

**Қандалалар -Hemiptera.**

**Оила-Доира тўрлилар (кружевницы) – Tingidae.**

Ҳар иккаласи ҳам Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ва қўшни давлатларда кенг тарқалган ҳашарот бўлиб, биринчи галда олма ва нок дараҳтларига катта зарар етказиши мумкин.

Олма қандаласи шакли жиҳатидан тўқилган доира тўрларни эслатади, у ҳаракатчан ва яхши учади. Июл-август ойларида заарланган барглар уст томони оч яшил-оқ бўлиб товланади, бу – ост тарафидан қандала етказган зарар оқибатидир. Қандаланинг узунлиги 3,5 мм келади, ранги қора-қўнғир, олдинги қанотлари кенг, ойнадек тиниқ, нотўғри шаклдаги қорамтири доғлари ва томир тўрлари бор, шу сабабли қанотлари тўрсимон кўринишга эга, орқадаги жуфт қанотлари қамбарсимон. Ургочисининг қорин учи

юмалоқланган, эркакларида эса юмалоқланган кичкина қирра ва буқланадиган қармоқлари бор. Қандаланинг бошида тўртта тикансимон ўсимтаси бор. Тухуми қора, чўзиқ, орқадаги учи бироз эгилган.

Қандала личинкасининг бош, кўқрак ва қорнида тиканли ўсимталар мавжуд. У 5 ёшни ўтаб силлиқлашади, кўкрагининг олд томонида йирик куракчасимон ўсиқларнинг куртаклари пайдо бўлади.

Олма қандаласи етук зот шаклида хазон ораси ва пўстлоқлар остида қишлиб чиқади. Апрелдан бошлаб олма ва нок дарахти баргларига ботириб тухум қўяди, ундан 20-25 кунда личинка очиб чиқади ва 20-25 кундан кейин вояга етади. Шундай қилиб, тўлиқсиз ривожланадиган бу қандала кейинги 2-бўғинни бошлаб беради. Бу бўғиннинг зичлиги каттароқ бўлиб, дарахтни қийнаб қўяди, новда силкитилса, ҳашарот аввал тўкилиб, кейин учиб кўтарилади.

Заарланган дарахт барглари оч яшил тусга киради, баргнинг орқа тарафи қандала экскрементлари билан ифлосланади, баргларда фотосинтез жараёни сусаяди, дарахтлар қийналади, барглар тўкилади, ҳосилдорлик ва унинг сифати кескин пасаяди. Нок қандаласининг ҳаёт кечириши ҳам олманикига жуда ўхшаб кетади.



**66-расм.** Олма қандаласи – *Stephanitis oshanini* Vas.

**Түр - Олма вергулсимон қалқондори – *Lepidosaphes ulmi* L.**

**оила - қалқондорлар - *Diaspididae***

**туркум - тенгқанотлилар - *Homoptera*.**

Жуда кенг тарқалган, терак, тол, атиргул, барча мевали дарахтлар ва олмани кўпроқ заарлайди. Вергулсимон қалқондорнинг узунлиги 1-3 мм келади (58-расм). Урғочисининг танаси чўзиқ, орқа учи кенгайган, ранги оқимтири-кулранг, эркаги майдароқ. Тухуми оқ, овал шаклда.



### **58-расм. Олма вергулсимон қалқондори ва зарари**

Вергулсимон қалқондор үлган она қалқони остида тухум шаклида қишилаб чиқади. Баҳорда ҳаво ҳарорати  $8-9^{\circ}$  дан ошганда тухумлардан личинкалар очиб чиқиб, дараҳт бўйича ҳаракат қиласи, нозик ерини топгач, санчиб оғиз найчаларини тўқима ичига жойлаштиради ва ортиқча ҳаракатланмай ривожланаверади. У 15-20 кунда 1-ёшни, 20-30 кунда 2-ёшини ўтаб, урғочи зотга айланади. Личинкалари ривожланиш давомида устидан махсус моддалар ажратиб ўзини ҳимоя қиласидиган оқиш қоплама ҳосил қиласи. Қоплама сонига қараб зааркунанданинг зичлигини аниқлаш мумкин. Жуда кўпайиб кетган пайтларда новданинг ҳар 1 см<sup>2</sup> да 50 тадан ортиқ қалқон мавжуд бўлади. Кузга бориб эркак зотлари пайдо бўлади, урчигач урғочи зот 50 тадан 100 та гача қишлийдиган тухум қўяди ва ўлади. Ўзбекистон шароитида мавсумда 2 марта бўғин бериши мумкин, одатда эса бир марта.

**Тур - БИНАФШАРАНГ ҚАЛҚОНДОР – *Parlatoria oleae* Colv**

**оила - қалқондорлар - *Diaspididae***

**туркум - тенгқанотлилар - *Homoptera*.**

Урғочисининг қалқони 2 мм, юмалоқ ёки нотўғри юмалоқ бўлиб, эркагининг ранги оч кул ранг, ўртачаси қорамтири тусли, урғочисинийг танаси бинафша рангда. Эркагинийг бир жуфт қизғиши - бинафша гусли 1мм узунликдаги қаноти бор. Эркагининг қории қисминий охирги бўғими узун ўсимтага айланган. Тухуми чўзиқ, бинафша ранг, 0,1 - 0,2 мм.



**67-расм.**Бинафшаранг қалқондор: дараҳт танасидаги қалқондор; заарланган олма новдаси

Личинкалари 2-ёшидан фарқланади, эркак личинкалари гавдаси чўзиқроқ. Эркак личинка чўзинчоқ қалқон остида бўлиб, тахминан 1мм узунликда бўлади. У секин аста оёқ чиқаради. Урғочилари чала ўзгариб ривожланади. Эркаклари ҳаракатсиз босқични ўтайди, бу тўла ўзгаришли ҳашаротларни ғумбак босқичига тўғри келади. Урғочи имагоси уруғланган ҳолатда дараҳт шоҳларида қишлиайди.

*Тур - Ақация соҳта қалқондори – Parthenolecanium corni Bouche.*

*Оила - қалқондорлар - Diaspididae*

*Туркум - менгқанотлилар - Homoptera.*

Нисбатан йирик ҳашарот – урғочи зотнинг узунлиги 3,6-6 мм, кенглиги 2-5 мм, баландлиги 4 мм. Ранги тўқ сариқдан қизғиш-қўнғир тусгача. Эркагининг узунлиги 1,4-1,6 мм, чўзиқ ингичка, бош, кўкрак ва қорни ажралиб туради, 1 жуфт қанотлари мавжуд, оёқлари ҳамда 10 бўғинли сариқ мўйловлари бор, қорнининг охирида 2 та танасидан узун туклари бор. Янги қўйилган тухумлари оқ, овал шаклда, 0,175-0,275 мм келади. Личинкалари: 1-ёши кенг, оч сариқ тусда; 2-ёши қизил-қўнғир тусда; 3-ёши йирик қалқонга эга, ранги қизғиш-қўнғир тусда (60-расм). Барча мевали ва манзарали дараҳтларни ҳамда кўп йиллик ўтларни заарлаши мумкин.

Ақация соҳта қалқондорининг 2-ёшдаги личинкалари дараҳтларнинг турли пана жойларида (пўстлоғининг ост томони, пўстлоқ ёриқлари, новда айрилган жойлар ва ерга яқин йиғилиб) қишилаб чиқадилар. Одатда уларнинг ярмидан кўпи қиши мобайнида ўлиб кетади. Баҳорда (март-апрел) кун етарлича исиши билан личинкалар қўзғалиб, ёш новдаларга кўчиб ўтиб ривожини бошлайди. Апрелда личинкалар яна бир пўст ташлаб етук урғочи зотга айланади ва 15-18 кундан кейин вояга етиб тухум қўйишга киришади. Тухумни ўзининг қалқони тагига қўяди. Қўйган тухум сони ўзгарувчан

кўрсаткич: олмада – 1214 та, олхўрида 544 – 1638 та, тутда – 1450 та, акацияда – 853-2218 та гача. 15-20 кундан кейин тухумлардан личинкалар очиб чиқа бошлайди.



**68-расм.**Акация сохта қалқондори: мевадаги қалқондор; заарланган олма новдаси

Бу пайтда (айниқса иссиқ ҳаво ва паст намлик шароитида) кўплаб личинкалар қирилиб кетади. Қолганлари она қалқонининг четидан ташқарига чиқиб дараҳт бўйлаб тарқалади ва асосан баргларни ишғол этади. Шунинг учун уларни «дайди» личинка деб ҳам аталади. Озиқланиб бўлгач, улар ҳам етук урғочи зотга айланади ва янги бўғинни бошлаб беради. Ўзбекистон шароитида мавсумда 2-3 бўғин бериб ривожланади. Охирги бўғинининг личинкалари дараҳтнинг новдалари ва шохларини ишғол этади.

**Тур- Шиши қўзғатувчи нок канаси – *Eriophyes pyri* Pagst.**

**Оила - Тўрт оёқли каналарнинг *Eriophyidae*.**

Нок, олма, беҳи, дўлана ва бошқа дараҳтлар билан озиқланади.

Нок канаси жуда майда, узунлиги 230 мкм келади (лупасиз кўринмайди), танасичувалчангсимон чўзиқ, қорнида кўндаланг эгатлар, орқа томонида қатор-қатор дўмбоқчалар бор.



**69-расм.**Шиши қўзғатувчи нок канаси: заарланган нок барги

Нок канаси етук зот шаклида куртаклар ёнида ёки пўстлоғи остида тўпланиб қишлиб чиқади. Март-апрел ойларида ҳаво ҳарорати 10° дан ошганда чиқиб озиқлана бошлайди. Янги уна бошлаган куртак баргларини сўриши натижасида баргларнинг юқори томони қавариб, остки томонида 2-3 мм ли галл (шиш) ҳосил бўлади. Шишлирнинг ичи ковак бўлиб, баргнинг ички томонидаги кичкина юмалоқ тешик ёрдамида ташқарига туташади. Каналар галлнинг ичидаги озиқланиб кўпаяди. Келгусида майда галлар қўшилиб, ўзига хос қора доғлар ҳосил қиласади. Нок канаси мавсумда 4-5 та бўғин бериб кўпаяди. Кана популяциясида эркак зотлари кузга томон кўпая боради.

Шишил қилувчи нок канасининг зарари туфайли дараҳт барглари ва меваларининг кўп қисми етилмасдан тўкилиб кетади. Ҳосилдорлик баъзан ярмига камайиб кетиши мумкин.

**Тур- Нок барг бургачаси (листоблошка) – *Psylla pyri* L.**

**Кенжса туркум - Псилиидлар ёки барг бургачалари *Psyllinea***

Барг бургачаларининг етук зотлари 2 жуфт қанотга эга, яхши уча олади. Олдинги жуфт қанотлари тиник, орқадаги чеккасида қорамтири доғи бор, орқа қанотлари олдингиларига қараганда калтарок. Қанотлари йифилганда катталиги 2,5-3 мм келади. Ранги қишида қорамтири-қўнғир, ёздаги бўғинлари эса тўқ сарик-қизил (62-расм).

Тухуми (0,3 мм) чўзиқ овал шаклда, олдига қараб қисилган, кичик ўсимта орқали баргга бириктирилган, ранги оқ, кейинчалик сарғаяди. Личинкалари (нимфа) қанотсиз, катталиги 1-ёшда 0,36-0,54 мм, 5-ёшда эса 1,56-1,9 мм. Ранги тўқ сарикдан яшил-қўнғиргача ўзгаради.



**70-расм.** Нок барг бургачаси.

Урғочи ва эркак етук зотлари дараҳт остидаги хазонларда ҳамда ёриқ ва пўқаклар ичидаги қишлиб чиқади. Қўшимча озиқланиш учун баҳорда жуда эрта уйғонади. Баъзан феврал охири – мартда уйғониб, нокнинг ёйилаёт-ган

куртакларига ҳамла қиласы. Ўртача кунлик ҳаво ҳарорати 5° га етгандыңда үрчиш, 10° бўлганда тухум қўйиш бошланади. Қишлоғ чиққан ургочи зот 30-40 кун яшайди ва чўзиқ тўплар қилиб жами 400-850 та тухум қўйиши мумкин. Тухумларни куртак остига ҳамда пўстлоқ ёриқларига (чизиқларига) қўяди, кейинчалик гулбанди ва баргларнинг устки ва остки тарафига ҳам қўяди. Барг ёки новда қуриса, тухумлар ҳам қирилиб кетади. Тухумлардан 6-23 кунда личинка очиб чиқади ва кур-так барглари ичига кириб сўради. Натижада ширин суюқлик оқиб чиқиб, дарахтни ифлослантиради, чумоли ва арилар қўпаяди. Ривожланиш даврида нимфа 5 та ёшни бошдан кечириб етук зотга айланади. Мавсум мобайнида минтақамизда барг бургалари бешта бўғин бериб ривожланади.

Барг бургачалари монофаг, фақат бир хил дарахтда ривожланиб айрим жойларда нокнинг ашаддий зааркунандасига айланган. Унинг таъсирида ҳосилдорлик пасайишидан ташқари дарахтлар тезда қуриб қолиши ҳам мумкин.

**Тур - ОЛМА ҚУРТИ - *Carpocapsa pomonella*. L.**

**оила – баргўрарлар - Tortricidae**

**Туркум - танга қанотлилар - Lepidoptera**

Капалагининг катталиги қанотларини ёзганда 1,5-2 см келади, олдинги қанотлари кул рангда бўлиб асосий қисми ва учи қорамтири, ташқи четида биттадан қўнғир қўзсимон доғи мавжуд, унинг ялтироқ хошиялари бор. Орқа қанотлари оч қўнғир тусли. Қанотларининг ташқи чеккасида калта қорамтири попуги бор.

Тухуми юмалоқ яссиланган, оқимтири бўлади.

Вояга етган қуртнинг узунлиги 18 мм га етади, усти пушти ранг, пасти оқ ёки сарғиши, ёш қурт эса оқ рангда бўлади. Қуртнинг боши ва энса усти оч қўнғир ёки қизғиши тусда бўлади.

Ғумбаги 10-12 мм жигар рангда, қорнининг 2-7 бўғимида, орқа томонида 2 қатордан тиканлари кўринади, 8 ва 9 бўғимларида ҳам қорни учидаги бир қатордан узунроқ тикан бор.

Олма қурти пилла ичидаги ғумбакка тайёрланган қуртлик босқичида қишлиайди.

Кўкламда ҳарорат 9°C дан паст бўлмагандаги ғумбакка айланади ва олма гуллагандаги учидаги чиқади. Урғочиси барг ва мева тугунчаларига тухум қўяди. Урғочиси 50 та тухум қўяди. Битта қурт 2-3 га ғўр мевага зарар етказади.

Қурти мевани эт қисми билан озиқланади. Бир йилда 3 марта авлод беради.



### 71-р а с м. Олма қурти ва заарланган меванинг ташқи кўриниши

**Тур - Олма куяси – *Yponomeuta malinellus* L.**

**Оила – Ҳақиқий тоғолди куялари - *Yponomeutidae***

**Туркум - танга қанотлилар - *Lepidoptera***

Капалаклари қанот ёзганда 16-22 мм келади, олд қанотларида кумушсимон, 3 қатор жойлашган майдага қора нуқталари мавжуд. Тухуми сарғиш, овал шаклда. Қуртларининг энг каттаси 13-16 мм, ранги кулранг-сариқ, елка томонида 2 қатор қора нуқталар жойлашган. Ғумбаклари (10 мм) сариқ, оқ зич пилла ичидаги жойлашади.



Олма куяси (Г. Ванек ва б. маълумоти бўйича):

1-қаноти ёзилган капалаги; 2-барг устидаги капалаги; 3-қуртлари ва ғумбаги

Олма куяси биринчи ёш қуртлик шаклида тухумни беркитиб турган «қалқон» тагидан чиқмаган ҳолда қишлиб қолади. Бундай шароитда қуртлар кучли совуққа ҳам бардош бера олади. Дараҳтларнинг куртаклари ёзила бошлагач қуртлар қишлиётган жойини ташлаб, куртаклар ва ёш барглар

билин озиқланана бошлайди. Қуртлар ёш баргларнинг этини ичидан еб, устки ва пастки пўстига тегмай «говак» ҳосил қилиб шикастлайди. Кейинчалик қуртлар барг ичидан ташқарига чиқади, баргларнинг юқори қисмида қалин ўргимчак иплар ясади ва орасида озиқланади. Қуртлар гурух-гурух бўлиб яшайди, бир шохчанинг баргларини еб бўлиб, биргалашиб кейинги шохчага ўтади, шундай қилиб, айрим шохларгина эмас, балки дараҳт умуман ўргимчак уяси билан қопланиб қолиши мумкин. Олма гуллаганидан бир ой ўтгач қуртлар ривожланиб бўлади ва ўргимчак ипининг панасида пиллага ўралиб олади. Пиллалар бир-бирига зич тақалиб туради (85-расм).

Июн-июлда вояга етган капалаклар пайдо бўлади, улар тунда учади, урчиб тухум қўяди. Тухумни ингичка шохларнинг пўстлоғига ва новдаларнинг остига 25-65 тадан тўп-тўп қилиб қўяди. Тухум устига қўйиб кетилган шилимшиқ модда ҳавода қотиб, ҳимоя қалқонини ҳосил қиласи. Тухумлардан чиқсан қуртлар қалқон тагидан чиқмай, кейинги йилгача диапаузага кетади. Шу даврда ҳаво иссиқ ва намлик паст бўлиб, 100 кун мобайнида ёғингарчилик бўлмаса, қуртлар нобуд бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон шароитида олма куяси фақат тоғолди худудларида учрайди. Олма куяси бир йилда бир бўғин беради.

Олма куяси – олигофаг. У асосан олма, кейин дўлана ва айрим манзарали дараҳтларни заарлайди. У дараҳт куртакларини, кейин эса баргларини ҳам еб қўяди. Шикастланган дараҳтлар ҳосил бермайди ёки паст бўлади, ўсиши сусаяди.

**Тур - Шафтоли катта ёки тана бити – *Pterochloroides cha l*  
оила – ўсимлиқ битлари ёки ширалар - Aphididae  
туркум - тенгқанотлилар - Homoptera**

Узунлиги 4 мм, йўғонлиги 2 мм келади. Шира найчалари ўрнида шира думбоқчалари бор. Гавдаси нок шаклида, личинкаси чўзинчоқ, қанотли бит, қорни юқоридан яссолланган, имагоси кулранг, қора доғлари бор.



Шафтоли катта ёки тана бити

Тухуми қора, ялтироқ, чўзинчоқ овал шаклда. Шафтоли катта бити тухум босқичида данакли мева дарахтларини танасида қишлиайди. Битта урғочиси 50 тадан 90 тагача тирик тугади, кузда ўртача 14 дона тухум қўяди. Бир йилда ўн бир марта авлод беради.

Шафтоли катта бити йўғон шохлар асосида кўпинча пастки томонидан ва дарахт танасида тўп-тўп бўлиб дарахт ширасини сўриб зарап етказади.

**Тур - Олхўри соҳта қалқондори – *Sphaerolecanium prunastri* Fonsc.**

**Оила - Қалқондорлар - Diaspididae**

**Туркум - Тенгқанотлилар - Homoptera.**

Айниқса олхўри, шафтоли каби данакли мева дарахтларига қаттиқ зарап етказади. Урғочи зотнинг қалқони ярим шар шаклида бўртган, қўнғир-қора тусда. Танасининг узунлиги 3-3,5 мм, кенглиги 2,7-3,2 мм келади. Эркаги шакли бўйича кескин фарқ қилади. Биринчи ёш личинкалари овал шаклида чўзиқ, сариқ ёки қизғиши тусда, мўйлови 6 бўғинли, танасининг четида 13 жуфт тукчалари мавжуд, узунлиги 0,45 мм, кенглиги 0,2 мм. Иккинчи ёш личинкаларининг усти юпқа, тиник мум чангиги билан қопланган, тана четида 19 жуфт тукчалари бор, узунлиги 1-2 мм.

Иккинчи ёш личинкалари дарахт пўстига ёпишиб қишилаб чиқади. Баҳорда ҳаво ҳарорати 6-7° га етиши билан ҳаракатга тушган личинкалар қулай очиқ жой топиб озиқлана бошлайди. Етук урғочи зотлари май ойида пайдо бўлади ва урчиб ёки урчимасдан (партеногенез) тухум қўйишга киришади. Тухумни ўзининг қалқони тагига қўяди, бу давр 16-20 кунни эгаллайди. Битта урғочи зот 2 ой мобайнида 696 донагача тухум қўйиши мумкин. Ўзбекистон шароитларида олхўри соҳта қалқондорининг ҳар бир урғочи зоти 500 дан 2000 тагача тухум қўйиши мумкин.

**Тур - ОЛХЎРИ ҚУРТИ – *Laspeyresia funebrana***

**оила – баргўрарлар - Tortricidae**

**туркум - танга қанотлилар - Lepidoptera**

Капалак қанотларини ёзиб турганда катталиги 12-17 мм бўлади капалаги кул рангда бўлиб, устки қанотлари пастки қанотларидан қорамтироқ, устки қанотларида қўндалангига торқоқ ҳолдаги қўнғир, тўлқинсимон чизиқлар ўтган, олдинги қанотларининг олдинги чеккасида оқ қармоқсимон чизиқлар бор.

Тухуми оқ, юмалоқ бўлиб, диаметри тахминан 1 мм келади. Етук куртлари 12-15 мм келади, ёшлигига оқимтирилган эса пушти ёки қизил рангга киради. Гумбаги 6-7 см бўлиб, оч жигар рангда. Олхўри курти пилла ўраганда, дарахт пўсти рангли ойсимон доги бўлади. Тўла ўзгарувчан ҳашарот бўлиб тухумини ўсув нуқталари ва гул асосига қўяди.



**74-расм.** Олхўри қурти: капалаги

Тухуми гумбазсимон бўлиб диаметри 0,5-0,7 мм, баландлиги 0,4-0,5 мм келади. Тухумлари аввал оқиш-кулранг, кейин эса қўнғир тусга киради. 4-6 кунда тухумдан оч-кўқ оқ бошли личинка чиқади. Кўп ўтмай унинг бош қисми қораяди ва танасини ранги эса тўқлаша боради. Личинкалари, озиқланиб бўлгач тупроққа тушади ва 5-12 см чуқурликда ғумбакка айланади. Ғумбак 17-21 мм бўлиб, оч пушти сариқдан қизғиш-жигар ранггacha ўзгаради.

**Тур - Шарқ мева қурти – *Grapholitha molesta* Busck.**

**Туркум - Танга қанотлилар – Lepidoptera**

**Оила – Баргўрарлар - Tortricidae**

Ўзбекистонда ички карантин объекти ҳисобланади.

Шарқ мева қурти дунёда кенг тарқалган ҳашарот. У Австралия, Шимолий ва Жанубий Америка, Европанинг ўрта ва жанубий қисмида, Украина, Кавказ, Россиянинг жанубий-ғарбий қисми учрайди. Ўзбекистонда шарқ мева қуртини Фарғона водийсининг барча ҳудудларида учратиш мумкин.

Капалаги қанот ёзганда 11-15 мм келади, олд қанотлари қорамтири-қўнғир, олд четидан 7 та жуфт оқиши ялтироқ чизиклар ўтади, орқа қанотлари оқроқ-оч жигарранг. Тухумининг узунлиги 0,5-0,9 мм, кенглиги 0,4-0,8 мм келади, ранги оқ, кейинчалик қизара бошлайди. Қуртлари (9-13 мм) 1-3 ёшида – боши қора, танаси оқ тусда, кейинги ёшларида (4-5) қизариб, боши ва кўқрак қалқони жигаррангга айланади. Ғумбаги 5,2-7,6 мм, тузи жигарранг, танасининг охирида 10-18 та тиканчаси мавжуд. Капалак чиқишидан олдин ғумбак қораяди.

Шарқ меваҳўри етук қурт шаклида мева дарахтларининг ўзида (пўстлоқ ости, ғоваклар) ҳамда ерда хасчўплар остида зич пилла ичида қишлиб чиқади. Баҳорда (шофтоли ва ўрик гуллаган даврда) қурт ғумбакланади ва ундан капалак учиб чиқади. Бир неча кундан кейин урғочи зот тухум қўйишга киришади. Ҳар бир зот бир нечтадан 100 тагача тухум қўйиши мумкин.

Тухумини якка-якка қилиб уруғлик мева дарахтларига (олма, нок, беҳи) – новдаси учидаги силлиқ баргларнинг юқориги томонига, данакли мева дарахтларига эса (шафтоли, ўрик, олхўри) баргнинг ост томонига қўяди. 7-12 кундан кейин (баҳорда) тухумдан қурт чиқиб, новданинг ўсиш нуқтасига кемириб киради ва ўзагидан пастга қараб 6-11 см ли йўлак очади. Қаттиқ қисмга келгач кемириб ташқарига чиқади ва бошқа новдага (ёки мевага) киришга ҳаракат қилади. Новданинг заараланган қисми сўлиб қурийди, у «чеканка» қилингандек шохлаб кетади. Шарқ меваҳўрининг қуртлари новдалардан ташқари олма қурти сингари дарахт меваларини ҳам шикастлаши мумкин. Бунда данакли мевалар ичида (9-14 кун) уруғлик мевалар ичидан кўра (16-24 кун) камроқ вақт бўлади. Озиқланишни тутатгач ташқарига чиқиб турли панароқ жой топади ва зич пилла ясад ичида ғумбакка айланади. 8-17 кундан кейин янги бўғин каплаклари пайдо бўлади. Шарқ меваҳўрининг бир бўғини ривожланиши учун турли иқлим-шароитда 24 кундан 65 кунгacha вақт талаб этилади. Ўзбекистон шароитида (Фарғона вилояти) шарқ меваҳўри 3 тадан 5 тагача бўғин бериши мумкин (Гуммелъ, 1993).

Шарқ меваҳўри асосан шафтолига ҳамда бошқа уруғли ва данакли дарахтларга шикаст етказади. Новдаси заараланган шафтоли ва бошқа дарахтларнинг ўсиш меъёри ўзгаради, заараланган мевалар истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади, ҳосилдорлик пасаяди.

Кураш чоралари. 1. Ташкилий-хўжалик ва агротехник чоратадбирларни ўтказиш, яъни зааркунанда муваффақиятли қишлиб чиқишининг олдини олиш лозим. 2. Шарқ меваҳўрининг ривожланишини аниқлаш ва унга қарши курашиш учун синтетик жинсий феромон (ЖФ) яратилган. ЖФ шимдирилган резина доиралар дарахтларга илиб қўйилади. Зааркунандани чалғитишга (дезориентация) мўлжалланган бу усул яхши натижа беради (Гуммелъ, 1993). 3. Шарқ меваҳўрига қарши курашда олма қуртига қарши белгиланган усул ва воситалар ишлатилади: алдамчи белбоғ боғлаш, инсектицидларни қўл-лаш дарахт гуллаб бўлгандан кейин бошланади, кейингиси 12-15 кун оралатиб ўтказилади. 4. Биологик кураш сифатида капалак тухум қўйишни бошлаган даврда трихограмма кушандаси тарқатилади.

### **З-амалий машғулот- Ёнғоқ ва ёнғоқ мевали дарахтларнинг заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.**

Ёнғоқ дарахтида тангақанотли (*Lepidoptera*)лар туркумига мансуб асосий зааркунанда ҳашаротлардан бодом мевасига ёнғоқ меваҳўри

(*Erschoviella musculara* Ersch.), новдаларига шарқ мевахўри, баргларига тенгсиз ипакчи (*Lymantria dispar* L.) ва танасига хидли ёғоч ўймакори (*Cossus cossus* L.) зарар келтириши кўзатилди, учраган зааркунандалар ичидагейинги вақтларда ёнғоқ мевахўрининг зарари ортиб бормоқда.

Ёнғоқ мевахўри – *Erschoviella musculara* Ersch., тангақанотлилар (Lepidoptera) туркуми, тунламга ўхшашлар (Cymatophoridae) оиласига мансуб бўлиб, Марказий Осиёнинг барча ҳудудларида кенг тарқалган зааркунанда ҳашаротдир [1; 10-13-б.]. Ушбу зааркунанда тури Марказий Осиё давлатлари учун эндемик бўлиб, у бодом ва ёнғоқ ўсадиган барча ҳудудларда учрайди. Етук ҳашарот–капалагининг катталиги 8-11 мм, қанотларини ёйганда 16-25 мм. Етук қуртининг узунлиги 16 мм гача етади, ранги қорамтири ёки яшил-қўнғир. Боши, олд кўқрак ва анал қалқонлари қўнғир. Бутун танаси қўнғир, тукли сўгаллар билан қопланган.

Бодом мевалари одатда ушбу мевахўр билан 20-30 % гача, баъзи йиллари эса 60-80% гача заарланади. Мевалар заарланиши икки хил, яъни данаги қотмаган ёш меваларда қурт ядронинг марказини еб қўйиши натижасида мевалар тўкилиб кетади. Пўчоғи қотган меваларда қурт фақат мева ёнлиги билан озиқланиб, унинг бутун этини еб қўяди ва фақат ташқи пўстлоғини қолдиради, натижада мева бутунлай қораяди ёки унда тўқ-қўнғир чизиклар ва доғлар ҳосил бўлади. Зааркунанданинг 2-3-авлод қуртлари тана ёриқларида қишлийди.

Тадқиқот натижаларига кўра 2018-2020 йилларда ўтказилган кузатувларда Фарғона вилояти шароитида Ёнғоқ мевахўри (*Erschoviella musculara* Ersch.) турининг 5 туркум 10 оиласига мансуб 28 тур энтомофаг турлари учраши аниқланди. Энтомофагларнинг сиситетматик таҳлилига кўра ўрганилган манбалар асосида тузилди.

Унга кўра ёнғоқ мевахўрининг турли ривожланиш босқичлари билан озиқланувчи энтомофаглар ихтисослашган ва хаммахўр турларга ажратилди. Бундан ташқари ўрганилган ҳудуд агробиоценозида йиртқич ва паразит энтомофагларга кўра паразитларнинг миқдори юқорилиги аниқланди.

Аниқланган энтомофагларнинг оиласига кўра *Braconidae*, *Trichogrammatidae*, *Ichneumonidae*, *Chalcidoidea*, *Pteromalidae*, *Encyrtidae*, *Tachinidae*, *Coccinellidae*, *Chrysopidae*, *Miridae* оиласиги учраб, улардан *Braconidae* оиласига кирувчи турлар сифатида *Microgaster nemorum* Htg., *Microdus rufipes* Nees., *Macrocentrus delicatus* Cress., *Ascogaster quadridentatus*., *Trichogrammatidae* оила вакиллари сифатида *Trichogramma embryophagum* Htg., *Trichogramma evanescens* Gir., ҳамда энг кўп учровчи *Ichneumonidae* оиласининг вакиллари сифатида *Diadegma armillata* Grav.,

*Scambus brevicornis* Grav., *Mastrus deminuens* Hartig., *Pimpla turionellae* Lin., *Pimpla inquisitor* Scop., *Liotrifon punctulatus* турлари учраши қайд қилинди.

Шунингдек, энг кам учраган турлар сифатида *Chalcidoidae* оиласининг *Elasmus albipennis* Thomson., тури, *Pteromalidae* оиласининг *Dibrachys cavus* Walk. турлари рўҳатга олинди. Ушбу турлар нисбатан кам учрасада зааркунанда қурт ва ғумбакларининг миқдорини бошқаришда паразит хўжайин муносабатларида иштирок этади. Ушбу турларни кўпайтириш ва кўллаш имконияти мавджуд. *Encyrtidae* оиласидан ҳам бир дона паразит аниқланди *Ageniaspis Tachinidae* оиласи ҳам зааркунанда миқдорни бошқаришда аҳамияти катта бўлиб, булардан *Dexia rustica* F., *Tiphia femorata* F., *Scolia hirta*., *Lydella nigripes* Fall, Қаттиққанотлилар сифатида *Coccinellidae* оиласининг вакиллари боғдорчиликда нисбатан кўп учраб баргўровчилар миқдорини камайтиришда ўрни юқори бўлди ва *Adalia bipunctata* Lin., *Adonia variegata* Gz., *Exochomus flavipes* Thurb, *Coccinella punctata* Lin., *Coccinella septempunctata* Lin., турлари учради. Шунингдек яна бир йиртқич энтомофаг сифатида *Chrysopidae* оила вакилларидан *Chrysopa carnea* Step., *Chrysopa septempunctata* Wegm. турлари энг кўп учраб ҳаммахўр энтомофаглар сифатида рўйҳатга олинди.

Ўрмонзорларда ёноқнинг асосий зааркунандаси ёнғоқ меваҳўрига қарши кимёвий препаратлардан Аваунт, 15 % э.к. препарати гектарига 0,5 кг сарф меёрида кўлланилган вариантизизда ўртача бир тупдаги бодом дарахтидаги мевалар миқдори 525,6 донани ташкил этган бўлса, шундан мавсум давомида тўкилган мевалар 66,2 донани ташкил қилди. Шундан, ёнғоқ меваҳўри билан заарланиб тўкилган мевалар сони 16,4 донани ташкил этган бўлса, механик шкастланган (шамол, турли касалликлардан) мевалар 49,2 донани ташкил этди. Мавсумда жами ҳосилга нисбатан соғлом етиштирилган мевалар 87,5% ни ташкил қилган.

Ўрмонзорларда етиштирилётган бодомда агробиоценозида зааркунанда ва энтомофагларини турларини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасига қўра тангақанотли (*Lepidoptera*)лар туркумига мансуб асосий зааркунанда ҳашаротлардан бодом мевасига ёнғоқ меваҳўри, новдаларига шарқ меваҳўри, баргларига тенгсиз ипакчи ва танасига ҳидли ёғоч ўймакори каби зааркундалар зарар келтириши кўзатилди, учраган зааркундалар ичиди бугунги кунда ёнғоқ меваҳўри доминант тур зааркунанда эканлиги қайд этилди. Бундан ташқари 11 та оиласига мансуб 12 турдаги энтомофаглар жумладан, *Microgaster nemorum* Hrtg., *Microdus rufipes* Nees., *Macrocentrus delicatus* Cress., *Ascogaster quadridentatus*., *Trichogramma embryophagum* Htg., *Trichogramma evanescens* Gir., *Diadegma armillata* Grav., *Scambus brevicornis* Grav., *Mastrus deminuens* Hartig., *Pimpla turionellae* Lin., *Pimpla inquisitor*

Scop., *Liotrifon punctulatus* каби энтомофаглар зааркукнандалар микдорини бошқаришда аҳамиятли турлар сифатида учраши қайд қилинганд.

### Назорат саволлари

1. Ёнғоқ мевахўри неча марта авлод беради?
2. Ёнғоқ мевахўрига қарши қандай кураш тадбирлари ўтказилади?
3. Бодом мевахўрига қарши қандай кураш тадбирлари ўтказилади?

**4-амалий машғулот- Полиз экинлари, картошка экинлари заарли организмларига қарши ўйғунлашган кураш усуллари.**

*Тур- занг канаси- Aculops Lucopersici Massee*

*Оила- каналар- Acaridae*

*Туркүм- каналар- Acari*

Занг канаси помидор, картошка ва бойимжонни кучли заарлайди.

Заарланган ўсимликларнинг барги, шохи, пояси қорайиб қурийди. Кана асосан иссиқхоналарда қишлиб чиқади. Қулай шароит туғилса, йил бўйи ривожланади. Очик майдонлардаги экинларга қўчат орқали ўтади.

Помидор занг канаси жуда майда, оддий қўз билан кўриб бўлмайдиган бўғимоёқли жонивор бўлиб, нимфаси 100 мк (микрон), етук зоти эса – 135-160 мк келади. Ранги тиниқдан сарғишгача. Танаси чўзиқ, цилиндрсизмон, орқа учи торайиб тукчалар билан якунланган, 2 жуфт оёқлари бор.



Занг канаси- *Aculops Lucopersici Massee*

Ҳарорат 27-28<sup>0</sup> С намлик эса 30-40% бўлганда кана яхши ривожланади. Бундай шароитда 6 кунда бир авлоди ривожланади. Битта урғочи кана 50 тагача тухум қўяди ва 40 кундан ортиқ яшайди.

Помидор занг канаси йил давомида ривожланиши ҳам мумкин. Бунда очик ердаги экинлардан кузда иссиқхоналарга ўтиб ривожини давом этади.

Кўп қисми ёзда қаерда ривожланган бўлса, ўша ерда қишлиб қолади. Бунда ернинг устки қатламида, хасчўплар орасида нимфа ҳолатида қишлиайди. Зааркунанда учун энг мақбул шароит – бу ҳаво ҳароратининг 25-30°C, намлигининг эса 30-40% бўлишидир. Ушбу шароитларда кана ривожланишининг бир бўғини 7 кунда адо этилади. Бир мавсумда кана 15 дан 25 та-гача бўғин бериши мумкин, шулардан 10-15 таси июн-августда ўтади.

Помидор занг канаси асосан помидор ва картошкада бемалол ва тез ривожланади. Ундан кейинги ўринларни қора ва қизил итузум, қўйпечак ва бақлажон эгаллайди.

Кана ўсимлик баргларининг ҳам устки, ҳам остки тарафини босиши мумкин. Дастреб ўсимликнинг пастки барглари, новдалари заарланга бошлайди. У аста-секин юқорига тарқаб кетади. Заарланган новда қўнғир тусга эга бўлиб силлиқлашади, баргларида эса сариқ доғлар пайдо бўлиб, умумий тузи қўнғир бўла бошлайди. Заарланган гул ва майда мева нишоналари ҳамда барглари қуриб тўкилиб кетади, йирик меваларнинг юзида тўр сингари расм пайдо бўлиб, тиришиб ёрилади.

Бундай меванинг сифати ва қўриниши йўқолади, қисман чирий бошлайди. Қаттиқ заарланган ўсимлик ҳосили 100% нобуд бўлади. Айниқса июл-август ойларида помидор ва кечки картошка кўп талофат кўради.

Картошканинг ҳам новдалари силлиқлашиб, қўнғир тусга киради, барглари (пастдан бошлаб) қурийди, сарғаяди ва вақтидан илгари қуриб, ҳосил бермайди. Заарланган ўсимлик меваларида (помидор, картошка) сифат кўрсаткичлари ўзгаради: нордонлиги 32-35% га кўпаяди; таркибидаги қуруқ моддалар камаяди: қанд моддаси 45-72% га, аскорбин кислотаси 41-61,8% га, каротин 12-70% га, қуруқ оқсил 52-39% га (Маматов, 1993).

**Кураш чоралари.** 1. Помидор ва картошка экинларини ўзаро узокроқ масофада жойлаштириб экиш. 2. Ўсимликларни бардошли, яъни бақувват қилиб ўстириш; улардаги бошқа зааркунандаларга (шира, колорадо қўнғизи) қарши ўз вақтида кураш олиб бориш; ҳосил йиғиширилганидан кейин, албатта, ўсимлик қолдиқларини даладан олиб чиқиб ташлаб ерни шудгорлаб, қишида яҳоб сувини бериш. 3. Кимёвий кураш сифатида қуйидаги акарицидлардан фойдаланиш мумкин: олtingугурт кукунини чангитиш (15 кг/га), каратэ – 0,3 л/га, талстар – 0,5 л/га, неорон - 1 л/га, митак – 2 л/га, омайт – 1,5 л/га.

**Тур – Иssiқхона оқсаноти - *Trialeurodes vaporariorum* West**

**оила – оқсанотлар - Aleyrodidae**

**туркум – тенгқанотлилар -Homoptera**

Оққанот полифаг бўлиб, 82 та ботаник оиласа мансуб 200 та ўсимлик тури билан озиқланади.

Вояга етган оққанот 1-1,5 мм, катталика бўлиб, танаси оч сариқ, бир-бирига тенг оқ икки жуфт қаноти бор. Олд қанотларида битта қанот томири бўлиб, қанот охиригача етмайди. Танаси мумсимон оқ ғубор билан қопланган. Тухуми узунчоқ овал шаклда, қисқа пояси бор, яшил-сариқ рангда, узунлиги 0,4 мм, кенглиги 0,16 мм. Эмбриони ривожланган тухуми тўқ қора тусда бўлади. Оққанот личинкалари (дайди личинкалар) яssi-овал бўлиб, қисқа бўғимли мўйлови бор. Танаси оч сариқ. Катталиги 3 мм. Личинкалари 4 та ёшни бошдан кечиради. Учинчи пўст ташлашдан кейин вояга егган ҳашаротга айланади.



Иссиқхона оққаноти

Оққанотнинг кўпайиши ва тарқалиши жуда мураккаб. У тўлиқсиз мураккаб ўзгариб (гиперморфоз) ривожланади. Унинг якка ривожланиш цикли қуидагича: тухум, 1-ёшдаги личинка, 2- ёшдаги личинка, 3-ёшдаги личинка, 4-ёшдаги личинка ва вояга етган ҳашарот. Ҳашаротлар гомогенетик йўл билан кўпаяди. Жуфтлашган урғочи капалаклар тухумини ёш баргларнинг орқа томонига кўяди.

**Тур-Фовак ҳосил қилувчи пашиша-Liriomyza Mik.**

**Туркум- Икки қанотли ҳашаротлар ёки пашишалар - Diptera**

**Оила Agromyzidae**

Фовак ҳосил қилувчи пашишалар майда (1-4 мм) танага эга бўлиб, туси қорамтири-қўнғир, қанотлари тиниқ, кулранг ёки сариқ тусда.

Кўпчилик ғовак ҳосил қилувчи пашишалар сохта пилла ичидаги ғумбак шаклида қишлиб қолади. Бунда ҳаво ҳарорати 10° дан пасайгач, тўйинган личинкалар ерга тушиб 5-6 см чуқурликда ғумбакка айланади. Қулай шароит вужудга келиши билан пашиша ташқарига учиб чиқади ва қўшимча озиқлангач, урчиб тухум кўяди. Бунинг учун урғочи зот қаттиқ тухум

кўйгичи билан барг тўқималарини санчиб, биттадан тухум жойлаштиради. 3-4 кундан кейин очиб чиккан личинка тўқима орасида юриб, ғовак ясаб кетади. 5-6 кундан кейин тўйингач, барг сатҳига тешик очади ва узун нафас олгичини (дыхальца) унга тираб ғумбакка айланади. Бошқа турлари барг юзида (ярми ўсимлик тўқимасида, ярми ташқарида) кўриниб турган қўнғир сохта пупарийда ғумбакка айланади. Бир йилда диапаузасиз 10 тадан ортиқ бўғин бериб ривожланади, шундан ёзда – 5-7 та.

**Кураши чоралари.** 1. Бу зааркундаларга қарши курашда олдини олиш тадбирларини ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун иссиқхоналарда экин экишдан аввал тупроқдаги пашшани сунъий «уйғотиб» қириб ташланади. Ушбу мақсадда ҳаво ҳароратини  $20^{\circ}$  гача қўтариш кифоя. Шундан кейин бирорта пиретроид билан ишлов ўтказиш лозим. 2. Ғовак ҳосил қилувчи пашшалар билан кам заарланадиган экинларни алмашлаб экиш (бақлажон, қалампир, гулкарам ва б.). 3. Кўчат экишдан олдин иссиқхоналарга сариқ елим суртилган экранларни ерга яқин қилиб осиб қўйиб, пашшанинг етук зотларини йиғиб олиш ҳам яхши натижа беради. 4. Кўчат экилганидан кейин назорат ўтказиб, биринчи заарланган баргларни ташқарига олиб чиқиб кўмиб ташлаш керак. 5. Фарбий Европа мамлакатларида ғовак ҳосил қилувчи пашшаларга қарши курашиш мақсадида турли инсектицилар қўлланилади. Булар орасида энг самаралиси абамектин (вертимек, авермектин, агримек, динамек, зефир) ҳисобланади, сарфи 0,4-0,5 л/га. Бошқа инсектицилар ҳам пашшанинг етук зотига қарши иссиқхоналарда яхши самара бериши мумкин: *актеллик* – 3-5 л/га, *фуфанон* – 2,4-3,6 л/га, *арриво* – 0,4-0,5 л/га. Очик далаларда ҳам рухсат этилган сарф-меъёрларда инсектицид ишлатиш мумкин.

#### **Тур - Карам бити – *Brevicoryne brassicae* L.**

#### **оила - битлар - *Aphididae***

#### **туркум - тенгқанотлилар – *Homoptera***

Вояга етган қанотсиз зотнинг катталиги 2-2,1 мм келади, ранги оч яшил тусда, усти оқиш-кулранг мумси-мон қуқун билан қопланган. Танаси овал шаклда, орқага томон бир оз кенгайиб боради. Қорнининг уст томонида бир жуфт шира чиқарувчи найчалари билиниб туради. Қанотли урғочи ширанинг боши ва кўкраги жигарранг, қорни эса оч яшил бўлиб, қўндалангига ўтган жигарранг чизиқлари мавжуд (70-расм). Личинкаси етук зотдан факат кичикилиги билан фарқ қиласи. Тухуми ялтироқ қора, катталиги 0,5 мм, шакли чўзиқ.

Карам шираси Ўрта Осиё иқлим шароитида тухум ва етук урғочи зот ҳамда қисман личинка шаклида карам ва бошқа бутгулдош ўсимликларнинг ўзаги ва пастки баргларида қишлиайди. Совуқ қаттиқ бўладиган туманларда

бу ҳашарот фақат тухум шаклида қишилайди. Март-апрелнинг бошларида тухумдан чиқкан личинкалар озиқланиб етук урғочи зотга айланади. Улар тирик туғиб партеногенетик равишда кўпаяверади. Ҳар бир урғочи зот жами 30-40 та личинка туғади.



Карам шираси – *Brevicoryne brassicae* L.

Иккинчи бўғинидан бошлаб карам шираси колонияларида қанотли урғочи зотлар пайдо бўлиб, наслни бошқа озиқаларга тарқатиш учун хизмат қиласди. Лекин қанотли урғочи зотларнинг насллилиги қанотсизига нисбатан тахминан икки баравар кам бўлади. Карам шираси колониялар ҳосил қилиб асосан баргнинг ост томонида жойлашади, лекин популяция зичланиб кетганидан кейин бу ширани барг устида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Ёз мобайнида 25 тагача бўғин бериб ривожланади. Кузга келиб шира популяциясида эркак ва урғочи зотлар пайдо бўлади. Булар урчиб қишилаш учун мўлжалланган тухумни қўйишга киришади. Ҳар бир зот 3-4 та тухум кўяди. Бу турнинг оралиқ ўсимликлари йўқ. У фақат бутгулдош ўсимликларда озиқланади. Карам ширасини кўплаб табиий қушандалар кириб, сонини камайтириб туради.

Карам шираси асосан карамга, камроқ шолғом, редиска ва турпга зарар етказади. Шунингдек, бу ҳашарот ёввойи бутгулдош ўсимликларда ҳам ривожланади. Заарланган карам бутунлай ҳосил ўрамаслиги мумкин, барглари майдабўлиб қолади ва уст томонидан қавариб чиқади, ранги сарғаяди. Карам шираси Ўрта Осиё шароитида кўпроқ кечки карамни шикастлайди. Уруғлик учун экилган карамнинг ҳосили кескин камаяди.

**Тур- Карам оқ капалаги – *Pieris brassicae* L.**

**Туркум-капалаклар-*Lepidoptera***

**Оила-оқ капалаклар – *Pieridae*.**

Карам оқ капалаги йирик ҳашарот – капалаклари қанот ёзганда 55-60 мм келади. Капалаклари умуман оқ-оч сариқ тусга эга, қанотларининг сатҳи кенг, олд қанотларининг олдинги учида кенг қора доғи мавжуд, орқа қанотларининг олдинги четида эса биттадан қора томчи доғи бор (71-расм). Урғочи капалакнинг олд қанотларида иккитадан қора томчи доғи бор.

Мўйлови тўқмоқсимон. Тухумлари бутилкасимон, ранги сариқ, катталиги 1,25 мм га teng бўлиб, узунасига жойлашган қовурғалари бор. Етук куртларининг катталиги 40 мм га етади, ранги сарғиш-яшил, танасида жуда кўп сўгалчалар ва қора доғлари бўлиб, улар тукчалар билан қопланган. Ғумбаги ёпиқ типда, сариқ-оч яшил тусда, бурчакли, танасида кўп доғлари ва кисқа ўсимталари бор.



Карам оқ капалаги – *Pieris brassicae* L. ва личинкаси

Бу зааркунанданинг ғумбаги турли дарахтлар, девор панжаралари, қурилиш мосламаларида қишлиб қолади. Март-апрел (шимолий туманларда май-июн) ойларида уйғониб, капалаклар очиб чиқади. Бу ҳашарот кундузги бўлиб, капалаклари фақат иссиқ кундуз кунлари учади. Кечаси эса барг остида ва турли пана жойларда, қанотини тепага жуфтлаб, қимирламай ўтиради. Капалаклар жуфтлашиб тухум қўйишга киришади. Тухумини 15-200 тадан тўп-тўп қилиб (жами ўртача 200-300 та) бутгулдош ўсимликлар баргининг ост томонига қўяди. Бир ҳафтадан кейин куртлар пайдо бўлади. Ёш куртлар аввал тўп бўлиб яшаб, бир жойда озиқланади, 4-6 ёшларда эса тарқала бошлайди. Ҳаракатланиш мобайнида ўзидан ингичка ипак ажратиб, одатда унга тирмасиб озиқланиши ҳам мумкин. Иқлим шароитига кўра куртлар 15-30 кунда озиқланишни тутатади (бу вақт ичиде улар бутгулдош ўсимликлар баргини еб, фақат йўғон томирларинигина қолдириши мумкин). Ғумбакланиш учун бирорта мустаҳкам турган нарсага (поялар, барг томирлари, қозик, устун, хас-чўп ва ҳоказо) ўзини ипак билан боғлайди. Шимолий минтақаларда шу аҳволда қишлиб қолиб бир йилда бир бўғин беради. Ўзбекистон ва иқлим шароити унга яқин бошқа жойларда карам оқ капалаги бир йилда 4 бўғин бериши мумкин. Амалиётда карам оқ капалагини жуда кўп йиরтқич ва паразит энтомофаглар ҳамда касалликлар камайтириб туради. Бунга зааркунанданинг нисбатан очиқ ҳаёт кечириши сабабчи бўлади.

Тухумини трихограмма яйдоқчилари заарлайди, қуртларини турли браконидлар, жумладан апантелес авлодига киравчи яйдоқчилар, гумбагини ихнеумонидлар заарлайди, капалакларига эса турли йиртқичлар, жумладан ниначилар, қушлар ҳужум қиласы. Касалликлардан эса фляшерия касаллигини құзғатувчи вируслар ахамиятлидір. Бу касалликка дучор бўлган қуртлар ўсишдан тўхтаб сарғаяди, озиқланмайди, кам ҳаракат бўлади ва ички аъзолари суюлиб кетади.


Карам оқ капалаги ҳамма бутгулдош экин ва бегона ўтларга шикаст етказиши мумкин. Ўзбекистон шароитида бу зааркунанда ўртаги ва кечки карамни кучли заарлайди. Зарари айниқса ўсимлик карам бош ўрашидан олдин заарланса кўп бўлади – бунда мутлақо ҳосил олмаслик ҳам мумкин. Ўзбекистон шароитида ёзги карам ҳимоя қилинмаса ҳосилдорлик 60-70% га камайиши мумкин.

**Тур-Шолғом оқ капалаги – *Pieris rapae* L.**

**Туркум-капалаклар-Lepidoptera**

**Оила-оқ капалаклар – Pieridae.**

Капалаклари карам оқ капалагига жуда ўхшайди, аммо ундан майдароқ. Капалаги қанот ёзганда 35-40 мм келади. Олд қаноти учида жойлашган қора доғи ҳам унча катта эмас, урғочи капалакнинг олд қанотида тепа-паст жойлашган иккита қорамтири томчисимон доғи бор, эркагида эса факат биттадан, мўйлови тўқмоқсимон. Тухуми бутилкасимон, қовурғали, оч сариқ тусда. Қурти яшил тусда, усти қисқа туклар билан қопланган, елкасининг ўртасидан ва икки биқинидан 3 та сариқ чизик ўтган. Гумбаги яшил рангда, устида сийрак томчи доғлари бор.



**60-расм. Шолғом оқ капалаги – *Pieris rapae* L.**


Гумбаги турли ўсимликлар пояси, ёғочлар ва қозиқларда қишлиб қолади. Баҳорда капалаги карам оқ капалагига нисбатан барвақт учеб чиқади. Турли

гуллар шираси билан қўшимча озиқлангач, капалаклар урчиб тухум қўйишга киришади. Тухумини якка-якка қилиб бутгулдош ўсимликлар баргининг ост томонига қўяди. Битта капалак ўртacha 150-300 та тухум қўйиши мумкин. Тухумлардан 3-5 кун ичидаги қуртлар чиқади ва дастлаб баргларни қиртишлаб, сўнг эса тешиб еб шикастлайди. Қуртлар кўп бўлган карам ва шолғом ўсимликлари баргиз бўлиб, шаклини йўқотади. Қуртлар 10-20 кун ривожлангач ғумбакланади ва 8-12 кундан кейин янги бўғин капалаклари учидаги. Ўрта Осиё шароитида бу зааркунанда йилига 4-5, шимолий туманларда эса 2-3 бўғин беради. Шолғом оқ капалаги сонини ҳам карам оқ капалагидек табиий кушандалар кескин камайтириб туради.

Қурти барча бутгулдош экинлар ва бегона ўтлар баргини еб шикаст етказади. У карам, шолғом, рапс каби экинларнинг ҳосилдорлигини пасайтиради.

**Карам куяси** – *Plutella maculipennis* Curt. Капалаклар – *Lepidoptera* туркумининг ўроқсимон қанотли куялар – *Plutellidae* оиласига мансуб.

Карам куяси унча йирик бўлмаган ҳашарот: капалаги қанот ёзганда 14-17 мм келади. Қанотлари тор, олд қанотининг орқа четида тўл-қинсимон оқ чизиги мавжуд, у капалак қанот йифиб ўтирганда тўлқинсимон расмни вужудга келтиради (73-расм). Ранги кулранг-қўнғир. Орқа жуфт қанотлари эса тўқ кулранг, узун хошияли. Қуртининг ўрта қисми йўғонлашган, бўйи 10-11 мм га етади, ранги оч яшилдан қўнғир-яшилгача. Ғумбаги оч яшил тусда бўлиб, юпқа тиниқ оқ пилла ичидаги жойлашади.



Карам куяси (Г. Ванек ва б. маълумоти бўйича):  
1,2-капалаклари

Ғумбаги пилла ичидаги турли ўсимликлар қолдиғида қишлиб чиқади. Капалаклар Ўзбекистон шароитида март-апрел ойларида учидаги, улар кундузи беркиниб, кун ботишда ҳаракат қилади, озиқланади ва урчиб тухум

кўйишига киришади. Тухумини бутгулдош ўсимликлар баргининг ост томонига 1-3 тадан қилиб кўяди. 3-4 кунлардан сўнг очиб чиқсан қуртлар ўсимлик баргида «мина» лар ҳосил қилиб барг ўрталарида паренхима тўқималари билан озиқланади.

Кейинги ёш қуртлар эса баргнинг ост томонида очиқ яшаб, уни уст қаватигача кемиради. Кейинчалик шикастланган қисмининг уст қавати ҳам қуриб, баргларда тешиклар ҳосил бўлади. Қуртлар жуда ҳаракатчан бўлади. Улар безовталанса, дарҳол букилиб, ипакча ёрдамида баргдан қочишига ҳаракат қиласди. Қуртлар 6-12 кун яшаб баргларда ғумбакка айланади, 4-10 кундан кейин эса янги бўғин капалаги пайдо бўлади. Ўрта Осиё иқлим шароитида карам куяси бир йилда 10 га яқин бўғин бериб ривожланади, шунинг учун бўғинлар бир-бири билан аралашиб кетиб, бир вақтнинг ўзида заараркунанданинг турли шаклларини учратиш мумкин. Карам куяси бутгулдош ўсимликларни заарлайди. Карамда унинг зарари айниқса ўсимлик ёш даврида ўсиш нуқтасини шикастлашида кўринади, кейинчалик карам ўралганидан кейин унинг аҳамияти унча қолмайди, лекин маҳсулот кўркини бузади. Ўзбекистонда карам куяси асосан ўртаги ва кечки карамга зарар етказади.

**Тур - Картошка куяси - *Photorinae operculella* Zell.**

**оила – ўмизқанотли куялар - Gelechiidae**

**туркум – танга қанотлилар - Lepidoptera**

Картошка куяси Европанинг - Албания, Болгария, Греция, Испания, Италия, Португалия, Франция, Югославия, Осиёнинг — Бангладеш, Бирма, Хиндистон, Индонезия, Хитой, Покистон, Сурия, Туркия, Япония, Африканинг-Кения, Марокаш, Сверра Леоне ва Америка қитъасининг кўпгина давлатларида тарқалган.

Россияда бу заараркунанда биринчи марта 1938 йилда аниқланган ва бу заараркунанда ўчоқлари йўқ қилинган. Кейин яна 1970 йилда хориж кемалари текширилганда аниқланган.

Картошка, тамаки, помидор, бақлажон, қалампир ва бошқа ёввойи итузумдош ўсимликларини заарлайди.

Картошка, тамаки ва бошқаларни дала ва омборхона шароитларида зарар етказади. Қуртлар картошка тугунагини, помидор, бақлажон, мевасини баргини кемиради. Заарарланган картошка истеъмол учун яроқсиз бўлиб қолади. Японияда бу заараркунанда тамаки ва картошкага дала ва омборхонада 60-80% гача заарлаган.

Капалаги оч кулранг рангда. Қанотларини ёзганда 12-15 мм (эркагини сал кичикроқ 12-13 мм) қанотида узунасига қора чизик ва тўқ рангли

нуқталар бор. Оёқлари оч ранг. Қорни сарғиши кулранг. Эркаги қорнининг охирги бўғими қорнининг 3/1 қисмига тенг. Эркагининг қорин қисмини охири сочсимон тарамлар билан қопланган.



**62-расм.** Картошка куяси: 1.капалаги; 2.картошкани заарланган барги ва тугунаги

Тухуми овалсимон шафдоф, яшил рангда. Эни 0,35-0,56 мм, узунлиги 0,3 мм гача.

Курти тухумдан чиқсан қуртлар 1,2 мм гача узунликда, рангизиз тўқ жигар ранг боши бўлади. Катта ёшдаги қуртлар 10-13 мм, эни 1,5 мм гача, сарғиши пушти рангда ёки яшил рангда бўлиши мумкин. Картошка туганакларидағи қуртлар барглардагига нисбатан очроқ рангда бўлади. Ҳар бир сегментида 10-14 та очик рангдаги тукчалар бор.

Курти 4 марта пўст ташлайди ва пилла ичида ғумбакка айланади.

Ғумбаги кумушсимон кулранг пилла ичида ғумбакка айланади. Пилла узунлиги 10 мм гача, эни 4 мм бўлади. Курт олдин ипак тўр тўқийди, кейин пиллани устки қисмини тупроққа, чиқинди ёки ўсимлик қолдиқларига ёпиштиради. Қуртлар чиқсан тешикчадан ичкарига кириб 3-4 кундан кейин ғумбакка айланади.

Картошка куяси дала шароитида қуртлик ёки ғумбаклик даврида қишлиайди. АҚШ нинг Калифорния штатида капалаклар май ойининг охирида пайдо бўлади. Капалаклар картошка, помидор, бақлажон, қалампир баргларига биттадан қилиб тухум кўяди. Омборхоналарда қолларга, картошка тугунакларига, сақланаётган омбордаги пардаларга ҳам тухум қўйиши мумкин.

Капалаклар 30 кунгача яшashi мумкин va улар 150-200 тагача тухум күяди. Капалаклар эрталаб va кеч бўлиб куёш ботганда учади.

Личинкалар барг этини еб озиқланиши бошлайди, картошка тугунагини, помидор меваси va баргини кемиради. 2-3 ҳафтадан сўнг личинкалар етилади va ғумбакка айланади. Картошка куяси омборхонада тўхтовсиз ривожланади, ғумбаклари қолларда бўлиши мумкин. Ғумбаклардан 6-7 кундан кейин етук ҳашарот пайдо бўлади. Бир авлоднинг тўлиқ ривожланиши учун ёзда 22-32 кун, кузда 40-55 кун, қишида 2-3 ой давом этади. Австралияда картошка куяси омборхоналарда 11 марта авлод бергани маълум.

Картошка куяси паст ҳарорартларда ҳам ҳаётчанлигини сақлаб қолади.

Картошка куяси ҳамма ривожланиш босқичларида картошка тугунаклари, помидор, бақлажон мевалари, идишлар va бошқалар орқали тарқалади.

**Тур - Колорадо қўнғизи ёки картошка қўнғизи – *Leptinotarsa decemlineata* Say.**

**оила – баргхўрлар - Chrysomelidae**

**туркум - қаттиқ қанотлилар - Coleoptera**

Вояга етган қўнғиз овал шаклда, усти жуда ҳам қавариқ, ости ясси. Танасининг асосий ранги сариқ ёки қўнғир, ҳар бир усти бўйлаб бештадан қора йўл ўтади. Пастки қанотлари оч пушти қизил, бошининг устида учбурчак қора доғчаси бор, орқасининг олдинги қисмида 11 та қора доғчаси бўлади, улардан энг йириги рим рақамларидан V шаклида бўлиб, ўртада жойлашади.

Одатда қўнғизнинг катталиги 9-11 мм келади, лекин катталиги 7-9 ва 12-16 мм бўлган айрим қўнғизлар ҳам учрайди. Тухуми чўзинчоқ, овал шаклда, ранги сариқдан тортиб равшан зарғалдоқ тусда, узунлиги 0,8-1,5мм.



**75-расм.** Колорадо қўнғизи: 1.Қўнғизи, 2. Личинкаси

Тухумларини бир-бирига яқин қилиб қўяди, уларни барг юзасига типпатик қилиб ёки сал қийшайтириб қўяди.

Личинкаларнинг катталиги одатда 0,9 см гача боради. Личинканинг усти айниқса орқа қисми жуда қавариқ ости ясси. Личинкалар биринчи ва иккинчи ёшда қизил тусда, учинчи ва тўртинчи ёшда эса зарғалдоқ-сариқ, боши, қалқони биринчи кўкрак сегментининг устида, оёклари қора, танасининг икки ёнида икки қатордан қора доғлари бор, улар сўгалсимон дўмбоқчаларнинг устида жойлашган.

Ғумбак овал шаклда, зарғалдоқ ёки пушти ранглидир 0,9 мм гача.

Қўнғизлар картошка билан жуда узоқ масофага бориб қолиши мумкин. Ҳатто қиши фаслида ҳам бу ҳашарот овқатсиз яшай олади. Қўнғиз учиб ўтиш йўли билан тарқалади. Масалан колорадо қўнғизи картошка экиладиган жойларнинг тупроғида 18 см дан 70 см чуқурлиқда имаго ҳолида қишлиайди. Қўнғиз тарқалган жойларнинг тупроғи  $11,3^{\circ}\text{C}$  қизигандан кейин икки ҳафта мобайнида қўнғизлар қишки уйқудан, ер юзасига чиқа бошлайди.

Қишлиаб чиққан қўнғизлар овқат излаб учади, картошка бўлмаса бақлажон, гармдори, тамаки, помидорга тушади. Қўнғизлар кўкламда уйғонгандан кейин тез орада тухум қўя бошлайди. Урғочи қўнғиз одатда 400-800 та, кўпи билан 2400 тагача тухум қўяди. Қўнғиз тухумларини ўзи озиқланадиган ўсимлик баргнинг пастки томонига айниқса картошка баргига 30 тадан қилиб қўяди.

Колорадо қўнғизининг эмбрионал ривожланиши температура шароитига боғлиқ бўлиб, 5 кундан 20 кунгacha давом этади. Тухумдан чиққан личинкалар аввало ўзининг тухум пардасини ейди, сўнгра ўзи турган жой яқинидаги баргларни еб, қуруқ томирини қолдиради. Кейинчалик ўсимликнинг учига қараб сўрилаверади.

Личинкалар ўсан сари тобора хўралашади ва кўпайиб кетган тақдирда бутун ўсимлик баргларини еб қўяди. Ҳарорат  $38^{\circ}\text{C}$  ва ҳаво қуруқ бўлганда личинкалар ўсимликнинг соя жойларига ўтиб олади.

Личинкалари 15-25 кунда ривожланиб бўлади, шу даврда 3 марта туллайди. Озиқланишини тамомлаган личинкалар ўсимликлардан ерга тушиб, тупроқ остига кирадилар ва 15 смдан 18 см гача чуқурлиқда ғумбакка айланади, ғубақдан 6-15 кундан кейин қўнғизлари чиқади. Улар тез орада жуфтлашиб тухум қуя бошлайди. Вояга етган қўнғизлар қурғоқчилик ва иссиққа bemalol чидаш беради. Колорадо қўнғизи  $+22-24^{\circ}$  25-30 кунда,  $+20-22^{\circ}$  30-40 кунда,  $+18-20^{\circ}$  40-50 кунда ва  $+16-18^{\circ}$  50-60 кунда бир насл беради.

Ҳозирги кунда бу ҳашарот тарқалган жойларда 1дан бгача насл беради. Ўзбекистонда 3-4 насл беради. Колорадо қўнғизи бир неча диапаузага эга. Иқлим шароитига қараб 2 дан 6 гача диапаузаси бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. Нок битининг морфологик белгилари?
2. Бинафша ранг қалқондорнинг морфологик белгилари?
3. Шафтоли катта ёки тана битининг морфологик белгилари?
4. Мевали боғларнинг сўрувчи зааркундаларининг биоэкологияси?
5. Олма қуртининг биоэкологияси?
6. Олхўри қуртининг систематикаси?

### **5-амалий машғулот- Мойли, дуккакли дон ва ем-ҳашак эканлари заарли организмларига қарши уйғунлашган кураш усуллари.**

Мойли экинларда учрайдиган зааркундаларнинг тури жуда қўп. Ҳозирги кунда республикамиз шароитида 2012-2019 йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра мойли экинларда жами 30 ортиқ турдаги зааркундалар мойли экинлар биоценозида учраши ҳамда сезиларли даражада заар етказиши аниқланди.

Мойли экинлар агробиоценозида учраб заар келтирувчи асосий доминант тур қўйидагилар: ўргимчакканы, ширалар, туганак узунбурунлар, махсар пашшаси, қунгабоқар парвонаси, ғовак ҳосил қилувчи пашшалар, қандалалар, кузги ва ғўза тунлами.

**Оддий ўргимчакканы** (*Tetranychus urticae* Koch.) соянинг энг хавфли зааркундаларидан ҳисобланади ва соя экинига бошқа зааркундаларидан келтирадиган зарари билан ажралиб турди. Бу зааркунданда бир қанча қишлоқ ҳўжалик экинларини зааркунандаси ҳисобланади, бироқ ҳозирда соя экинларига катта заар келтирмоқда. Бу зааркунданда соя экилган майдонларида кенг тарқалиб, аксарият ўсимликлар 4 – 5 чинбарг чиқарган даврида баргларнинг орқасига жойлашиб, баргларда ҳужайра ширасини сўриб озиқланади. Кейинчалик заарланган барглар юзасининг ранги ўзгаради ва қуриб тушиб кетади, натижада ўсимликтаги ҳосил етила олмасдан пуч бўлиб қолишига сабаб бўлади.




Ўргимчаккананинг етук зоти (1) ва личинкалари (2)

**Ҳашаротлар синфи - Insekta**

**Қўнғизлар (қаттиққанотлилар)** (*Coleoptera*) туркумига мансуб туганак узунбурунларнинг 2 тури Дағал тукли узунбурун қўнғизи (*Sitona crinitus Hbst*), Майса узунбурун қўнғизи – *Setona cylindricollis* Fabr. кўп урайди. Бу қўнғизлар эрта баҳорда экилган соя экинларини майсадаги биринчи барг, ўсув нуқтаси ва уруғ палласи билан озиқланади. Тухумини тупроқ юзасига тарқоқхолда, ўсимликка камдан кам қўяди. Тухумдан чиққан личинкалар илдиздаги азот тўпловчи тугунаклар билан озиқланиб ривожланади. Соя экинлари туганак узунбурунлар билан қаттиқ заарланганда ҳосил ва кўк массанинг ярми нобуд бўлади, соя экинларида ҳозирда донхўрлар (*Bruchidae*) оиласига мансуб қўнғизларнинг 3 тури маълум, булардан нўхат донхўри, (*Bruchus pisarum Z*), ловия донхўри (*Acanthoscelides altectus Sag*), тўрт доғли донхўрлар (*Callosebruchus maculates Z*). Бу донхўрларни етуқ зотлари далада, личинкалари эса донлар ичидаги ривожланади, донхўрлар билан қаттиқ заарланган ўсимлик донлари экишга ва истеъмолга мутлақо яроқсиз бўлиб қолади.

**Қандалалар (яримқаттиқ қанотлилар)** туркумига мансуб зааркунандалардан 2 тури яъни дала ва беда қандалалари мойли экинлар экиладиган майдонларда кенг тарқалган бўлиб, ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш даврида гулдонини сўриши натижасида гуллар тўкилиб кетади, дуккаклари тўлиқ ривожланмайди. Тадқиқотларимизда кузатилишича қандалалар кучли заарлаган майдонларда соянинг гуллари тўкилиб кетиши ва дуккаклари ҳосил бўлмаслиги кузатилди. Такрорий экин сифатида экилганда эса уларнинг зарари икки марта кўп бўлди.



Дала қандаласи - (*Lygus pratensis L*) етуқ зоти (чапда) ва личинкаси (ўнгда).

**Тўғриқанотлилар** - (*Orthoptera*), Тўғриқанотлилар туркумига мансуб зааркунандалар оммавий кўпайиб кетган йиллари қишлоқ хўжалик

экинларининг барча турлари учун жуда хавфли ҳисобланади. Бу ҳашаротлар билан заарланувчи ўсимликлар қаторига сояни ҳам киритиш мумкин.

**Оила. Темирчаклар** (*Tettigoniidae*). Темирчакларнинг айрим турлари яшил темирчак - *Tettigonia viridissima* L. ва узун думли темирчак - *Tettigonia caudata* Charp.) соя экинларига жиддий заар етказиши кузатилди.

**Оила. Чигирткалар** (*Acrididae*). Чигирткаларнинг Ўзбекистонда учрайдиган кўпчилик турлари Қир (турон) чигирткаси – *Colliptamus turanicus* Tarb., италия чигирткаси – *Calliptamus italicus* L., яйлов чигирткаси – *Calliptamus turanicus* Serg Tarb., *Dociostaurus tartarus* Stshelk., *Arcyptera microptera* F.-W., *Anacridium aegyptium* L., *Oedipoda miniata* Pall., *Pyrgodera armata* F.d.W., *Sphingoderus carinatus* Sauss. сояга зарар етказади. 2018 йили бу зааркунандаларнинг Тошкент вилоятида сояга зарар келтирганлиги аниқланди.

**Тенгқанотлилар** – *Hemiptera*. Тенгқанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар сўрувчи зааркунандалар бўлиб, улар ўсимлик ҳужайраси суюқлигини сўриб озиқланади. Тадқиқотларимиз давомида соя ўсимлигига бу туркумга мансуб ҳашаротлардан Соя экинларида соя, полиз шираси, беда ёки акация шираси, шафтоли шираси учраб жиддий заар келтиради. Оққанотлар оиласидан иссиқхона оққаноти – *Trialeurodes vaporariorum* Westw. учраши аниқланди. Соя экинларида ўсимлик ширалари айрим йиллари ҳосилдорликни 50% гача камайтириши мумкин.

**Тамаки трипси** - *Thrips tabaci* Lind. Пуфакоёқлилар – *Thysanoptera*, туркуми, триплар оиласига – *Tripidae* мансуб ҳашаротdir. Тамаки трипси ҳамахўр ҳашарот, усояданташқари 150 турдан кўпроқ ўсимликларни заарлайди. Трипснинг етук зотлари ва личинкалари барг, ғунчалар ва дуккакларда ўсимлик ширасини сўриб озиқланади. Триплар таъсирида барглардаги хлорофил миқдори 17,5–43,4% гача камаяди, сув буғланиши ортади, натижада ўсимлиқда сувтанқислиги кузатилади. Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича 10 см<sup>2</sup> барг юзасида 6 та трипс бўлганда барг тўлиқ қуриб қолиши кузатилди.



5 – расм. Сояда тамаки трипси

Трипснинг етук зоти

**Тангақанотлилар ёки қапалаклар** (*Lepidoptera*) туркумига мансуб ҳашаротлардан бир неча тури мойли экинларга заар қелтириб яшайди. Булардан энг асосийлари кузги ва ғўза тунламидир. Кузги тунлам (*Agrotis segetum Schiff*) сугориладиган ерларда кенг тарқалган зааркунандалардан биридир. Унинг қуртлари 34 оиласа мансуб бир қанча экинларнинг ёш ниҳолларига зарар етказади. Шу жумладан мойли экинларни илдизи ва ёш ниҳолларига зарар етказиб кўчатларни сийраклашиб кетишига ва экинларнинг ёш ниҳоллигига нобуд бўлишига олиб келади. Ғўза тунлами (*Heliothis armigera Hb*) бир қанча қишлоқ хўжалик экинлари билан бирга мойли экинларнинг ҳам хавфли зааркунандаси ҳисобланади. Ғўза тунлами мойли экинлар ва дуккакли дон экинлари ичида соя, нўхат ва ловия экилган майдонларда кенг тарқалиб улар донини сут пишиш даврида кучли заарлайди. Бу ҳашарот соя экинида июн ойининг ўрталарида пайдо бўлиб, тухумини ёш баргларнинг устига, дуккаклар орасига биттадан қўяди. Ўрта ҳисобда 4-5 кунда тухумдан қуртлар чиқиб, ўсимликнинг ёш барглари билан кейинчалик дуккакларини тешиб кириб дони билан озиқланади.

**Кунгабоқар парвонаси – *Homoeosoma nebulosa Hb*** Тангақанотлилар – *Lepidoptera* туркуми *Pyralidae*, оиласи вакили бўлиб, кунгабоқар экинининг энг хавфли зааркунандаларидан бири ҳисобланади. Кунгабоқар парвонаси қуртлари кунгабоқарнинг гул ва меваларини еб заар қелтиради, айрим йилларда эса экиннинг деярли барча ҳосилини нобуд қилиши мумкин.

Кунгабоқар парвонаси Европа, Осиё ва Шимолий Африканинг кунгабоқар экиладиган кўпгина ҳудудларида тарқалган ва 30 – 40 %, ялпи кўпайган йилларда эса 60 - 70 % гача ҳосилни йўқотиш мумкин. Бизнинг кузатишларимизда бу зааркунанда Ўзбекистоннинг барча кунгабоқар экиладиган ҳудудларида тарқалганлиги аниқланди. Гумбакдан учиб чиқсан қапалаклар бир сутка кўшимча озиқлангач эркак ва ургочи қапалакларнинг урчиш учун қўшилиши (копуляция) кузатилди. Уруғланган ургочи қапалаклар 4 – 6 соат ўтгач тухум қўйишга киришди. Кунгабоқар парвонасининг бир жуфт қапалаклари лаборатория шароитида 20 % шакар эритмаси билан озиқлантирилганда ўртacha 215 – 240 тагача тухум қўяди. Адабиётларда келтирилган маълумотларда айтилишича бу ҳашаротнинг тухумлари думалоқ шаклда бўлади дейилган. Бизнинг кузатувларимизда кунгабоқар парвонасининг тухумлари оқ ёки оч сарғиш тусда, овалсимон шаклда бўлиши аниқланди.



6 – расм. Кунгабоқар парвонасининг личинкаси (чапда) ва ғумбаги (ўнгда).

Кунгабоқар парвонасининг ғумбакдан учиб чиққан капалаклари баҳорда аввал *Caardius*, *Onopordon*, *Centaurea*, *Picnoton* каби мураккабгулдошлар оиласига мансуб бегона ўтларга тухум қўяди, кейинчалик кунгабоқарниң саватчаларига ўтиб тухум қўйиши кузатилди. Тухумдан 10 – 12 кун ўтгач чиққан қуртлар гулнинг ички қисмини, яъни гулнинг ҳосил берадиган генератив қисмини еб бошлиди.

Заараркунанда қуртлари учинчи ёшга ўтгач саватчадаги уруғлар мағзи билан озиқланиб уларни нобуд қиласиди. 2018-2019 йилларда олиб борилган кузатишларимизда кунгабоқар парвонасининг қуртлари бир саватчада 18 – 21 тагача учради. Уруғларни батамом еб битиргач саватчанинг юмшоқ танаси билан ҳам озиқланиши кузатилди. Тухумдан чиққан қуртлар 18 – 24 кун давомида озиқланиб ўзининг қуртлик даврини тугатади. Катта ёшдаги қуртларнинг узунлиги 12 – 15 ммга етади, остки томони оч сарғиши кулрангда, устки қисми эса тўқ жигарранг бўлади. Танаси тукчалар билан сийрак қопланган, устки томонидан учта қорамтирижигарранг чизиклар ўтган. Тўлиқ озиқланиб бўлган тўртинчи ёшдаги қуртлар саватчадан ерга тушиб тупроқ остида 10 – 15 см чуқурликда ғумбакка кетиш учун пилла ўрайди. Ғумбагининг ранги тўқ сариқ рангдан жигарранггача бўлади, узунлиги 11-12 см, қорин қисми 11 бўғиндан иборат. 3 – 8 бўғинларининг икки ён томонида бўртиқчалар жойлашган. Ҳар бир бўғиннинг уст томонида бир жуфт туклари бор. Охирги бўғинининг уст томонида 2 жуфт, ост томонида 1 жуфт илгаксимон туклар жойлашган. Табиий шароитдаги ғумбакларнинг оғирлиги 40 – 45 мг, лабораторияда боқилган қуртларнинг ғумбаклари эса 20 – 35 мг гача бўлади. Бу заараркунанданинг катта ёшдаги қуртлари тупроқ остида, ўсимлик қолдиқлари тагида қишилаб қолади. Баҳорда ўртача суткалик ҳаво ҳарорати 14 – 15 градус бўлганда қишиги тиним давридан чиққан заараркунанда шу ерда ғумбакка айланади.

Кунгабоқар парвонасининг капалаклари кечки пайт уча бошлади, кундузи эса ўсимлик барги остида ёки кесаклар панасида тинч, харакатсиз ўтиради. Бир саватчада бу зааркунанданинг сони 2018-2019 йилларда 10 – 15 донагача учраши кузатилди.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра кунгабоқар парвонаси Россия, Украина ва Молдова ҳудудларида йил давомида бир, айрим ҳолларда икки авлод бериб кўпаяди дейилган. 2018-2019 йилларда бизнинг кузатишларимизда уч авлод бериб кўпайиши кузатилди. Бунинг сабаби иқлим шароитининг қулайлиги ва озуқа ўсимликларининг етарличалиги, ҳамда кунгабоқар экинларининг оммавий тарзда такрорий экин сифатида ҳам экилиши деб ҳисоблаймиз.

Дастлабки кузатув натижаларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, соя ўсимлиги биоценозининг заарли энтомофаунаси хилма хил ва уларнинг келтирадиган зарари турлича. Улар ўсимликнинг барча ривожланиш фазаларида учраб зарар келтиради, яъни ўсимликнинг илдиз қисмини заарловчи, ниҳоллик даврида ҳамда барча вегетатив ва генератив органларини заарловчи зааркунандалар. Буларнинг ичида ўргимчикканаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Чунки бу зааркунанда энг кўп зарар келтирувчи ҳисобланади.

Илмий тадқиқотлар ва олиб борилган кузатувлар хulosасига кўра мойли экинларни биоценозида жами 2 синф, 7 туркумга мансуб 31 турдан ортиқ зааркунандалар учраб соя ва кунгабоқарга зарар етказиши аниқланди ва ҳисобга олинди. Улар ичида келтирадиган зарари билан иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 9 турдаги зааркунандалар асосий доминант тур ҳисобланади. Бу зааркунандалар ўргимчаккана, майса узунбурун қўнғизи, кузги тунлам, ғўза тунлами, беда қандаласи, кунгабоқар парвонаси, иссиқхона оққаноти, тамаки трипси, тўрт доғли донхўрлардир.

**Мойли экинларнинг асосий қасалликлари:** Мойли экиниларда зааркунандалар каби қасалликлари ҳам кенг тарқалган ва катта иқтисодий зарар етказиб келмоқда. Бугунги кунгача қасалликларнинг аниқ бир тур таркиби систематик ўрни белгиланган ҳолда келтирилгани йўқ, лекин бу йўналишда бир қатор тадқиқотларимиз бор ва ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Шундай бўлсада Республикамиз шароитида кунгабоқар экинларида кенг тарқалиб катта иқтисодий зарар етказаётган қасалликларнинг бир неча турлари маълум.

Булар: Тупроқ орқали юқадиган қасалликлар: Кулранг чириш - (*Botrytis cinerea*), қуруқ чириш - (*Whetzelinias clerotiomm*), илдиз чириш, вертициллёз сўлиш (*Verticillium dahliae*) ва альтернариоз – (*Alternaria helianthi*).

Ҳаво орқали юқадиган касалликлар: ун шудринг, сохта ун шудринг - (*Plasmopara helianthi (halstedii)* Farlow.), занг - (*Puccinia helianthi* Schw.) септориоз (*Septoria helianthi*) ва бошқалар қунгабоқарни заарлайдиган касалликлар бўлиб, бу касалликлар ўсимликнинг биологик фаол моддасига, саватчасига, ёғ мой саноат учун зарур бўлган писта донларига катта таъсир қилади. Бу касалликлар турли минтақаларда иқлим шароитига қараб турли даражада тарқалади ва ҳар хил зарар келтиради.

Кунгабоқар экинларида касалликларнинг тарқалиши устида олиб борган кузатувларимиз натижалари қўйидаги жадвалда келтирилган. Олинган маълумотларнинг қўрсатишича 2018-2019 йиллар давомида Тошкент ва Намангандеги валоятларида кузатув олиб борилган далаларда баҳорда экилган кунгабоқар ўсимлигининг вертициллёз сўлиш касаллиги билан 26,7 – 31,2 % гача ўсимликлар, алтернариоз билан эса 22,1 – 24,7 % гача, сохта ун шудринг билан 17,8 – 21,2 % гача, кулранг чириш касалликлари билан 28,7 – 32,9 % гача ва қуруқ чириш билан 10,6 – 14,5 % ўсимликлар заарланганлиги кузатилди (1 - жадвал).

Лекин такrorий экин сифатида йиғиштириб олинган бошоқли экинлар ўрнига экилган кунгабоқарда вертициллёз сўлиш касаллиги билан 28,3 % гача ўсимликлар, алтернариоз билан эса 11,2 % гача, ун шудринг билан 34,3% гача ва қуруқ чириш касалликлари билан 33,7 % ўсимликлар касалланганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимизда кунгабоқарда биз учун номаълум бўлган касалликларнинг ҳам учраши кузатилди. Булар бактерияли ва вирусли касалликлар жумласига кирувчи касалликлар ҳисобланади.

Кунгабоқар касалликларидан эса баҳорда экилган кунгабоқарда вертициллёз сўлиш, алтернариоз, сохта ун шудринг, кулранг чириш ва қуруқ чириш касалликлари кўп учраганлиги, такrorий экин сафатида экилганда эса вертициллёз сўлиш, ун шудринг, алтернариоз ва қуруқ чириш касалликлари кенг тарқалиб кўп заарар келтирсанлиги аниқланди.

## **МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

### **Агротехник қуаш тадбирлари**

Тупроқка ўз вақтида пухта ишлов бериш соғлом ва чидамли ўсимлик ўстиришнинг жуда зарур шартларидандир. Ер шўрини ювиш, далаларни текислаш, кузги шудгор қилиш, қатор ораларини ишлаш ўсимликларни

ҳимоя қилишда аҳамияти катта бўлган муҳим усуллардан ҳисобланади. Ер шўрини ювиш учун куз-киш ойларида яхоб берилганда тупроқнинг шўри йўқолади, нам кўп тўпланади, зааркунанда ва касалликларга чидамли соғлом ниҳоллар текис кўкаради. Бундан ташқари тупроқдаги ҳашарот ва бегона ўтларнинг кўп қисми қирилади. Далаларни текислаш натижасида ниҳолларнинг бир текис ва қийғос униши учун қулай шароит яратилади, зааркунанда ҳамда касаллик тўпланадиган жойлар бўлмайди. Ерни асосланган муддатларда чимқирқарли ёки қўш ярусли плугда 30 см чуқурликда (ўт кўп босган далаларни эса 32-35 см чуқурликда) ағдариб шудгорлаш зааркунанда ва бегона ўт уруғлари, касаллик қўзғатувчиларни кучли йўқотувчи чорадир. Бунда бегона ўт илдиз пояларини тараб олиш учун шароит ҳам яратилади.

Мойли экинларни ўсимликнинг қатор ораларини, ниҳоллар қалинлагани ва уларнинг қуёш ёруғлиги билан ёритилишини таъминловчи экиш меъёри ва схемасининг шу биоценозда зааркундалар фаунасини шаклланишига алоҳида ўрни бўлиб, бир вақтнинг ўзида улар шу агробиоценоздаги комплекс заарли энтомофаунанинг шаклланишидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ўғитлаш ўсимликларни ҳимоя қилишда икки хил аҳамиятга эга: ўсимлик дастлабки ривожланиш фазасида ўғит (айниқса азотли) солиш натижасида у тез, соғлом ўсиши билан бирга заарланишдан бирмунча сақланиб қолади. Фосфорли ўғит таъсирида эса хужайра ширасининг осмотик босими кўтарилиб ҳамда тўқима зичлиги ошиб, айрим зааркундаларнинг (ўргимчаккан, шира) ривожланиши пасаяди. Калийли ўғитлар ўсимликларни зааркундаларга нисбатан бардошлигини оширади.

Мойли экинларга фосфорли ва калийли ўғитларни бериш уларнинг генератив органларининг кўпайишига, илдиз тизимининг кучли бўлишига, олинадиган ҳосилнинг сифатли ва юқори бўлишига олиб келади. Минерал ўғитларнинг вақтида берилиши ўсимлик ва зааркундалар ўртасида ривожланиш фазаларининг бузилишига олиб келади.

### **Биологик кураш тадбирлари**

Соя ва кунгабоқар экилган майдонларда ўза тунлами ва кунгабоқар парвонасининг тухумига қарши трихограмма, қуртларига қарши 1:5 - 1:10 – 1:15 нисбатда бракон кушандасини қўллаш тавсия этилади.

### **Кимёвий кураш тадбирлари**

1.Мойли экинларни уруғларини экишдан камида 15 кун олдин уруғдорилагич препаратлар яъни Аваланче билан 1 тонна уругга 5 кг (ёки гаучо), Круизер ёки Круизер экстра препаратлари билан 3-4 л сарф меъёрларда (1 тонна уругга 15-20 л сув) илдиз кемирувчи тунламлар, ширалар, триплар, туганак узунбурунлар ва донхўрларга қарши қўллаш тавсия қилинади.

2.Кунгабоқар парвонасига қарши тизимли таъсир қилувчи препатлардан Пиларкинг, 20 % к.э. (0,4 л/га), Конфидор, 20 % к.э. (0,4 л/га), Багира, 20 % к.э. (0,4 л/га) ва Данадим, 40 % к.э. (0,8 л/га) сарф миқдорида қўллаш мумкин.

3. Соя ўсимлигига ўргимчакканаларга қарши Нискоран, 5% эм.к.- 0,1- 0,2 л/га, Химголд, 72 % эм.к.-0,3 л/га, Вертимел, 1,8 % эм.к.- 0,2 л/га, Алтын 1,8 % эм.к.-0,3 л/га, Узмайт, 57 % эм.к.-1,2 л/га, Нуредл-Д, 55 % эм.к. – 1,5 л/га сарф миқдорларда қўлланилса юқори самарадорликка эришилади.

4.Мойли экинларда ғўза тунламининг қуртларига қарши ҳосил йиғиширилиб олишдан 25-30 кун олдин унга қарши Аваунт 15 % эм.к. 0,4- 0,45 л/га, Абалон 1,8 % эм.к 0,4 л/га, Алтын 1,8 % эм.к. 0,5 л/га, Моспилан 20% н.кук 0,3 л/га ва Караптэ 5% эм.к 0,4 л/га сарф меъёрида кимёвий препаратларни қўллаш тавсия этилади.

5.Мойли экинларда донхўр брухусларга қарши ҳосил йиғишириб олинишидан 30- кун олдин Б-58 ( янги) 40 % эм.к. 0,5 – 1,0 л/га, Карабе 10% эм.к 0,1 - 0,2 л/га, Атилла 5% эм.к 0,2 - 0,3 л/га сарф миқдорларда кимёвий препаратларни қўллаш тавсия этилади.

6.Кунгабоқар парвонасига қарши Пиларкинг, 20 % к.э. (0,4 л/га), Конфидор, 20 % к.э. (0,4 л/га), Багира, 20 % к.э. (0,4 л/га) ва Данадим, 40 % к.э. (0,8 л/га) сарф миқдорида қўлланилса юқори биологик самарадорликка эришилиб олинадиган ҳосилни сақлаб қолишга эришилади.

7. Махсарнинг занг касаллигига қарши вегетация даврида фунгицидлардан Байлетон, 25% х.к. (0,5 кг/га), Фалкон,46% к.э. (0,4 л/га) ва Импакт, 25 % с.к. препаратлари 0,3 л/га сарф миқдорларида қўлланилганда 83,1 - 91,5 % гача биологик самарадорликга эришилади.

8. Мойли экинлар уруғларини экишдан олдин уруғларни дорилайдиган препаратлардан Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/т) ёки Витовакс 200 75% н.кук. (4 л/т) билан ишлов бериб экиш ўсимликларни ёш ниҳоллигига касалланишдан ҳимоялайди.

## ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ

1. Препаратларни қўллашда уларнинг ишчи эритмаларини тайёрланадиган жойларга келтириш, тайёрлаш, пуркагич идишларига қўйиш ва ўсимликларга пуркаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлиги томонидан жорий этилган тартиб ва қоидалар асосида амалга оширилиши шарт.

2. Фақат махсус тайёргарликдан ўтган кишилар препаратлар билан ишлашга жалб этилиши лозим. Балоғат ёшига етмаганлар, кексалар, хомиладор ва эмизикли аёллар кишиларнинг иштирок этиши қатъян ман этилади.

3. Инсектицидларни қўллашда иштирок этувчи кишиларга махсус коржома, сув ўтказмайдиган оёқ кийимлар, қўлқоплар, кўзойнаклар, респираторлар каби шахсий ҳимоя воситалари билан тъминланиши шарт.

4. Инсектицидлар билан ишлаш вақтида ичиш, чекиш ва овқатланиш мумкин эмас. Ишдан сўнг пуркагич идишларини чайиб тозалаш, ўтказгич шлангалар ва учликларни ювиш, иш кийимларни (коржомалар, оёқ кийимлар, қўлқоплар, кўзойнаклар, респираторлар) ечиб тозалаш, қуритиладиган жойларга осиб ёки тахлаб қўйиш, яхшилаб совун билан ювиниш, тоза кийим кийиб овқатланиш ва дам олиш лозим.

5. Ишчи эритмаларни очиқ сув ҳавзалари яқинида тайёрлаш, ишлатилган жиҳозларни сув ҳавзаларда ювиш ёки қолган эритмаларни оқава сувларига тўкиш мумкин.

6. Иш давомида препаратларнинг тўкилиши, сочилиб кетиши каби ҳолларга йўл қўймаслик зарур. Агар эҳтиётсизлик туфайли препарат тўкилса ёки сочилиб кетса, зудлик билан унинг устига бирор шимиб оловчи қум ёки тупроқ сепиб қориширилади ва қоришма чуқур кўмиб ташланади.

7. Кўпчилик инсектицидлар кўзнинг шиллиқ қаватини, нафас йўлларини ҳатто терини яллиғлаш хусусиятига эга. Шунинг учун уларни тананинг бирор қисмига, ҳатто кийимларга тўкилиши, сачраши тегиб кетишига йўл қўймаслик тавсия этилади. Акс ҳолда препарат теккан жойни яхшилаб тозаланиши ва зарур эҳтиёт чоралари кўрилиши лозим.

8. Инсектицидлар ва акарицидлардан бўшаган идишларни шу заҳотиёқ зарарсизлантириш чораларини кўриш, яроқсиз ҳолга келтириб кўмиб ташлаш, ортиб қолган ишчи эритмаларни, пуркагич ва жиҳозлар ювилган оқава сувларни махсус ураларга тўкиб кўмиб ташлаш, ювиб тозаланган пуркагич ва жиҳозларни қуритиб, келгуси мавсум учун тахт қилиб қўйиш, ортиб қолган препаратларни эса қулфланадиган, шамолланадиган махсус омборларда эҳтиёт қилиб сақлаш лозим.

### **Дуккакли дон экинларига зарар келтирувчи зааркунандаларнинг тур таркиби**

Дуккакли дон экинларида учрайдиган зааркунандаларнинг тури жуда кўп. Ҳозирги кунда республикамиз шароитида 2012-2016 йилларда олиб

борилган тадқиқотларимиз натижасига кўра дуккакли дон экинларида жами 2 синф, 7 туркумга мансуб 34 турдаги зааркундалар дуккакли экинлар биоценозида учраши ҳамда сезиларли даражада зарар етказиши аниқланди.

Дуккакли (мош, ловия, нўхат) экинлар биоценозида учраб зарар келтирувчи асосий доминант тур қуидагилар: ўргимчаккана, ширалар, туганак узунбурунлар, донхўр брухуслар, ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашласи, қандалалар, кузги ва ғўза тунлами.

**Ўргимчаккана** - (*Tetranuchus urticae* Koch) сўрувчи зааркунда бўлиб, бошқа барг зааркундалардан келтирадиган зарари билан ажралиб турди. Бу зааркундана бир қанча қишлоқ хўжалик экинларини зааркунандаси ҳисобланиб, бироқ ҳозирда дуккакли дон экинларига, айниқса мошга, сояга ҳамда ловияга катта заар келтирмоқда.

Бу зааркундана дуккакли дон экинлари экилган майдонларида кенг тарқалиб, у асосан ўсимлик 4 – 5 чинбарг чиқаргандан бошлаб барглари орқасига жойлашиб олиб ширасини сўриб озиқланади, заарланган барглар юзаси қизариб қуриб тушиб кетади, натижада илк тупдаги донлар етила олмасдан пуч бўлиб қолишига сабаб бўлади.

**Ширалар** – (*Aphididae*) Дуккакли дон экинларига заар келтирувчи шираларнинг бир нечта тури мавжуд бўлиб, булар ичида дуккакли дон экинларига жиддий заар етказувчиси бу нўхат ва акация шираларидир. Дуккакли дон экинлари ичида айниқса мош ва ловия ширалар билан жиддий заарланади. Улар асосан апрел охири ва май бошларидан бошлаб ривожланиб заар келтирадилар. Ширалар асосан баргларни ширасини сўриб, поя ва илдизлардаги углеводлар миқдорини камайтириб, ўзларидан чиқарган суюқликлари билан баргларни ифлослайдилар.

**Қўнғизлар** - (*Coleoptera*) туркумига мансуб туганак узунбурунларнинг 2 тури майса узунбурун қўнғизи (*Sitona crinitus* Hbst), ола була нўхат узунбурун қўнғизлари (*Sitona linellus* Bansd) кўп урайди. Бу қўнғизлар эрта баҳорда экилган дуккакли дон экинларини майсадаги биринчи барг, ўсув нўқтасини ҳамда уруғ палласини ейди. Тухумини тупроқ юзасига тарқоқ ҳолда, ўсимлик устига камдан кам ҳолда қўяди. Тухумдан чиқсан личинкалар илдиздаги азот тўпловчи тутунаклар билан озиқланади. Дуккакли дон экинлари туганак узунбурунлар билан қаттиқ заарланганда ҳосил ва кўк массанинг ярми нобуд бўлади. Дуккакли дон экинларини ҳозирда донхўрлар (*Bruchidae*) оиласига мансуб қўнғизларнинг 3 тури, нўхат донхўри, (*Bruchus pisarum* Z.), ловия донхўри (*Acanthoscelides altectus* Sag.), тўрт доғли донхўрлар (*Callosebruchus maculates* Z.) кўчли заарлайди. Бу донхўрларни етук зотлари далада, личинкалари эса донлар ичида ривожланади, донхўрлар

билин қаттиқ заарланган ўсимлик донлари экишга ёки истеъмолга мутлақо яроқсиз бўлиб қолади.

**Иккиқанотлилар** - (Diptera) туркумига мансуб ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашаси (*Liriomyza cicerina* Rond.) нўхат экилган майдонларда кенг тарқалган ҳавфли зааркунанда ҳисобланиб, унинг личинкалари барг тўқималари орасида силжиб расмли ғовак йўл ҳосил қиласди. Натижада ғовак йўллари қўпайиб, бир-бири билан қўшилиб кетади. Натижада баргларнинг модда алмашинуви бўзилади ва фотосинтез процесси тўхтайди. Шикастланган ўсимлик барглари оқариб, сўлийди ва қуриб тушиб кетади.

**Қандалалар** (Heteroptera) туркумига мансуб зааркундалардан 3 тури учраб, улардан дала қандаласи кенг тарқалган бўлиб, ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш даврида гул ғунчаларини сўриши натижасида гуллар тўкилиб кетади, дуккаклари тўлиқ ривожланмайди.

**Тангақанотлилар ёки капалаклар** (Lepidoptera) туркумига мансуб асосан зааркундалардан бир неча турлари учрайди. Булардан энг асосийлари кузги ва ғўза тунламидир. Кузги тунлам (*Agrotis segetum* Schiff ) сугориладиган ерларда кенг тарқалган зааркундалардан биридир. Бу зааркунанда 34 оиласга мансуб ўсимликларнинг ёш ниҳолларига зарар етказади. Дуккакли экинларнинг илдизи ва ёш ниҳолларига зарар етказиб қўчатларни сийраклашиб кетишига ва экинларнинг ёш ниҳоллигига нобуд бўлишига олиб келади. Ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) бир қанча қишлоқ хўжалик экинларини, шунингдек, дуккакли экинларини ҳавфли зааркунандаси ҳисобланади. Ғўза тунлами дуккакли дон экинларидан ловия ва нўхат экилган майдонларда кенг тарқалган. Дуккакли экинлар донини сут пишиш даврида яъни июн ойининг ўрталарида пайдо бўлиб, тухумини ўсимликнинг барги устига, дуккаклар орасига қўяди. Ўрта ҳисобда 4-5 кунда тухумдан қуртлар чиқиб, экинларнинг учки барглари билан озиқланади, кейинчалик уларнинг дуккакларини тешиб кириб дони билан озиқланади.

### **Нўхатнинг асосий зааркундаларини айрим биологик хусусиятлари, келтирадиган заари**

Нўхатга зарар келтириб яшовчи зааркундаларнинг тури жуд кўп. Жумладан мамлакатимиз шароитида 2012 -2016 йилларда олиб борилган тадқиқотларимиз натижасига кўра нўхат 7 туркумга мансуб 28 тур зааркундалар билан турли даражада заарланади. Бу зааркундалар ичida экинларга жиддий зарар етказиши жиҳатидан иқтисодий аҳамиятга эга бўлганлари бу ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашаси, ғўза тунлами, ширалар, туганак узунбурунлар, донхўрлар ва бошқалар ҳисобланади.

## **Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашиаси - *Liriomyza cicerina* Rond.**

Нўхатда учрайдиган энг хавфли зааркунанда ҳисобланади. Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашиасининг ташқи кўриши майда танаси (1- 4 мм) бўлиб, қорамтири-қўнғир рангда, қанотлари тиник, кулранг ёки сарик тусда.

Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашиаси сохта пилла ичида ғумбак шаклида тупроқда қишлиайди. Эрта кўкламда қулай шароит яратилиши билан пашишалар ташқарига учиб чиқади ва қўшимча озиқлангач тухум қўяди. Урғочи пашиша барг эпидермиси остига тухум қўйгичини санчиб биттадан тухумини жойлаштиради. Орадан 3-4 кун ўтгач тухумдан чиқсан личинкалар ўсимлик баргининг тўқимаси орасида юриб, баргнинг паренхимаси билан озиқланади ва ғовак ҳосил қилади.



1– расм. Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашиаси (*Liriomyza cicerina* Rond.) нинг етук зоти.

Личинкалар озиқланиб бўлгач барг юзида тешик очади ва шу тешик ичида ярми ташқаридан кўриниб турган ҳолда қўнғир сохта пупарийда ғумбакка кетади. Пашишалар нўхатни бутун вегетация даврида заарлайди. Шу давр ичида 3-4 та, кечки экилган нўхатда эса 5-6 тагача авлод бериб ривожланиши мумкин.

Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашиаси личинкалари барг тўқималари орасида силжиб расмли ғовак йўл ҳосил қилади. Натижада ғовак йўллари кўпайиб баргнинг фотосинтез қатламидаги юза қисмлари қаттиқ шикастланади ва ўсимлик барглари оқариб сўлийди ҳамда тушиб кетади.

**Зарари** – 2013-2014 йилларда Тошкент вилояти, Қибрай туманида жойлашган, Ўсимликшунослик ИТИ тажриба майдонида ҳамда “Қибрай ЭКО” УК ва Қашқадарё вилоятининг Қамали туманида жойлашган “Жалолиддин Фахриддин”, “Аббос Исмоилов”, “Сапарбобо Муҳидин”, “Расулов Ойбек Зиёдуллайвич” фермер хўжаликлари далаларида экилган нўхат ўсимлигида олиб борган кузатувларимизда нўхат асосан, гуллаш ва мева тушиш фазасида 80% гача заарлаши аниқланди (2-расм).



Ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси билан заарланган нўхат ўсимлиги.

**Ғўза тунлами** - *Heliothis armigera* Hb. Тангақанотлилар ёки капалаклар (Lepidoptera) туркумига мансуб зааркунанда бўлиб, у турли оиласаларга кирадиган 120 дан ортиқ турдаги ёввойи ва маданий ўсимликлар билан озиқланади. Шулардан хуш кўриб озиқланадиган ўсимликлари дуккакли экинлар, маккажўхори, помидор, тамаки, ғўза ва бошқалар хисобланади.

Ғўза тунлами капалаги катта, танасининг узунлиги 12-20 мм, қанотларини ёзганда 30-40 мм келади. Танаси сарғиш қизил, кўкиш-кулранг бўлади. Олдинги жуфт қанотларининг ўртасида биттадан юмалоқ, юқорисида эса биттадан сезилар – сезилмас қора доғи бор. Орқа қанотларининг ранги олдинги қанотларига нисбатан очроқ, четларида кенг қора ойсимон чизиги бор.

Бугунги қунда ҳам республикамизнинг суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларда экилган нўхатлар ғўза тунлами билан заарланётганлиги, заарланган ўсимликдан олинган донлар эса экишга ва истеъмол яроқсиз бўлиб қолаётганлиги маълум.

**Зарари** - ғўза тунлами ҳаммахўр зааркунанда бўлиб, у турли оиласаларга мансуб ўсимликлар билан озиқланади. Р.А.Алимжановнинг (1968) берган маълумотида нўхат дукқагини зааркунанда ҳашаротлар билан заарланиши ўрта ҳисобда 15-36 % ни ташкил қилган бўлса, татқиқотларимизда ҳозирда бу кўрсатгич 2-3 баробарга ошганлиги аниқланди.

Шу сабабли 2013 йилда нўхатни кўсак қурти билан зараланишини ўрганиш мақсадида Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида кузатувлар олиб бордик. Қибрай туманидаги, Ўсимликшунослик ИТИ тажриба хўжалигига ўtkазилган кузатув натижалари кўра жами ўсимликлар сони 67 туп бўлиб шундан заарланган кучатлар сони 36 туп ва унда мавжуд зааркунандалар кузатилган сони 53 дона бўлиб заарланиш даражаси кўчатларда 54,0 % ни ташкил қилди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ тажриба майдонида олиб борилган кузатувларимизда эса жами 66 туп ўсимлик кўзатилган бўлиб, шундан заарланган кўчатлар сони 47 туп унда мавжуд зааркунандалар

сони 80 донани ташкил қилди. Күчатларда заарланиш даражаси ўртача 71,2 % га етганлиги аниқланди. Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги “Зиёдулла Ибн соат” ф/х нинг нўхат экилган майдонида ўтказилган кузатувларимизда кўриб чиқилган 57 туп ўсимликдан 36 таси заарланган ва бу ўсимликларда учраган зааракунандалар сони 46 донани ташкил қилди. Заарланиш даражаси эса 63,1 % ни ташкил қилди, ҳамда “Катта қайрағоч” ф/х нўхат экилган даласидан кўриб чиқилган 50 туп ўсимликдан заарланган кучатлар сони 29 тупни ва унда мавжуд зааркунандалар сони 37 дона бўлиб заарланиш даражаси кўчатларда 58 ,0 % ни ташкил қилди (3 - 4-расмлар).

**Ширалар:** Нўхатга заар келтирувчи шираларнинг бир нечта тури мавжуд лекин булар ичида нўхатга жиддий заар етказувчиси бу нўхат ва акация ширалариdir.

**Нўхат шираси - (*Acyrthosiphon onobrychis* Fonse.)** бошқа турдаги шираларга нисбатан анча йирик ҳашарот бўлиб у тўда ҳосил қилмасдан ривожланади. Нўхат шираси кўп йиллик, бир йиллик дуккаклиларда кўп учрайди. Бу зааркунанда етук уруғланган тухум ҳолида кўп йиллик дуккакли экинларда айниқса беда поянинг анғизида қишлияди.



Кўсак қурти билан заарланган нўхат ўсимлиги.

Нўхат шираси ёзда партеногенетик (эркаксиз тўлик личинка бўлиб) усулда кўпаяди. Кузда эса битта бўғин бериб тухум қўяди. Қанотли ширалар, қанотсиз ширалардан кичикроқ бўлади. Шираларнинг ривожланиши янги тухумдан чиққандан то етук зотгача эрта баҳор ойида ўртача 10 кундан 15 кунгacha чўзилади. Бир мавсумда яъни мартдан бошлаб то сентябр ойигача 19-20 та авлод беради.



Кўсак қурти билан заарланган нўхат дуккаклари.

Битта қанотсиз ургочи шира ўрта ҳисобда 70-80 тагача, қанотлиси эса 15-20 тагача личинка тўғиши мумкин. Дуқаккли дон экинларида ширалар асосан апрел охири май ойининг бошларида пайдо бўлиб заар келтиради (5-расм).

**Зарари** – ширалар асосан ўсимлик баргини ширасини сўради. Натижада поя ва илдиздаги заҳира углеводлар камайиб кетиши сабабли барглар қуриб шаклини ўзгартириб тушиб кетади.



Ширалар билан заарланган нўхат ўсимлиги.

### **Ловиянинг асосий зааркунандаларини айрим биологик хусусиятлари, келтирадиган зарари ҳамда кураш чоралари**

Ловия таркибида оқсил ёғ ва бир қанча инсон учун фойдали моддалар бўлганлиги сабабли бошқа дуккакли дон экинларидан ажralиб туради. Ловия ўсимлиги ҳам бошқа ўсимликлар сингари бир қанча зааркунандалар билан заарланади.



Шираларга қарши Аваланче препарати билан дориланган нўхат донлари.

Олиб борилган тадқиқотларимизда ловия ўсимлиги 30 дан ортиқ турдаги зааркунандалар билан заарланади. Бу зааркунандалар ичida асосийлари, туганак узунбурунлар, ширалар, донхўрлар ва бошқалар ҳисобланади.

**Майса узунбурун қўнғизи** (*Sitona crinitus* Hbst) - узунлиги 4-4,5 мм келади, қанотларининг усти тўқ кулранг тусда бўлиб, аниқ кўриниб турмайдиган нотўғри шаклдаги оқ, кулранг ва қўнғир тангачалардан иборат доғлар билан қопланган, орқасининг олд қисми бўйлаб оч ранги тукчалардан иборат учта чизик ўтади, бу чизиклар кулранг тусда бўлади ва баъзан кўзга ташланиб турмайди. Хартумчаси фитономуснидан анча калта ва йўгонроқдир. Тухуми калта, овал шаклда, дастлаб сариқ рангда бўлади, сўнгра аста секин қораяди; узунлиги 0,4 эни 0,3 мм келади, личинкаларининг танаси оқ ёки хира оқ, калласи оч қўнғир тусда. Уларнинг оёқлари бўлмайди, танаси сийрак тукчалар билан қопланган, вояга етган личинкаларининг узунлиги 5-6 мм келади. Ғумбаклари хира оқ ёки сарғиш бўлиб, ўсган сари кўз ва жағлари қорая бошлайди.

**Зарари-** туганак узунбурунлар етук зотлари дуккакли экинларнинг ер устки қисмини, ўсув нуқтасини ва уруғ паллаларини ейди, тухумдан чиқсан куртлари эса ўсимликни илдизини кейинчалик азот тўпловчи туганакларини ейди ва дуккакли дон ўсимликлари илдизида азот тўпловчи тугунаклар билан озиқланади.

Тошкент вилояти шароитида ўтказилган тадқиқотларимизда туганак узунбурунларнинг келтирган зараридан азот тўпловчи туганакларнинг 80-85% гача қисми нобуд бўлиши аниқланди.

**Ловия донхўри –** (*Acanthoscelides altectus* Sag.). Бу зааркунанданинг қўнғизлари танаси 3,0 – 4,5 мм узунликда, урғочиси эркагидан қарийб икки марта катта, танаси думалоқ – овалсимон шаклда. Юқоридан қаралганда кулранг ва сарғиш – кулранг тукчалар билан қопланган. Уст қаноти қисқа, қорин қисмини тўлиқ ёпмайди. Донхўр брухуслар ёруғликда ва иссиқликда жуда ҳаракатчан бўлиб, эрта баҳорда кўпинча кечки экилган дуккакли дон экинларининг гуллаш ва дуккаклаш ҳамда гунчалаш даврида кучли заарлайди. Уларнинг қўнғизлари гулларнинг нектари билан озиқланади.

**Зарари** - донхўрлар дуккакли экинларнинг хавфли зааркунандаси бўлиб, полифаг ҳашарот ҳисобланади. Унинг личинкалари дала шароитида уруғларни заарласа, етук зотлари донларни омборларда сақлашда нобуд қиласди. 2012-2016 йилларда дуккакли дон экинларида донхўр брухусларни зарар келтириш дарижасини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижасига кўра донхўрлар ўсимликни ўсув даврида ҳамда олинган ҳосилни омборхоналар ва хонадонларда сақлаш давомида 70 – 80 % гача заарлаши ўрганилди (8-9- расмлар).

**Мошнинг асосий зааркунандаларини айрим биологик хусусиятлари, келтирадиган зарари ҳамда кураш чоралари.**

Мош дуккакли дон экинлари ичида кенг майдонларга экилиши билан бошқа дуккакли дон экинларидан ажралиб туради. Ҳозирда мош республикамизда сугориладиган майдонларга асосан бошоқли дон экинларидан кейин такрорий экин сифатида экиб келинмоқда. Бу ўсимлик дони оқсилга бой яњи инсон организми учун зарур бўлган бир қанча керакли моддалар борлиги,



Донхўрлар билан заарланган ловия донлари (Оқ олтин нави).

кўк массаси эса чорвачиликда тўйимли ем-ҳашак ҳамда силос тайёрлашда ишлатилиши билан юқори аҳамиятга эга. Мошни кўк массаси ерга яшил ўғит сифатида ҳайдаб юборилса ундан кейин экиладиган экинларнинг ҳосилдорлиги ошади. Унинг илдиз қисмида ҳосил бўладиган тугунаклари ёрдамида ерда ўрта ҳисобда гектарига 50 – 100 кг ўсимлик ўзлаштириши осон бўлган соф азот тўплайди. Шунинг билан бирга кейинги йилларда мош экини бир қанча зааркунандалар билан заарланиб ҳосилдорликни кескин камайиб кетиши ҳолатлари кузатилмоқда. 2012-2016 йилларда мош экинида учраб заар келтираётган зааркунандаларни ўрганганимизда бу экинларга асосан ўргимчаккана, кузги тунлам, туганак узунбурунлар, акация шираси, донхўрлар кўчли заар етказиши аниқланди.

2012-2016 йилларда мош экинида учраб заар келтираётган зааркунандаларни ўрганганимизда бу экинларга асосан ўргимчаккана, кузги тунлам, туганак узунбурунлар, акация шираси, донхўрлар кўчли заар етказиши аниқланди.



### Донхўрлар билан заарланган ловия донлари

**Ўргимчаккана - (*Tetranuchus urticae* Koch)** сўрувчи зааркунда бўлиб, бошқа барг зааркунандалардан келтирадиган зарари билан ажралиб туради. Бу зааркунанда бир қанча қишлоқ хўжалик экинларини зааркунандаси ҳисобланиб, бироқ ҳозирда дуккакли дон экинларига, айниқса мош ва ловияга катта зарар келтиради.

Маълумотларига кўра Ўзбекистон шароитида оддий ўргимчаккана 12 – 15 авлод бериб кўпаяди. Шунинг билан бирга ўргимчакканаларнинг кўпайиши уларнинг озиқ муҳити билан бевосита боғлиқ. Айниқса уларнинг урғочи зотлари оқсилга бой ўсимликлар билан озиқланганда серпушт бўлиб, бир авлодининг ривожланиши учун керак бўладиган вақт ҳам қисқаради.

**Зарари-** ўргимчаккана мош ва ловия экилган майдонларда кенг тарқалиб, у асосан ўсимлик 4 – 5 чинбарг чиқаргандан бошлаб барглари орқасига жойлашиб олиб ширасини сўриб озиқланади, ўргимчаккана билан заарланган барглар юзаси қизариб қуриб тушиб кетади, натижада илк тупдаги донлар етила олмасдан пуч бўлиб қолишига сабаб бўлади. Бу зааркунанда мош ва ловияни 40-50 % гача заарлайди.

**Тўрт доғли донхўр - (*Callosebruchus maculatus* Z.)** дуккакли дон экинларидан айниқса мош, ловия ҳамда нўхат донларини дала шароитида ҳамда омборхона ва шахсий хонадонларда сақлаш мобайнида жиддий заарлайди, унинг заарлаши оқибатида донлар экишга ҳамда истемол қилишга мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолади. Бу донхўр Республикализ шароитида энг кўп учрайдиган космополитик зааркунанда ҳисобланади. Ушбу зааркунанда Европа мамлакатларида яъни Греция, Италия, Франция, Белгия, Англия, Югославия, Болгария давлатларида, Осиёнинг Африка,

Шимолий ва жанубий Америка, Австралия мамлакатларида ҳамда Ўзбекистонда кенг тарқалган зааркунанда ҳисобланади

**Зарари-** дуккакли дон экинларидан бири мош, донхўр брухуслар билан дала шароитида ҳамда ҳосилни сақлаш жараёнида 50-60% гача заарланади



Донхўрлар билан заарланган мош донлари.

## **ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРЛАРИ**

### **Агротехник кураш тадбирлари**

Тупроққа ўз вақтида пухта ишлов бериш соғлом ва чидамли ўсимлик ўстиришнинг жуда зарур шартларидандир. Ер шўрини ювиш, далаларни текислаш, кузги шудгор қилиш, қатор ораларини ишлаш ўсимликларни ҳимоя қилишда аҳамияти катта бўлган муҳим усуллардан ҳисобланади. Ер шўрини ювиш учун куз-қиши ойларида яхоб берилганда тупроқнинг шўри йўқолади, нам кўп тўпланади, зааркунанда ва касалликларга чидамли соғлом ниҳоллар текис кўкаради. Бундан ташқари тупроқдаги ҳашарот ва бегона ўтларнинг кўп қисми қирилади. Далаларни текислаш натижасида ниҳолларнинг бир текис ва қийғос униши учун қулай шароит яратилади, зааркунанда ҳамда касаллик тўпланадиган жойлар бўлмайди. Ерни асосланган муддатларда чимқирқарли ёки қўш ярусли плугда 30 см чуқурликда (ўт кўп босган далаларни эса 32-35 см чуқурликда) ағдариб шудгорлаш зааркунанда ва бегона ўт уруғлари, касаллик қўзғатувчиларни кучли йўқотувчи чорадир. Бунда бегона ўт илдиз пояларини тараб олиш учун шароит ҳам яратилади.

Дуккакли экинларни ўсимликнинг қатор ораларини, ниҳоллар

қалинлагани ва уларнинг қуёш ёруғлиги билан ёритилишини таъминловчи экиш меъёри ва схемасининг шу биоценозда зааркундалар фаунасини шаклланишига алоҳида ўрни бўлиб, бир вақтнинг ўзида улар шу агробиоценоздаги комплекс заарли энтомофаунанинг шаклланишидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ўғитлаш ўсимликларни ҳимоя қилишда икки хил аҳамиятга эга: ўсимлик дастлабки ривожланиш фазасида ўғит (айниқса азотли) солиш натижасида у тез, соғлом ўсиши билан бирга заарланишдан бирмунча сақланиб қолади. Фосфорли ўғит таъсирида эса хужайра ширасининг осмотик босими кўтарилиб ҳамда тўқима зичлиги ошиб, айрим зааркундаларнинг (ўргимчаккана, шира) ривожланиши пасаяди. Калийли ўғитлар ўсимликларни зааркундаларга нисбатан бардошлигини оширади.

Дуккакли дон экинларига фосфорли ва калийли ўғитларни бериш уларнинг генератив органларининг кўпайишига, илдиз тизимининг кучли бўлишига, олинадиган ҳосилнинг сифатли ва юқори бўлишига олиб келади. Минерал ўғитларнинг вақтида берилиши ўсимлик ва зааркундалар ўртасида ривожланиш фазаларининг бузилишига олиб келади.

### **Биологик кураш тадбирлари**

Нўхат экилган майдонларда ғўза тунламиининг тухумига қарши трихограмма, катта ёшдаги қўртига қарши 1:5 - 1:10 – 1:15 нисбатда бракон кушандасини қуллаш тавсия этилади.

### **Кимёвий кураш тадбирлари**

1. Дуккакли дон экинлари уруғларини экишдан камида 20 кун олдин уруғдорилагич препаратлар яъни Аваланче 5 кг/т (ёки гаучо), Круизер ёки Круизер экстра препаратлари билан 4 л/т сарф меъёрларда(1 тонна уруғга 20 л сув) илдиз кемирувчи тунламлар, шиralар, триплар, туганак узунбурунлар ва донхўрларга қарши қўллаш тавсия қилинади.

2. Фовак ҳосил қилувчи нўхат пашшасига қарши ҳосил йиғишириб олинишидан камида 25-30 кун олдин Вертиmek 1,8 % эм.к. 0,2 л/га, Алтын 1,8 % э.к. 0,3 л/га, Нуринол, 55 % эм.к. 1 л/га, ва Поло, 50 % эм.к. 0,8 л/га сарф миқдорларда қўллаш тавсия этилади.

3. Ғўза тунламиининг қўртларига қарши ҳосил йиғиширилиб олишдан 25-30 кун олдин унга қарши Аваунт 15 % эм.к. 0,4-0,45 л/га, Абалон 1,8 % эм.к 0,4 л/га, Алтын 1,8 % эм.к. 0,5 л/га, Моспилан 20% н.кук 0,3 л/га ва Кинмикс 5% эм.к 0,6 л/га, Каратэ 5% эм.к 0,4 л/га сарф меъёрида кимёвий препаратларни қўллаш тавсия этилади.

4.Дуккакли дон экинларида донхўр брухусларга қарши ҳосил ийгиштириб олиннишидан 30- кун олдин Б-58 ( янги) 40 % эм.к. 0,5 – 1,0 л/га, Карабе 10% эм.к 0,1 - 0,2 л/га, Атилла 5% эм.к 0,2 - 0,3 л/га сарф миқдорларда кимёвий препаратларни қўллаш тавсия этилади.

5.Дуккакли дон экинларидан айниқса мош ва ловияни ўргимчакканалардан ҳимоя қилишда Ниссоран, 5% эм.к.- 0,1- 0,2 л/га, Химголд, 72 % эм.к.-0,3 л/га, Вертимел, 1,8 % эм.к.- 0,2 л/га, Алтын 1,8 % эм.к.-0,3 л/га, Узмайт, 57 % эм.к.-1,2 л/га, Нуредл-Д, 55 % эм.к. – 1,5 л/га сарф миқдорларда қўллаш тавсия этилади.

### **Назорат саволлари**

1. Мойли экинларни асосий заараркунандаларини айтиб беринг?
2. Дуккакли экинларни асосий заараркунандаларини айтиб беринг?
- 3.Мошни асосий заараркунандалари ва уларга қарши кураш чораларини айтиб беринг?

### **6-амалий машғулот- Доривор ва иссиқхона экинлари заарли организмларига қарши уйғунлашган кураш усуллари.**

#### ***Керакли жиҳозлар:***

1. Лупа, бинокуляр
2. Энтомологик нина
3. Расмли жадвал
4. Ҳашаротларнинг кўргазмали намуналари
5. Тарқатма материаллар

**Ширалар.** Баргларнинг пастки қисмида ривожланади. Заарланган ўсимликларнинг барглари бужмайиб қолади. Ширалар ҳар хил касалликларни тарқатиши мумкин. Уларга қарши кураш чораларига агротехник тадбирларни ўз вактида ўтқазиш, ўсимликларни карбофос, донитол, каратэ, моспилан препаратлари билан ишлов бериш кабилар киради.Ширалар одатда баҳорда, буталар эндиғина ўсабошлидан бошлаб, ёзги депрессия даврини ўтаб, кузда яна ривожланишни давом этади. Новдаларнинг ўсиш нуқталарида, ҳамда гул ғунчаларига ёпирилади. Натижада, ўсимлик ҳамда гул ривожланишдан орқада қолади. Шираларга қарши курашда ҳозирги замонавий инсектицидлар орасида неоникотиноидлардан:конфидор (багира), моспилан (тагспилан, ачиев), энджео ва бошқалар юқори самара беради.



### *Ширалар*

**Ўргимчаккана** (*Tetranychus urticae* Koch.). Ўргимчаккана мавсумда 13-15 бўғин бериб ривожланади ва деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари билан озиқланади. Нихолларнинг баргларини сўриши оқибатида кўчат етарлича бақувватлашмайди ва ривождан орқада қолади. Ўргимчаккана кузги салқин шароит вужудга келиши билан қишлоғга тайёргарлик кўра бошлайди ва оталанган урғочи зот шаклида охирги яшаган ерда пана жой топиб қишлиб қолади. Шунинг учун кузда даладан органик қолдиқларни олиб чиқиб ташлаб, ерни чуқур шудгорлаш бу ва бошқа бир қатор заараркунан-даларга қирғин келтиришни таъминлайди.

**Кураши чоралари.** 1. Агротехник чоралар. 2. Май ойининг охирида дала атрофидаги бегона ўтларга кимёвий ишлов бериб, барча сўрувчи заараркунандалар кўпайишининг олдини олиш. 3. Нихолларнинг 15-20% ида ўргимчаккана пайдо бўлса, бирор акарицид (омайт, неорон, вертимекс, олтингугурт, ортус, флумайт ва б.) қўллаш.



*Ўргимчаккана* (*Tetranychus urticae* Koch.).

**Шиллик қуртлар.** Шиллик қуртларга қарши курашда “Стрела” препарати энг самарали ҳисобланади (10 литр сувга 50 гр препарат кукунидан солиб, яхшилаб аралаштирилади ва тиндирилиб, пуркалади). Ушбу препарат иссиқ қонли ҳайвонлар ва инсон учун умуман заарсиз ҳисобланади.



### Ялпиз зааркунандалари

Ялпиз униб чиқиши билан унга ялпиз бургаси зааркелтириб бошлайды (**мятная блошка** -*Longitarsus licopis* Faudr.). Унинг кичкина қўнғизи ва личинкаси 1,5 мм атрофида бўлади. Ранги сомон тусда сарғиши, ялпиз баргларида тешикчалар пайдо қиласди.

Агар баҳор илиқ ва қуруқ келса улар тез ривожланади ва катта заар келтиради.

**Яшил қалқонча** (зелёная щитоноска-*Cassida viridis* L.), баҳор келиши билан ялпиз баргларини чет томонидан кемириб заарлай бошлайди.

Қўнғизлари ва личинкалари баргларда тешикчалар ҳосил қиласди, барг четларини кемиради.



Яшил қалқонча (зелёная щитоноска-*Cassida viridis* L.),

**Ялпиз баргхўри** (**Мятный листоед**-*Chrysomela menthastris* Suffr) – 7-10 мм катталикдаги, яшил қўнғиз бўлиб, металлсимон товланиб туради. Қўнғизлари баргнинг чет қисмини кемириб заар келтиради.



Ялпиз баргхўри (**Мятный листоед**-*Chrysomela menthastris* Suffr)

**Ширалар** (**Тля** -*Aphis menthae* L., *Brachycaudus helichrysi* Kalt)- 2 мм

катталика бўлади, тўқ-яшил тусда, колония бўлб яшайди. Баргни сўриб заарар келтиради. Қиши тушугунча заарлайди.



### Ширалар (Тля -*Aphis menthae* L., *Brachycaudus helichrysi* Kalt)

**Цикадалар-Цикадки-Empoasca pteridis** Dhlb – Имаголари ва личинкалари баргни сўриб заарлайди ва барглар қуриб қолади. Асосан улар ёш ўсимликларни заарлаб қуритиб қўяди. Цикадаларнинг учта тури мавжуд олти нуқтали-*Macrosteles laevis* Rib., Чизиқли-*Psammotettix striatus* L. ва дала-*Empoasca pteridis* Dhlb. цикадалари. Улар ўсимликларни укол қилгандай оқ доғ ҳосил қилиб заарлайди. Буғдой ўримидан кейин уларнинг сони кўпайиб кетади. Уларга қарши кураш учун, уруғликларни Форс Зеа ёки Круизер 350 FS уруғ дорилагичлари билан дорилаш ва вегетация даврида Каратэ Зеон препарати пуркалиши лозим.

Марказий Осиёда майда цикадаларнинг Homoptera туркумига, Abchenorhyncha кенжаси туркумига қарашли *Kybos bipunctata* Osh., *E. decipiens* merdiana A.Z. ва *Egerna sinuata* M.R.дан иборат учта тури борлиги аниқланди. Цикадаларнинг бу учта тури экинларга сезиларли даражада заарар етказа олмайди. Аммо *Cidatra ochreata* mel.ва *C. querula* Pall. номли йирик цикадалар баъзан тухум қўйиш вақтида анча катта заарар етказадилар.

**Зарари.** цикада тухум қўйиш вақтида ўсимликларнинг поя ва шохларини тухум қўйгичлари билан тешиб, улардаги томир тутамчаларини кесади; натижада ўсимлик бутунлай ёки унинг ўша тешилган жойидан юқоридаги қисмлари қуриб қолиш мумкин.

Цикада кунжут, картошка, қовун экинларига, шунингдек ток, тут ва терак новдаларига ҳам заарар етказади.

**Тарқалиши.** цикада фақат сугорилмайдиган, янги сув чиқарилган ҳамда Ўзбекистон ва Туркманистоннинг жанубидаги воҳа чегараларига яқин ерларда борлиги аниқланган.

**Таърифи.** Ўза цикадасининг узунлиги 27-30 мм келади. Танаси асосан зарғалдоқ рангли бўлади, баъзи жойлари эса яшил ва қўнғир жигар ранг тусда товланиб туради.

Орқасининг олд қисми ўртасидан ўтган узала чизиқ ҳамда кўкрагининг олд ва ўрта қисмлари орасидаги “ёқа” яшил тусда бўлади. Чаноқлари ва сонларининг ташқи томонлари, болдириларининг ўрта қисми яшил рангда бўлади. Пешонасидан кичик-кичик қўндаланг ажинлар ва пешонаси ўртасидан узала эгатча ўтади. Уч бўғимли мўйловчалари чаккасини пешонасидан ажратиб турадиган чок билан кўзлари ўртасида туради; мўйловчалигининг учинчи бўғими ипсимон бўлиб, бешта иккиламчи бўғимчаларга бўлинган. Орқасининг олд қисми трапеция шаклида, чуқур ва эгри эгатчали. Қалқончаси катта ва қавариб туради. Қанотлари ойнасимон тиник; қанотларининг асосий ярми яшил тусда, уч томонидаги ярми қўнғир жигар ранг тусда. Йўғонлашган олдинги сонларининг ҳар бирида уттадан пих бор. Эркак цикадаларнинг кейинги чаноқлари тубида уч бурчакли ясси пих бор, бу пих тимпонал пластинканинг тубига кириб туради. Урғочиларнинг бақувват тухум қўйгичи бор.

Тухуми оқ тусда, узунлиги 1,8—2,5 мм, эни 0,47—0,57 мм келади, учларига яқин қисми бирмунча ингичка ва бир томони салгина ботиб туради. Пўсти юпқа ва унинг ичидаги ривожланаётган эмбрион кўриниб туради. Июлнинг учинчи декадасида қўпчилик тухумлардаги личинкалар чиқишига яқинлашиб қолади ва тухумлар пушти—зарғалдоқ рангга киради.



**Цикадалар-Цикадки - *Empoasca pteridis* Dhlb**

**Ялпиз** *Tanymecus palliatus* F., *Bothynoderes punctiventris* Germ.) – Кўнғизи баргларни четини кемириб заарлайди, личинкалари эса тинчгина ялпизнинг илдизини кемириб озиқланиб ётади. Бироқ бу зааркунанда ҳар йили пайдо бўлмайди.

**Чўл парвонаси(луговой мотылёнок** - *Pyrausta sticticalis* L.), ялпиз ўсимлигини бутунлай кемириб заарлайди, баъзи йиллари жуда кучли заарлайди. 35 та оиласа мансуб ўсимликларни заарлайди.

Маданий экинлардан лавлаги, каноп, кунгабоқар, дуккакли экинлар, камроқ миқдорда маккажўхори, картошка ва томатдошларни заарлайди. Ёввойи ўсимликлардан шувоқни кўпроқ заарлайди.



© Fefelova J.A.

### Чўл парвонаси (луговой мотылёк - *Pyrausta sticticalis* L.)

Капалаги 18-26 мм катталиқда, олдинги қанотлар сарғиши-жигарранг тусда, иккита сариқ узунчоқ доғлари бор. Тухуми 0,8-1 мм атрофида, тухумдан энди чиққан личинкалари яшилсизмон, боши қора тусда. Катта ёшдаги құртлари 35 мм атрофида, ғұмбаги 25 мм атрофида бўлади. Ғұмбак холида тупроқда қишлоғи. Капалаклар 20-25 км га учиб бора олади. Ўртача ҳаво ҳарорати 17<sup>0</sup>С бўлганда, май ойларида капалаклар учиб чиқади.

Уларнинг баъзилари бир неча 10-15 метр баланликка кўтарилади ва шамол билан 1000 км масофага ҳам тарқалиши мумкин. Қозогистоннинг чўл худудларида жуда кўплаб учрайди. Тухумини 2-20 талаб қўяди. 420-600 тагача бир урғочиси тухум қўяди. Уларнинг сонини трихограмма, бракон ва тахин пашшалари камайтириб туради. Уларга қарши агар бир метр квадрат жойда 10та жойга тухум қўйилган бўлса, бир гектарига 30 минг дона трихограмма чиқарилади ва 7 кундан кейин яна шунча чиқарилади. Агар битта баргда 10-20 та личинка учраса, уларнинг сони кўпайиб кетиш хавфи бўлса лепидоцид, П (0,6—1 кг/га), ёки битоксибациллин, П (2 кг/га) ишлатилади. Уларга қарши КЭ (л/га): децис — 0,25, карбофос ёки фуфанон — 0,6—1 ва дурсбан — 1,5—2 ишлатиш мумкин.

**Ялпиз қанаси (Мятный клещ)** – жанубда энг хавфли зааркунанда ҳисобланади. Тупроқнинг 10 см чуқурлигига қишлоғи.

Май ойидан август ойигача ялпизнинг ўсув нуқталари ширасини сўриб яшайди, август ойидан қишлошга кетади. Экув материаллари билан тарқалади.

**Кўпиксимон сўрувчи-пенница слюнявая - *Philaenus spumarius* L..** имаголари ва личинкалари генератив орган ва шохларини деформацияга учратади. Кўпиксимон оқ қобиқлар ҳосил қиласи.



Кўпиксимон сўрвчи-пенница слюнявая - *Philaenus spumarius L.*.  
Симқуртлар-проволочники-личинки жуков щелкунов, илдизни кемириб заарлайди (3-мавзуга қаралсин).



### Симқуртлар-проволочники

Булардан ташқари ялпизни карам тунлами, юмалоқ қанотли одимчилар бузоқбошилар ҳам илдизини кемириб заарлаши мумкин.

Буларга қарши игна баргли дараҳтлар барги қайнатмаси сепилади. тангачақанотлилар отряди, парвоналар оиласига мансуб (Pyralidae).

**Шиш ҳосил қилувчи нематодалар-Галловая нематода-** *Meloidogyne marioni* Cornu. ҳам ялпизга сезиларли даражада зиён келтиради.

**Наъматак пащаси-Муха шиповниковая** — *Rhagoletis alternata* Fall. Tephritidae оиласига мансуб бўлибнаъматакнинг асосий зааркунандаси ҳисобланади. МДХ давлатларида тарқалган.



Наъматак пащаси-Муха шиповниковая — *Rhagoletis alternata* Fall.

Урғочисининг узунлиги 3,8–5,4 мм, эркагининг узунлиги-2,9–4 мм. Боши ва танаси сарғиш-жигарранг; личинкаси 7-8 мм, сомон рангда. Сохта ғумбак ҳолида пўстлоқлар остида, ёки 5 см чукурликдаги хас-хашаклар орасида қишлиб чиқади.

Урғочиси бир донадан тухумини, энди гулдан ажраган мевага, уни уруг кўйгичи билан тешиб ичига қўяди, мевани ичида тухумдан уни личинкаси чиқади ва мевани заарлайди. Бир йилда бир марта авлод беради. Етилган личинкалар меваларни тешиб чиқади ва тупроққа тушиб ғумбакка айланади. Уларнинг сонини *Opius rosae Tobias*, *O. ragoleticola Sachtl.* Паразитлари камайтириб туради. Агар 100 дона мевада 13-15 та тешикча пайдо бўлган бўлса, инсектицидлар билан ишлов берилади.

### **Пуштиранг баргўровчи**

**Қанотларини ёзганда-15-22** мм, олдинги қаноти оч сарғишдан тўқ жигаррангчача. Улар баргларни ўраб олиб, ичида ҳаёт кечиради



Пуштиранг баргўровчи

### **Атиргул шираси**

Шираларнинг дунёда 4700 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, мевали ва манзарали дараҳтларга жиддий зарар келтирадигани ва кенг тарқалгани атиргул шираси ҳисобланади.



Атиргул шираси

### **Атиргул аракаши**

Аракаш барча мевали ва манзарали дараҳтларда ҳаёт кечириши

мумкин. Асосан гул шоналарини заарлаши билан машхур. Личинкаси кучли зарар келтиради. Катталиги 7-10 мм атрофида, ялтироқ тусда бўлади. Гумбагининг узунлиги 10 мм, эни 5 мм бўлади. Битта урғочиси 70 донагача тухум қўяди. Атиргул аракаши наъматак ва атиргулни тенг равишда заарлайдиган ҳашарот. У пардақанотли ҳашаротлар – *Hymenoptera*, ҳақиқий аракашлар – *Tenthredinidae* оиласига мансубдир. Арракашларнинг етук зоти ташқи кўринишидан оддий пашшани эслатсада, унинг қурти ва ҳаёт кечириши тубдан фарқ қилади. Бу ҳашарот яхши ўрганилмаган. Лекин шуниси маълумки, қурти йирик – вояга етгани 20-22 мм келади. У капалак қуртини эслатсада, ташқи кўриниши билан фарқ қилади: териси қаттиқ бужмайган, ранги сидирға яшил, олд тарафи йўғонроқ бўлиб, соҳта оёқлари 2-4 та эмас, балки 7 тадан ошиқ. Олд оёқлари қисқа ва бирхил узунликда. Қуртигина зиён етказади. У баргларни кемириб новдани япроқсиз килиб қўйиши мумкин. Шунинг учун, айрим пайтларда унга қарши маҳсус кураш чорасини ўтказиш лозим бўлиб қолади. Бу мақсадда мавжуд инсектицидлардан бирини ишлатиш кифоя бўлади. Уларга қарши боғларда Инта вир препаратини 1 таблеткасини 75 грамм карбофос билан қўшиб 10 сувда эритилади ва пуркалади, Актеллик препаратидан 15 граммни 10 литр сувда эритиб пуркалади. Актар препаратидан 8 граммни 10 литр сувда эритиб пуркалади.





### Атиргул аракаши

**Ўрғимчакканা** бошқа ўсимликлар қаторида, айникса наъматакка кучли зиён келтиради. Шунинг учун, унга қарши курашни инсектицидларга акарицидлардан: омайт, вертимек, флумайт аралаштириб, ёки қуруқ олтингугурт кукунини олдини олиш мақсадида чангитиб туриш керак.

#### Мойчечак (ромашка) зааркунандалари

**Заарли қўнғизлар-Cetoniini:** Мойчечак гулларини хуш кўради ва жиддий заар келтиради. Марказий Осиёда махсар экинига беш тур бронза тусли: *турон олёнкаси* (*Epicometis turanica* Rtt.) чипор бронза тусли (*Oxythyera cinctella* Schaum.), *холдор бронза тусли* (*Stalagmosoma albellum*); *мовий бронза тусли* (*Potosia turkestanica* Kraatz.) ва қорамтирип бронзатусли (*Potosia agglomerata* Sols.) қўнғизлар заар етказиб туриши аниқланган.

**Зарари.** Бронза тусли қўнғизларнинг ҳаммаси деярли бир хилда заар етказади; вояга етган қўнғизлари ғунча ва поясини кемириб ейди. Холдор, мовий ва қора бронза туслилар тўп баргли стадиясида ҳам шикаст етказади.

Қора бронза тусли қўнғиз зарари бошқа бронза туслилар зааридан камроқ бўлади, чунки бу бронза туслилар микдори, одатда унча кўп бўлмайди. Бронза туслиларнинг етказадиган зарари баъзан анча катта бўлади. Чипор бронза тусли қўнғиз ғалла экинларига ҳам тушиб бошоқдаги гул тугунчаларини ва ёш донларни еб тўйинади. Турон олёнкаси ва чипор бронза тусли қўнғиз мева дарахтларига, товсағизга ва манзарали гулчиликка анча жиддий зиён етказиб туради.

**Тарқалиши.** Чипор бронза туслла қўнғиз Марказий Осиёда, Кримда, Кавказда, Украина нинг жанубий қисмларида; холдор бронза тусли қўнғиз Марказий Осиёда ва Қозогистонда учрайди.

*Мовий* ва қора бронза тусли қўнғизлар Ўзбекистоннинг марказий зоналарида: Жиззах, Куропаткино, Қамаши туманларида, қора бронза туслиси Тожикистанда ҳам учраб туради.

**Таърифи.**Бронза тусли қўнғизлар танаси қисқа ва пишиқ бўлади; мўйлови булавка (тўғнағич) шаклида бўлиб, елпигиҳсимон жойлашади; оёғи ер қазишга мослашган; кўзи олдининг икки ёнида қаншари чуқурча бўлиб кўриниб туради; қанотустлиги биқинларида- бунинг олди қисмида биттадан чуқурча бор; орқасининг олди қисми қанотустлиги билан зич қўшилишиб кетган; ўрта оёқлари тази ўртасидаги ўрта қўкрагида ўсиқ бўлади. Личинкаси ёйсимон эгалган, оқ тусда; танаси бошқа ясси мўйловли қўнғиз, масалан, ғалла ёки қаттиқ бузоқбош личинкасининг танасига ўхшайди, аммо бронза тусли қўнғиз личинкасининг барча оёқлари бир хил узунликда ва танаси бирмунча узун туклар билан анча қалин қопланган бўлади.



Зарарли қўнғизлар

**Трипс:**Мойчечакка жиддий зарар келтирадиган зааркунанда ҳисобланади.Трипс айниқса наъматакка кучли зарар етказиб туради. Зааркундаларга қарши курашни ташкиллашда буни назарда тутиб, неоникотиноид инсектицидлардан юқори самара олиш мумкин.



Трипс

### Бузоқбоши қўнғизлари

**Бузоқ бошилар-хрушлар:** март бузоқ бошиси (*Melonotha afflictata* Ball), зарарли бузоқ боши (*Polyphilla adspersa* Motsch.), май хрушлари (*Melolontha melolontha*, *M. hypocastani*). Сергўнг тупроқларда 3-4 йил мобайнида яшовчи личинкалари барча экинлар қатори картошка ва бошқа

иту-зумгулдошлар оиласига мансуб экинларнинг илдизи ва меваларини кемириб шикаст етказади.



Бузоқбоши қўнғизлари

Заарланиш оқибатида кўчат сони ва умумий хосил-дорлик камаяди, сифати эса пасаяди. Илдиз кемирувчи заар-кунандаларга қарши қўйидаги кураш тадбирлари тавсия этилади. 1. Кузги шудгор ва юқори агротехникани амалга ошириш. 2. Кузги тунлам ривожланишини феромон тутқичлар орқали ўрганиб, трихограмма тарқатиш. 3. Чертмакчи ва қора қўнғиз личинкаларига қарши тупроқни юмшатиш, физикавий ҳолатини яхшилаш. 4. Бузоқ боши кўпаймаслиги учун сақла-надиган гўнгларнинг устини тупроқ билан ёпиш, заарланган гўнгни далага олиб чиқишдан олдин уни тозалаш. 5. Кимёвий кураш картошка экилишигача ҳар  $m^2$  ерда 5 тадан ортиқ симқурт ёки биттадан ортиқ бузоқ боши личинкалари аниқ-ланганда амалга оширилади. Бунинг учун пиретроид инсек-тицидлар, айниқса децисни (0,7 л/га) трактор ёрдамида пуркаб, кетидан культивация ўтказиш ёки сув бериш яхши натижга беради. Кичик пайкалларда кўчат остига тайёр эритмани (100-150 мл) қуйиб чиқиш мумкин.

### Симқуртлар

Марказий Осиёда Elateridae оиласига мансуб қўнғиз личинкаларининг зарар етказувчи симқуртлар турлари ҳозирча аниқланмаган эмас, аммо *Agriote sp.* номли личинкаларнинг (таксинан *A. meticulosus* Cand. нинг) заарлилиги аниқланди ҳамда *Melanotus avitus* Cand ва *Melanotus conicollis* Rtt. зарар етказганлиги эҳтимол тутилади; бироқ кейинги тур тўғрисидаги баъзи маълумотларга қараганда уни *Pleonomus tereticolis* Men. турига киргизиш керак. Ҳар хил турларга мансуб қарсидок қўнғизларнинг авлоди 2—5 йил давом этади. Уларнинг баъзи турлари вояга етган қўнғиз ва личинкалик стадияларида, баъзи турлари эса личинкалик стадиясида қишлиайди.



## Симқуртлар

Қўнғизлар тухумларини тупроққа қўяди; уларнинг баъзиларитухумларини тупроқнинг юза қаватига, баъзилари эса 15 смчукурликка жойлади. Одатда, урғочи қўнғизлар 130—150 тагача, A. meliculosus Cand. 162 тагача тухум қўяди. Урғочи қўнғизлар тухумларини кўпинча чим босган ерларга қўяди, ана шу сабабли улар кўп йиллик ўтларга ҳамда янги экинзорга айлантирилган ерларга энг кўп зарар етказади. Айрим турларнинг эмбрионал ривожланиш даври бир ҳафтаданбир ойгача ваундан ҳам узоқроққа чўзилади. A. meliculosus Cand. қўнғизларининг тухумлари ўртacha ҳарорат  $23,3^{\circ}$  бўлганида 17 кунда,  $23,7^{\circ}\text{C}$  бўлганида 16 кунда ва  $22,5^{\circ}\text{C}$  бўлганида 19 кунда ривожланади. Дастребаки ёшлардаги личинкалар тупроқдаги чиринди ва органик қолдиқлар билан озиқланиб, ўсимликларга заарар етказмайди.

## Шиллиқ қуртлар

Кемириб зарар келтиради, бир йилда бир марта авлод беради. Эрта баҳорда ва нам кўп жойларда яшайди. Унга қарши мис сульфат ишлатилса яхши самара беради.



Шиллиқ қуртлар

## Оққанотлар

**Оққанотлар.** Тенг қанотли ҳашаротлар (*Hemiptera*) туркумининг оққанотлар (*Aleyrodidae*) оиласига мансуб.

**Зарари.** Иссиқхона оққаноти асосан иссиқхоналардаги экинларни зарарлаб, очик шароитга баҳордан бошлаб учиб чиқади. Очидаги экинларда иссиқхона оққаноти ёзниг жазирама иссиқ кунларида ривожланмайди. Оққанотларнинг бу турига ҳавонинг юқори иссиқлиги салбий таъсир этмайди. Шунинг учун ҳам оққанот 1990 йиллардан бошлаб Хоразм, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда доминант турга айланди. У очик дала шароитларида ва иссиқхоналарда ҳам кучли ривожланиб, қисман

иссиқхона оққанотини сиқиб чиқарди ва энг аҳамиятли бўлиб олди. Ҳар қандай зааркунанда сингари, оққанотнинг зарари ҳам ўсимлик ривожининг қайси фазасидан бошлаб уни заарлай бошлаганига боғлиқ бўлади. Яъни, ўсимлик қанчалик эрта заарланса, шунча кўп ҳосилни йўқотиши мумкин. Масалан, кўчатлик давридан бошлаб заарланган помидор экини (ҳимоя қилинмаса) бутун-лай ҳосилсиз қолиши мумкин. Қийғос ҳосилга кирган пайтдан бошлаб заарланса 1/3 ҳосилни йўқотиши мумкин. Кartoшка экини ғўза оққаноти билан кучли заарланганда 60-70% ҳосилни йўқотиши мумкин.

**Табиий кушандалари ва физиологик ҳолати.** Оққанотларнинг энг самарали кушандаларига энкарзия (трихопорус) – *EncarsiaformosaGahan*. ва эретмоцерусни – *Eretmocerushaldemani* [Nikolskayaе - Myarts.] киритиш мумкин. Булар эндопаразит бўлиб, энкарзия иссиқхона оққанотининг личинкаларини, эретмоцерус эса оққанотнинг личинкаларини қўпроқ заарлайди. Оққанот личинкалари заарланиши куз ойларида энг юқори даражага етиб, умумий популяциянинг 60-70% ини ташкил этади. Ҳаммахўр энтомофаглардан оққанотни олтинкўз ва кокцинеллид қўнғизларининг личинка-лари кўплаб қиради.

Оққанотлар республика далаларида пайдо бўлиши билан, уларга қарши кимёвий курашни ташкиллаш бўйича тадқиқотлар бошланган. Фосфорорганик инсектицидлардан карбофос, актеллик, БИ-58; синтетик пиретроидлардан сумицидин, децис, цимбуш, талстар, данитол тавсия этилган (Хўжаев, 1983). Оққанотлар, қайд қилиб ўтилганидек, йил мобайнида тўхтовсиз ривожланишга одатланган ҳашарот бўлгани туфайли, кўп бўғин беради (бир йилда 10-12 бўғин). Шу боис унинг популяцияларида қўлланилаётган препаратларга нисбатан тез бардошлилик (чиdamлилик) вужудга келиши мумкин. 1984 йили Тошкент вилоятида иссиқхона оққанотининг чидамлилик кўрсаткичи децисга – 8,5, сумицидинга – 4,0 марта бўлган бўлса, фосфорорганик карбофосга – 232,0, актелликка эса – 189,0 га тенг бўлди. Кейинги 2001 йилгача ўтган даврда ўзгаришлар содир бўлиб, эндиликда пиретроидларга чидамлилик янада ошди, яъни децисга – 125,3 марта, цимбушга – 117,1 марта, карбофосга – 42,4 марта. Шунинг учун ҳам оққанотларга қарши кураш олиб боришда оқилона тактикага риоя қилиб, барча усусларни ишлатиш лозим: биринчидан – инсектицидларни имконият борича камроқ ишлатиш; иккинчидан эса уларни алмашлаб ишлатишга аҳамият бериш керак (Хакимов, Хўжаев, 2001).

**Кураш чоралари.** 1. Юқори агротехника асосида соғлом ва бардошли ўсимликларни ўстириш. 2. Оққанот очиқ ша-роитда оз бўлиши учун уни иссиқхоналарда ва турли ташқилот хоналаридаги ўсимликларда қиши ойлари давомида қириб туриш керак. Бу энг асосий талаблардан биридир. 3.

Оққанотга қарши курашнинг нокимёвий усули ҳам мавжуд. Бунинг учун сентябр-октябр ойларида очик шароитдан иссиқхоналарга киришга ҳаракат қилган оққанот етук зотларини сариқ тусли елим суртилган экранларга тутиб қириш ҳамда маҳсус сепараторларда зааркунандадан ажратиб олинган энкарзия кушандасини иссиқхоналарга тарқатиш лозим. Бу йўл билан иссиқхоналарда оққанот кўпайишининг олди олинади, оқибатда келгуси йили очик шароитга камроқ зааркунанда учиб чиқади (сепаратор сифатида майда кўзли тегирмон элагини ишлатиш мумкин. Яъни, элак ичига жойлаштирилган даладан йиғиб келинган барглардаги оққанот ичидан учиб чиқкан энкарзиянинг етук зоти майда бўлганлиги сабабли, элақдан ташқарига учиб чиқа олади, оққанот эса қолиб кетади). 4. Помидорда (очик шароитда) оққанотларга қарши курашиш учун қуйидаги инсектицидлар тавсия қилинган: **конфидор** – 0,3-0,4 л/га, **калипсо** – 0,15 л/га, **децис** – 0,25-0,5 л/га, **карбофос** – 1,2-2,0 л/га, **фуфанон** – 1,5-2,0 л/га.



Оқ қанотлар

### Ўргимчакканалар

#### Ўргимчаккана-*Tetranychus telarius L.*

**Зарари.** Ўргимчаккана – Марказий Осиёда ғўзанинг энг хавфли зааркунандасидир. Бу зааркунанда айрим далаларда пахта ҳосилининг яримидан кўпроқ қисмини нобуд қилиб қўйиши мумкин. Одатдаги йилларда ўргимчаккана ялпи пахта ҳосилининг 6 – 10 % ни, баъзи йилларда эса ҳатто 14 % ни нобуд қиласди (Кособуцкий).

Ўргимчаккана ҳосилни камайтириш билан бирга пахта сифатини ҳам пасайтиради. Кана кўплаб тушган ғўза тупларидағи кўсакларнинг толаси 1 – 1,5 мм қисқаради. Чигитнинг нормал униш кучи йўқолади, бундай чигитларнинг майсалари секин ўсади ва нотекис бўлади.

Ўргимчаккана кўп хил ўсимликларни заарлайди, соя, ерёнгоқ, мош, ловия, дағал каноп, канакунжут экинлари ва полиз ўсимликлари, баъзан оқ жўхори ва маккажўхори, шунингдек тут дараҳтларини, баъзан мева ва манзарали дараҳтларга ҳам зарар етказади, буғдой, арпа экинларини кам

зараарлайди.

**Тарқалиши.** Ўргимчаккана Марказий Осиё, Қозогистон ва Кавказ ортида, Россиянинг Европа қисмидаги чўл ва ўрмон – чўл зоналарида тарқалган. У Европа ва Осиё мамлакатларида ҳам учрайди. Бироқ чет мамлакатларда *Tetranychidae* оиласига қарашли турлар систематикаси ҳозирча кам ишлаб чиқилган ва айрим турларининг географик тарқалиши кўп ерларда аниқланган эмас.

**Таърифи.** Ўргимчаккана оддий кўз билан қарашда зўрға кўринади. Эркагининг узунлиги 0,2 – 0,3 мм, урғочисиники 0,4 – 0,6 мм келади. Урғочисининг танаси овал шаклда, эркак кана танасининг кейинги қисми сиқиқроқ бўлади. Орқасининг сиртида еттида кўндаланг чизиққа жойлашган 26 та ингичка тукча бор. Бу тукчалар иккиласи қилчалар билан қопланмай, тананинг текис жойларидан ўсиб чиқсан. Бўйин трахеялари тўққиз камерали бўлиб, уларнинг учлари ташқарига ҳамда орқа томонга букилиб туради. Уларнинг учидаги эгилган қисми 4 камерага бўлинган. Оёқ панжаларида 2 тадан қилчалар бор, тубида анча қайрилган эиподий ва бир – биридан ажралган 3 жуфт нина бор.

Ўргимчаккана ёзда қўқимтири сарғиши, кеч кузда, эрта қўклам ва қишида эса қизғиши ёки қизил рангда бўлади.

Тухуми думалоқ шаклда бўлиб, диаметри 0,1 мм келади; ранги кўкиш, ойнасимон тиниқ. Личинкалар чиқиш олдидан тухумлар садаф рангда товланади. Личинкасининг танаси ярим шар шаклида, ранги етук кананиқига ўхшайди; узунлиги 0,13 – 0,19 мм ва уч жуфт оёғи бўлади. Етук кананинг эса тўрт жуфт оёғи бўлади. Нимфалари личинкаларга ўхшайди, лекин тўрт жуфт оёғи бўлиб, узунлиги 0,13 – 0,35 мм келади.



Ўргимчаккана

### Унқуртлар (червецлар)

**Унқуртлар (червецлар)** аҳён-аҳёнда наъматак ва атиргул-ларнинг навда ва баргларида пайдо бўлиб қолади. Бу ҳашарот айниқса ҳаммахўр бўлиб, ҳозирги пайтда ҳатто игнабаргли арчасимон дарахтларни ҳам шикастламоқда (103-расм, 3). Бу ҳашаротга қарши ҳам неоникотиноидлар

яхши самара беради: *багира* – 0,03% қуюқликда (10 л сувга 3 мл), *моспилан* – 0,03%, *энджесо* – 0,02%.



Унқуртлар (червецлар)

### Япон сафораси зааркунандалари

Бугунги кунгача япон сафорасини зааркунандалари аниқланмаган эди. Бироқ Болгариялик олимлар сафора уруғига **беда уруғхўри** - *Bruchophagus roddei* Guss заар келтиришини аниқлашди.

Бу ҳашарот беданинг уруғларида ривожланиб, уруғлик бедаларни заарлайди. Марказий Осиёдаги айрим далаларда бу зааркунанда баъзан уруғ ҳосилининг ярмидан зиёдроқ қисмини нобуд қиласди. Одатда эса уруғ ҳосили 2,6—29,4 % нобуд бўлади.

**Тарқалиши.** Беда уруғхўри Марказий Осиёдан ташқари, Россиянинг жанубий ва ўрта минтақаларида, Сибирда, Германия, Туркия, Чили, АҚШ, Янги Зеландия ва Жанубий Африкада учрайди.

**Таърифи.** Урғочи уруғхўрнинг узунлиги 1,3—2,1 мм келади. Танасининг ранги қора. Олдинги болдиrlари, ўртанча ва кейинги болдиrlарининг учлари ҳамда панжалари қўнғир-сарғиш рангли; олдинги болдиrlари бўйлаб қорамтири чизиқча ҳам ўтади. Юзи ажинли, кўқрак олди ва ўртаси ҳамда қалқончаси чуқурчалар билан қопланган. Орқаси букир, кўқрагининг охирги томонида думалоқ ўйиқча бор. Қорни калта, тухумсимон силлиқ ва ялтироқ. Қорнининг учинчи ва тўртинчи сегментлари узунлиги деярли баравар узунликда. Мўйловлари саккиз бўғимли ва нисбатан калта, биринчи бўғимдан бешинчи бўғимгача салгина кенг ҳамда қисқа бўлади. Мўйловларининг булавкаси учта бўғимдан иборат. Қанотлари ойнасимон тиник, кўпдан-кўп тукчалар билан қопланган, оддий томирли. Қанотидаги субкостал томирининг костал томирга яқин қисми узилиб туради; костал томир узунлиги радиал томириники билан деярли баравар. Стигмаси катта ўсиқли нотўғри трапеция шаклида бўлиб, унинг ташқи чети ёнида икки жуфт илмоқ бор.

Эркак уруғхўрнинг узунлиги 1,2—2 мм келади, ранги ва тузилиши

урғочисиникига ўхшайди. Қорни урғочисиникига нисбатан бирмунча думалоқ, узунроқ, лекин кейинги чаноқларидан узун эмас. Мўйловлари урғочиларникига нисбатан узунроқ. Мўйловларининг асосий бўғими салгина кенроқ. Хивчининингтўртта бўғимчалик устма-уст жойлашган узун тукчалар билан қопланган. Мўйловларининг булавкалари икки бўғимдан иборат.

Тухуми силлик, тиник рангли, 22 ммузунликда, эллипс кўринишида, думчали; думчали тухумнинг ўзига нисбатан 2—3 баравар узунроқ.

Эндиғина озиқлана бошлаган личинкасининг ранги кўкиш бўлиб, ривожланиш даврининг охирига яқинлашганида оқаради. Личинканинг устки жағлари жигар рангда, узун учи букилиб турари ва уларнинг тубига яқин қисмида учбурчаксимон тишлари бор. Ривожланиб бўлган личинканинг узунлиги 1,5—2 ммга етади. Гумбаги 1,9 ммузунликда, дастлаб оқ бўлади, кейинчалик қораяди.

**Ҳаёт кечириши.** Бу зааркунанда омборлардаги беда уруғлари ичида, беда хашаги ва тўпонида, беда дуккаклари қисман тўқилиб қолган. бедапояларда ва ёввойи ҳолда ўсадигаи баъзи дуккакли ўсимликлар (себарга, қашқар беда, қисман янтоқ) да личинкалик стадияда қишлиайди. Мартда—апрел бошида личинкалар гумбакка айланади ва илиқ кунлар бошланиши билан, одатда апрелнинг иккинчи ярмида, Марказий Осиёning жанубий минтақаларида эса эрта кўкламда—апрел бошида ва ҳатто мартда вояга етган ҳашаротлар уча бошлайди. Уруғхўр ташқарига чиқишидан олдин уруғ ва дуккакни кемириб думалоқ ёки нотўғри шаклдаги тешик очади. Ана шу тешикларга қараб шикастланган уруғ ва дуккакларни осон аниқлаш мумкин. Шикастланган уруғларни зааркунанда чиқишидан олдин ҳам билиб олиш мумкин, чунки бу уруғлар соғ уруғларга нисбатан анча енгил ва хиароқ рангда бўлади. Зааркунанданинг учиб чиқиши жуда узоқ давом этади. Вояга етган уруғхўрлар ҳар хил гулларнинг нектари билан озиқланади.

Урғочи уруғхўрлар тухумларини чала думбул беда уруғлари ичига қўяди. Илгарилари бедани B. Gibbus Boh номли себарга уруғхўри заарлайди, беда уруғхўри эса ҳар хил дуккакли ўсимликларда яшай олади, деб ўйлар эдилар.

Одатда, ҳар бир уруқقا фақат битта тухум қўйилади; дуккак ичида эса уруғларнинг ҳаммасига тухум қўйилган бўлиши мумкин. Урғочи уруғхўр уруғнинг ривожланиш даражасини ҳамда унга тухум қўйилган қўйилмаганлигини мўйловлари билан дуккакни пайпаслаб аниқлай олади. Битта урғочи уруғхўр 24—66 та тухум қўяди. Тухумнинг инкубацион даври 3—6 кун давом этади. Зааркунанданинг тухумдан имаго

стадиясигача ривожланиш даври ёз вақтида 24 —27 кун давом этади. Марказий Осиёда уругхўр бир ёзда 3—4 бўғин беради. Иккинчи ва учинчи бўғин личинкаларининг бир қисми шу йилнинг ўзида ўсиб етмай, диапаузага киради ва иккинчи йилнинг кўкламигача ҳаракатланмай ёта беради.

Марказий Осиёда беда уруғхўрининг заарини анча камайтирадиган кўпгина паразитлар бор, ҳозирча улардан тўққизта тур аниқланди. Бу паразитлар *Habrocytus medicaginis* Gsah; *Tetrastichus bruschophagii* Ash; *Eupelmus microzonus* Forst. *Liodon-tomerus per plexus* Gah; *Tetrastichus brevicornis* Ness; *Tetrastichus* sp; *Habrocytus* sp; *Eurytoma* sp. vaE. *atropurpureus* Dalm. лардан иборат, уларнинг баъзилари иккинчи даражали паразитлар бўлиши ҳам мумкин.

**Кураш чоралари.** Беда уруғхўрига қарши курашдаги асосий тадбир беда уруғини тозалашдир. Бу иш уруғ тозалаш пунктларида бажарилиб, уруғлик экиш кондициясига етказилади. Шунингдек, уруғлик омборларда кимёвий усулда тозаланади, шу билан бирга уруғлик экишдан бир ярим икки ой олдин нафталинга булғаб олиниб, пишиқ қопларга солиб қўйилади. Бунда 1 тонна уруғликка 3 кг нафталин сарфланади.

Экишдан олдин уруғлик яна (агар зарурият бўлса) сувга ош тузи ёки аммиакли селитра қўшиб тайёрланган 15 фоизли намакобга 2—3 минут солиб қўйиб тозаланади. Бунда соғлом уруғлар намакобга ботиб кетади, шикастланган уруғлар эса намакобнинг юзига чиқади. Соғлом уруғлар ажратиб олиниб, дарҳол сувда ювилади ва соя жойга юпқа қилиб ёйилиб қуритилади, шикастланган уруғлар йўқотилади.

Бедани янчиш ва хиллаш вақтида ҳосил бўлган чиқитлар ҳамда пуч уруғлар мартнинг ярмидан кечикирилмай молларга егизилади, ҳеч нарсага ярамайдиган чиқитлар эса шу ондаёқ йўқотилади. Уруғ ҳосилини ўриб-йигиб олишда уруғлар мумкин қадар кам тўкилишига эътибор берилади.

Бедадан бўшаган далалар кузда чуқур қилиб шудгорланади. Уруғлик бедапоялар иккинчи йилдан бошлиб эрта кўкламда чимқирқарли плуг билан 23—25 см чуқурликда қайта ҳайдаб турилади.





Беда уруғхўри - *Bruchophagus roddi* Guss  
Асарун (валериана) заараркунандалари

**Қумлоқсекин юрарқўнғизи -Песчаный медляк** — *Opatrum sabulosum*, қумлоқсекин юрарқўнғизи қора қўнғизларга таалуклидир. Қўнғизлар (*Coleoptera*) туркумининг қора қўнғизлар (*Tenebrionidae*) оиласига мансуб. Қора қўнғизлар айниқса қуруқ чўл ва саҳролар учун хосдир. Унинг 15 мингдан ортиқ тури мавжуд. Ўзбекистон шароитида ўсимликларга **гўза қора қўнғизи** — *Opatroides punctulatus* Br., **бурундор қора қўнғиз** — *Dailognatha nasute* Men., шунингдек **чўл секин юрарқўнғизи** — *Blaps halophila* F.-W. ва **қумлоқсекин юрарқўнғизи** — *Opatrum sabulosum* L. зарар етказиши мумкин (Яхонтов, 1953). Омбор маҳсулотларига **ун хрушаги** — *Tenebrio molitor* L. ва **кичик хрушак** — *Tribolium confusum* Duv. зарар етказиши мумкин (Олимжонов, 1977). Ертўлаларда учрайдиган **қўланса қўнғиз** (*Blaps mortisaga* L.) ҳам шу оилага мансуб. Бу оилага кирувчи ҳашаротлар қуйидаги умумий хусусиятларга эга.

**Ташқи кўриниши.** Қора қўнғизларнинг танаси катта-кичиклиги ва шакли юзасидан турлича бўлиши мумкин. Танаси одатда бироз ялтироқ қора тусда бўлади. Мўйловлари 10-11 бўғимли бўлиб, бир хил тўғноғичсимон шаклга эга. Олд қанотлари қаттиқ қоплагич ҳосил қиласи, олд елқасининг ён четлари учли ингичкалашган. Кўп турларда орқа жуфт қанотлари йўқ. Олдинги ва ўрта оёқ панжалари 5 тадан, орқа жуфтиники эса 4 тадан бўғимга эга. Личинкалари икки шаклда бўлиши мумкин. Айримларининг шакли симқуртларга ўхшаш бўлсада, танаси нисбатан юмшоқ ва қоринчаси охирида бир жуфт ўсимтаси бор. Бундай личинкалар намсевар бўлиб, кўпроқ ўрмонзорларда чириндилар билан озиқланади. Иккинчи гурухга қуруқсевар личинкалар киради. Уларнинг танаси узун ва силлиқ бўлиб, сохта симқуртлар деб аталади. Бу личинкаларнинг чин симқуртлардан фарқи шундаки, улар-нинг бош қисми яхши ривожланган бўлиб тепа лабга эга, шунингдек олд жуфт оёқлари орқа жуфтларига нисбатан узун ва бақувватдир.

**Ҳаёт кечириши.** Қора қўнғизларнинг кўп турлари кечаси ҳаракатланади, кундузи эса турли хил пана жойларда беркиниб ётади. Улар қуруқ жойларни ёқтирадиган ва қурғоқ-чилик йиллари кўпроқ ривожланадиган ҳашаротлардир. Қўнғиз ва личинкалари қишлиши мумкин. Ургочи қўнғизлар узоқ муддат яшаб, бир неча марта тухум қўйиши мумкин.

Тухумдан чиққан личинкалар 12 марта гача пўст ташлаб 1-1,5 йил яшайди. Личинкалар тупроқнинг устки қисмида ривожла-ниб, узоқ вақт давом этадиган очарчилик ва қурғоқчиликка чидай олади.

**Зарари.** Кўпчилик кора қўнғизларнинг личинкалари черт-макчилар сингари зарар келтиради. Ўсимлихўр турлари туп-роққа экилган турли хил уруғликлар ҳамда майса ўсимлик илдизини шикастлайди. Қумлоқ секин юрар қўнғизларининг етук зотлари баҳорда турли хил ўсимликларнинг майсаси билан ҳам озиқланиши мумкин. Қўнғизлари лавлаги, тамаки, кунгабоқар, ғўза, каноп, сабзавот ва бошқа кўргина ўсимлик-ларга зарар етказиши мумкин.

**Кураши чоралари.** Корал қўнғизнинг сохта личинкаларига қарши кураш худди чертмакчиларнинг личинкаларига қарши кураш сингари амалга оширилади.



Қумлоқсекин юрарқўнғизи -Песчаный медляк-  
*Opatrum sabulosum*.

Қумлоқ секин юрар қўнғи-зининг етук зоти ўсимлик ниҳолларига хавф тутғирганда эса, унга қарши бирорта кемирувчилар учун тавсия этилган Моспилан, Маршал 250 инсектициди пуркалади.

**Асарун (валериана) ширалари.** Тенг қанотлилар (*Homoptera*) туркумининг *Aphidinea* кенжага туркумига мансуб. Ширалардан бир неча тури зарар етказади. Булар орасида беда ёки акация шираси хавфлидир.

**Тарқалиши.** Акация шираси Европа, Шимолий-Шарқий Африка ва Шимолий Америка мамлакатларида кенг тарқалган. Ўрта Осиё ва Кавказ ортида ҳам учрайди. Полиз шираси тропик ва субтропик иқлим шароити мавжуд бўлган минтақаларга хос бўлганлиги сабабли, у экватордан  $60^{\circ}$  шимолий ва  $40^{\circ}$  жанубий кенгликда жойлашган мамлакатларда учрайди. Катта шира Кавказ орти, Жанубий Украина ва Ўрта Осиё республикаларида тарқалган.

**Ташқи тузилиши.** Ширалар юмшоқ танли майда ҳашаротлар бўлиб, етук зотининг катталиги 2,5-4 мм га teng. Шираларнинг икки шакли мавжуд: қанотсиз ва қанотли. Қанотлиси икки жуфт teng қанотга эга бўлиб, олдингилари орқасидагидан анча узундир. Ривожланиши тўлиқсиз, кўпинча

партеногенетик: тирик туғиши ҳисобига, ғумбак фазаси бўлмайди. Ўсимлик ширалари шакли жиҳатидан бир неча хил бўлади, чунончи булар ўртасида тирик туғувчи қанотсиз ургочилари, тухум қўядиган қанотсиз ургочилари, тирик туғувчи қанотли ургочилари, қанотли (баъзан қанотсиз) эркаклари бор.

Кузги тунлам капалагининг қаноти ёзилганда қарийб 40 мм га етади. Олдинги қаноти сарғиши-кулранг, орқа қаноти эса оқ тусда, тўқ тусли томирларга эга. Олдинги қанотларининг доғли бўлиши ўзига хос хусусиятидир: қанотларининг асосига яқин жойда понасимон қорамтири доғи, қанотининг деярли марказида юмaloқ ва ундан бироз юқорироқда буйраксимон доғлари бор. Буйраксимон ва юмaloқ доғлари тўқ тусли чизик билан ўралган.

Кузги тунлам тухумининг диаметри 0,65 мм келади, шакли қуббасимон бўлиб, тепасида бўртиқлари бор. Тухуми-нинг сиртида 16 дан 20 тагача қовурғачалари бўлиб, уларнинг бир қисми тухум учига бориб туташади (тунлам тухумлари-нинг қовурғали бўлиши шу ҳашаротларнинг барқарор белги-сиdir). Эндиғина қўйилган тухумлари оқ бўлади.

Кузги тунламнинг етук қурти 5 см га етади. Унинг кўкиш-кулранг танаси биқинларидан иккита ноаниқ йўл ўтган, булар орасида эса учинчи йўл бўлиб, бу орқа қон томирининг ғира-шира қўринишидир. Безовталангандан қурт буралиб халқа бўлиб олади.

Ғумбаги оч қўнғир бўлиб, бўйи 14-20 мм га боради, унинг охирги сегментида иккита айри тиканчаси бор. Кузги тунлам сўнгги икки ёшдаги қуртлик даврида тупроқнинг 5-15 см чуқурликдаги қатламида қишлиайди. Баҳорда ўртача бир кеча-кундузлик ҳарорат  $10^{\circ}$  дан ошганда қишлиаб чиқсан қуртлар тупроқдаги инларини ташлаб ер бетига кўтарилишади ва ғумбакка айланади.

Капалаклар жуфтлашиб, тухум қўйишга ки-ришади. Уларнинг серпуштлиги қанчалик қўшимча озиқланишига ва қуртлик давридаги яшаш шароитига боғлиқдир. Капа-лак кўпи билан 2000 та, аксари 500-600 та тухум қўяди. У тухумларини ўсимликнинг илдиз ёнидаги қисмларига ва тупроқ бетига (биттадан ёки 2-3 тадан) қўяди. Об-ҳаво шароитига қараб уч-етти кундан кейин тухумлардан майда, тўқ кулранг қуртлар чиқади.



Кузгитунлам-*Agrotis segetum* Den. et Schiff

**Лавлаги қандаласи-** свекловичный клоп-*Poeciloscytus cognatus* Fieb. Ўсимликка мирид ва кореид оиласига киравчи қандалаларнинг бир неча тури зарап етказади; булардан энг заарлиси: *дала қандаласи* (*Lygus pratensis* L.) ва *лавлаги қандаласи* (*Poeciloscytus cognatus* Fieb.) ҳисобланади. Бухоро ва Тошкент атрофидаги туманларда наша экинига кўп микдорда *сабзавот қандаласи* (*Poeciloscytus vulneratus* Panz; Miridae оиласидан) ва *lisorhyssus hyalinus* F. қандаласи (Coreidae оиласидан) тушганлиги кўрилган.

*Лавлаги қандаласинин* бўйи 3,5-5,1 мм, чўзиқ шаклда, боши учбурчак кўринишда бўлиб, кўзи бўртиб чиқкан. Қандала туси уст томонидан сарғиш-яшил, қора жойлар бор, эркагининг ост томони деярли ҳаммаси қора, уруғочисида-яшилсимон бўлади. Хартуми сарғиш-қўнғир, мўйлови қизғиши-қўнғир, оёқлари сарғиш-қўнғир, сони тўқ жигар тусда бўлиб, оқиш доғлари бор, болдири сарғиш бўлиб, тўқ жигар тусли дағал туклари бор; орқасининг олдинги қисмининг юқори бурчагига биттадан қора доғ жойлашган; орқасининг олдинги қисмининг кейинги чети ва дағал тукчаларининг учи яшилсимон-сариқ; қанотустлиги сарғиш-қўнғир бўлиб, қора нақшлари бор; қанотустлигининг юмшоқ қисми жигар ранг; кунеус (қаноти тери қисмининг юқори бурчаги) жигар ранг-қизил, четлари қора. *Лавлаги қандаласи* бедапояда, бегона ўтларда, айниқса ёввойи гултоҷихўроз, олабўта, зуптурум ва шўра каби ўсимликларда барг банди ва томирлари ичига қўйилган тухум стадиясида қишлиайди; қандала қисман вояга етган стадияда ер бетида ўсимликлар қолдиғида ҳам қишлиайди. лавлаги қандаласи соя, кунгабоқар, махсар, зигир, канакунжут, горчица, кўкнор, ерёнгоқ экинларига тушади; бундан ташқари, лавлаги қандаласи кашнич, арпабодиён, шивит, шалфей экинларини ҳам шикастлайди; дала қандаласи ғўза, картошка, тамаки, наша экинларини заарлайди.

Вояга етган ҳолда қишилаган қандала эрта баҳордаёқ бегона ўтларда тўйинишига ва тухум қўйишга киришади. Қишилаб чиқкан тухумидан пайдо бўлган личинкаси тўйиниши учун бегона ўтларга ўрмалаб ўтади. Қандалалар кейинчалик экинларга ҳам ўтади ва бу ерда тўйиниб барг банди ва томирлари ичига бештадан-саккизтадан қилиб тухум қўяди. Украинада ўтказилган текшириш маълумотларига қараганда битта урғочи қандала 25-48 та (Вернигор), бошқа бир маълумотда (Саратовда ўтказилган текширишда) 309 тагача, ўртacha 86 та тухум қўяди. Қандаланинг Марказий Осиёда қанчалик серпуштлиги ҳозирча аниқланган эмас. Қандала тухум қўйиб бўлгач тез орада ўлиб кетади. Тухумидан 1,5-2 ҳафта ичида личинка чиқади; қандаланинг тўла

генерацияси 25 кун ва 1,5 ойга чўзилади. Ёз давомида ҳар авлоддаги қандала учрайди, чунки қиши ўтганидан кейин уларнинг ҳаммаси бир вақтда уйғонмайди ҳамда урғочи қандаланинг тухум қўйиши анча вақтга чўзилади. Марказий Осиёда бу зааркунанда тўрт авлод беради.

**Кураш чоралари.** Қандала кўплаб пайдо бўлиб турадиган жойларда каноп экинини қалинроқ экиш тавсия этилади (Невинних ва Рябов). Бундан бошқа яна бегона ўтларни йўқ қилиб туриш, ҳосил йиғиб-териб олинганидан кейин далада ўсимлик қолдиқларини йўқ қилиш, далани кузда шудгорлаш ва экини эрта муддатда ўз вақтида экиш ишлари қандалага қарши курашда яхши натижа беради. Бу зааркунанда жуда серҳаракат ва далада пайдо бўлиши узоққа чўзилганидан, бунга қарши кимёвий усулда курашиш анча қийин. Экинга 12 фоизли гексахлоран (луб экинларига ДДТ нинг 5,5 фоизли дустини ишлатса ҳам бўлади) ёки 7 фоизли анабадуст ёки никодуст ва ёки концентрацияси 30 фоизли бўлган тиофоснинг 1 фоизли эмульсиясини пуркаш, шунингдек 1 лсувга 2 ганабазин-сульфат ёки никотин-сульфат ва 4 гсовун аралаштириб тайёрланган суюқликни пуркаш мирид ва кореид личинкаларини ва қисман вояга етган қандалаларни ўлдиради. Дуст бир гектарга экиннинг қалин-сийраклигига ва бўйига қараб 10-12 кгдан 40 кггача ишлатилади; бир гектар экинга 650-3000 л тайёрланган суюқлик сарфланади. Лавлагига, баъзи дуккакли экинларга ва қалин ўсан бегона ўтларга тушган қандалаларни автоволок, сачка-верша (матрабча) билан тутиб қириш усулини ҳам қўлланиш мумкин (Денисьевский, Максименко. Ярмоленко).



Лавлаги қандаласи- свекловичный клоп-Poecilocapsus cognatus Fieb

Сариқ тусли ўзак тунлами-Сердцевидная совка. Бу тунлам 30 турга яқин ўсимликларни заарлайди. Қанотини ёзганда 30-40 мм келади. Олдинги қанотлари қўнғир-сарғиш тусда, чизиклари бор. Личинкаси 0,45 мм узунликда. Тухумлари қишлиб чиқади. Тухумдан чиқиши биланоқ поя ичига кириб кетади ва йўллар очади. Натижада ўсимлик сўлиб қолади ва қурийди. Битта ўсимликда 3-6 та личинка ривожланиши мумкин. Ёз охирида капалаклари пайдо бўлади.



Сариқ тусли ўзак тунлами-Сердцевидная совка

**Бошқа зааркунандалар.** Валериана экинларни Ўзбекистон шароитида вақти-вақти билан қуидаги зааркунандалар ҳам шикастлаши мумкин: шиш ҳосил қилувчи нематода (*Heterodera marioni* Cornu.), лавлаги қандаласи (*Poeciloscytus cagnatus* Fieb.), ўргимчакканы (*Tetranychus urticae* Koch.), шиллик қуртлар, қуйруқли бузоқ боши (*Gryllotalpa gryllotalpa* L.). Улар ариқ ва ҳовуз атрофида ҳамда нам тўпланадиган ерларда картошканинг илдизи ва ҳосилини кемириб шикастлади. Картошканинг вирусли касалликларини тарқатиши мумкин бўлган хавфли шафтоли шираси (*Myzodes persicae* Sulz) ҳамда печак цикадаси (*Hyalepte obsoletes* Sign.) ва сарғиши цикада (*Empoasca flavescens* F.) ҳам хавфлидир.

### Ширалар



### Парвоналар



### Узунбурунлар



## Олтинкўзни кўпайтириш технологиялари.

**Олтинкўзлар** (*Neuroptera туркуми, Chrysopidae оиласи*) кенг тарқалган ҳашаротлар бўлиб, Марказий Осиёда уларнинг 24 тури қайд қилинган. Ўзбекистонда эса, бу табиий кушандаларнинг 11 тури маълум ва улар орасида *Chrysopa cornea*, *Ch. septempunctata*, *Ch. abbreviata*, *Ch. albolineata*, *Ch. vittata* турлари кўплаб учрайди.

Вояга етган олтинкўзларнинг тузи тилласимон оч-яшил. Улар жуда нозик ҳашаротлардир. Қанотлари ёзилганда улар ораси 19-55 мм. Кўзлари тилласимон. Янги қўйилган тухумларининг ранги оч-яшил бўлиб, кейинчалик аста-секин қораяди. Урғочи олтинкўзлар тухумларини ғўза шохига, баргларига ёки шона тугунчаларига, ғўза битлари, ўргимчаккана яқинига, биттадан ёки тўп-тўп қилиб, нозик поячалар учига қўяди.



Одий олтинкўз-*Chrysopa cornea*

Олтинкўз личинкасининг тузи оч-яшилдан оч-сарғишгача, личинка қорин ва кўкрак бўғимлари ён томонларининг учи илмоқли, йирик туклар жуфт бўртиқчаларда жойлашган. Личинканинг юқори жағлари ўроқсимон эгилган бўлиб, пастки жағлари билан қўшилиб, ёпиқ найча ҳосил қиласиди. Бу найча орқали ўлжа танасига ҳазм суюқлиги юбориб, унинг таъсирида ҳосил бўлган суюқ массани сўради. Ривожланишини якунлаган личинка юмалоқ оқ пиллача ичидаги гумбакка айланади.

Олтинкўз личинкалари ниҳоятда хўра бўлиб, 70 турдан ортиқ бўғимоёқлилар билан озиқланади. Айниқса турли ўсимлик битлари,

үргимчаккана, комсток қурти, фитономус ва қандалалар личинкалари билан озиқланишни хуш күради.

Олтинкүзнинг вояга етган зотлари биноларда қишлиб чиқади. Қишлиб чиқкан олтинкүзлар эрта баҳорда (март охири-апрел бошларида), суткалик ҳарорат  $10-11^{\circ}\text{C}$  га етганда фаоллашади, гул чанги билан қўшимча озиқланади, жуфтлашади ва тухум қўйишга киришади. Битта урғочи олти сутка мобайнида 65 тага қадар, ҳаёти давомида эса 500-750 тагача тухум қўяди. Тухумдаги эмбрионал ривожланиш, об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда, 4-15 кун давом этади. Тухумдан чиқкан личинкалар тухум поячаси бўйлаб пастга тушади ва озуқа излай бошлайди. Личинка 3 ёшни ўтиб ғумбакка айлангунга қадар 7-21 кун керак бўлади, ғумбаклик фазасининг ривожланиши эса 5-16 кун давом этади. Даля тажрибалари кўрсатишича, ғўза битлари ва ўргимчаккана комплексига қарши олтинкўзни қўллашда юқори самара олиш учун иккинчи ёшдаги личинкалар, энтомофаг:хўжайин 1:10 нисбатида, гектарига камида 150-200 минг дона ҳисобидан далага тарқатилиши керак. Олтинкўзларни оммавий кўпайтириш бир қатор мамлакатларда (АҚШ, МДХ, Финляндия, Польша, Болгария, Мексика ва Германия) ўрганилган. У ҳозирча қўлда кўпайтирилади. Б.П.Адашкевич ва Э.Шийко (1983) хабарига кўра олтинкўзни кўпайтириш технологияси қуидаги жараёнларни – личинкалар учун озуқа тайёрлаш, тухумларни инкубация қилиш, личинка ва вояга етган ҳашаротларни ўстириш, тухум олиш ва уларни йиғиштириш, биоматериални сақлашни ўз ичига олади.

Субстратдан ажратилган олтинкўз тухумлари  $25^{\circ}\text{C}$  ҳарорат ва 80% ҳаво нисбий намлигига икки-уч сутка тутилади. Бундай шароитда личинкалар 4-5 кунда тухумлардан очиб чиқади. Личинка чиқишидан бир кун олдин (яккалатиб ўстириш учун) тухумлар катакли садкаларга жойлаштирилади ёки ярим литрли шиша банкаларда гурухлаб ўстирилади.

Личинкаларда яққол каннибализм кузатилади. Шу боис улар Г.А.Бегляров ва бошқалар (1972) тавсия этган катакли садкаларда ўстирилади. Бу хил садкалар бир-биридан ажратилган ромб шаклини кичик қоғоз катакларидан иборат бўлади. Садкалар маҳсус станокда ясалади. Садканинг туви капрон ёки нейлон тўрдан қопланади, у ёғоч рамкага маҳкамланади. Стандарт катакчали вкладиш деворларининг баландлиги 7 мм, катакчалигиники  $12,5 \times 12,5$  см келади. Битта рамкага 400 катакчадан иборат вкладиш жойланади. Садканинг тепаси ойна билан бекитилади. Олтинкўз личинкалари ситотрога тухумлари ёки сунъий озуқа билан боқилади. Мум катаклардаги личинкалар тўлиқ ривожланиши учун ситотрога тухумлари билан камида икки-уч маҳал озиқлантириш талаб этилади. Биринчи мартасида катакчаларга озуқани олтинкўз тухумлари билан бирга

бир вақтда жойланади.

Тухумларини солиш учун мурчдон типидаги оддий мосламадан фойдаланилади. Битта катақчага ўрта ҳисобда 1,5-2 та йиртқич тухуми қўйилади. Бунда 100 та тухум 8,7 мг тош босиши кўзда тутилади. Личинкаларни озиқлантириш учун дон куяси капалагининг тухумлари ҳар бир катақка 2 мг ҳисобида сочилади. Кейин катақчали садка ойна билан беркитилиб, ҳарорат ва ҳаво намлиги бошқариладиган термостатга кўчирилади.

Иккинчи марта личинкалар беш кун оралатиб, яъни биринчи ёшдаги личинкаларнинг туллаш даврида озиқлантирилади. Иккинчи ёшдаги личинкалар жуда хўра бўлиши туфайли дон куяси капалаги тухумидан ҳар бир катақка 14 мг ёки ҳар бир садкага 5,6 гсолиш керак бўлади. Кую тухумларини биринчи марта озиқлантирилгандаги усулда амалга ошириш керак. Иккинчи озиқлантиришдан уч кун ўтгач, личинкалар учинчи марта озиқлантирилади, бунда озиқлантириш нормаси ҳар катақ ҳисобига 16мг гача ёки ҳар садкага 6,4 г гача солинади. Олтинкўз личинкаларини гурухли усулда ҳам ўстириш мумкин. Бунинг учун муайян қоидаларга риоя этиш талаб қилинади. Озуқани мўл-кўл қилиб бериш керак. Лабораториядаги шароит личинкалар учун ҳамиша оптимал – ҳарорат 20-27<sup>0</sup>C, ҳаво нисбий намлиги 50-70% – бўлиши керак. Личинкаларни гурухлаб парваришлаш каннибализмдан деярли тўлиқхоли қиласи, бунда уларни ярим литрли шиша банкага 50 тадан жойлаш шарт. Ҳар бир банкага 100-200 та ҳашарот жойлаштирилса, зичлик ошиши оқибатида, личинка чиқиши 18% га камаяди. Олтинкўзларни личинкалик фазасида колонизация усулидан фойдаланиш кўзда тутилганда гурухлаб боқишини кўллаш мумкин. Биолабораториява биофабрикаларда олтинкўзни оммавий қўпайтиришдаги муаммолардан бири личинкаларни озуқа билан таъминлашдир. Олтинкўзлар ҳозиргача дон куялари капалаги тухумларида ўстирилмоқда. Аммо ҳозир личинкаларни озиқлантиришга монанд сунъий озуқа муҳитларининг бир қатор рецептлари яратилган. Россия фитопатология илмий-тадқиқот институтида тузиб чиқилган озуқа муҳитининг таркиби қўйидагича: дон куяси капалакларининг кукуни 225 г, асал 172 мл, сут 170 мл, пептон 21 г, пиво ачитқиси автолизати 213 мл, ёнғоқ мағизи 43 г, витаминлар аралашмаси 22 мл, аскорбин кислотаси 2 г, этил спирти 25 мл, дистилланган сув 1 л гача.

Бир ҳафта боқилгандан кейин уч-беш кун ўтгач, личинкалар озиқланишдан тўхтаб, катақчаларда пилла ўрашга киришади. Пилла ҳосил бўлгандан кейин 6-7 кун ўтгач, вояга етган ҳашаротларни парваришлаш учун садкаларга кўчирилади. Бунинг учун диаметри 30 см ва деворларининг баландлигини 10 см келадиган (винипластдан ёки бошқа материалдан

ясалган) ичи бўш цилиндрдан иборат садкалардан фойдаланилади. Садканинг туби майда кўзли ( $\text{ўлчами } 1,5 \times 1,5 \text{ мм}$  ли) тўрдан иборат бўлади. Садканинг тепаси қалин мато ёки қора қофоз билан бекитилади. Мато ёки қофоз ва капрон тўр ҳам винт билан қисиб қўйиладиган маҳсус ҳалқалар ёрдамида цилиндрга маҳкамланади.

Вояга етган ҳашаротларни озиқлантириш учун асал ва пиво ачитқиларининг 40% ли автолизатидан фойдаланилади. Ҳаётининг дастлабки беш кунида ҳашаротлар фақат асал билан, сўнгра эса асал ва автолизат билан боқилади, улар садка деворларига навбат билан томизилади. Кичик поролон бўлакчаларига автолизат шимдирилгани маъқул. Автолизат тайёрлаш учун янги пиво ачитқиларини эмал кюветларга қуийб, термостатда  $50^{\circ}\text{C}$  ҳароратда икки сутка тутилади. Тайёр бўлган автолизат майший совутгичда  $5-8^{\circ}\text{C}$  ҳароратда кўпи билан 15 кун сақланади. Олтинкўз урғочилари қора мато ёки қофозга тухум қўяди. Ўткир юпқа пичноқ воситасида поячаларни кесиб, тухумлар йигилади. Лекин шунда ҳам механик шикастланишдан қарийб 20% тухум нобуд бўлади. Тухумли поячаларни эритишга асосланган иккинчи вариант жуда қулай. Бунинг учун садкаларнинг олтинкўз тухумлари ёпишган қофозли ёки матоли сирти натрий гипохлоритнинг 0,8% ли сувли эритмасига ботириб қўйилади ва  $24^{\circ}\text{C}$  гача иситилади. Кейин қофоз ёки матони эритмадан чиқариб, ҳавода 16 соат тутилади. Поячалари эриган тухумларни майда катакли ғалвирга тушириб, яхшилаб ювилади ва қуритилади.

Тошкент Давлат аграр университети томонидан олтинкўзни мум парвонасида қўпайтириш усули ҳам ишлаб чиқилган (Мирзалиева, 1985). Олтинкўз бу усулда қўпайтирилганида у хўрароқ ва унинг жинсий маҳсулдорлиги юқорироқ бўлади. Бунда мум парвонасини тўғри қўпайтира олиш муҳимдир. Бунда ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигига, озуқа таркиби ва озиқлантириш муддатларига қатъий риоя қилиш керак. Хона ҳарорати  $28-30^{\circ}\text{C}$  ва намлиги 80-85 % бўлиши олтинкўзни қўпайтириш учун оптималь шароит ҳисобланади. Бу мақсадда дастлаб 3 литрли баллонга 01 озуқадан (3-жадвал). 100 г солиб, устига катта ёшдаги мум парвонаси қуртларидан 220 дона солинади. (бу қуртлар қўпайтирилувчи садоклардан олинади). 8-10 кун ўтгач, яъни 10-15% капалаклар уча бошлагач, баллонларга яна 02 озуқадан 150 г солинади. Капалакларнинг 50% уча бошлагандага банкаларга 100 донадан олтинкўз тухуми солинади.

3-жадвал

#### **Оддий олтинкўзни қўпайтиришда қўлланиладиган озуқалар ва уларнинг таркиби (Кимсанбоев ва б., 1999)**

	<b>Компонентлар</b>	<b>%</b>	<b>Тайёрлаш тартиби</b>
01	1) III нав буғдой уни	56	Дастлаб 2-5 компонентлар қанд ва

	2) Сут 3) Маргарин 4) Ачитқи 5) Қанд (шакар)	20 2 2 20	маргарин эригунча ( $25-27^{\circ}\text{C}$ да) аралаштирилади. Кейин ун қүшилади ва аралашма бир сутка қолдирилади. Сўнгра патнисларга 5 см қалинликда ёйилиб, автоклавда 2 атм. босимда 45 минут стерилланади.
02	1) Қуритилган мевалар (мева қоқи) 2) Қанд (шакар) 3) Сув	35 15 50	Қайнаётган сувга шакар солиб, 20 минут қайнатилади ва унга мева қоқи аралаштирилади.

Личинкалар мум парвонаси тухумлари ва капалакларнинг қолдиқлари билан озиқланиб, 7-8 кун ичидаги ривожланишини тугатади ва мева қоқилар ораларида ғумбакка ўтади. Яна 6-8 кун ўтгач, энтомофаг имаголари учун бошлайди. Бу имаголар асал ёки мум парвонаси қуртларининг гемолимфаси билан озиқлантирилади. Имаголар учун бошлагач (6 кун ўтгач), уларни 3 литрли баллонларга 100 жуфтдан териб солинади.

Агар олинадиган тухум далага чиқарилиши лозим бўлса, баллонларга тухум қўйиш учун ёғоч пайраҳаси ёки қипиғи солиниши лозим. Тухумлар лабораторияда қоладиган бўлса ва тухум қўйиш учун ҳар хил мато тасмалари солинса, тухумларни санаш осон бўлади (Кимсанбоев ва б., 1999).

**Олтинқўзни дон қуясида қўпайтиши.** Ҳозирги вақтда биолаборатория шароитида олтинқўзни 3 литрли баллонларда дон қуяси тухуми ва капалакларида қўпайтириш имконияти яратилган бўлиб, бу усул амалиётга татбиқ этилмоқда (Кимсанбев, Сулаймонов, Рашидов, 1999). Бунинг учун 3 литрли банкага 0,5 г ситотрога тухумини солиб, 3 кунгача  $25-27^{\circ}\text{C}$  да сақланади. Тухумдан чиқсан ситотрога қуртларига ҳар баллонга 400-500 граммдан олдиндан тайёрлаб қўйилган арпа ёки буғдой солинади. Бунинг учун буғдой ёки арпа тозаланиб, қайнаб турган сувга 3 минутда 3-4 марта ботирилиб, кейин бир сутка димлаб қўйилади. Сўнгра ситотроганинг личинкалари чиқсан банкаларга солиб қўйилади. 20-23 кун мобайнида ситотрого заарлаган арпа ёки буғдой солинган банканинг тепасига намланган мато ёпиб қўйилади. Вақти-вақти билан мато намлаб турилади. Шу вақт ичидаги ситотрого имагоси учидаги чиқиб, тухум қўйишини бошлагандан 3-4 кун ўтгандан сўнг ҳар бир банкага 400-500 тадан тухумдан чиқишига тайёр бўлиб турган олтинқўз тухуми киритилади. Тухумдан чиқсан личинкалар шу банканинг ўзида ғумбакка айланниб, 20 кун ичидаги имагога айланади. Имагони

ҳар куни учиреб олиниб, олтинкўзнинг тухумини олиш учун алоҳида банкаларга кўчирилади.

**Олтинкўзни сақлаши.** Олтинкўзни биологик усулда қўллашда яхши самара олиш шартларидан бири уни тўғри сақлашдир. Лаборатория шароитида олтинкўзни барча ривожланиш босқичларида сақлаш мумкин. Энг қулай усул тухуми ёки имагосини сақлашдир. Тухумларни 1,5 ойгача, имагони 6 ойгача сақлаш мумкин.


Кўшимча озиқлантирилган олтинкўз имаголари тозаланиб, учдан бир қисмига қадар пайраҳа солинган 3 литрли баллонларга 400 тадан солинади. Банкалар 8°C ҳароратда ва 85-90% ҳаво нисбий намлигида совитгичда сақланади. Ҳар 15 кун оралатиб банкалар оптимал шароитга чиқарилиб, ҳар 2 кун олтинкўзлар қўшимча озиқлантирилади. Олтинкўзни совитгичда узоқ муддат сақлашнинг имкони бўлмагани учун хоналарда табиий муҳитга яқин шароит яратиб ҳам сақлаш мумкин. Бунинг учун хонада 20°C дан паст ҳарорат бўлиши ва хонанинг поли нам ёғоч қипиғи билан қопланган бўлиши лозим. Унинг устига йиртқич олтинкўз солинган банкаларни қатор териб, яна унинг усти ёғоч қипиғи билан қопланади. Бундай шароитда энтомофагни 3-3,5 ой сақлаш мумкин. Олтинкўз тухумларини сақлаш учун ярмигача ёғоч қипиғи солиниб, устига латта материалларга қўйилган тухумлар солинади. Баллонларнинг оғзини ёпиб, совитгичда 8°C ҳароратда, 80-85% нисбий намлиқда 1-1,5 ой сақлаш мумкин. 5°C ҳарорат ва 60-80% ҳаво нисбий намлиги олтинкўз тухумларини сақлашнинг мақбул шароити ҳисобланади. Шундай шароит яратилса, 1-2 кунлик тухумлар 30-35 кунгacha сақланади, 70-80% бундай тухумлардан ҳаётчанлиги пасаймаган личинкалар очиб чиқади. Йиртқичнинг биринчи ёшдаги личинкаларини 30-40 кун, иккинчи ва учинчи ёшдагиларини кўпи билан 20 кун сақлаш мумкин. Ғумбакларни бир ойгача сақлаш имконияти бор, аммо улардан тутғилган ҳашаротларнинг жинсий пуштдорлиги пасаяди. Диапаузага кирувчи вояга етган олтинкўзларни сақлаш жуда маъқул кўрилади. Фаол урғочиларни диапаузага киритиш учун ёруғликкуни 10 соатгача қисқартирилади. Қанотларининг тузи яшил ёки салат рангидан оч-пуштига ўзгариши ҳашаротнинг диапаузага киришидан далолат беради.

### **Браконни кўпайтириш.**

**Бракон** (*Bracon hebetor*) параситмон қанотли (*Hymenoptera turkumi, Braconidae оиласи*) ларга мансуб паразит яйдоқчи. Вояга етган браконнинг ранги сарғиш-қонсимондан деярли қорамтиргача ўзгариб туради. Урғочисининг ўлчами 2-3 мм, қанотлари ёзилганда эса 4-5 мм. Боши ва уч

жуфт оёқлари баҳорда жигарранг, кузда эса тўқ-жигарранг. Урғочисининг мўйлаби 16-17 бўғимли, маржонсимон, тўқ-жигарранг, усти малларанг тукчалар билан қопланган. Қорни олти бўғимли, оёқлари сарғиш-кулранг, устки томони тўқ-кулранг ва тукчалар билан қопланган, қорни охирида сарғиш-жигарранг, 0,9-1 мм узунликдаги тухум қўйгичи жойлашган. Эркакларининг мўйлаби 23-26 бўғимли, улар урғочиларникига нисбатан бироз майдароқ. Браконнинг тухуми сутсимон-оқиши, камдан-кам оч-сарғиш, узунлиги 0,45-0,5 мм, эни 0,2 мм, цилиндрический, устки қисми бироз инкичкалашган, одатда бироз эгилган.

Учинчи ёшдаги личинкасининг ранги хира-оқиши, ялтироқ-яшилдан ялтироқ-сарғишгача ўзгариб туради, бу кўпинча хўжайин қурт рангига бевосита боғлиқдир. Унинг узунлиги 3-4 мм, боши хира-сарғиш рангли, оғиз аппарати қучли ривожланган, жағлари ўроқсимон. Личинканинг танаси 13 бўғимдан иборат, оёқсиз, унинг елка томони ноаниқ оқ доғчалар билан қопланган. Бу хусусият уни 1 ва 2-нчи ёшдаги личинкалардан ажратиб туради.



Бракон яйдоқчиси (А. Блюмер расми)

Ғумбаги эркин, 2,5-3 мм узунликда, эни 1,6 мм, 4 мм ўлчамдаги оқ пиллача ичида жойлашган. Ғумбак охирги ривожланиш даврида малла-жигарранг тус олади. Табиатда браконнинг оталанган урғочи зотлари ўсимлик қолдиқлари, дараҳт пўстлоқлари остида, дараҳтларнинг буралиб, аммо тўкилмай қолган баргларида қишлийди.

Эрта баҳорда (март-апрел) ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 17-20°C га етганда бракон қишилашдан чиқиб, 1,5-2 ойгача яшайди ва соябонгуллилар, дуккаклилар ҳамда бошқа маданий ва ёввойи ўсимликлар гулларининг нектари билан озиқланади. Чунки тухумлари етилиши учун урғочи зотлар албатта гул нектари ёки хўжайин гемолимфаси билан озиқланиши шарт.

Бракон ўлжасини излаганда хўжайини ҳисобланган қуртларни уларнинг ҳидига ёки уларнинг экскрементлари ҳидига қараб аниқлайди. Шунинг учун ҳам ўсимлик меваси (кўсак, помидор ва х.) ичида қуртларни бракон осонликча топа олади. Урғочи бракон зотлари ўлжа танасига тухум қўйишдан олдин унинг елкасига тухум қўйгичини саншиб, фалажлайди. Натижада қурт

ҳаракатсизланиб, озиқланишдан түхтайди. Бракон ўлжасини заарлаганда фақат захар безидаги қўшимча заҳардан фойдаланади. Умуман олганда битта урғочи бракон заҳаридан 1 млн. 600 минг хўжайин қуртлари фалажланиши мумкин.Бракон ривожланиши учун оптимал ҳарорат  $27\text{-}32^{\circ}\text{C}$  ва ҳаво намлиги 75-80%. Бу шароитда браконнинг тўлиқ ривожланиши учун 8-12 кун керак бўлади. Вояга етган бракон ёзда озуқасиз 2-3 кун яшай олади, холос, турли озуқалар билан озиқланганида (гемолимфа, углевод) эса 12 кундан 30 кунгача яшashi мумкин.Браконнинг жинсий маҳсулдорлиги  $28\text{-}30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда бир кунда ўртacha 10-30 дона бўлса,  $32\text{-}35^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 60 дона. Ҳарорат  $16^{\circ}\text{C}$  дан пасайганда у тухум қўйишдан түхтайди. Урғочи бракон капалаклар қуртларини заарласада, уларнинг ҳаммасига ҳам тухум қўявермайди.Бракон тухум қўйишда хўжайин танаси сиртининг силлиқлигига, сийрак туклигига, унинг тана ўлчамига эътибор беради, яъни юқорида келтирилган қўрсаткичлар қанчалик оптимал бўлса, паразит қўядиган тухум сони ҳам шунчалик кўп бўлади. Шунинг учун ҳам яйдоқчи қўпинча ўрта ва катта ёшдаги қуртларни заарлайди. Кўп йиллик тажрибаларда қузатилишича ҳар бир ғўза тунлами қуртининг танасига 50 дан қўпроқ (ўртacha 20-25 та), маккажўхори капалаги қурти танасига 40 тагача (ўртacha 15 та), мум парвонаси қурти танасига 35-60 тагача (ўртacha 12-15 та), ун парвонаси қурти танасига 10-12 (ўртacha 5 та) тухум қўйиши аниқланган. Ҳароратга қараб тухумлардан личинка чиқиши учун 0,8 дан 6,5 кунгача, личинкалар тўлиқ ривожланиши учун 1,8 дан 12,1 кунгача ва ниҳоят гумбаклардан етук зотлар учеб чиқиши учун 4,4 дан 26 кунгача вақт керак бўлади.Вояга етган бракон ҳам ташқи муҳит шароитларига қараб 7 кундан 50 кунгача яшashi мумкин.Умуман олганда ғўза тунламининг битта қуртида 60 тагача, маккажўхори парвонасиникида 40-60, жанубий омбор ва ун парвоналари қуртларида 10 тагача, мум парвонаси қуртида 30 тагача, арвоҳ капалаги қуртида эса 250 тага қадар бракон личинкалари ривожлана олиши мумкин. Бракон жуда серпушт, кўпайтириш шароитларига қараб ва хўжайин турига мос равишда ҳар бир урғочиси 100 тадан 800 тагача тухум қўйиши кузатилган.Браконнинг оталанган тухумидан урғочи ва эркак, уруғланмаган тухумларидан эса фақат эркак зотлар ривожланади. Личинкалар хўжайин қурт танасида 3-5 кун озиқланади, кейин узунчоқ, оқ пиллача ўраб, ичида гумбакка айланади. 5-8 кун ўтгач гумбаклардан вояга етган браконлар учеб чиқади. Одатда урғочи:эркак нисбати 1:1 бўлади. Табиатда урғочи бракон ўз хўжайини қуртининг ёшига қараб, 150-300 тага қадар қуртларини заарлайди. Экинзорлардаги зааркунанда популяцияси қалинлиги катта бўлса, урғочи бракон уларнинг кўпчилигини заарлайди ва заарланган қуртларнинг фақат 60-70 фоизи тухум қўяди. Одатда заарланган қуртлар 13-

35 кунгача ва ундан ҳам кўпроқ бузилмасдан сақланади. Бу муддат бракон авлодининг тўлиқ ривожланиши учун етарли. Тухум қўйишдан олдин ургочи бракон хўжайин танасига бир неча бор тухум қўйгичини санчади ва бу санчиклар ўрнидан чиқсан гемолимфа билан вояга етган ургочи ва эркак браконлар қўшимча озиқланади. Табиий шароитда мавсум давомида бракон 12-16 марта гача авлод бериши, лаборатория шароитида эса уни йил давомида кўпайтириш мумкин. Республика изда дастлаб бракон яйдоқчисини лаборатория шароитида оммавий кўпайтириш усуллари ЎзР ФА зоология ва Тошкент қишлоқ хўжалик институтларида ишлаб чиқилган. Бунда паразитнинг хўжайини сифатида ун ва мум парвоналари қуртларидан фойдаланилган.

**Бракон яйдоқчисини оммавий кўпайтириши** қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- хўжайнин кўпайтириш ва уни заарлаш;
- паразитни кўпайтириш ва уни йигиштириш ҳамда сақлаш.

Республика ишлаб чиқариш биолабораторияларида бракон фақат мум парвонаси қуртларида кўпайтирилади. Шунинг учун ҳам мум парвонаси тўғрисида маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

**Браконнинг табиий популяциясини йигиши ва «қўр» («она») маҳсулот кўпайтириши.** Ҳар йили август-сентябр ойлари далада кечки помидор ва маккажўхори экинларидан ғўза тунлами қуртларининг заарланганлари ва заарланган қуртларда учрайдиган браконни турли ривожланиш фазаларида – тухум, личинка, гумбаклари билан йигиштирилади.

Браконнинг вояга етганларини табиатда йигиши мақсадида маҳсус №11 ёки №9 капрон тўрларидан 50x50 мм ўлчамли халтачалар тайёрланади. Уларнинг уч томони тикилиб, ичига бир неча дона (10-15 та) ун парвонасининг катта ёш қуртлари солинади, халтача оғзи қуртлар чиқиб кетмайдиган даражада тикилиб, ипчалар ёрдамида боғдаги дараҳтларга ёки дала экинзорларига илиб қўйилади. Илиб қўйилган халтачалар ҳар куни кузатиб турилади. Мабодо ун парвонаси қуртлари бракон билан заарланиб, унга тухум қўйилгани аниқланса, унда халтачалар эҳтиёткорлик билан йигиб олиниб, баллонларга солинади ва бракон кўпайтириш учун қўйилади. 8-10 кундан сўнг учиб чиқсан табиий бракондан янгилаш учун материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Октябр-ноябр ойларида эса кечки маккажўхори, озуқа лавлаги, ёввойи ўтлардан – қўйтикандан маккажўхори капалаги қуртлари ҳам йигилади.

Браконнинг вояга етганлари 2 кун давомида лабораторияда қўшимча озиқлантирилади ва кейин пробиркаларга бир жуфтдан жойланади, пробиркага маккажўхори қурти ҳам солинади. Курт фалаж қилиниб, унга

тухум қўйилгандан сўнг, такрорий фойдаланиш учун бракон бошқа пробиркага эҳтиёткорлик билан кўчирилади.

Табиий бракондан (маккажўхори парвонаси қуртидан ва б.) олинган янги авлод «қўр» маҳсулот мум парвонасида кўпайтирилиб, биологик маҳсулот шу тарзда янгиланади.

**Браконни тарқатиши технологияси.** Браконни тарқатишга тайёрлаш учун 3 литрли баллонларда кўпайтирилган яйдоқчилар қўлда ёки баллонлари билан йиғувчи мосламага қўйилади. Йиғувчи мослама лампа ёрдамида кучли ёритилганлиги туфайли ҳамда браконда ижобий фототаксис мавжудлиги туфайли улар баллонлардан ёруғликка учиб чиқади, йиғувчи мосламада 20% асал билан озиқлантирилади ва эркаклари билан ургочилари чатишади. 2 кундан сўнг браконнинг бир қисми далага тарқатиш учун, бир қисми эса қайта кўпайтириш учун маҳсус автоматик ҳисоблагич ёрдамида баллонларга йиғилади.

Далада суткалик ҳарорат  $28,3^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлик 45%, шамол тезлиги 5-7 м/сек ни ташкил этганда, урғочи яйдоқчи ҳар томонга биринчи куни 100, иккинчи куни 250, учинчи куни 350, тўртинчи куни 400, бешинчи куни 500 ва олтинчи куни 550 метргача учиб, тарқалади.

Ғўза тунлами қуртига браконни тарқатиш. Бракон 100 туп ўсимликда 2-3 та ўрта ёшдаги қурт пайдо бўлиши билан, паразит (бракон):хўжайин (ғўза тунлами қурти) 1:15, 1:10 ва 1:5 нисбатларида, 10 кун оралатиб 3 марта тарқатилади. Яйдоқчининг биологик самарадорлиги 80-85% ни ташкил этади.

### **Трихограммани кўпайтириш.**

Биофабрикаларда трихограммани оммавий кўпайтириш технологияси республикамизда кенг қўлланилади. Ўзбекистонда 900 га яқин биолабораториялар мавжуд бўлиб, улардан қарийб 500 таси механизациялаштирилган линиялар асосида ишлаб турибди. Биофабрикаларнинг аксари икки-тўрт линиядан ташкил топган. Намангандаги энг йирик биофабрика механизациялаштирилган 16 та линиядан иборат.

Бу жойда ҳар 100 кг арпа ҳисобидан энг кўп (1 кг дан ортиқ) ситотрога тухуми олинмоқда.

Механизациялаштирилган линияларнинг бир жойда жамлаштирилиши улардан техникавий ва иқтисодий жиҳатдан яхши фойдаланиш имконини беради.

Трихограммани оммавий кўпайтириш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

-«Қўр» (она) маҳсулотни янгилаш ва йиғиш;

- Дон куясини кўпайтириш;
- Дон куяси капалаклари ва тухумини олиш;
- Дон куяси тухумларини трихограмма билан заарлаш;
- Трихограммани қўллаш.

«Қўр» маҳсулотни янгилашдан мақсад трихограмма дон куяси (ситотрога) тухумларида узлуксиз кўпайтирилганда, у ўзининг табиий хусусиятларини борган сари йўқота боради. Жумладан, дон куясида 3 авлод кетма-кет кўпайтирилган трихограмманинг жинсий маҳсулдорлиги 50-60% га, 5 авлоддан кейин эса 70-80% га камаяди. Шунинг учун трихограмманинг «қўр» маҳсулотини унинг ҳақиқий хўжа-йинлари – тунламлар тухумида янгилаш зарур. Бу мақсадда табиий шароитда тунламлар тухумлари августдан бошлаб йифилади. Мабодо табиатда тунлам тухумларини йифиши самара бермаса, унда бундай тухумлар лаборатория шароитида етиштирилган тунлам капалакларидан олинади. Олинган тухумлар майдада қоғоз бўлакчаларига қанд шарбати билан ёпиштирилиб, дала ўсимликларига илиб қўйилади. Орадан 3 кун ўтгач тухумли қоғозчалар даладан қайта йифиб олиниб, шиша банка ёки пробиркаларга жойланниб, 25-28°C ҳароратда сақланади. Заарланган тухумлардан табиий трихограмма учиб чиқиши билан улар алоҳида йифилади.

«Қўр» маҳсулот етказиш учун тунламлар тухумини лаборатория шароитида кўплаб етиштиришга эҳтиёж туғилади. Бунинг учун тунламлар капалаклари ёруғликда йифилади ёки уларнинг қурт ҳамда ғумбаклари табиатдан йифилиб, лаборатория шароитида капалак фазасига қадар ўстирилади. Табиатдан йифилган ёки лабораторияда олинган капалаклардан тухум олинади. Бунинг учун шиша банкаларга 8-10 донадан капалакларнинг эркак ва ургочилари жойланади. Капалак тухум қўйиши учун бир текис қилиб қирқилган қоғоз парчалари қат-қат (гармошка шаклида) букланиб, идишга солинади ва идиш оғзи мато билан бекитилади. Капалаклар қўшимча озиқланиши учун идиш ичига 20% қанд шарбати шимдирилган пахта бўлаги илиб қўйилади. Капалакли шиша банкалар 25-26°C ҳарорат ва 65-70% нисбий намлик муҳитида сақланади. Идиш ҳар куни бир марта қараб чиқилиб, тухумли гармошка қоғоз ажратиб олинади, капалакмурдалари олиб ташланиб, тириклари билан алмаштирилади.

Ажратиб олинган тунламлар тухумлари «қўр» маҳсулот етиштириш учун фойдаланилади. Даладан йифиб олиб, 1 литрли шиша идишларда сақланаётган трихограмма лабораторияда олинган тунлам тухумларини заарлаш учун қўлланилади. Бу мақсадда жинсий чатишган трихограмма 1:20 (паразит:хўжайин) нисбатда тунлам тухумларига кўчирилади. Трихограммани қўшимча озиқлантириш учун идиш мато қопқоғи устига 10%

қанд шарбати шимдирилган пахта бўлаги қўйилиб, идишлар  $24-25^{\circ}\text{C}$  ҳарорат ва 70-75% ҳаво нисбий намлигига, ёргу хоналарда сақланади. Орадан 5-7 кун ўтгач паразит билан заарланган тухумлар қораяди. Бундай тухумлар ажратиб олиниб, тунламлар тухумлари тўдасини заарлаш учун фойдаланилади. Бу жараён 3-4 марта такрорланиб, керакли миқдордаги трихограмма «қўр» маҳсулоти етиштирилади.

Биолабораторияларда кўпайтирилаётган трихограмманинг ҳаётий жараёнларини таъминлаш ва самарали маҳсулот етиштириш мақсадида паразит куз ва қиши ойларида диапауза ҳолатига киритилади. Бунинг учун дон қуяси тухумлари ёпиштирилган шиша баллонларга трихограмма қўйиб юборилади ва баллонлар кундузи (8 соат)  $25^{\circ}\text{C}$  ва кечаси (16 соат)  $8-12^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 30 кун давомида сақланади. Кейин баллон деворидаги трихограмма билан заарланиб, қорайган дон қуяси тухумлари юмшоқ мўйқалам ёрдамида йиғиб олинади, қофоз пакетчаларга жойланади ва майиший совутгичларда  $7-8^{\circ}\text{C}$  да сақланади.

Бундай шароитда трихограммани 6 ой давомида сақлаш мумкин (Кимсанбоев ва б., 1999).

Баҳорда биолабораторияда трихограммани оммавий кўпайтириш мақсадида совутгичда сақланаётган трихограмма тухумлари 2-3 граммдан олиниб, паразит қайта жонлантириш учун шиша банкаларга жойланади. Бу банкалар  $25-26^{\circ}\text{C}$  ҳароратли, 75-80% нисбий намлиги бўлган хоналарда сақланади. Орадан 3-6 кун ўтгач заарланган тухумлардан трихограмма учиб чиқа бошлайди. Паразитни қўшимча озиқлантириш учун 20% ли қанд шарбатидан фойдаланилади.

Лабораториядаги хўжайин – дон қуяси тухумларида трихограмма кўпайтирилади. Бунинг учун арпа донидан фойдаланилади. Биофабрика қошидаги дон омборида кўплаб дон захираси сақланади. Дон зааркунандаларини йўқотиш учун омбор вақти-вақти билан фумигация қилинади.

Иш циклига киритиш олдидан ҳар бир линияга олинган 1300 кг дон ғалвирларда ювилади, қуритилади ва автоклавда 1,5 атм.босим остида 30-40 минут давомида термик усулда ёки  $90-95^{\circ}\text{C}$  қайнок сувга донни 40-60 секундга чўқтириб, хўл термик усулда стерилланади. Дастлаб дон мөгорлашининг олдини олиш мақсадида ҳар 10 л сувга 1 г дан калий перманганат қўшилади. Бу усулда заарсизлантирилган дон кюветаларга 4 см дан ошмаган қалинликда 1-2 кун – дон намлиги 15-16% га тушгунга қадар – сақланади. Бу усулнинг устунлиги шундаки, сувда чўқтирилган дон юмшаши туфайли ситотрога қуртлари доннинг ичига кириши учун қулайроқ шароит яратилади.

Юқумсизлантирилган 16% намликтаги дон ситотрода тухумлари билан заарлаш цехига ташилиб, ҳар бир кюветага 10 килограммдан жойланади. Доннинг қалинлиги 40 мм дан ошмаслиги шарт.

Зарарлаш учун ситотроганинг янги қўйилган ёки кўпи билан етти кунгача сақланган тухумлари ишлатилади. Ҳар 1 кг донга 1 г тухум олинади. Тухумлар дастлаб термостатда 25<sup>0</sup>C ҳароратда тутилади, биринчи қуртлар пайдо бўла бошлаганда улар донга кўчирилади, кювета устидаги донга бир текис сочилади ёки икки-учта қофоз бўлакчаларига жойлаб кюветаларга қўйилади. Тухумлардан қуртлар чиққандан кейин (4-6 кун ўтгач) дон ҳар беш кунда бир марта (ҳар бир кюветага 300 мл ҳисобида сув сарфлаб) намлаб турилади. Бунда намлик доимо 16% бўлиши кўзда тутилади. Цех ичидаги 23-24<sup>0</sup>C ҳарорат, 80-85% ҳаво намлиги автоматик равишда бошқарилади. Шуни айтиш керакки, ҳаво намлиги ва ҳароратини талаб қилинган даражада сақлайдиган конденционерлар ҳам биофабрика комплектига киради. Ўзбекистон шароитларида ёз мавсумида ҳароратни пасайтирадиган “Боку-1500” ёки “Боку-2500” типидаги ёки“Roison” конденционерларидан фойдаланилади.

Дон қуяси капалаклари донни заарлаганидан кейин 15 кун ўтгач, заарланиш сифати аниқланади. Бунинг учун ҳар хил кюветалардан олинган 500 та донни ништар билан ёриб кўрилади. Мабодо заарланиш 60% дан кам бўлса, ситотрода тухуми такрор қўйилиб, дон қайта заарлантирилади.

Заарланишдан кейин 25-30 сутка ўтгач, капалаклар учиб чиқа бошлайди. Донни кассеталарга тушириб, ситотрода цехига кўчирилади. Механизациялаштирилган ҳар бир линия 13 кассетали 10 та боксдан ташкил топади. Бунда ҳам ҳарорат (23-24<sup>0</sup>C) ва ҳаво намлиги (85%) автоматик равишда бошқарилиб турилади. Линия бошқариш пультида куя капалакларини ҳашарот қабул қилгичда йиғиш учун ҳар соатда куя капалаклари ўтказиб туриладиган автоматик режим яратилади. Эсда тутиш керакки, ситотрода цехида гидротермик режимга риоя этмаслик оқибатида капалаклар тухум қўйишдан тўхтайди. Дон 70-90% га заарлантирилганда, ситотрода цехида циклнинг давомийлиги 30-40 кунга боради, кейин кассеталар бўшайди, улар иссиқ сув билан ювилади, деворларига керосин пуркалади ва қориндор канага қарши профилактик кураш олиб бориши мақсадида сувда намланувчи олтингугурт суспензияси билан ишланади.

Куя йиғиш ва тухум тозалаш цехида ҳашарот қабул қилгичдаги капалаклар суткасига икки маҳал –эрталаб ва кечкурун –дозатор ёрдамида катакли термостатнинг кассеталарига 40 граммдан жойлаштирилади. Кассеталар биринчи бўлимидаги ўрнатилади, бир кун ўтгач, ундан кейингисига сурилади. Капалаклар ҳар куни 20% ли шакар шарбати билан

озиқлантирилади. Бешинчи куни улар чиқарилади. Катакчали термостатда 24-25<sup>0</sup>C ҳарорат, 80% ҳаво намлиги автоматик равища тутиб турилади. Ҳаво сўрғичига эга бўлган шкафда ҳар куни тухум йифилади. Тухумлар ПКС-1 маркали пневматик классификаторда чиқиндилардан тозаланади. Сўнгра улар ярим литрли банкаларга 150 граммдан жойлаштирилади, ёрлик ёпиширилади, 3-4<sup>0</sup>C ҳарорат ва 90% ҳаво намлигида сақлашга қолдирилади ёки ўша заҳоти трихограмма билан заарлантириш учун фойдаланилади. Мабодо тухумларни узоқ муддатга сақлаш керак бўлса, улар -196<sup>0</sup>C ли суюқ азотга солиниб, криоконсервация қилинади.

Трихограмма цехида меъёрий ҳарорат, ҳаво намлиги ва ёруғлик автоматик равища вужудга келтирилади. Биофабрика комплектига кирадиган биологик иқлим камераси трихограмма кўпайиши учун зарур барча шароитларни яратади. Ситотроганинг янги тухумлари буғ ёки дистилланган сув ёрдамида вивария пластинкасига ёки икки-уч литрли шиша баллонларнинг деворларига ёпиширилади. Вивария ёки баллонларга трихограмманинг уча бошлаган маҳсулоти, ҳар 15-20 та ситотрога тухумига битта урғочи ҳисобидан, жойлаштирилади. Паразит ва хўжайнин нисбати трихограмманинг сифати (жинсий маҳсулдорлиги) га боғлиқ бўлади.

Трихограмма далада самара кўрсатиши уни парвариш қилишга бевосита боғлиқ. Трихограмма цехида табиатдагига жуда яқин келадиган гигротермик шароит яратилиши керак. Ўзбекистон шароити учун кундузи ҳарорат астасекин 30<sup>0</sup>C гача кўтарилиши, тунда 18-20<sup>0</sup>C гача пасайиши, ҳаво намлиги эса 60-70% бўлиши энг мақбул ҳисобланади. Трихограмма ҳар куни 20% ли шакар шарбати билан пахта бўлаклари воситасида озиқлантирилади. Бунда эрталаб шарбат билан боқилади, оқшомда тоза сув берилади. Ситотрога тухумлари қорайганидан кейин улар тозаланади, заарланиш фоизи, сифати, тури, популяцияси аниқланади, ярим литрли, ёрликли шиша банкаларнинг ҳар бирига 100 г ҳисобида жойланади. Тухумхўрниучиб чиқиши билан қўллаш зарур бўлган ҳолда юпқа капрон тўр билан ёпилган банкалар термостатда сақланади ва улар учиб чиқа бошлагунига қадар 30<sup>0</sup>C ҳароратда тутилиши керак. Борди-ю, паразитни қисқа вақт (20 кунгача) сақлаш керак бўлса, у ҳарорати 3-4<sup>0</sup>C ва ҳаво намлиги 80% бўлган майший музлатгичга кўчирилади. Бироқ биофабрика комплектида трихограмма ва ситотрога тухумларини давомли сақлаш ҳамда тўплаш учун мосламалар йўқлиги сабабли ҳозирча бештагача цикл амалга оширилаяпти, бу эса ишда бир мунча мавсумийлик тутдиради. Трихограммани урчишиш ишларининг муваффақияти технологик жараёнга риоя қилиш ва меҳнатни тўғри ташкил этишга боғлиқдир. Биофабриканинг линияларида бир йил давомида саккизтагача цикл ўтказиш мумкин. Биофабриканинг бир линияси 3 минг

гектар майдондаги ғўзани мавсум мобайнида ҳимоя қилиш учун маҳсулот етказиб беради. Биолаборатория ва биофабрикаларда энтомофагларни кўпайтиришда уларнинг лабораториядаги хўжайинларига йиртқич каналар катта зарар етказади. Трихограмма хўжайиниситотрогани асосан бақалоқ кана, бракон хўжайинимум парвонасини бақалоқ канадан ташқари оддий, йиртқич, узун оёқли, тукчали оддий ва бир талай бошқа кана турлари ҳам зарарлаб, уларнинг сонини камайтиради.

*Айрим трихограмма турларининг биологик хусусиятлари:*

**T. pintoi.** Дунё бўйича кенг тарқалган ва экологик жиҳатдан пластик тур ҳисобланади. Бу тур ҳаво ҳарорати  $18\text{-}30^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 90% бўлгандан ривожлана олиш хусусиятига эга. Бу трихограмма учун энг маъқул шароит – ҳаво ҳарорати  $27\text{-}30^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 50% бўлиб, бунда уларнинг ривожланиши ва биологик кўрсаткичлари юқори бўлади. Бу шароитда уларнинг пуштдорлиги дон куяси тухумларида ўртача 43,7 дона бўлиши аниқланган. Бу шароитда эркак трихограмма зотларининг урғочи зотларига нисбати 1:3,2 бўлиши кузатилган. Ҳаво ҳарорати пасайиши ва кўтарилиши натижасида ( $15^{\circ}$  ва  $30^{\circ}\text{C}$ ) уларнинг преимагинал ривожланиши 7 кундан 40 кунгача давом этади. *T. pintoi* ни маккажўхори парвонаси тухумларига, ғўзада, қанд лавлагида, сабзовот ва полиз экинларида кемирувчи тунлам тухумларига қарши қўллаш мақсадга мувофиқдир.

**T. principium.** Ўзбекистон ҳудудида янги тур ҳисобланади. Бу тур Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятининг чўл ҳудудларида, Фарғона, Намангандан Тошкент вилоятларида учрайди.

Бу трихограмма қурғоқчиликка чидамли тур ҳисобланиб, у яхши ривожланиши учун энг мақбул шароит ҳаво ҳарорати  $28\text{-}30^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 30-35% бўлишидир. Бу шароитда трихограмманинг урғочи зотлари ўртача 42 тагача дон куяси тухумларини зарарлаш қобилятига эга. Ҳаво ҳарорати  $20\text{-}25$  ва  $27\text{-}30^{\circ}\text{C}$  га қадар кўтарилганда унинг пуштдорлик даражаси 2 баравар камайиб, эркак ва урғочи трихограммаларнинг 1:3 нисбати сақланиб қолиши кузатилган. Бу трихограмма турини Ўзбекистон ҳудудида асосан ғўза тунлами тухумларига қарши қўллаш яхши натижа беради.

**T. evanescens.** Ўзбекистонда кенг тарқалган тур ҳисобланади. У баҳор ва куз ойларида табиатда кўплаб учрайди. Бу тур ҳаво ҳарорати  $26^{\circ}\text{C}$  ва нисбий намлиги 70% бўлгандан яхши ривожланади. Биолаборатория шароитида урғочи трихограммаларнинг пуштдорлик даражаси дон куяси тухумларида 34 дона, эркак ва урғочи трихограммалар нисбати 1:3 бўлиши кузатилади. Ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги кўтарилиб-тушиб туриши уларнинг биоэкологиясига салбий таъсир қўрсатади. Бунда уларнинг тухум

қўйиш қобилияти 2 марта пасайиб кетиши қайд қилинган. Ҳаво ҳарорати  $35^{\circ}\text{C}$  ва нисбий намлиги 30-90% бўлганда трихограммалар тухум ичидаги 3-ёш личинка давригача ривожланиб, сўнгра оммавий ҳалок бўлиш ҳолатлари кузатилган.

Бу трихограммалар кўпроқ сабзавот-полиз экинларига тушадиган тунлам тухумларида текинхўрлик қилиб ҳаёт кечиради, лекин боғларда олма қурти ва барг ўровчи зааркунандаларнинг тухумларида ҳам текинхўрлик қилувчи махсус тур аро ирқлари ҳам мавжуд. *T. evanescens* полиз экинларига тушадиган зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун тунлам тухумларига ва боғда учрайдиган тур аро ирқларини олма қурти тухумларига қарши қўллаш яхши самара беради.

*T. sugonjaevi*. бутун дунё бўйича янги тур бўлиб, Ўзбекистон худудларида кўп учрайди. Унинг ранги қора-қўнғир, *T. evanescens* туридан фарқ қиласди. Бу тур учун энг мақбул ҳаво ҳарорати  $26^{\circ}\text{C}$  ва нисбий намлиги 70%. Ўртacha пуштдорлик даражаси дон куяси тухумларида 39 донани, жинслар нисбати эса 1:3 ни ташкил қиласди. Ҳаво ҳарорати  $35^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 30-90% га кўтарилиганда ҳам тухум қўйишдан тўхтамайди. Аммо қўйилган тухумлар 3-ёш личинка давригача равожланиб, дон куяси тухумлари ичидаги нобуд бўлиши кузатилган. *T. sugonjaevi* ва *T. evanescens* турлари биоэкология жиҳатидан бир-бирига яқинлиги сабабли уларни кузги тунлам тухумларига қарши қўллаш мақсадга мувоффикдир.

*T. elegantum*. республикамиизда Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларининг чўл ва ярим чўл зоналарида, асосан кўсак қурти капалакларининг тухумларида қайд қилинган. Иссиққа чидамли тур ҳисобланади. *T. elegantum* учун энг мақбул ҳаво ҳарорати  $30^{\circ}\text{C}$  ва нисбий намлиги 40%. Бу шароитда ҳам трихограмманинг жинслар нисбати 1:3 бўлиши кузатилган. Ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги кўтарилиб-тушиб туриши унинг пуштдорлик даражасига таъсир қиласди ва пуштдорлик 4-6 марта гача камайиши кузатилган. Бу трихограмма турининг энг юқори ривожланиш мезони  $36,9^{\circ}\text{C}$  ни ва пастки ривожланиш мезони  $10^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қиласди.

*T. elegantum* иссиққа чидамли тур бўлгани учун уни республикамиизнинг жанубий вилоятларида тунлам тухумларига қарши қўллаш мақсадга мувофиқдир.

### **Энкарзияни лабораторияда кўпайтириши усули.**

Энкарзия (*Encarsia*) танасининг ўлчами 6-7 мм бўлган митти ҳашорат ҳисобланиб, эркаги урғочисига нисбатан йирикроқ бўлади.


Баҳор келиши билан қишловдан чиққан маҳаллий энкарзия аввал ёввойи

ўсимликлардаги, апрел-май ойларидан бошлаб эса помидор ва шунга ўхшаш экинлардаги оққанот личинкаларини заарлайди. Табиатда энкарзия август-сентябр ойларида энг кўп йифилади ва оққанотни 40-45% гача заарлайди. Аммо бу кўрсаткич фақат ёзнинг охирига бориб кузатилади. Бу вақтгача оққанот ҳосилнинг анча қисмини нобуд қилиб улгуради. Шуни ҳисобга олган ҳолда ва юқори самара олиш мақсадида энкарзия иссиқхоналарда кўпайтирилади.

Энкарзияни кўпайтириш учун озуқа экини сифатида тамаки, бақлажон, помидор каби ўсимликлардан фойдаланиш мумкин. Иссиқхоналарда энкарзия тамакидаги оққанотда, очик далаларда эса помидор ва бақлажондаги заарқунандада кўпроқ ривожланади.

Энкарзияни кўплаб етиштиришда босқичли кўпайтириш усули самаралидир. Дастреб тамаки кўчатлари ўтқазилади. Улар 4-5 та чинбарг ҳосил қилгач, оққанот билан заарлантирилади. Оққанотнинг етук зотлари ўсимликнинг пастки баргларига тўпланиб, тухум қўя бошлайди. Орадан бир ҳафта ўтгач, баргларда личинкалар пайдо бўлиши билан энкарзия билан заарлантирилади. Бу вақтга келиб ҳар бир тамаки баргида 1000-2000 тагача биринчи ёшдаги оққанот личинкалари йифилади. Личинкаларни энкарзия билан заарлаш энкарзия ғумбаги бўлган баргларни ўсимлик шохи орасига қўйиб чиқиши орқали амалга оширилади. Бу даврда оққанотнинг биринчи ёшдаги личинкалари ривожланиб, иккинчи ёшга ўтган бўлади. Энкарзия одатда 1:5 нисбатда тарқатилади. Оққанот личинкаларида 7-8 кун ичида энкарзия ғумбаги ҳосил бўлади. Бу ғумбаклар тамаки баргида ҳосил бўлиши 70% га етганда энкарзияни йиғиштириб олишга киришилади.

Энкарзияни бу усулда кўпайтириш учун ҳарорат  $27^{\circ}\text{C}$  ва кун узунлиги 15-16 соат бўлиши керак. Йиғиштириб олинган тамаки баргидаги энкарзия ғумбакларини ажратишда «Малютка» кир ювиш машинасидан фойдаланиш мумкин. Бунда машинага олдин илиқ сув қуйилади ва 15–20 дона ўртacha катталиқдаги тамаки барги майдо бўлакларга кесиб, солинади. Қопқоғини ёпиб, 2-3 минут айлантирилади. Сўнгра машинани тўхтатиб, барглар олиб ташланади. Бунда барглардан ажратилган энкарзия ғумбакчалари сув бетида қалқийди. Заарланган оққанот личинкалари эса сув тагига чўкади.



Энкарзия паразити

Машина деворларига ёпишиб қолган ва машина тагига чўккан гумбаклар совуқ сув билан ювилиб, элақда тутиб қолинади. Иссикхоналарда кўчатлар учун ажратилган бўлимларда, тамаки бир-биридан 40-50 кун фарқи билан экиласди. Натижада энкарзияни узлуксиз етиштириш имкони яратиласди. Ёз ойларида энкарзияни кўпайтириш учун оққанот озуқа ўсимлиги кўчатини ўтқазишдан йиғишириб олгунга қадар 65-80 кун керак бўлади. Куз ва қиши ойларида бу муддат бироз чўзилиб, 75-95 кунга етади. Бу усулда ҳар  $1\text{ m}^2$  майдончада 200 минггача энкарзия етиштириш мумкин (Кимсанбоев ва б., 1999). Оққанотга қарши курашда асосан иссиқхоналардаги кўчат майдонларида биринчи оққанот етук зотлари пайдо бўлиши билан ёки кўчатни экишдан 5-7 кун олдин 10 м оралатиб, ҳар  $1\text{ m}^2$  ерга 3-5 дона энкарзия тарқатиласди. МДҲ мамлакатлари ва чет элларда оққанотга қарши кураш олиб боришда Канададан келтирилган паразит энкарзия (*Encarsia formosa*) тобора кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистонда энкарзия авлодига мансуб маҳаллий тур айниқса эътиборга лойиқ.

### **Назорат саволлари**

1. Доривор ўсимликларни зааркунандаларини айтиб беринг?
2. Тирноқгулнинг зааркунандалари ва уларга қарши кураш чораларини гапириб беринг?
3. Доривор ўсимликларни зааркунандаларига қарши уйғулашган ҳимоя тизимини айтиб беринг?

### **Интернет сайтлари**

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
3. <http://www.Ziyonet.uz>
4. <http://www.activestudy.info/muchnistaya-rosa-smorodiny>
5. <https://floristics.info/ru/stati/ogorod/2637-topinambur>

## V.КЕЙСЛАР БАНКИ

Таълим жараёнининг сифати таҳсил олувчининг ўқитиши методларини тўғри танлашига боғлиқdir. Тўғри танланган метод таълим олувчиларнинг янги билимларни онгли ва чуқур ўзлаштиришларига, уларда фаоллик ва ижодкорликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли тажрибали ўқитувчи таълим самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитишининг кўп сонли методларидан энг қулай ва ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштирадиган методларни танлайди. Таълим методларини танлаш ҳар бир дарснинг дидактик мақсадига боғлиқ бўлиб, ўқитувчи мавзунинг ҳажми ва мураккаблиги, таълим олувчиларнинг ўқув имкониятлари, яъни қизиқиши ва қобилиятларини эътиборга олиб дарсни оқилона ташкил этиши керак. Ўқитувчи томонидан пухта режалаштирилиб, танланган метод таълим олувчиларни фаолликка, назарий билимларини амалда қўллашга ундаши лозим. Ана шундай фаол таълим методларидан бири “case study” –вазиятларни таҳлил қилиш методидир.

Аниқ вазиятлар методи - кейс-стади (case инглиз - тўплам, аниқ вазият, study - ўрганиш) таълим олувчиларни муаммони ифодалашга ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи фаол таълим методлардан бири бўлиб, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади.

Кейс-стади муайян ўқув мақсадли билим олиш воситаси сифатида ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу мақсадлар кенг кўламли бўлиб, ахборот, маълумот ёки тафсилот билан таъминланишини назарда тутади. Кейс ўқув материалини ўзлаштириш учун кўмаклашувчи ахборотни ўз ичига олади.

Кейс-стади таълим олувчиларнинг ҳамкорликда аниқ бир иш жараёнида содир бўлган вазиятни (кейсни) таҳлил қилиш орқали унинг ечимларини топиш, ишлаб чиқиш, таклиф этилган алгоритмлар –ечимларга баҳо бериш ва қўйилган муаммо ечимлари ичидан мақбулини танлашни назарда тутади.

Кейс-стади қўшимча ахборотлардан, жумладан, аудио, видео ва электрон етказувчилар ва ўқув-услубий материаллардан иборат бўлиши мумкин.

**Кейс-стади методининг қуйидаги афзал томонларини кўрсатиб ўтиш мумкин:**

- гуруҳларнинг ягона муаммоли майдонда ҳамкорликда ишлаш имконияти;
- қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш бўйича амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини бериши;

- таҳлил қилиш, тенглаштириш йўлларини қидириш ва муаммони очиш эркинлигини бериши;
- муаммоли таълим принципларига асосланганлиги;
- таълим олувчиларда умумлаштириш, таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириши;
- билим ва кўникмаларнинг амалда бажариш орқалиш ўзлаштирилиши.

### **Кейс-стади таълим олувчиларда қуидаги кўникмаларни ривожлантиради:**

- таҳлил қилиш
- амалий фаолият
- коммуникативлик
- изланувчанлик
- ижодийлик
- ўз-ўзини таҳлил қилиш.

#### **Кейснинг педагогик паспорти**

**1) аннотация**

**2) кейс**

**3) таълим олувчига услубий кўрсатмалар**

**4) ўқитувчи – кейсологнинг кейсниҳал этиш варианти**

**5) ўқитишининг кейс-технологияси**

**Аннотация**

**Мавзу:** Ўсимликларни заарли организмлардан ҳимоя қилишнинг уйғунлаштирилган тизими, агротехник усулини уйғунлашган кураш тизимдаги ўрни.

### **Берилган кейснинг мақсади:**

Таълим олувчиларни ўсимликларни заарли организмлардан ҳимоя қилишнинг уйғунлаштирилган тизими, агротехник усулини уйғунлашган кураш тизимдаги ўрни ҳақидаги билимларни ўрганиш. Ўсимликларни заарли организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилишга оид муаммоларни кейс асосида аниқлаш ва ечимини топишга ўргатиши.

### **Кутилаётган натижалар:**

- ўзлаштирилаётган мавзу бўйича билим ва кўникмаларни мустаҳкамлайди;
- мавзудаги асосий мақсадни аниқлай олади;
- Ўсимликларни заарли организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилишгабоғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда ечимини топиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлади;
- мантиқий фикрлашни ривожлантиради;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш имкониятига эга бўлади;
- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллайди;
- Ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини етакчи тармоғи эканлигини тушуниб етади;
- Ўсимликларни ҳимоя қилишқишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири эканлиги, аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноатнинг бир қанча тармоқлари учун хомашё ва чорвачиликни ем-хашак билан таъминлашда ўрни нақадар муҳим эканлигини англайди.

### **Кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун таълим олувчилар қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

- Ўсимликларни заарли организмлардан уйғунлашган ҳимоя қилиш фани бўйича билимга эга бўлиш;
- Ўсимликларни заарли организмлардан биологик ва кимёвий ҳимоя қилишга оид билимларга эга бўлиш;
- мавзунинг асосий моҳиятини аниқлай билиш;
- Ҳашаротларнинг ривожланиши ва уларга қарши кураш чораларини билиши;
- Ҳашаротларга қарши курашни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

### **Таълим олувчи амалга ошириши керак:**

- мавзуни мустақил ўрганади;
- муаммоларни аниқлайди;
- фаразларни илгари суради;
- ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди;
- маълумотларни таққослайди, таҳлил қиласди ва умумлаштиради;
- маълумотларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқиб, мустақил қарор қабул қиласди;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, якуний хулоса чиқаради.

**Дидактик мақсадларга** кўракейс, ўтилган мавзу бўйича кўникма ва малакалар орттиришга мўлжалланган, шунингдек бу кейс ўсимликларни ҳимоя қилишнинг умумий тавсифи, ривожланиш шароитига оид ҳаётий муаммоларни ҳал этиб, таҳлил қилиш ҳамда ечимини топишга қаратилган.

Кейс эгалланган билим ва кўникмаларни ҳаётда қўллашга йўналтирилган.

## КЕЙС

### “Ўсимликларни уйғунлаштирилган ҳимоя қилиш муаммоси”

Ўсимликларни ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноатнинг бир қанча тармоқлари учун хомашё ва чорвачиликни ем-хашак билан таъминлайди. Ўсимликларни ҳимоя қилишнингўзига хос хусусиятлари мавжуд: мавсумийлиги, муайян технологик тадбирларни маълум муддатларда ўтказиш, ташқи шароитни доимо ўзгариб туришидир. Қандай қилиб аҳолини мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш лозим?. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантириш учун Ўзбекистонда нима ишларни амалга ошириш керак?

**Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича таълим олувчиларга услубий кўрсатмалар.**

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар.
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантиришга тўсиқ бўлувчи барча омиллар ва уларнинг сабаблари ҳақидаги ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.
2. Берилган вазият	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан

билин танишиш	<p>ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга дикқатингизни жалб қилинг. Ушбу вазиятдан ҳозирги Ўзбекистонда Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантириш учун нима ишларни амалга ошириш кераклигини аниқланг.</p>
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	<p>Асосий ва кичик муаммоларга дикқатингизни жалб қилинг.</p> <p><i>Асосий муаммо:</i> Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантириш ва унга тўсиқ бўлувчи омилларни аниқлаш.</p>
4. Муаммоли вазиятни ечиш метод ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	<p>Ушбу муаммонинг олдини олиш ҳарақатларини излаб топиш мақсадида қўйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ варианtlардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг.</p>

### “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиринг

Муаммолар	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳарақатлари

### Кейсологнинг жавоб варианти

### **Муаммо:**

Қандай қилиб аҳолини мева, сабзавот ва полизмаҳсулотлари билан таъминлаш лозим? Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантириш учун Ўзбекистонда нима ишларни амалга ошириш керак?.

### **“Муаммоли вазият” таҳлили натижалари ва тавсиялар**

Муаммоли вазият тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиши ҳаракатлари
Қандай қилиб аҳолини мева, сабзавот ва полизмаҳсулотларини билан таъминлаш лозим?. Ўсимликларни ҳимоя қилишни ривожлантириш учун Ўзбекистонда нима ишларни амалга ошириш керак?	<ul style="list-style-type: none"> <li>-Ҳашаротларни ривожланишини билмаслик;</li> <li>- ўша тур ҳашаротлар бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил қилинмаганлиги;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий воситаларни етарли эмаслиги;</li> <li>-хорижий ва маҳаллий технологияларни қиёсий ўрганилмаганлиги;</li> <li>- Ҳашаротлар ривожланишини назорат қилишни такомиллашма-ғанлиги;</li> <li>-ўсимликларни ҳимоя қилишда барча агротехник тадбирларни ҳашаротларнинг ривожланиш босқичларига қараб аниқ ўтказиш зарур;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилишнинг янги технологияларини яратилмаганлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-Илмий асос яратиш – ўшатур ҳашаротлар бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш;</li> <li>-моддий-техника базасини такомиллаштириш;</li> <li>- ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий воситаларни таъминлаш;</li> <li>-хорижий ва маҳаллий усууларни истиқболлиларини танлаб олиш;</li> <li>-башорат хизматлариниташил қилиш;</li> <li>-ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларини ҳашаротнинг ривожланиш босқичларига қараб аниқ ўтказиш зарур;</li> </ul>

## VI. ГЛОССАРИЙ

№	Атама ва иборалар	Русча	Ўзбекча	Инглизча
1.	Фитопатоген агрессивлиги	<p>Способность фитопатогена к размножению в тканях восприимчивого растения-хозяина.</p> <p>Примечание. Агрессивность фитопатогена проявляется в скорости роста мицелия в тканях хозяина, в интенсивности споруляции, длительности жизненного цикла и устойчивости к экстремальным условиям</p>	<p>Фитопатоген микроорганизмни и хўжайин ўсимлик танасида ривожланиши</p>	<p>Ability fitopoagen to reproduction in fabrics</p> <p>Susceptible plant-owner.</p> <p>The note.</p> <p>Aggression fitopoagen is shown in speed Growth miseliy in fabrics of the owner, in intensity, duration of life cycle and Stability to extreme conditions</p>
2.	Акарифаг	Организм, питающийся клещами	Ўргимчаккана билан озиқланадиган организм	Theorganismeatingpincers
3.	Акарицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для борьбы с клещами	Ўргимчакканала рга қарши ишлатиладиган модда	Substance of a natural origin or product of chemical synthesis for struggle against pincers
4.	Энтомофагни	Приспособление	Интродукция	The adaptation

	акклиматизац ияси	интродуцированн ых энтомофага к новым условиям существования	қилинган энтомофагни янги шароитга мослашуви	introdysesentom ofag to To new living conditions
5.	Энтомофагни нгбиологикса марадорлиги	Способность энтомофага обнаруживать и уничтожать насекомое	Энтомофагни ҳашаротларни йўқотиш қобилияти	Ability entomofag to find out and destroy Insect
6.	Альгицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для уничтожения водорослей	Сув ўтларини йўқотиш учун ишлатиладиган кимёвий модда	Substance of a natural origin or product Chemical synthesis for destruction of seaweed
7.	Табиийўсимли кларнингзарар лиорганизмла ринингантого нистлари	Организм (обычно патоген), который не причиняет хозяину значительного ущерба, но колонизация которым хозяина защищает последнего от серьезного ущерба со стороны вредного организма	Хўжайин ўсимликларга таъсир кўрсатмайдиган, лекин заарли организмлар таъсирини олдини оладиган организмлар	Organism (usually patogen) which does not cause To the owner of a considerable damage, but colonisation which owner protects the last from the serious Damage from a harmful organiz m
8.	Арбарицид	Вещество природного происхождения или продукт	Бута ва дарахтларни йўқотишида ишлатиладиган	Substance of a natural origin or product Chemical

		химического синтеза для уничтожения нежелательной древесной и кустарниковой растительности	кимёвий моддалар	synthesis for destruction The undesirable Woodandvegetation
9.	Ўсимлик зааркунандал арининг синтетик антрактантлари	Синтетический аналог природного аттрактивного феромона, вызывающий направленное движение особей определенного пола к источнику запаха, применяемый в целях мониторинга, массового вылова или уничтожения вредителя	Ҳашаротларни маълум жинслари ҳидидан фойдаланиб, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш	Synthetic analogue natural feromon, causing the directed movement Individuals of a certain floor to the smell source, applied with a view of monitoring, mass Or destructions of the wrecker
10.	Афицид	Вещество природного происхождения или продукт ГОСТ (проект RU, первая редакция) химического синтеза для борьбы с тлей	Шираларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар	Substance of a natural origin or GOST product (project RU, the first edition) chemical synthesis for struggle against a plant louse
11.	Пестицидлар аралашмаси	Смесь нескольких совместимых пестицидов или	Бир қанча пестицидларни минерал ўғитлар	Mix of several compatible pesticides or

		пестицидов с минеральными удобрениями	билин аралашмаси	pesticides with mineral fertilizers
12.	Ўсимлик бактериози	Болезнь растений, вызываемая бактериями	Ўсимликларнинг бактериялар қўзғатадиган касалликлари	The illness of plants caused by bacteria
13.	Бактерицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для борьбы с бактериями	Бактерияларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар	Substance of a natural origin or product Chemical synthesis for struggle against bacteria
14.	Ўсимлик касалликлари	Нарушение нормального обмена веществ клеток, органов и целого растения под влиянием фитопатогена или неблагоприятных условий среды	Фитопатогенлар таъсирида ўсимликнинг нормаль ривожланишини бузилиши	Infringement of a normal metabolism of cages, bodies and the whole plant under influence fitopoagen Oradverse conditionsof environment
15.	Пестицидбрикети	Готовая к использованию препартивная форма пестицида, которая отличается сравнительно крупными размерами (до нескольких сантиметров) и	Фойдаланишга тайёр ҳолдаги препарат шакли	Ready to use preparat the form of pesticide which differs rather large In the sizes (to several centimetres) and a monolithic consistence

		монолитной консистенцией		
16.	Пестициднинг юмшоқ брикети	Готовая к использованию препартивная форма пестицида, которая отличается пластичным (тестообразным) состоянием приманочной массы	Фойдаланишга тайёр ҳолдаги юмшоқ препарат шакли	Ready to use preparat the form of pesticide which differs plastic a condition weights
17.	Пестициднинг қаттиқ брикети	Готовая к использованию препартивная форма пестицида, которая отличается твердым состоянием приманочной массы, что обычно достигается с помощью парафинов, связывающих пищевые компоненты приманки	Фойдаланишга тайёр ҳолдаги қаттиқ препарат шакли	Ready to use preparat the form of pesticide which differs a firm condition weights that is usually reached by means of the paraffin connecting food components of a bait
18.	Вермицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для борьбы с червями	Куртларга қарши ишлатиладиган кимёвий модда	Substance of a natural origin or product Chemical synthesis for struggle against hearts

19.	Ўсимлик вирози	Болезнь растений, вызываемая вирусами	Ўсимликнинг вирус қўзгатадиган касаллиги	The illness of plants caused by viruses
20.	Фитопатоген вирулентлиги	Совокупность свойств фитопатогена, обуславливающая степень его патогенности в отношении определенного растения хозяина	Хўжайин ўсимликни фитопатоген томонидан тўлиқ қамраб олиши	Set of properties fitopoagen, causing degree of its pathogenicity concerning a certain plant of the owner
21.	Ўсимлик касаллигини қўзгатувчилар	Патогенный организм, вызывающий заболевание объекта заражения	Касалликларни келтириб чиқарувчи патоген организмлар	The pathogenic organism causing disease Object of infection
22.	Ўсимликнинг фитопатогенга чидамлилиги	Неспособность растений противостоять заражению и распространению фитопатогена в тканях	Ўсимликнинг фитопатогенга нисбатан чидамсизлиги	Inability of plants to resist to infection and To distribution fitopoagen in fabrics
23.	Ҳашаротларн инг табиий кушандалари	Организм, размножающийся в естественных условиях и уничтожающий или подавляющий жизнедеятельность вредного организма растений	Табиий шароитда кўпайиб, зарарли организмларни йўқотадиган кушандалар	The organism breeding under natural conditions and destroying or suppressing ability to live of a harmful organism of plants
24.	Ўсимлик зааркунандал	Вид животного, способный	Ўсимликка иқтисодий зарар	Kind of the animal, capable

	ари	причинить повреждения растению, ущерб от которых экономически целесообразно предотвратить	келтирадиган хайвонлар ёки жонзотлар	to cause damage To plant the damage from which is economically expedient for preventing
25.	Ўсимликнинг ёппа зааркундал ари	Вредитель, характеризующийся постоянной численностью или способностью к ее увеличению и приводящий к снижению урожая или качествасельскохозяйственной продукции	Ўсимлик ҳосилини камайтирадиган ва уни ёппасига заарлайдиган зааркунданда	The wrecker characterised by constant number or ability to its increase and leading to decrease of a crop or quality of agricultural production
26.	Заарли организмнинг зарари	Отрицательное воздействие вредного организма на растение, посев или продукцию растительного происхождения	Ўсимликларга салбий таъсир кўрсатадиган ва ҳосилни камайтирадиган организмлар	Negative influence of a harmful organism on Plant, cropsorphytogenesisproduction
27.	Заарли организмни зарар келтириш қобилияти	Способность одного вредного организма наносить повреждения растениям или продукции растительного происхождения, вызывать гибель	Ўсимликларни зарарлаб уларни ҳалокатга олиб келиши	Ability of one harmful organism to put Damages to plants or phylogenesis production to cause destruction of plants or

		растений или снижать их продуктивность, или снижать качество и потребительскую ценность продукции растительного происхождения		To reduce their efficiency, or to reduce quality and Consumer value of production of the vegetative Origins
28.	Энтомофаглар ни чиқариш	Получение энтомофага из насекомых, собранных в природе или развивающихся в лаборатории	Лабораториялар да кўпайтирилган ва далага чиқариладиган энтомофаглар	Reception entomofag from the insects collected in To the nature or developing in laboratories
29.	Гербицид	Вещество природного происхождения или продукт химического синтеза для уничтожения нежелательной травянистой растительности	Бегона ўтларга қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар	Substance of a natural origin or product Chemical synthesis for destruction of undesirable grassy vegetation

## VII.АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Agrios, G. N. Plant Pathology Elsevier, xviii + 922 pp. 5th ed. 2008. USA.
4. Болтаев Б.С., Аханов Д.Д., Оренбекова Д.У., Наилучшие способы защиты хлопчатника от вредителей–Казахстан, 2016, -372 стр.
5. Alexopoulos C. J., Mims C. W., Blackwell M Introductory Mycology. 4thedWiley – IndiaIndia, 2007
6. Болтаев Б.С., Омарова Ж.С., Вредители семенного картофеля и возможности их контроля с помощью естественных врагов на полях картофеля–Казахстан, 2018, -179 стр.
7. Weber G.A. The Plant Quarantine and Control Administration: Its History, Activities and Organization Alibris, NV. USA, 2012.
8. Gnanamanickam S.S. Biological Control of Crop Diseases. Dekker New York, 2002
9. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
10. David L. Ebbels. Principles of Plant Health and Quarantine. CABI, UKUK, 2003.
11. Дж.А. МатюзБорьба вредителями сельскохозяйственных культур. Перевод с английского.Москва, Агропромиздат, 1987.
12. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
13. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
14. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарибияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
15. Интегрированная защита растений от основных вредителей и болезней в Восточной Европе и на Кавказе. Будапешт, 2017.
16. МухаммадиевБ. ва бошқ. “Ҳашаротлар экологияси ва тур таркибининг систематик таҳлили”, Тошкент, 2014.147 бет.
17. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.

- 18.Carlo Carli, Baltaev B. Aphids infesting potato crop in the highlands of Uzbekistan. Potato j. 35 (3-4) 2008.
- 19.Сулаймонов Б.А, Хасанов Б.А, Зуев В.И, Болтаев Б.С «Вредители и болезни бахчевых и тыквенных овощных культур и меры борьбы с ними». Ташкент, 2016. 175 с.
- 20.Сулаймонов Б.А, Болтаев Б.С ва бошқ., Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантини асослари. Для лабораторных занятий, Ташкент, 2014.
- 21.Stacy G., Keen N. eds. Plant-Microbe Interactions. Vol. 5 APS Press, St. Paul, MN USA, 2000.
- 22.Халилов Қ. ва бошқ., “Ғалла, пахта, сабзавот, полиз, боғ экинлари зааркунандалари ва касалликларига қарши кураш усуллари”, Тошкент, 2007 й. – 127 б.
- 23.Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни заракунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш, ҳамда агротоксикология асослари. – Тошкент: Навруз, 2014 (узб.).

### **Интернет ресурслар**

[www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

[www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html)

[www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html](http://www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html)

[www.rcmp-learning.org/docs/ecdd0030.htm](http://www.rcmp-learning.org/docs/ecdd0030.htm)

[www.uznature.uz](http://www.uznature.uz)

[www.agro.uz](http://www.agro.uz)

**Тошкент давлат аграр университети ҳузиридаги педагог кадрларни  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ  
марказида "ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ  
УЙҒУНЛАШГАН УСУЛЛАРИ" бўйича тайёрланган ўқув-услубий  
мажмууга  
ТАҚРИЗ**

Ўқув-услубий мажмуу мазмуни олий таълимнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш фанларини қамраб олган ҳолда норматив-хукукий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари билан биргаликда Ўсимликлар ҳимояси ва карантини фанининг илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютукларни ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш назарда тутилган.

Ўқув-услубий мажмуудоирасида берилаётган ўсимликлар ҳимояси ва карантини йўналиши мавзулар бир қанча ривожланган давлатларнинг тажрибалари ва таълим тизимида кўллаётган методлари асосида шакллантирилган.

Қишлоқ хўжалик экинларини зааркунданалардан ҳимоя қилишда замонавий технологиялар ва техникалари ҳамда улардан фойдаланишини ташкил этиш ва амалга ошириш. Экинларни зааркунанда хашарот, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда замонавий технология ва техникалардан фойдаланишининг ҳозирги ахволи ва уларни такомиллаштириш истиқболлари. Ўсимликларни ҳимоя қилиш усулларини кўллаш мақсадлари ва шароитлари. Ўсимликларни ҳимоя қилишни механизациялаш ва автоматлаштириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш техника ва технологияларининг техник-иктисодий кўрсаткичлари. Ўсимликларни ҳимоя қилишда татбиқ этилаётган ресурс тежамкор ва экологик тоза технологиялардан фойдаланиш Ўзбекистонда ушбу соҳани юқори даражада ривожланишини таъминлайди.

Тошкент давлат аграр университети  
Агробиотехнология кафедраси  
доценти, биология фанлари номзоди

М.А.Зупаров

